

С.МАМАШОКИРОВ, Э.УСМОНОВ

**БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ
ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК
МАСАЛАЛАРИ**

«Фан»

Ушба.
Ўзбекистон Миллий университети
Фалсафа факултети

Б

М-20

С.Мамашокиров, Э.Усмонов

**БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ
ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК
МАСАЛАЛАРИ**

B 14787

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

“Фан” нашриёти

2009

Дунё миқёсида глобаллашув жараёни тез суръатлар билан илгариланган бир паллада инсоният учун экологик хавфсизлик масалалари тобора долзарб муаммога айланиб бормоқда. Бугунги кунда дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин экологик муаммолар мавжудлигини кўриш мумкин. Уларни ўз вақтида, оқилона бартараф этиш эса жаҳон жамоатчилиги олдида турган асосий вазифа ҳисобланади.

Мазкур китобда ана шу муаммолар ва уларнинг келажакдаги тўғри ечимлари ҳақида фалсафий мушоҳада юритилади. Китоб мутахассислар, ушбу соҳа бўйича таълим олаётган талабалар ва магистрларга, инсон ва табиат масалаларига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Н.Х.Ҳақимов

фалсафа фанлари доктори, профессор

Тақризчи:

А.Абдусамедов

фалсафа фанлари доктори, профессор

ISBN978-9943-09-999-9

© Ўзбекистон Республикаси ФА
“Фан” нашриёти, 2009

КИРИШ

Инсоният цивилизацияси – биосфера табиий-тарихий ва ко-эволюцион ривожланиши қонуний натижаси бўлиб, унинг ҳозирги босқичида планетамиздаги экологик мувозанатни сақлаб қолиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, келажак авлодларга озод ва обод Ватанни қолдириш биз учун оламшумул муаммолар даражасига кўтарилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш халқаро ташкилоти хулосаларига кўра, долзарблиги жиҳатидан табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси ядро уруши хавфини бартараф қилиш билан бир қаторда турадиган энг муҳим вазифа, деб эътироф этилмоқда. Чунки: «Дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яшашига бевосита хавф-хатар мавжуд. Яъни ялли ядро уруши хавфи анча камайган бўлса ҳам, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар хавфи ҳамон таҳликали ҳолда сақланиб қолмоқда»¹.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги кунда бир томондан, ядро қуролларига эга бўлган мамлакатлар ўзаро қелишуви асосида «совуқ уруш» сиёсати аста-секин бартараф этилиб, планетар масштабда, бу хавф-хатар олдини олиш имкониятлари реаллашиб бориши билан табиатни муҳофаза қилиш муаммоси олдинги ўринга чиқмоқда. Иккинчи томондан, табиатга антропоген, антропогенетик, антропополитик ва бошқа сунъий таъсир йўналишлари комплекс характери турли миқтақалардаги иктисодий, сиёсий, демографик, этнографик вазиятлар кескинлашуви «инсон – табиат» муносабатларини мураккаблаштириб юбормоқда. Инсоният экологик ҳалокат ёқасига яқинлашиб келаётганлигини англай бошлади.

Инсоният ҳозир ўз тарихининг ғоят маъсулиятли даврида яшамоқда. Биз «табиат – жамият – инсон» муносабатларининг янги

¹Ислам Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги маърузаси. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 43-44-бетлар.

ривожланиш босқичига қадам қўйдик. Бу тарихий давр ўз имкони- ятлари, объектив тараққиёт қонуниятлари билан жамият олдига та- момила қарама-қарши бўлган дилеммани кўндаланг қилиб қўйди. Биринчиси – сайёраимизда инсон ва бошқа тирик жонзотнинг яша- ши учун мумкин бўлмаган муҳитни яратиб, цивилизацияни ҳалокатга маҳкум қилиш; иккинчиси эса – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий муносабатларимизни объектив қонуниятлар асосида қайта қуриб, ўзимиз ва авлодларимиз яшаши учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришдан иборат. Ин- соният бу дилеммани ҳал қилиши жараёнида янги муаммолар ву- жудга келиб, улар умуминсоний аҳамият касб этиб бормоқда. Иж- тимой-сиёсий фикр тарихида экологик барқарор тараққиёт ҳақидаги назарий, ғоявий қарашлар ҳаёт тажрибаларида синовлар- дан ўтиб, бунинг натижасида янги экологик тафаккур ҳамда амалий фаолият асослари ташкил топмоқда.

«Экология» тушунчаси фанга киритилганидан буён унинг мазмуни ва предмет доираси узлуксиз кенгайиб бориши, «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатлари узлуксиз такомиллашу- ви экологик илмий таълимотлар ривожланишига олиб келган. Ху- сусан, бизнинг тадқиқот мавзуимиз доираси: турли фан соҳалари предметларидаги интеграциялашиш ва дифференциаллашиш хусу- сиятларини; бевосита табиатни муҳофаза қиладиган фан тармақлари, йўналишларидаги ўзаро боғланишларига мажмуавий- тизимли ёндошиш тенденциясини аниқлашни; экологик барқарор тараққиёт қонуниятларини ҳар томонлама ўрганиш, унинг ижтимо- ий ҳодисалар тузилмасидаги ўрнини; давлат сиёсати элементлари билан муносабатларини илмий-назарий, методологик асослаш за- руратини белгилаб берди.

Экологик барқарор тараққиётни структурали-функционал таҳлил қилиш, унинг элементлари, ривожланиш даражалари ўртасидаги боғланишларни очиқ берувчи услублар мажмуасига те- гишли тарзда ёндошишнинг «назарий қашшоқлиги» табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалий фаолият сустлигига сабаб бўлмоқда. XX асрнинг кейинги ўн йилликларида ер қуррасидаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий ривожланиш, илмий- техника инқилоби оқибатлари «табиат – жамият – инсон» мажмуа- си муносабатлари йўналишларини белгилаб, экологик тафаккур би- лан ижтимоий экологик борлик ўртасидаги диалектик бирликни,

экологик барқарор тараққиёт янги сифат даражаларини вужудга келтирмоқда. Тарихий тараққиётнинг объектив ривожланиш қонуниятларидан келиб чиққан оламшумул муаммолар, инсон омилли ролининг ошиши билан ўзининг оқилона ечимини топиши тобора аниқ бўлиб бормоқда. Чунки «экологик силсилалар, инсон марказида бўлганлиги учун эмас, балки хали унинг марказий ўрнини эгалламаганлигидан келиб чиқади»¹.

Табийий атроф муҳитни муҳофаза қилиш масаласи шахс ва ижтимоий бирликларнинг экологик фаоллиги ҳамда масъулиятни ошириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, умумий тарихий ривожланиш даражасига мос равишда кун тартибига қўйилган. Бу масала жамият сиёсий усткурма элементлари ҳамда ижтимоий онг шакллариининг таълим-тарбия вазифалари таркибига киритилган. Оламшумул миқёсда экологик вазият кескинлашуви билан табиатни муҳофаза қилиш соҳасида барқарор тараққиётни амалга ошириш вазифаси янгича муносабатни тақозо қилаётир. Зеро, экологик барқарор тараққиёт умуман ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий фаолиятларнинг турли йўналишларини муштараклаштирувчи, муҳассамлаштирувчи универсал субъектив омилга айланмоқда.

Жамият тараққиётининг ҳозиргача бўлган босқичи, инсоният цивилизациясини таъминлаш манфаатлари, иқтисодий барқарор тараққиётнинг устуворлиги билан характерланган эди. Лекин шу эҳтиёж ва манфаатларнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари диалектикаси, муқаррар равишда, экологик барқарор тараққиётни амалга ошириш муаммосини вужудга келтирди. Планетадаги ҳаётни сақлаб қолиш имконини «табиат – жамият – инсон» муносабатлари мажмуасини мувофиқлаштирувчи иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий масъулиятни айнан экологик барқарор тараққиёт «чорраҳаларида» туташтирмоқда.

Республикамизнинг Марказий Осиё мамлакатлари ичида иқтисодий, жуғрофий, демографик, этнографик хусусиятлари ва халқаро экологик муносабатлардаги ўрни ўзига ҳосдир. Ўзбекистоннинг дастлаб чор Россияси, кейинчалик «қизил империя» мустамлакасига айланиши минтақадаги экологик вазиятнинг кескинлашувида муҳим сиёсий омил бўлди. Зотан, мустамлакачиларнинг тоталитаризм, субъективизм, волонтаризм, маъмурий

¹Философское сознание: драматизм обновления / Отв.ред. Н.И.Лапин. М.: Полигиздат, 1991. С.324.

буйруқбозликка асосланган марказлашган давлат сиёсатига кўра, ватанимизни қишлоқ хўжалиги, айниқса, техника экинлари хом ашё базасига айлантирилиши экологик зиддиятлар кучайишидаги асосий сабаб ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун табиатни эксплуатация қилиш тадбирлари: «капитализм босқичини четлаб ўтган», «колок» ўлкаларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ривожлантириш учун кўрсатилган коммунистик партия гамхўрлиги намунаси, деб баҳоланди. Бу «гамхўрлик», айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгунгача бўлган даврнинг кейинги 10-15 йили ичида сугориб дехқончилик қилинадиган янги ер майдонлари интенсиф ўзлаштирилиши «экологик қашшоқлик» даражасини ҳолат ошириб юборди.

1975-1990 йиллар мобайнида республика дехқончилигида фойдаланилган ер фонди 1,4 мартага ўсди, лекин ҳар 100 гектар ердан олиннадиган ялпи маҳсулот ҳажми, яъни меҳнат унумдорлиги 1975 йил даражасида қолиб кетгани ҳолда, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1990 йилда 1980 йилга нисбатан 14,8 фоизга кискарди¹. Бу тенденция Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги дастлабки йилларда ҳам ўз кучини сақлаб қолди ва оқибатларини намоён қилди. Яъни у: 1991 йил – 530,9 сўмни, 1992 йил – 481,8 сўмни, 1993 йил – 482,4 сўмни ташкил этди². Агар бунга, 1980-йиллар ўрталарида бошланган пул кадрсизланигини қўшадиган бўлсак, бу кўрсаткич янада юқори эканлиги маълум бўлади.

Иқтисодий эҳтиёжлар ва манфаатлар мутлақлаштирилиши, табиатни эксплуатация қилишдаги экологик масъулиятсизлик туфайли Ўзбекистон ҳудудида 1,0 млн. гектар ер майдони шўрланиш жараёни кучайди. Қорақалпоғистон республикаси, Бухоро, Сирдарё вилоятларида 90-95, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида 60-70 фоиз ер майдони кучли шўрланиш даражасига етди. Республиканинг аграр соҳада хўжалик юритишидаги «пахта якка ҳокимлиги» 1986

¹Охрана окружающей природной среды и использование природных ресурсов Узбекистана. Тошкент: Ўқитувчи, 1993. С.14. (Бундан кейин: *Охрана окружающей природной среды...*)

²Национальный доклад о состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан в 1994 году. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. С.116. (Бундан кейин: *Национальный доклад...*)

йилга келиб, суғориб дехқончилик қилинадиган ернинг 73,4 фоизи-ни ташкил қилди. Ўзбекистонда суғориладиган ер майдонлари кенгайтирилиши, муқаррар равишда, биосфера мувозанатида сув ресурслари балансидаги ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Орол денгизи сув захиралари кескин камайиши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, экологик зиддиятларни кучайтириб, Оролбўйи худудида экологик ҳалокатли вазиятни вужудга келтирди.

Иқтисодий муносабатларни интенсив ёки экстенсив ривожлантириш моҳияти айнан экологик вазият кескинлашувида намоён бўлмоқда. Иқтисоддаги «интенсивлик» тушунчаси, ўз мазмунига кўра, экологик фаолиятдаги «интенсивлик» тушунчасига ҳамма вақт ҳам мос келавермайди. Масалан, ер унумдорлик имкониятларини ошириш учун фойдаланилаётган сув миқдори, қўлланилаётган кимёвий ўғитлар, турли дефолиантлар, зарарқунандаларга қарши ишлатилаётган захарли моддаларнинг белгиланган илмий нормативлардан ортиги, муқаррар равишда, биосфера экологик мувозанатига салбий таъсир кўрсатади, инсонлар ва ҳайвонот дунёсининг табиий популяциясига, генофондига путур етказди.

Атроф муҳит инфлосланиши бошқа ижтимоий, иқтисодий, психологик омиллар билан муштараклашиб, инсон саломатлиги, ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши натижасида, республика аҳолиси ўртача яшаш даври 69,3 йилни ташкил қилмоқда. Экологик вазияти оғир худудларда: ўпка сили, опказон-ичак раки, қон айланиш системаси, нафас йўллари буйрак ва бошқа «экологик касалликлар» кўрсаткичлари ўсиш тенденциясига эга. Умуман, олимлар хулосаларига кўра, республика аҳолисининг 20 фоиздан ортиқроқ касалланиши бевосита экологик вазият ёмонлашуви билан боғлиқ бўлиб қолмоқда¹.

Лексиконимизда экологик борлиқ ва инсон экологик яшаш усулларининг айрим салбий томонларини мутаносиб акс эттирувчи: «экологик касаллик», «экологик патология», «экологик ўлим», «экологик монополия», «экологик кўчиш», «экологик кашшоқлик», «экологик эко-плуатация», «экологик инкилоб», «экологик агрессия», «экоцид», «экомафия», «экологик контрабанда» ва шу каби бошқа тушунчаларнинг кенг қўлланилаётганлиги ҳам бу ҳодисалар

¹Шодиметов Ю. Региональные проблем социальной экологии. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. С.111.

олдини олишнинг субъектив омили бўлган экологик барқарор тараққиёт муаммоларини ўрганишнинг додзарблигини кўрсатади.

Табиатга антропогенетик, антропотехноген, антрополоитик таъсирлар кучайиши инсон ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий фаолият доирасининг узлуксиз равишда ривожланишини ифода-лайди. Бундай вазиятда «табиат – жамият» мажмуаси муносабатла-рини оқилона ташкил қилиш ва бошқариш инсоният зиммасига алоҳида масъулият юклайди, яъни табиатни инсон борлигининг зарурий шарти сифатида, келажак авлодларга беками-кўст қилиб қолдириш жамият ижтимоий-гуманистик моҳиятидан, барқарор ри-вожлантириш эҳтиёжидан келиб чиқади.

Экологик барқарор тараққиётни амалга оширишнинг зарурати, планетамизда тирик организмлар, шу жумладан, инсон ҳаётини саклаб қолиш эҳтиёжлари билан боғлиқлигидан, турли мамлакат-ларнинг ривожланиш даражаси, миллий ва ирқий таркиби, диний эътиқоди, сиёсий партияларга мансублигидан қатъий назар, умум-инсоний манфаатларга мос келади. Шу нуктаи назардан, ҳар қандай давлат миқёсида экологик барқарор тараққиётни амалга ошириш-нинг ягона сиёсати маҳаллий ёки миллий манфаатлардан юқори кўйилмоғи лозим. Давлатларнинг ягона экологик сиёсати муаммога дифференциал ёндошишни истисно қилмайди, балки ҳудудларнинг ўзига ҳос экологик муаммоларини ҳал қилишда географик, этно-график, иктисодий ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олиш табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини белгилайди. Зеро, «тоталитаризм тузуми шароитида орттирилган бутун тажриба шундан далолат берадики, аниқ-равшан тарихий, ижтимоий-иктисодий, миллий-руҳий, демографик, табиий иқлим ва бошқа шароитларни, минтақаларнинг объектив фарқини ҳисобга олмайди-ган сиёсат ва ҳўжалик тажрибаси инкирозга учраши муқаррардир»¹.

Ҳозирча мавжуд тажрибалар шуни кўрсатадики, экологик барқарор тараққиётни алоҳида олинган сиёсий, иктисодий-ҳуқуқий, мафкуравий воситалар ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас. Бу воситалар фаолиятидаги «автономлик» нисбий мустақилликнинг мутлақлашуви муайян манфаатлар устун бўлган тоталитар, маъму-рий буйруқбозлик жамиятларигагина хосдир. Шунингдек, бу

¹Ислом Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига ҳос йўли. //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иктисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 276-бет.

ходиса, экологик фаоллик ва масъулиятни оширишга салбий таъсир кўрсатади. Маълумки, инсоннинг сиёсий система «мурватига» айлантирилиши, унинг ижтимоий фаоллигини чегаралашнинг мукамал тизимини вужудга келтирди. Хусусан, сохта ижтимоий мулкчиликка, хўжасизликка асосланган иқтисодий сиёсат кишиларда табиий ресурсларга нисбатан эгасизлик кайфиятини мустаҳкамлаш билан унга нисбатан масъулиятсиз муносабатни ҳам келтириб чиқарди.

Ижтимоий барқарор тараққиётни мавҳумлаштириш натижасида, уларни амалга ошириш тўғрисидаги назариялар, ғоялар, декларатив чақириклардан, утопик қарашлардан иборат бўлиб қолаверди. **Биринчидан**, бу назариялар ижтимоий амалиётдан ажралиб қолганлиги, ўзининг ҳаракатлантирувчи ва назорат қилувчи механизмларининг ночорлигидан ҳаётга татбиқ қилина олмади. **Тўғрироғи**, унинг татбиқ қилинишидан жамият сиёсий тизими манфаатдор эмас эди. **Иккинчидан**, ижтимоий бирликларнинг экологик барқарор тараққиёт ҳақидаги ғоялари тор доирадаги маҳаллий, маъмурий, утилитар манфаатлар чегарасида қолиб кетган. **Учинчидан**, экологик барқарор тараққиётнинг социологик кўрсаткичлари, «репрезентативлиги» муайян манфаатлар асосида ташлаб олинган. **Тўртинчидан**, экологик барқарор тараққиёт даражаларини, йўналишларини таҳлил қилишдаги хусусий факториал усулларнинг мутлақлаштирилиши мажмуавий-тизимли ёндошишга путур етказган. Шунинг учун экологик барқарор тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёт мажмуасидаги ўрни, аҳамиятини аниқлаш, унинг ички ҳаракатлантирувчи механизмларини тадқиқ қилиш, истикболини кўрсатиш фалсафий жиҳатдан долзарб муаммодир. Бундан ташқари, ҳозир махсус социологик тадқиқотларда, оммавий ахборот воситаларида барқарор тараққиётнинг «микдорий» кўрсаткичларини акс эттирувчи ғоят хилма-хил эмпирик, статистик материаллар берилмоқда. Шу материалларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириб, уларнинг методологик асосини яратиш, «сифат» хусусиятларини таҳлил қилиш, фундаментал назарий муаммо ўларок кун тартибда турибди.

Бизнинг назаримизда, фалсафий дунёқарашлар турли йўналиши ижтимоий-экология масалалари деб аталмиш умумий нуқтада кесишади. Шунинг учун ҳозирги даврдаги ижтимоий фанларнинг вазифаси муайян манфаатлар доирасида чегараланиб,

Ўжарлик билан ўз позициясида мустаҳкам туришдан иборат эмас, балки сабр-тоқат билан муқобил мулоҳазаларга қулоқ солиб, умуминсоний цивилизацияни рағбатлантиришдан иборат. Зеро, фикр эркинлиги ҳақиқатни билишнинг зарурий шартидир.

Кейинги вақтларда индустриал ривожланган мамлакатларда экологик вазият кескинлашувининг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф қилишга бағишланган тадқиқотларда жиддий муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, инсон экологик фаоллиги ва масъулиятини ошириш орқали барқарор таракқиётни таъминлаш масаласида турли ижтимоий онг шакллариининг эвристик аҳамиятини праксеологик жиҳатдан тадқиқ қилиш тенденцияси – экопрагматизмнинг аксиологик-ахлоқий йўналиши кўзга ташланмоқда. Халқ оммасининг экологик фаоллиги ва масъулиятини оширишда турли мамлакатларнинг тарихий тажрибаларини умумлаштириш, йўл қўйилган хатоларни таккослаб, таҳлил қилиш борасида жиддий илмий ишлар қилинмоқда.

«Ижтимоий борлик» тушунчаси ижтимоий онг тушунчасидан мустақил тарзда ўзининг «ижтимоийлик» мазмунига эга бўлмаганидек, экологик ижтимоий муносабат ҳам экологик онгга нисбатан бирламчи бўла олмайди. Зеро, у ёки бу томонни «бирламчи» ёхуд «иккиламчи» деб ажратиш эмас, балки уларнинг бирибирига атрибутивлигини эътироф этиш ҳақиқатга мос келади. Бу ҳақда Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида: «Эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бир ёклама қараш ифодаси... масалага бундай кескин ёндошув, хусусан, одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш, охиروқибатда, жамият ҳаётида инкирозга олиб келиши муқаррар эканини тарих қўп маротаба исботлаган»¹, – деб ёзган эди. Лекин муаллифнинг: «экологик нормалар кишиларнинг экологик фаолият чегараларини, кўламини, миқдор ва сифат кўрсаткичларини белгилайди»², – деган фикри мантикий равишда ахлоқий, ҳуқуқий, мафкуравий нормаларнинг «бирламчилигини» эътироф этиши билан диққатга сазовор. Умуман бу рисола, «замон руҳи» асосида, эколо-

¹Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 66-67-бетлар.

²Ўша асар. 103-бет.

гик амалий муносабатларни, шунингдек, онгни ривожлантиришда сиёсий ташкилотлар ролини мутлақлаштиришига қарамасдан, экологик барқарор тараққиёт масаласида ўзига хос назарий-фалсафий аҳамиятга эга.

Республикамизда экологик барқарор тараққиёт шаклланишининг социологик тадқиқоти борасида қимматли ишлар қилинган. Хусусан, А.Хукумовнинг «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси экологик онги даражаларининг таҳлили муаммолари» рисоласи маъзунининг нисбатан мукаммал социологик илмий изланишлари натижасидир. Муаллиф бу тадқиқотда экологик барқарор тараққиётнинг аҳоли ижтимоий, иқтисодий, географик, этнографик, экологик яшаш шароитлари билан диалектик боғланиш ва алоқадор эканлигининг социологик қонуниятларини очиб берган¹.

Унинг хулосаларига кўра, экологик барқарор тараққиёт:

1) ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг муштараклашган, мужассамлашган сифат кўрсаткичлари индикатори бўлиб ҳисобланади;

2) унинг даражалари билан аҳолининг иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланиши параметрлари ўртасида корреляцион боғланиш мавжуд;

3) давлат ва жамоат ташкилотларининг экологик сиёсати, стратегияси ҳамда тактикаси самарадорлиги экологик таълим-тарбияни ташкил қилишга боғлиқ;

4) аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ривожланишидаги уйғунлик: «экологик комфортни» таъминлашнинг зарурий шартидир.

¹Хукумов А. Проблема анализа уровня экологического сознания населения Республики Узбекистан. Ташкент: ТЭУ, 1994. С.30.

1-БОБ. ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Ҳар қандай ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий фаолият, ўзининг фундаментал ва экспериментал асосларини методологик жиҳатдан таъминлаган ҳолдагина илмий-амалий аҳамиятга эга бўлади. Шу нуқтага назардан, экологик барқарор тараққиётни шакллантиришнинг назарий, практикологик йўналишларини, методологик асосларини конкретлаштириш зарурати долзарб фалсафий муаммо бўлиб қолмоқда.

Экологик барқарор тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар мажмуасидаги тарихий генезисини, мазмунини, категориал аппарати тизимини аниқлаб, амалий йўналишларини туркумлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш, мазкур мавзу доирасидаги тадқиқотлар илмий аҳамиятини, амалий қийматини белгилайдиган муҳим мезон ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида экологик барқарор тараққиётнинг ўрни

Маълум тарихий даврларда фаолиятнинг муайян йўналишлари ижтимоий-тараққиёт бош мезонига айланган. Масалан, уйғониш даврида маданият, санъат, бадий ижод, архитектура; сиёсий кўтарилишлар, инқилобий ўзгаришлар даврида сиёсий, синфий фаоллик; иктисодий инкирозлардан чиқиш эҳтиёжлари бозор иктисодиёти муносабатларининг йўналишларини белгилаб берган. Ҳозирги кунга келиб, экологик муаммоларнинг умумбашарий миқёсда ижтимоий, иктисодий, сиёсий, маънавий зиддиятларни кескинлаштириб юбориши, экологик барқарор тараққиётни рағбатлантиришни тақозо қилмоқда.

Экологик барқарор тараққиётни тизимли-тузилмали, мажмуа-

вий-фалсафий таҳлил қилиш учун табиат муҳофазаси билан боғлиқ: «фаоллик» ва «фаолият», «экологик фаоллик» ва «экологик фаолият», «ижтимоий масъулият» ва «экологик масъулият» каби тушунчалар мазмунини аниқлаш лозим. Зеро, тадқиқ қилинаётган объект ва предметнинг категориал апаратини, тушунчалари мазмунини конкретлаштириш назарий-методологик вазифа бўлиб, муаммонинг илмий-амалий ечимини топишнинг зарурий шартидир.

Дарҳақиқат, ҳозиргача экологиянинг ижтимоий-сиёсий муаммоларини тадқиқ қилишда қўлланилаётган тушунчаларга нисбатан яқдил, ҳатъий муносабат шаклланмаган. Бу эса илмий-назарий ҳулосалар, амалий тавсияларнинг турли туманлигини, ва ҳатто, уларнинг қарама-қаршилигини келтириб чиқармоқда. Бизнингча, бунинг объектив ва субъектив сабаблари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ижтимоий-экология фан сифатида турғун мақомга эга эмас, яъни экспериментал экологиянинг назарий-методологик асослари, фундаментал экологиянинг эса объектив статистик-социологик, экспериментал базалари яратилмаган

Иккинчидан, ижтимоий-сиёсий фаолиятда экологик мақсадлар умумийлиги ва уйғунлиги таркиб топмаган. Экологик фаолиятдаги «макон» хусусиятлари, тор доирадаги утиллар, «индивидуал позитивизм» манфаатлари билан чегараланиб қолган бўлиб, парткротик давлатнинг ҳукмрон тоталитар, маъмурий буйруқбозлик сиёсатига бўйсундирилган эди.

Учинчидан, барча соҳаларнинг, жумладан, экологик фаолиятни ҳам муайян манфаатлар асосида сиёсатлаштирилиши ва мафкуралаштирилиши асрлар давомида шаклланган табиатни муҳофаза қилиш кадриятларидан воз кечишга, янгиларининг вужудга келишига тўсқинлик қилди.

Тўртинчидан, экологик барқарор тараккиёт: «экологик ҳавф», «экологик инқироз», «экологик ҳалокат» тушунчаларининг мазмунига мос тарзда ўз характерини ҳамда йўналишини белгилаб олади. Бу тушунчалар экологик вазиятнинг конкретлашган даражаларини нисбатан мутаносиб акс эттириб, зиддиятларнинг муайян сифат, миқдор муносабатларини ўзига хос мезонларда намоён этади.

Бешинчидан, экологик барқарор тараккиёт билан боғлиқ тушунчаларнинг мазмуни диалектик-динамик характерга эга бўлганлиги учун ўз ўрни ва аҳамиятини ўзгартириши мумкин. Бундан ташқари, уларнинг мазмунини жамиятнинг конкрет ижтимоий,

иктисодий, сиёсий, географик, демографик, этнографик хусусиятлардан ажратиб тушунтириш мумкин эмас. Хусусан, экологик инкироз «табиат – жамият – инсон» муносабатларининг ҳамма томонларини қамраб олиши билан универсал характер касб этади.

Экологик вазиятнинг мавжуд ҳоллари табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолиятнинг турли даражаларини, мақсадларига мос услуб ва воситаларини талаб қилади. Зеро, экологик фаолият мақсади – инсон ҳаётига таҳдид солувчи табиий ёки сунъий равишда вужудга келган хавфларни бартараф қилиш билан боғлиқ. Экологик вазиятнинг антропоген ҳамда табиий омиллар ёрдамида кескинлашуви иктисодий, ижтимоий, сиёсий ходисалардан ўз кўлами ва оқибатлари билан фарқ қилади. Яъни бу ходисалар муайян ижтимоий қатламларга алоҳида таъсир кўрсатиши мумкин, лекин экологик вазиятнинг кескинлашуви аҳоли барча қатламларига, истисносиз салбий таъсир қилади.

Юқорида кўрсатилган экологик вазиятларни ҳал қилишда иктисодий, сиёсий, маънавий, маъмурий чора-тадбирлар экологик барқарор таракқиёт тамойилларини аниқлашни тақозо қилади. Бошқача айтганда, экологик муаммоларга, кескинлик даражасига қараб, дифференциал тарзда ёндашиб, конкрет ҳолларни бартараф қилишга мос келадиган фаолият шаклларини, услуб ва воситаларини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай экологик вазиятнинг хусусиятлари объектив тарзда шу вазиятларга мос эҳтиёжларни вужудга келтиради. Бу дастлабки содда, стихияли ҳаракатлардан қонун шаклидаги тақикловчи ёки рағбатлантирувчи назарий фаолият даражасига ўсиб чиққан.

Шахс экологик фаоллиги ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг мезони сифатида ўзининг ҳаракатлантирувчи мотивларига, механизмларига ҳамда ички структурасига эга, яъни: **биринчидан**, экологик фаоллик шахснинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар мажмуасида тутган конкрет тарихий ўрни билан белгиланади. **Иккинчидан**, шахснинг экологик манфаатлари ва эҳтиёжлари, ижтимоий-сиёсий муносабатларда, нисбатан мустақил, индивидуал тарзда намоён бўлади. **Учинчидан**, шахснинг назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятлари жамиятнинг ижтимоий, иктисодий, сиёсий ривожланиш даражаларига мос келади. **Тўртинчидан**, экологик билимлар ва амалий ҳаракатларнинг эътиқодга айланиши табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини барқарорлаштиришнинг мотивидир.

Шу методологик тамойилга кўра барқарор тараққиётга йўналтирилган экологик фаолликнинг структуравий элементлари ва улар ўртасидаги боғланишларни аниқлаш мумкин:

- экологик фаолликнинг мақсад ва вазифалари барқарор тараққиёт имконияти бўлган табиатни муҳофаза қилишнинг тарихий заруратидан келиб чиқади;

- экологик вазиятнинг кескинлашуви, муқаррар равишда, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёт йўналишларига ўз таъсирини жамиятнинг ахлоқий-психологик ҳолатида намоён қилади;

- экологик фаоллик ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида, жамият ва шахснинг жисмоний ҳамда интеллектуал имкониятлари доирасида амалга оширилади;

- экологик фаоллик стихияли ҳодиса эмас, аксинча, онгли, аниқ мақсадга йўналтирилганлиги учун муайян назарий билимлар мажмуасини тақозо қилади;

- экологик фаоллик мезони назариянинг «моддийлашуви» жараёни бўлган амалиёт кўламида, унинг натижаларида аниқланади.

Бу ҳодисалар ва уларнинг структуравий элементлари экологик фаолликнинг ижтимоий ва индивидуал даражаларида, умумий тарзда, намоён бўлиб, бир-биридан фарқи объект кўламида, хусусий қонуниятларда кўзга ташланади. Бундан ташқари, экологик барқарор тараққиёт шаклланиши узлуксиз жараён бўлгани учун структуравий элементларнинг нисбатан мустақил ривожланишини ҳам ички бирликда, алоқадорликда олиб қараш лозим.

Шахснинг экологик эҳтиёжларидан келиб чиқадиган фаоллик мавқеини белгилайдиган мезонлар мажмуаси мавжуд бўлиб, уларни умумийлигига қарамасдан, бошқа ижтимоий фаоллик йўналишларининг мезонлари билан аралаштириб юбормаслик керак. Чунки натижаларига кўра, ижобий ёки салбий бўлишидан қатъий назар, улар фаолият ҳисобланади, лекин экологик фаолият, айниқса, фаоллик салбий бўлиши мумкин эмас, яъни экологик фаолиятни «ижобий» ёки «салбий», деб баҳолашга асос йўқ. Бирок экологик фаолликнинг индивидуал ва ижтимоий шакллари жамият манфаатларига, эҳтиёжларига мос келишига қараб аниқлаш ҳамда туркумлаштириш мумкин.

Шу нуқтаи назардан адабиётларда «экологик пассивлик» тушунчаси шахснинг ёки ижтимоий бирликнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятидаги ўрнини аниқлаш мақсадида қўлланилса ҳам

ходисанинг туб мохиятини ифодаламайди. Агар фаолият «экологик» бўлса, албатта, табиатни муҳофаза қилишга у ёки бу тарзда алоқадор. Акс ҳолда уни «экологик фаолият», деб аташ ўринли эмас, лекин бу фаолиятдаги шахс ёки ижтимоий-сиёсий бирликларнинг онглилиги, ҳаракат қўлами, характери турлича бўлиши мумкин.

Шахснинг экологик фаолиятидаги мавқеи ва унинг йўналиши, фаоллик даражаси глобал миқёсда барқарор тараққиёт учун фуқаролик бурчи ҳамда масъулият ҳиссини англашига боғлиқ. Лекин ижтимоий онг шакллари ижтимоий борлик билан боғлаб қўйганимиздек, барқарор тараққиёт учун табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаоллик даражаларини экологик шарт-шароитлар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазият билан қатъий боғлаб қўйиш нотўғри бўлар эди. Тўғри, антропоген таъсир натижасида экологик вазиятнинг кескинланиш даражалари (хавфи, инкирози, ҳалокати), инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти доирасини кенгайтириб, фаоллик қўламини ва масъулиятини англаш ҳиссини кучайтиради. Шу билан бирга, айнан экологик вазиятнинг кескинлашуви табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг чегараланганлигига, манфаатларнинг мутлақлашувига бориб такалади.

Инсон экологик фаоллик мавқеини табиатни муҳофаза қилиш муносабатларини мувофиқлаштирадиган услублар ва воситалар мажмуасининг бирлиги, деб тушуниш керак. Бошқача айтганда, экологик масъулият ретроспектив нуқтаи назардан жамият ривожланиши билан такомиллашиб борадиган сиёсий устқурманинг субъектив омили сифатида кишиларнинг экологик хатти-ҳаракатларини, муносабатларини мувофиқлаштирадиган, мақсад бирлигини таъминлайдиган ижтимоий ходисадир. Шахснинг экологик фаоллик даражаси индивиднинг табиатни муҳофаза қилиш ижтимоий-сиёсий муносабатларидаги тутган ўрни ва бажараётган функциясига боғлиқдир, шахснинг социал қатламлар поғонасидаги мавқеи қанча юқори бўлса, экологик масъулияти ҳам унга мос тарзда ортиб боради.

Экологик барқарор тараққиётнинг шу каби бошқа ижтимоий ходисалардан фарқи инсоннинг табиат билан муносабатлари доирасида мавжудлигидан иборат. Чунки бошқа ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳаларда барқарор тараққиёт шакллари «инсон ва инсон», «инсон ва жамият», «жамият ва жамият» доирасидаги муно-

сабатларни қамраб олиши мумкин. Экологик барқарор тараққиёт доирасида эса, табиат «ижтимоийлашиб», у фаолият объектини ташкил қилади.

Табиатнинг ижтимоийлашуви инсоннинг онгли экологик амалий фаолиятида намоён бўлади. Бу жараёнда инсон ўз ижтимоий моҳиятини такрор ишлаб чиқаради. Яъни экологик фаоллик, универсал ижтимоий ҳодиса сифатида, жамият эҳтиёжлари, манфаатлари билан детерминантлашган, англашган объектив зарурият бўлиб, фақатгина «табиат – инсон» ўртасидаги муносабатларни эмас, балки «инсон ва инсон», «шахс ва жамият» ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади ҳамда табиатни, инсонни муҳофаза қилиш мақсадига йўналтирилган ижтимоий-сиёсий фаолликни ва масъулиятни тақозо қилади.

Жамиятдаги ҳар қандай ижтимоий муносабатлар муқаррар равишда шахснинг табиат билан муносабатларига бориб тақалади, яъни «инсон ва инсон», «инсон ва жамият» ўртасидаги муносабат – табиатнинг инсон феномени сифатида намоён бўлган биологик мавжудлигининг муносабати ҳамдир. Шунинг учун «соф ижтимоий муносабатларни» экологик муносабатлардан ажратиш сунъий, механистик характерга эга. Ижтимоий муносабатлар ўз мазмунига кўра, унинг субъектлари бўлган шахс ва ижтимоий бирликларнинг ўзаро муносабатлари тарзида бевосита табиат билан улар ўртасидаги боғланишлардан иборат, яъни «социал муносабатлар барча ижтимоий муносабатларнинг шахс даражасида намоён бўлишидир»¹. Бироқ экологик муносабатларда барқарор тараққиётни шахс даражасида изоҳлаш, унинг ижтимоий моҳиятига путур етказмайди. Зеро, шахснинг индивидуал экологик фаоллиги ва масъулияти ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳодиса бўлиб, бунда «индивидуаллик» шартли ва нисбийдир.

Экологик муносабат ва фаолиятнинг турли масалалари фалсафий адабиётларда нисбатан батафсил ёритилган, лекин ҳозирча «экологик фаоллик», «экологик масъулият»нинг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари тарқоқ ҳолда бошқа ҳодисалар таркибида ўрганилмоқда. Экологик «фаоллик» ва «фаолият», лингвистик нуқтан назардан ягона ўзақдаги тушунчалар бўлса ҳам мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган категориялар ҳисобланади.

¹Сперанский В.И. Социальная ответственность личности: сущность и особенности формирования. М.: Изд. МГУ, 1987. С.137.

Экологик фаолият ижтимоий фаолиятнинг атрибути бўлиб, ҳар қандай онгли муносабат шакли, «табиий макондаги» ижтимоий бирликларнинг фаолиятидир. Фаоллик эса шу фаолиятнинг яққоллашган, мақсадга мувофиқлашган ифодаси ҳисобланади. Бу бир томондан. Иккинчи томондан, ижтимоий бирликларнинг муносабатлари ўзаро манфаатлар, эҳтиёжларнинг мувофиқлашувидан ташқари, уларнинг яшаш шароитлари билан мослашишини ҳам ўз ичига олади. Демак, объектив табиий муҳитда бўлаётган ҳар қандай ижтимоий муносабат, ўз асосига кўра, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг амалий натижаси муайян экологик мақсадларга эришиш билан характерланади. Унинг бошқа фаолият шаклларида фарқи шундаки, бунда объектнинг субъект моддий эҳтиёжларига кўра ўзлаштирилиши, биосфера мувазанатини саклаш манфаатларига бўйсундирилади. Экологик фаолиятнинг динамик хусусиятлари «табиат – жамият – инсон» муносабатларининг коэволюция ва коадаптация жараёнига мос келиши барқарор тараққиётни оқилона ташкил қилиниш даражасини белгилайди.

Экологик фаолиятни барқарор тараққиёт мақсадлари ва вазифаларига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) **репродуктив фаолият** – табиатни муҳофаза қилиш ижтимоий, иқтисодий, сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларини барқарор тараққиёт талаблари асосида қайта ташкил қилиш ва тақомиллаштириш;

2) **муқобиллаштирувчи фаолият** – табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжларини қондирувчи муқобил услуб ҳамда воситалар, ҳаракатлантирувчи кучлар кетма-кетлигини, изчиллигини белгилаш;

3) **ретроспектив фаолият** – экологик кадрларнинг диалектик инкор ва ижодий ворислик муносабатларини ўрнатишдан иборатдир.

«Экологик фаоллик» ва «экологик фаолият» категорияларининг мазмуни нисбий характерга эга бўлганидан аксарият ҳолларда табиатни муҳофаза қилиш фаолияти сунъий, субъектив равишда экологик фаоллик даражасига кўтарилади. Бундан ташқари, экологик фаолликнинг мезонлари, даражалари динамик тарзда ўзгариб турганлигидан, кеча фаоллик деб ҳисобланган хатти-ҳаракат бугунги кун талабларига кўра, оддий фаолият даражасида қолиб кетиши

мумкин. Шунинг учун экологик таълим-тарбия мажмуасининг асосий вазифаси оммани экологик фаолликка жалб қилишдан иборат.

Биз экологик фаолият ва фаоллик ўртасида умумий томонлар мавжудлигини инкор қилиш фикридан йироқмиз. Бироқ улар ўртасидаги фарқни аниқлаш учун: объекти ва предметига, миқдор ва сифат кўрсаткичларига, истиқбол нағижаларига қараб конкретлаштириш, методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бунда «экологик амалий фаолият» тушунчаси «табиат – жамият» мажмуасидаги антропоген омилнинг динамик ўзгариш жараёнини ифодалайди. «Экологик фаоллик» тушунчаси эса, унинг муносабат кўлами, йўналишлари ва сифат хусусиятларини акс эттиради. Бу тушунчаларнинг мазмуни «табиат – жамият – инсон» мажмуаси ички мувозанатини табиатдаги ўзгаришларнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёт билан боғлиқлигини назарияларда ифодалашни гносеологик аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида эътиборда тутиш керакки, умуман ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг айрим кўринишлари салбий характерга эга бўлиб, жамиятнинг шунингдек, биосферанинг экологик мувозанати манфаатларига мос келмаслиги мумкин. Лекин том маънодаги ҳар қандай экологик фаолият умуминсоний манфаатларга, албатта, мос келади. Экологик фаоллик эса, бу манфаатларни янада юқорироқ даражада ифодалайди. Шунга кўра, экологик фаолликни кишиларнинг «ижтимоий-сиёсий фаолият сифатини» белгилайдиган мезон, деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Зеро, инсоннинг экологик фаоллик даражаларида дифференциал ёндашиш тамойилларига амал қилиш керак. Чунки экологик фаоллик ва фаолият турли йўналишларда содир бўлади. Шартли равишда экологик фаолиятни ижтимоий ҳодисанинг «горизонтал» кўламидаги, фаолликни эса «вертикал» йўналишдаги хатти-харакатлар тарзида изохлаш мақсадга мувофиқ.

Экологик фаолиятнинг фаоллик даражасига кўтарилиши узлуксиз, лекин муайян босқичлардан иборат диалектик жараёндир. Бизнинг назаримизда, унинг қуйидаги даражалари кетма-кет ривожланиш тенденциясини ифодалайди, қуйи – либерал-толерант; ўрта – утилитар-позитив; юқори – рационал-конструктивдир.

Экологик фаолиятнинг *либерал-толерант* даражасида инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига локайд муносабат кузатилади, яъни у «яхшилик қила олмайсанми, ёмонлик қилма» деган тамойилга амал қилади. *Утилитар-позитив* экологик фаолият

хусусий ҳоллардаги табиатни муҳофаза қилишдан иборат шахсий манфаатлар даражасида чегараланиб қолган, «утилитаризм йўлини танлаган киши, анъанавий маданиятга интилувчи кишидан дунёни чексиз, реал имкониятлар ва воситалар йиғиндисидан иборат, деб қараши билан фарқ қилади»¹ ҳамда ўз фаолиятини шу тамойилга асосан ташкил қилади. Экологик фаолиятнинг *рационал-конструктив* даражаси нисбатан тўлиқ маънодаги фаолликдир. Бунда инсон антиэкологик хатти-ҳаракатларнинг сабаб ва оқибатларини англаб, уларни бартараф қилишнинг универсал услуб ва воситаларидан оқилона фойдаланиш методологиясини эгаллаган бўлади. Юқори даражадаги экологик фаолликда биосфера ички экологик мувозанат қонуниятларини билишнинг назарий ва амалий томонлари диалектик бирлигига эришилади. Шунингдек, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини камраб олиши ҳамда интенсивлиги билан характерланиб, бу ерда ижтимоийлик ва шахсийлик нисбий мазмун касб этади.

Экологик фаолликнинг ўрта ва юқори даражаси муайян ички умумийликдан ташқари: конкрет экологик вазиятни вужудга келтирган объектив ва субъектив сабабларни баҳолаш мезонларига муносабати; вужудга келиши мумкин бўлган экологик вазият эҳтимоллари ва имкониятларини англаши; кескин экологик вазиятларни бартараф қилиб, барқарор тараққиётнинг чора-тадбирларини белгилаши, услуб ва воситаларини танлашлари билан фарқ қилади.

Экологик фаолликнинг юқори даражасини белгилайдиган энг муҳим мезон, экологик вазиятни прогностлаштириш билан характерланади. Бунда асосий вазифа – ҳозир мавжуд бўлган конкрет экологик вазиятнинг, антиэкологик хатти-ҳаракатлар оқибатларини бартараф қилишга эмас, балки вужудга келиши мумкин бўлган экологик зиддиятларни кескинлаштирувчи имкониятлар, сабабларини аниқлаб, уларнинг олдини олишдан иборатдир. Бундан ташқари, турли даражадаги экологик фаолликлар ички диалектик бирлигига, узвий алоқадорлигига қарамасдан уларнинг «миқдор» ва «сифат» хусусиятларини ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Экологик фаолликнинг миқдор жиҳатлари унинг интенсивлиги ва кўламида намоён бўлиб, биосфера экологик мувозанатини, барқарор тараққиётни таъминлашидаги «макон» ва «замон» кўрсаткичларида ифодаланади. Бироқ экологик фаолликнинг «соф»

¹ Ахиезер А.С. Россия как большое общество // Вопросы философии. № 1, 1993. С.15.

микдорий кўрсаткичлари унинг ривожланиш даражаларини аниқлаш учун етарли эмас, уни ҳаракатлантирувчи ижтимоий-сиёсий, психологик-маънавий мотивлари билан боғлиқ «инсон сифатларини» кўрсатиб бера олмайди.

Экологик фаолликнинг билиш, умид, ишонч, қадриятлар, рухий ҳоллар билан боғлиқ «сифат» кўрсаткичлари шу соҳадаги барқарор таракқиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳамма вақт ҳам «микдорий» қолипларга сивавермайди. Бунда ўз-ўзидан экологик фаолликнинг микдорий кўрсаткичларини, унинг сифатини белгиловчи мезонлар билан боғлаш эҳтиёжи туғилади. Шу нуқтаи назардан, экологик фаолликнинг «сифат» мезони бўлган ижтимоий-сиёсий масъулият масаласини таҳлил қилиш зарурати вужудга келади. Чунки айнан экологик масъулият, умуман, ижтимоий фаолиятнинг атрибути сифатида намоён бўлади.

Ҳозирга қадар экологик масъулиятни муайян ижтимоий бирликлар сиёсий манфаатлари билан боғлаб, унинг синфийлиги, партиявийлигини таъкидлаш устувор характер касб этган эди. Яъни ижтимоий экологиянинг аксарият тадқиқотчилари экологик фаоллик ҳамда масъулиятдаги эркинлик ва масъулият масалаларини жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий тузумига боғлаб кўядилар¹. Шунинг учун унинг хусусиятларини ижтимоий-технологик ҳодисалар билан боғлаш лозим. Бундан ташқари, экологик фаолликнинг зарурий шарти – инсоннинг жисмоний имкониятлари, соғлиқ-саломатлиги масаласи билан боғлиқдир. Зеро, инсон касаллиги, унинг шахсий ва ижтимоий эркинлигини чегаралайди. Саломатлик масаласи жисмоний ва аклий меҳнатда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда тўлақонли қатнашишнинг зарурий шарти бўлиб, инсон омилини фаоллаштирувчи давлат сиёсатининг муҳим йўналишидан бири ҳисобланади.

Экологик эҳтиёжларнинг хусусиятлари ва уларни қондиришнинг ижтимоий-сиёсий, техник-технологик асослари экологик фаоллик ҳамда масъулиятдаги шахс эркинлигининг характерини белгилаб туради. Бизнинг тадқиқотимиз доирасида эркинлик - экологик заруриятни инсон томонидан англаш жараёни бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш манфаатлари асосида биосфера экологик мувозанати қонуналарини билиш ва улардан амалий фаолиятда фойдаланишидир.

¹ Комаров В.Д. Социальная экология. Философские аспекты. Л.: Наука, 1990. С.133-134.

Шуни ҳам айтиш керакки, экологик масъулиятни «экологик бурч» категорияси билан аралаштириш, уларнинг дефинициясидаги ноаниқликларга олиб келади. Яъни «экологик масъулият», «экологик бурч» категориялари мазмунан ўзаро узвий алоқадор бўлса ҳам уларнинг ўзига хос объекти ва предмети мавжуд. «Экологик бурч» категориясида табиатни муҳофаза қилиш ахлокий нормаларининг ижтимоий-сиёсий эҳтиёж, мажбурият даражасига кўтарилиши ифодаланган. Бунда шахс, конкрет вазиятлардан келиб чиқиб, экологик талабларни бажариш заруратини англайди ва мажбуриятни ўз зиммасига олади. «Экологик масъулият» категориясида эса шахс ёки ижтимоий бирликларнинг табиатни муҳофаза қилиш бурчининг «чегараси» аниқланади. Демак, экологик масъулият ва бурчнинг умумийлиги ҳам, фарқи ҳам уларнинг «персонализацияланиш» даражасида намоён бўлади. Бошқача айтганда, «экологик бурч» категорияси ўз мазмунига кўра, экзотика категорияси ҳисобланади. «Экологик масъулият» категориясининг предмет доираси эса экзотикага нисбатан «ижтимоий экологияга» яқинроқ.

Экологик масъулиятнинг субъектив характери шахснинг объектив экологик борлиққа англаган муносабати билан белгиланади. Экологик масъулият субъектнинг табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унга онгли, ижодий муносабатини ахлокий бурч даражасига кўтариш механизмидир. Умуминсоний қадриятлар экологик жиҳатларини барқарор тараққиёт даражасига олиб чиқиш, ҳар қандай прогрессив ғоянинг таркибий қисмига айлачмоғи лозим.

Экологик масъулият шахснинг «ижтимоий сифати»ни, инсон ҳаётий мавқеини белгиловчи ходиса бўлиб, инсон фаолиятини (шу жумладан, фаоллигини) умуминсоний экологик қадриятлар сари йўналтиради. Экологик масъулиятнинг умуман ижтимоий-сиёсий масъулиятдан яна бир фарқи шундаки, ижтимоий-сиёсий масъулиятда фаолиятни танлаш имконияти мавжуд. Экологик масъулиятда эса фаолиятни танлаш ҳаёт-мамот масаласи бўлиб, яшаш учун кураш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Чунки иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа йўналишлардаги инқирозлар жамият аъзоларига бир хил таъсир этмаслиги мумкин, унинг айрим кишиларни, ижтимоий бирликларни четлаб ўтиш имконияти мавжуд. Экологик инқироз эса жамият аъзоларининг барчасига бирдек, бевосита таъсир кўрсатганлигидан, бу соҳада фаолиятни танлаш эркинлиги

чегараланган.

Экологик масъулият шахснинг ўз фаолиятини назорат қилиш, бошқариш, чегаралаш, таққлаш ёки рағбатлантириш механизми ҳисобланади. Шунга кўра, «экологик фаоллик» тушунчасининг мазмунини кўпроқ праксиологик аҳамиятга эга бўлиб, табиғий муҳофаза қилишдан иборат фаолиятнинг моддийлашувини ифодалайди. «Экологик масъулият» эса субъектив ғносеологик мазмундаги категория ҳисобланиб, инсоннинг табиғий муҳофаза қилиш фаолиятини назорат қиладиган, ижтимоий-психологик, маънавий-ахлоқий нормаларга таянади.

Экологик фаоллик, моҳиятига кўра, ижобий ҳодиса бўлганидан юзаки қараганда, назорат механизмларига ўрин қолдирмайди. Бирок экологик фаолиятнинг турли даражаларини индивидуал ва ижтимоий манфаатлар доирасида мувофиқлаштиришда экологик масъулият ҳисси муҳим аҳамиятга эга. Бунда масъулиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа йўналишлари экологик эҳтиёжлар доирасида умумлашиб, назоратнинг ўзига ҳос каналларини вужудга келтиради. Экологик масъулиятнинг конкрет ижтимоий-муносабатларга «сингиб» бориши билан унинг табиғий муҳофаза қилиш фаолияти назоратидаги «экологик ахлоқий масъулият», «экологик ҳуқуқий масъулият» каби йўналишлари пайдо бўлади.

Умуман, ижтимоий фаолиятни, хусусан экологик муносабатларни бошқариш механизми бўлган экологик барқарор тараққиётни жамиятнинг, фақатгина ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуаси билан боғлаш кўйиш ноўриндир. Чунки унинг тарихий келиб чиқиш генезиси инсон ва табиғат ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-психологик, маънавий сиёсий устқурма хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади. Шунга кўра, бизнингча, «экологик масъулият» ва «экологик масъулият ҳисси» тушунчаларининг ғносеологик ҳамда праксеологик фарқини аниқлаш керак. Зеро, экологик масъулият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳодисаларнинг экологиялашув эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг табиғий муҳофаза қилиш амалий фаолиятларини мақсадга мувофиқлаштириб туради. «Экологик масъулият ҳисси» эса шахснинг ҳиссий-руҳий ҳолатини ифодалаб, асосан, табиғий муҳофаза қилишнинг ахлоқий-эстетик жиҳатлари билан боғлиқ, яъни конкретлашган идеаллар, бадний образлар, ғоялар шаклида ифодаланишидир.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тадбирларнинг самарадорлиги, таълим-тарбия мажмуасининг экологик масъулият ҳиссини тарбиялашдаги ютуқларига таянади. Аксинча, шу йўналишдаги камчиликлар экологик фаолиятдаги субъектив омилнинг обектив заруриятдан нисбатан орқада қолаётганлигини ифодалайди. Зеро, экологик масъулият ҳиссининг шаклланиши билан шахс «экологик сифати» таркиб топади. Шахснинг «экологик сифати» жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий тузилишининг хусусий тарзда ифодаланишидир. Лекин унинг мазмунини ижтимоий-сиёсий муносабатлардан мустақил, мутлақлашган ҳолда тушуниш билишни чегаралашга олиб келади.

Умумлаштирилиб айтганда, ижтимоий-сиёсий фаолият тизимида экологик барқарор тараққиётнинг ўрнини аниқлаш: **биринчидан**, шу соҳадаги илмий билишнинг категориал аппарати мазмунини ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий вазияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилишгина ҳодисанинг моҳиятини ёритиб бериши мумкин. **Иккинчидан**, экологик барқарор тараққиёт босқичлари умумий тарихий ривожланишнинг даражаларига мос тарзда ўз характерини ўзгартириб борган ҳамда маълум ижтимоий-сиёсий вазиятларда конкрет мазмун касб этган. **Учинчидан**, экологик фаолликни назарий билиш, амалий ўзгартириш ва кадриятларни бойитиш йўналишлардаги репродуктив, муқобиллаштирувчи, ретроспектив хусусиятлари шахс ва жамиятнинг «ижтимоий-сиёсий сифатини» белгиловчи мезон сифатида қаралиши керак. **Тўртинчидан**, экологик фаолликнинг либерал-толерант, утилитар-позитив, рационал-конструктив хусусиятларига масъулиятнинг муайян даражалари мос келади. Уларнинг ҳар бирига дифференциал муносабатда бўлиш, ҳаракатлантирувчи механизмларини, мотивларини аниқлаш умумфалсафий методологик вазифа ҳисобланади ҳамда ижтимоий-фалсафий, социологик мазмунини тадқиқ қилишнинг назарий аҳамиятини белгилайди.

Экологик барқарор тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмуни

Тарихий ривожланишнинг зарурати ва самараси бўлган барқарор тараққиёт «табиат – жамият – инсон» тизимидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлар характерига мос

бўлади. Уларнинг диалектик алоқадорлиги табиатни муҳофаза қилиш соҳасида инсоннинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янги сифат даражаларида намоён қилади. Хусусан, барқарор тараққиёт босқичлари жамият ҳамда табиат ўртасидаги биосоциал муносабатлар ривожланиши билан диалектик боғлиқ. Ҳар қандай онгли муносабат ижтимоий, сиёсий тизимларнинг яшаш усулидир. Шу жумладан, инсон ва табиат ўртасидаги экологик муносабат ҳам турли элементларнинг нисбатан мустақил мавжудлигини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Бунда табиатга нисбатан «ижтимоийлик» тушунчаси, унинг айнан инсон билан бирга ички зиддиятларда биосфера мувозанатини вужудга келтиради, яъни биосфера экологик мувозанати «табиат – жамият – инсон» мажмуасининг ички зиддиятларга асосланган мутаносиблигидир. Шунга кўра, табиатдаги айрим элементларнинг инсон амалий фаолиятида «ижтимоийлашуви» натижасида, биосфера объектив мувозанатига салбий таъсир кўлами: «экологик хавф», «экологик инкироз», «экологик ҳалокат» тушунчаларининг мазмунини белгилаб туради.

Табиат компонентларининг ижтимоийлашуви табиатдан табиатнинг «бегоналашиши» даражасига мос келади. Шуни ҳам айтиш керакки, «ижтимоийлашган» табиат «ижтимоийлашмаган» табиатдан мустақил мавжуд бўлиш мумкин эмас, аксинча, уларнинг нисбий мустақиллиги ўзаро боғланиш ва алоқадорлигини ифодалайди. Бунда шартли равишда ажратилган «ижтимоийлашган» ва «ижтимоийлашмаган» табиат ўртасидаги бевосита ёки билвосита муносабатларни аниқлаш, биосфера мувозанатини ҳамда ижтимоий борлиқнинг махсус шакли – «экологик борлиқни» билишнинг зарурий шартидир.

Ижтимоий борлиқнинг нисбатан мустақил, махсус кўринишлари ижтимоий онгнинг ўзига хос йўналишларини вужудга келтирган. Масалан, инсонлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар иқтисодий онгни, диний муносабатлар динни, ахлоқий муносабатлар ахлоқни, ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий онгни (ва ҳоказо) ифодалайди. Яъни ижтимоий борлиқнинг мавжудлик ҳоллари махсус ижтимоий онг шаклларида ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан, «экологик борлиқ» тушунчаси «экологик муносабат» тушунчасига хусусий ҳолдагина синоним тарзда ишлатилиши мумкин. Чунки «экологик борлиқ» хали «ижтимоийлашмаган» табиатнинг ички

боғланишини ҳам камраб олади. «Экологик муносабат» эса инсон ва жамиятнинг табиатга, уни муҳофаза қилиш нуктаи назаридан муносабатини ифодалайдиган ижтимоий ходиса бўлиб, «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатларини, табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари ва мақсадлари доирасида намоён қилади. Шунинг учун инсондан ташқаридаги «табиат – табиат» муносабатларини «ижтимоий экологик муносабат» доирасига киритиш чалкашликка олиб келади.

Экологик ижтимоий фаолият муносабат бўлиб, у инсон моҳияти билан боғлиқ. Шу нуктаи назардан, тирлик организмлар, умуман коннот экологияси, гносеологик муаммо сифатида ижтимоий мазмун касб этади. Демак, табиатнинг инсондан ташқари ўз ички ижтимоий-экологик муносабати бўлиши мумкин эмас, аксинча, биосфера мувозанати қонуни амал қилади. Бошқача айтганда, экологик барқарор тараққиёт, унинг субъекти бўлган инсонга хосдир. Ҳатто, нисбатан юқори даражада тараққий этган тирик организмларнинг табиий атроф муҳит билан муносабати, уларнинг нари борса инстинктив, рефлексив тарзда яшаш учун кураши, табиий танланиш, эволюцион ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқади.

Экологик фаолликнинг мазмуни инсониятнинг табиат бойликларидан «экологик усудда» фойдаланаётганида, уни муҳофаза қилиш воситаларини такомиллаштиришдан иборат амалий фаолиятларида ифодаланади. Зеро, экологик барқарор тараққиёт категориясининг фалсафий таҳлили, «табиатдан фойдаланиш усули» категориясининг ижтимоий-тарихий моҳиятидан ташқарида бўлиши мумкин эмас. «Табиатдан фойдаланиш усули», умумфалсафий категория сифатида, жамиятнинг турли ривожланиш босқичларида табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжларидан келиб чиққан муайян (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий) манфаатлардан устун турадиган муносабатлар ва умуминсоний моддий ҳамда маънавий қадриятларнинг экологик мазмунини ташкил қилади.

Жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётининг интенсификашуви, бир томондан, «инсон – табиат» муносабатларини универсаллаштириб, табиатга антропоген таъсир доирасини кенгайтиришни характерласа, иккинчи томондан, инсон экологик фаоллиги ва масъулияти, «табиат – жамият» тизимининг ички зиддиятларини бартараф қилишнинг субъектив омилига айланди. Бундай вазиятда экологик муаммоларнинг ижтимоий-сиёсий ечимини топиш

бевосита инсон экологик фаоллигини ва масъулиятини оширишга боғлиқ бўлиб, унинг назарий, амалий, методологик жиҳатларини аниқлаш, умумфалсафий муаммо тарзида кун тартибига қўйилди. «Табиат–жамият – инсон» мажмуаси муносабатлари интенсивлашуви билан эса экологик зиддиятларнинг янги кирралари вужудга келади. Ҳозирга қадар ижтимоий-экологик борлик ва онг ривожланишини иқтисодий базис муносабатларининг характериға боғлаб қўйиш назарий жиҳатдан устувор мавқега эга эди. Лекин бугунги кунда экологик ҳаётнинг жамият базисидан нисбатан мустақил ривожланиши биосфера ички мувозанати субъект экологик фаоллигига, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатларини қамраб олиш даражасига боғлиқ бўлиб қолаётир. Шунинг учун ижтимоий-экологик муносабатларни ташкил қилишнинг зарурий шarti ва ривожланиш даражаларини белгиловчи мезони субъектнинг экологик фаоллигида ҳамда масъулиятини англашида намоён бўлади.

Кейинги вақтларда «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатларига илмий қарашларда тубдан ўзгаришлар вужудга келмоқда. Хусусан, ҳозиргача фалсафий адабиётларда конкрет экологик вазиятларнинг шаклланишида табиий ёки ижтимоий омилларни бир-биридан мустақил таҳлил қилиш характерли эди. Ваҳоланки, экологик вазиятнинг кескинлашиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олиши билан ижтимоий-экологик муаммоларини ҳал қилиши кўп жиҳатдан борлик мажмуасида инсон омилининг конкрет ўрнини аниқлашдан иборат. «Экологик амалиёт», «экологик муносабат», «экологик ҳаракат», «экологик сиёсат» ва шу каби умумфалсафий тушунчалар мазмунидаги боғланишларнинг характери, унинг мураккаблигини кўрсатади.

Экологик барқарор тараққиёт муаммосини умуман «табиат ва жамият», «табиат ва инсон» субъектив муносабатларини ривожлантириш билан аралаштириб юбориш ярамайди. Чунки бу муаммо «инсон – табиат» ижтимоий-экологик муносабатларининг соф субъективистик томонларини ҳам ўз ичига олади. Бошқача айтганда, инсон бир томондан биосфера умумий тадрижий тараққиётининг олий натижаси, унинг фаол тизилмавий элементи ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, инсоннинг ижтимоий-экологик муносабатлари биосфера ички бирлигини ва зиддиятларини ўзида намоён қилади.

Инсон мавжудлигини таъминлаш учун биосферани ўз эҳтиёжлари асосида ўзгартириши ва ўзлаштириши лозим. Бунда иктисодий ва экологик манфаатларнинг объектив характери инсон яшаётган табиий муҳитнинг сифат кўрсаткичлари билан белгиланади. Инсоннинг шу эҳтиёжлари асосида ташкил топган «экологик яшаш усули»нинг модификациялашган хўжалик фаолиятлари, ижтимоий-сиёсий муносабатлари биосфера мувозанатини сақлаб гуришининг фалсафий шартни ҳисобланади.

«Экологик яшаш усули»нинг сифати юқорида айтганимиздек, универсал характерга эга бўлиб, унинг мутаносиб ривожланишига боғлиқдир. Лекин табиатнинг бу элементлари ўртасидаги объектив боғланиш биосфера мувозанатини, «экологик яшаш усули»нинг ривожланиш даражасини белгилаб турса ҳам унинг кўрсаткичлари шу объектларга субъектнинг антропоген таъсир кўлами ва ривожлантириш масалалари билан боғлиқ бўлиб, табиий муҳит сифатини яхшилашнинг праксиологик жиҳатларини ҳам қамраб олади.

Инсон яшаётган табиий муҳитнинг сифати жуда хилма-хил ва динамик тарзда ўзгариб туради, яъни макон ва замон нуқтаи назаридан маҳаллий, миллий, худудий ва глобал масштабларда экологик вазиятнинг ҳолатига мос тарзда вужудга келади. Одатда, «табиий муҳит сифати», деганда инсоннинг биологик мавжудлигини ва ривожланишини таъминлайдиган экологик мувозанат ҳолати тушунилади¹. Инсон ўзининг яшashi ва ривожланиши учун доимий равишда «табиий муҳит сифатини» ўзгартириб борган бўлса ҳам биосфера тирик организмларининг экологик мувозанатда яшashi ва ривожланиши таъминланган шароитдагина, оптимал, оқилона ташкил қилинган ҳисобланади.

Экологик барқарор тараққиётни таъминлашнинг муҳим вазифаларидан бири – биосфера динамик мувозанатини сақлаш ҳамда табиий-эволюцион ривожланиш жараёнида ўзини-ўзи тиклаш ва бошқариш хусусиятларини мувофиқлаштиришдан иборат. Биосферанинг экостаз ҳолати табиатдаги нисбатан «прогрессив» ва «регрессив» томонларнинг ички бирлигини ҳамда зиддиятларини намоён қилганлиги учун мутлақо нисбий бўлиб, субъектнинг манфаатларидан келиб чиқади. Чунки биосферанинг объектив тарихий ривожланиш жараёнида табиат учун керак бўлмаган, экологик муво-

¹Қаранг: Маркович Д.Ж. Социальная экология. Книга для учителя. М.: Просвещение, 1991. С. 81.

занатни сақлашга хизмат қилмайдиган элемент йўқ.

Экологик барқарор тараққиёт тушунчасининг назарий, методологик мазмуни бошқа ижтимоий онг шаклларининг категориал аппарати ёрдамида конкретлашади. Хусусан, ахлоқнинг – «экологик виждон», ҳуқуқнинг – «экологик қонун», «экологик мажбурият», «экологик жиноят» ва шу каби тушунчалари ўзаро зарурий, манتيқий, тарихий изчил боғланиб, экологик барқарор тараққиёт категориясининг умумсоциологик мазмуини тўлиқ ёритишга хизмат қилади.

Экологик муаммолар алоҳида фанлар ёки илмий йўналишларнинг катъий тадқиқот предметлари доирасини белгиламайди. Аксинча, бу муаммоларни ўрганиш жараёнида турли ижтимоий онг шаклларининг муносабатлари интегратив характерга эга бўлиб, ижтимоий, сиёсий, гуманитар фанларнинг табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги мажмуаси вужудга келиб, бу ҳол унинг тадқиқот объекти ва предметини конкретлаштириш заруратига тақозо қилмоқда. Шунинг учун академик С.С.Шварц: «Экологик фаолиятни илмий асосга қўйиш лозим, чунки бугунги кунга келиб, ҳиссиётни фан ўрнига қўйиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолди, яъни ҳозирги жамиятни, унинг индустриал асослари билан келиштириб, оқилона табиий муҳитни сақлаш учун фан керак»¹, – деб ёзган эди.

«Экология» тушунчасининг классик-мантикий мазмуни эса, организмларнинг табиий муҳит билан муносабатлари, боғланишлари ҳақидаги таълимот ҳисобланади. Шунга кўра, «экологияси ноқулай», «экологик хавф», «экологик инкироз», «экологик ҳалокат», «экологияси бузилган» ва шу каби бошқа тушунчалар бевосита билишга эмас, балки унинг объектига тегишлидир.

«Жамият экологияси», «ижтимоий экология» илмий назариялари инсон экологик хавфсизлигининг умумий қонуниятларини таҳлил қилишда маълум муваффақиятларга эришган бўлса ҳам уларнинг маҳаллий, миллий, худудий хусусиятларини алоҳидалик, махсуслик, умумийлик тамойили асосида тадқиқ қилишга ҳозирча етарли эътибор берилмаётир. Мавжуд назарияларда конструктив яқдиллик этишмайди. Айниқса, ноосфера таълимотининг ижтимоий-фалсафий таҳлилидаги муқобил қарашларнинг бир-бирига тубдан қарама-қаршилиги умумфалсафий «методология

¹Шварц С.С. Проблема экологии человека // Вопросы философии. 1974. №9. С.103.

кашшоқлигига» бориб тақалади.

Биосфера ва ноосфера муносабатлари ҳақида илмий адабиётларда мунозара давом этмоқда. Аксарият экологлар, ноосферани биосферадан ажратиб, унга қарши қўймоқда. Ваҳоланки, ноосфера биосферанинг ривожланиш даражаси бўлиб, унинг хусусий ҳолда намоён бўлишидир. Шунинг учун ноосферанинг биосферага фаол таъсирини мутлақлаштириш, шунга даъват этиш, экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди.

Шунингдек, ҳозиргача ноосфера структурасини ташкил қиладиган элементларнинг таркибини аниқлашда ноаникликлар мавжуд. Унга кўра, ноосфера фақатгина инсон онгли фаолияти доирасида чегараланиб қолмасдан, балки табиатни ҳам ўз ичига олиши қайд этилган, яъни биосферанинг «ижтимоийлашиш» ҳолатини ва коинотни қамраб олган. Дарҳақиқат, бутун коинот миқёсида табиатнинг инсонга таъсиридаги бевоситалик ёки бидвоситалик мутлақо шартли ва нисбий характерга эга. Бошқача айтганда, ноосферани ўраб турган космик маконнинг мавжудлигини ноосферадан ажратиш мумкин эмас.

Ноосферанинг ривожланиш даражаси, унинг биосфера мавжудлиги объектив қонуниятларига мослашиши, умумий таракқиётнинг бирлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам биосфера ноосферага айланади, деган фикр бир томонлама, инсон субъектив фаолиятини мутлақлаштириш манфаатларидан келиб чиққан. Инсоннинг онгли мавжудот сифатида биосферадан «ажралиб чиқиб», ноосфера пайдо бўлишини инсоният тарихий ривожланишининг кейинги босқичлари билан боғлаб қўйиш ноўрин. Бунда гап унинг «сифат даражалари» устида кетиши керак. Профессор Иброҳим Каримов фикрича эса: «Ноосфера биосферанинг шундай ҳолатики, биосферани Ақл ёрдамида инсоният умумий манфаатларига мувофиқ ривожлантириш, унинг истикболини жиддий ўйлаб, янги дунёқарашни шакллантириш жараёни бошланишини англаб етишдир»¹.

Бу таълимотда утопия элементлари мавжудлигини, унинг асосчиларидан бири бўлган В.И.Вернадскийнинг: «биотехник тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда ноосфера тушунчаси «илмий

¹Каримов Иброҳим. Ноосфера: геосиёсат ва мафкура. Тошкент: Фан, 2007.19-бет.

социализмнинг» асосий ғояси билан ҳамохангдир»,¹ деган фикрида ҳам кўзга ташланади. Зеро, бир томондан ҳеч қандай ноосфера, ҳатто, унинг олий ривожланиш даражаси (агар у жисмонан, амалий жиҳатдан мумкин бўлган тақдирда ҳам), «табиат – жамият – инсон» муносабатларидаги зиддиятларни жамиятнинг иқтисодий-сиёсий тузумидан қатъий назар ҳал қилиши мумкин эмас. Чунки умуман ривожланиш, муқаррар равишда зиддиятларга боғлиқдир.

Зиддиятларнинг вужудга келиши, уларни узлуксиз бартараф этиш, ривожланиш тадрижийлигини таъминлашнинг зарурий шартидир. Дарҳақиқат, зиддиятларни субъектив фаолият наҷисасида, сунъий равишда, вужудга келтириш ва ҳал қилишнинг ривожланиши билан алоқаси жузъий маънога эга. Иккинчи томондан, табиат қонунилари чексиз коинот нуктан назаридан ҳеч қандай ақл-заковатга бўйсунмайди. Агар инсон табиат қонуниларини мутлақ тарзда бўйсундира олмас экан, ноосфера ғояси ширин хаёллардан иборат бўлиб қолаверади.

Инсон моддий ва маънавий эҳтиёжларининг доимий ривожланиб бориш қонунига асосан, унинг чегараси ҳам тўлиқ кондирриш воситаси ҳам бўлиши амалий жиҳатдан мумкин эмас. Чунки табиатдан мулқ ажралган ҳолда «сунъий омиллар»нинг бўлиши мумкин эмас, аксинча, «сунъийлик» табиийликнинг «ижтимоийлашган» шакли ҳисобланади. Шунингдек, ноосфера шакллана борган сари инсониятнинг табиий омилларга қарамлиги тобора камаяверса, охир оқибатда, бутунлай қарам бўлмай қолиши мумкин деган мантикий ҳулоса келиб чиқади. Бу эса ақл бовар қилмайдиган идеал, хаёлий истакдир. Чунки аксинча, экологик вазиятнинг кескинлашуви билан инсоннинг табиий омилларга қарамлиги кучаяди.

Бунда бир-бирига қарама-қарши икки объектив муносабат мавжуд: биринчиси, табиатнинг абадий, объектив қонунилари инсон продаси, хохиш-истакларини, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд эмас. Иккинчиси, инсон онгли мавжудот сифатида пайдо бўлган даврданок, ўзини «ижтимоийлашган табиат» тарзида табиатга қарама-қарши қўйган. Бу муносабатдаги зиддиятлар ҳозиргача «инсон фойдасига» ҳал қилиниб, пировард натижада унинг ривожланишини таъминлаган. Бугунги кунга келиб эса «табиат – инсон» мажмуасида табиатнинг доимий ўсиб бораётган инсон

¹Вернадский В.И. Размышления натуралиста: научная мысль как планетарное явление. М.: Мысль, 1977. Кн. 2. С. 67.

эҳтиёжларини қондириш имкониятлари чегараланганлиги маълум бўлди. Яъни табиат устидан ҳукмронлик қиладиган инсон ва унинг ижтимоийлашган борлиғи жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий мавжудлик ҳолати, ҳаёт тарзи табиат ички зиддиятларини рағбатлантирувчи омилига айланади.

Ноосфера таълимотининг бош ғояси «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатларини мувофиқлаштириш, муқобиллаштириш жараёнини ташкил қилишни ўрганишдан иборат. Бу эса борлиқ компонентларининг бир-бирини тақозо қилишида ва ўзаро мослашишида ифодаланади. Шу жумладан, инсон ва жамиятнинг табиатга мослашиши, ўз моҳиятига кўра, фалсафий муаммодир. Чунки бу жараён фалсафанинг турғунлик ҳамда ўзгарувчанлик назариясини бевосита экологик контекстда намоён қилади.

Биосфера ривожланишининг бутун тарихи – тирик организмларнинг табиий муҳитга мослашиш, табиий таъланниш ва эволюцион ривожланиш натижасидир. Бунда меҳнат қуроллари воситасида моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёни, табиатга мослашишнинг зарурий шарт сифатида вужудга келган. Шундай қилиб, меҳнат жараёни (меҳнат қуролларини яратиш тарихи ҳам) инсоннинг табиатга мослашиш эҳтиёжларини қондириш, яшаш шароитларини таъминлашдан иборат ижтимоий-экологик фаолиятдир. Албатта, бир томондан меҳнат жараёнида инсоннинг атроф муҳитга (табиий ва ижтимоий) мослашиши билан унинг фаолияти мазмуни ҳам ўзгариб борган, яъни инсоният табиат билан зиддиятларини ҳал қилиш биосфера экологик мувозанатини вужудга келтириш воситасидир. Иккинчи томондан, инсоннинг айнан меҳнат жараёнидаги табиатга антропоген таъсири, «табиат – жамият – инсон» мажмуасининг ички зиддиятлари кескинлаштириб, биосфера мувозанатига путур етказувчи услуги ҳам ҳисобланади.

Мослашиш турли системаларининг (албатта, гап тирик организмлар устида кетмоқда) объект-субъект тарзида ўзаро муносабатлари жараёнини ифодалайди ва бир-бири билан боғлиқ:

- 1) мосланувчи субъектнинг хусусиятларига;
- 2) мослаштирувчи объектнинг ҳолатига;
- 3) улар ўртасидаги муносабат жараёнининг воситаларига, шарт-шароитларига мос келади.

Бу жараёнда фаоллик бир томонлама субъектнинг яшаш учун

кураш эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Инсоният тарихининг ривожланиши билан кишиларнинг атроф муҳитга мослашиши зарур бўлган янги ҳоллар ҳам табиий, ҳам сунъий равишда вужудга келтирилган. Бунда инсоннинг ижтимоий муҳитга мослашиш имкониятлари биологик мослашишдан мураккаблиги билангина эмас, балки бутунлай бошқача воситаларни тақозо қилиши, йўналиши билан ҳам фарқ қилади. Бу жараёнда бир-биридан тубдан фарқ қилувчи фавқулодда (порадоксал) икки ходиса кўзга ташланади. **Биринчиси**, тирик организмлар қанчалик содда бўлса, антропоген таъсир натижасида кескин ўзгараётган табиий муҳитга мослашиш «коэффициенти» «шунчалик юқоридир». **Иккинчиси**, инсон табиий-тарихий ривожланишининг олий маҳсули сифатида табиат ва ижтимоий муҳитга мослашишнинг энг самарали услуб ҳамда воситаларини топишга қодир. Лекин экологик вазиятнинг кескинлашувига нисбатан, унинг ижтимоий ва табиий муҳитга «кўникиш эффекти» пастлигича қолмоқда. Бунга цивилизация вужудга келтирган паталогия ва аномалия ходисалари мисол бўлади.

Умумлаштириб айтганда, экологик барқарор тарраккиётда инсон омилини фаоллаштиришнинг муҳим шартларидан бири – «кўникиш эффекти»ни вужудга келтириш ва коэффициентини ошириш, фан-техника тараккиёти ютуқлари, хўжалик юритишнинг самарали механизмлари билан уйғунлаштирилган ҳолларда қўрилган натижаларни бериши мумкин. Инсоннинг биосоциал мавжудод сифатида табиий муҳитга, ижтимоий-сиёсий вазиятга мослашиш ходисаси, унинг тақдирга тан бериб яшаш учун курашдан иборат пассив харакати натижаси эмас, аксинча, экологик ҳолатга кўникиш хусусияти ўраб турган муҳитга онгли, фаол муносабатидир.

Академиклар В.П.Казначеев ва Е.А.Спирин инсоннинг табиий муҳитга биофизиологик мослашиш фаоллигини икки муқобил вариантга ажратадилар. **Биринчи**, – «спринтер» типдаги инсонлар экологик вазиятларга чидамлилиги, бардошлилилиги билан ажралиб турса ҳам юқори психоэмоционал ҳолати вақтинча бўлиб, организмларнинг истиқболдаги ривожланиш имкониятларига путур етказади ҳамда дезадаптация ва паталогияга олиб келади. **Иккинчи** – «стайер» функционал типни организмнинг узок давом этадиган

тургун экологик вазиятга эволюцион мослашишини ифодалайди»¹. Муаллифлар ҳар иккала тип хусусиятларини организмнинг соф биофизиологик ҳолатига, яъни қизил ва оқ мускул толаларининг морфологик ҳолатига, миокардиоцитлар ва соматик хужайраларнинг аэроб энергетик фазаларига боғлаб қўядилар. Ваҳоланки, ҳар қандай типдаги организмларнинг ташқи муҳитга мослашиш хусусиятлари инсон яшаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий вазиятларга ҳам боғлиқ бўлади.

Организмаларнинг ташқи муҳитга мослашиш функцияси самарадорлиги «ижтимоий-сиёсий синхронизаторлар» ролига тобора боғлиқ бўлиб қолаётир. Шунингдек, ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омилларнинг инсон асаби, эмоционал ҳолатига, инсон организмнинг мослашиш-регуляция механизмларига салбий таъсири, унинг психо-физиологик мувозанатини издан чиқармоқда. Чунки экологик вазиятга «кўникиш эффекти» ва «ко-эффиценти» юқори бўлиши, аввало «табиат – жамият – инсон» тизимидаги нисбатан мустақил ҳар бир элементнинг функциясидаги «кўникишга мойиллик» хусусиятига боғлиқ бўлиб, улар ўртасидаги зиддият аксарият ҳолда айнан майлларнинг бир-бирига мос келмаслигида намоён бўлади. Бу ҳодиса айрим ҳудудларда дастлаб локал характерга эга бўлган экологик муаммоларнинг таъсир доирасини кенгайтириб, уларни умумбашарий даражага олиб чиқмоқда. Табиатта антропоген таъсирнинг кучайиши ва табиатнинг «социализациялашиш» жараёни биологик организмларнинг табиатга мослашиш хусусиятларига жиддий путур етказди. Хусусан, «бизнинг асрларда инсоннинг индустриал ва техник қудрати ғоят кучайиб кетди. Лекин бу ҳодиса биосферага зарар етказди, унинг тирик мавжудотлари миқдори ва хилма-хиллигини ўлдира бошлади. Инсоният тирик организмларни шундай юк билан босдики, бу уларнинг компенсаторлик имкониятларидан ошиб кетди»². Учинчидан, инсоният цивилизациясининг ривожланиши одам организми мослашиши зарур бўлган шароитлар «каскадини» вужудга келтирган.

Мослашиш чегаралари, параметрларидаги ҳатто арзимаган жузъий ўзгаришлар ҳам организмларнинг ҳаёт фаолиятини издан

¹Казначев В.П., Спирин Е.А. Комплексно-научные направления: Методологические и общенаучные проблемы // Методологические проблемы экологии человека. Новосибирск: Наука. Сиб. отд., 1988. С.13.

²Федоров В.М. Биосфера земледелие человечество. М.: Агропромиздат, 1990. С.13.

чиқариб, ҳалокатга маҳкум қилиши мумкин. Инсониятнинг билиш имкониятлари ҳозирча унинг сабабларини очиб беришга қодир эмас. Шунинг учун организмларни табиий муҳитга мослаштирувчи «лимитловчи омил» ёки «толерантлик қонуни» мутлақо нисбий бўлиб, ғоят хилма-хил шарт-шароитларга боғлиқлиги, уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дифференциал тарзда ёндошишни тақозо қилади. Зеро, биосфера компонентлари жуда хилма-хил омилларга мослашишга мажбур, яъни мослашишлар коадаптация ва коэволюциясининг генетик омиллари табиий танланиш жараёнида вужудга келади ҳамда мустаҳкамланади. Бу мослашишнинг шарт-шароитларини, уни таъминловчи омиллар билан аралаштириб юбормаслик керак. Чунки организмлар шарт-шароитларга муайян омиллар ёрдамида мослашади.

Барқарор тараққиётнинг мақсади инсоннинг табиатга антропотехноген таъсири натижасида вужудга келган сунъий табиий муҳитга мослаштиришнинг услуб ва воситаларини топишдан иборат. Инсон табиатни эҳтиёжларига мослаштиришда, экологик имкониятларига мос равишда «сунъий» табиатни, микроклимларни, кўриқхоналарни, ландшафтларни яратиши экологик хавфсизликни таъминлашнинг нисбатан янги кўринишидир.

Экологик барқарор тараққиётни ижтимоий-фалсафий, социологик таҳлил қилишнинг илмий, назарий аҳамияти шундаки:

Биринчидан, ҳар қандай биосоциал муносабат, шакли ва даражасидан қатъий назар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий тизимларнинг мавжудлик ҳолатини ички зиддиятларда намоён қилади.

Иккинчидан, «табиатдан экологик фойдаланиш усули» жамиятнинг тарихий ривожланиш хусусиятларига мос равишда, ижтимоий-сиёсий устқурма элементларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги барқарор тараққиёт йўналишларини белгилаб туради.

Учинчидан, ноосфера таълимотининг ижтимоий-фалсафий мазмуни, биосфера коэволюцияси, коадаптациясини таъминлашдан иборат, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафқуравий омилларнинг бирлигини тақозо қилади.

Тўртинчидан, экологик барқарор тараққиёт, моҳиятига кўра, инсоннинг табиатни антропотехноген таъсир натижасида ўзгартириши орқали, ўз моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондиришдан ташқари, унга мослашиш хусусиятларида намоён

бўлади, яъни ижтимоий-табиий муҳитга мослашиш ҳодисаси инсон амалий фаолиятининг махсус кўринишидир.

Бешинчидан, экологик барқарор тараққиёт, ғояси бошқа ижтимоий-сиёсий ҳодисалар каби, тарихий-ретроспектив характерга эга бўлиб, келиб чиқиш генезисига кўра объектив жараёндр.

Экологик барқарор тараққиётнинг ижтимоий-тарихий генезиси ҳамда уларни туркумлаштириш тамойиллари

Жамият тараққиётининг дастлабки босқичларида «табиат – инсон» мажмуасидаги ички мутаносиблик мураккаб техноген фаолиятдан ташқарида, биосфера объектив қонунлари асосида мавжуд бўлган. Кейинчалик, антропотехноген таъсир воситаларининг тақомиллашуви билан субъектив омилнинг мақоми ўзгариб, биосферани ўзгартирувчи фаол «геологик куч»га (В.И.Вернадский) айланди. Биосфера системасидаги ички зиддиятларни бартараф этиш ва барқарор тараққиётнинг объектив зарурати, субъектив омил ролини ошишини ва «табиат – жамият» мажмуаси ички боғлиқлигини, ҳар икки томон манфаатларига мос бўлган оқилона ечимини топишни кун тартибига қўйди.

Инсоннинг табиатга экологик фаол муносабати моддий ва маънавий ҳаёт асосларини ишлаб чиқиши жараёнида содир бўлади. Бунда меҳнат инсон ва табиатни боғловчи ижтимоий бўғиндир. Шунинг учун инсон меҳнат фаолиятида табиат устидан ҳукмрон бўлиб кўринса ҳам, аслида, унинг табиат билан бирлигини ифодалайди, яъни инсон меҳнат воситаларида табиатни ўзгартириб, ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондириши давомида биосфера умумий ривожланиш қонуниятларига мослашиб боради. Шунга кўра, инсон биологик организм сифатида табиатнинг таркибий қисми бўлганлиги учун унинг ижтимоий онгли фаолиятини «табиат манфаатлари»га қарама-қаршилигини мутлақлаштириш хато ҳисобланади.

Экологик барқарор тараққиёт «табиат – жамият – инсон» мажмуасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатларда конкрет мазмун касб этади. Бундан ташқари, барқарор тараққиётнинг биологик, психологик, маънавий ва сиёсий асослари ўз тарихий даври моддий ишлаб чиқариш хусусиятларидан ажралиб қолган эмас. Экологик барқарорлик натижасида вужудга келган

«табиат – жамият» ички мутаносиблиги, биосфера коэволюцияси ва мувозанати ижтимоий-иктисодий, маънавий-сиёсий ривожланишнинг мазмунини намоён қилади.

Инсониятнинг ижтимоий-экологик фаолиятлари, дастлаб табиий-биологик эҳтиёжлар: ейиш, ичиш учун табиатни ўзлаштиришдан иборат эди. Кейинчалик, меҳнат тақсимоти ва кооперацияси натижасида, экологик фаолиятнинг дифференциялашиш хусусияти вужудга келди. Лекин инсониятнинг тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган амалий хатти-ҳаракатлари, тажрибалари, анъаналари тизимлашган илмий ғояларнинг механистик мажмуаси эмас. Айнқ пайтда, у конкрет жамиятда яшаётган шахсларнинг руҳий ҳоллари, ҳиссиётлари, қайфиятлари ва интилишларини ифодалайдиган кундалик онг даражаларини ҳам қамраб олиб, экологик мақсад ва вазифалари доираси муштараклашувни ҳамдир. Бунда инсоннинг субъектив руҳий ҳоллари унинг биосоциал мавжудлигининг ўзига хос ифодаси бўлиб, улар ижтимоий фаолиятни табиатни муҳофаза қилиш манфаатлари асосида ташкил қилиш вазифасини бажаради.

Жамият ривожланишини белгиловчи базис муносабатлари мажмуаси, инсоннинг табиатни ўзлаштириш мақсади йўлидаги уни ўзгартиришдан иборат ижтимоий фаоллигининг асоси ҳисобланади. Бундай ҳолда, экологик базис муносабатларининг нисбатан мустақиллиги, фақатгина амалий фаолиятнинг натижаси эмас. Чунки «табиат – жамият – инсон» мажмуасидаги амалий муносабатлар экологик онгда ўз ифодасини топади. Зеро, экологик оннинг назарий даражаси ижтимоий-экологик муносабатларнинг пассив инъикоси бўлмасдан, балки шу муносабатларни ҳаракатлантирувчи механизми ҳисобланган экологик эҳтиёжларга бориб тақалади. Бунда экологик барқарор тараққиёт инсон эҳтиёжларини қондиришнинг «технологик жараёни» ифодалайди.

Инсон пайдо бўлган дастлабки даврлардаги инстинктив-рефлектив, стихияли-содда экологик фаолият, жамиятнинг конкрет, утилитар эҳтиёжларини қондириш манфаатларига бўйсундирилган эди. Моддий ишлаб чиқаришнинг нисбатан кўйи даражаларида экологик барқарор тараққиётни таъминлаш инсоннинг кундалик яшаш эҳтиёжларидан, мақсадларидан келиб чиққан. Кейинчалик иктисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий омилларнинг ривожла-

ниши, табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларнинг, хусусан, экологик барқарорликнинг мазмунини белгилаб турган. Жамиятнинг нисбатан юкори таракқиёт босқичларида меҳнат тақсимоти ва кооперацияси такомиллашуви билан дунёни назарий «ўзлаштиришнинг» имкониятлари вужудга келган. Инсоният тарихида табиатни муҳофаза қилиш амалий тажрибаларининг умумлашуви, ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши, экологик барқарор таракқиётнинг даражаларига мос бўлган.

Назарий фаолият сифатида «табиат – жамият – инсон» муносабатларини барқарорлаштириш, хусусан экологик вазиятни соғломлаштириш, ҳар бир тарихий даврда инсоният мавжудлигининг табиатига мос келган ва турли даражадаги илмий дунёқарашларни шакллантирган. Инсон экологик фаоллиги халқ оғзаки ижодининг афсона ва ривоятларида, фалсафий, диний дунёқарашларида ўз ифодасини топган ҳамда экологик фаолиятини рағбатлантирувчи ёки антиэкологик хатти-ҳаракатларни тақиқловчи умуминсоний ахлокий, ҳуқуқий нормалар вужудга келган. Диннинг қадимги шаклларидаёқ, табиатнинг у ёки бу ҳодисаларини илоҳийлаштириш экологик барқарор таракқиётнинг ўзига хос йўналишини ифодалаган.

Қадимги ёзма манбаларда, археологик, этнографик тадқиқот натижаларида кишиларнинг табиий яшаш шароитлари билан боғлиқ экологик фаоллик йўналишлари вужудга келганлиги тарихий далиллар билан исботланмоқда. Бу даврнинг энг асосий хусусияти «табиат – жамият – инсон» муносабатларини бошқариш механизми сифатида экологик барқарор таракқиётнинг диний-ахлокий тамойиллари устуворлигини кўрсатади. Кейинчалик, мулкчилик ва меҳнат тақсимоти «кооперацияси» шаклланиши билан бу муносабатларнинг «сиёсатлашганлиги», функцияларининг мураккаблашишига олиб келган. Айнан шу жараёнда экологик барқарор таракқиётнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий муносабатлар мазмунига мос равишда дифференцияллашиш жараёнининг кучайганлигини кўраимиз. Марказий Осиё халқлари тарихида «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатларида экологик фаолликни ошириш, уларнинг яшаш шароитлари билан боғлиқ диний эътиқодларида ўз ифодасини топган. Масалан, зардуштийликда моддий олам тўрт элементини улуглаш экологик фаолиятнинг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир.

Экологик барқарор тараққиётнинг тарихий илдизларидан бири ахлокий муносабатларга бориб тақалади. Бошқача қилиб айтганда, ахлоқ моҳиятига кўра, «табиат – жамият – инсон» муносабатларини мувофиқлаштирувчи субъектив омил, экологик муносабатларнинг умумгуманистик характерини белгилайдиган мезон ҳисобланади. Шу нуктаи назардан, экологик барқарор ривожланишнинг ўзига хос қонуниятларини маънавий билан боғлаб, мажмуавий тарзда, тизимли ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, умуминсоний маънавий қадриятларнинг табиатни муҳофаза қилиш йўналишларидаги ички мутаносиблигини таъминлаш экологик барқарор тараққиёт зарурий шартидир.

Инсоният тарихининг нисбатан юқори босқичларида экологик қарашлар системалашиб, унинг назарий хусусиятлари вужудга келган. Бу даврда умумий дунёқараш таркибидаги экологик қарашлар иктисодий, сиёсий манфаатларга бўйсундирилиб, улар меҳнат орқали табиатни мақсадга мувофиқ ўзлаштиришдан иборат жараённинг муҳим омилли, деб қаралади. Табиат эса, ҳар қандай фаолиятнинг, жумладан, экологик фаолликнинг объекти тарзида қабул қилинади.

Тарихий генезиси ва кўламига кўра, «экологик фаоллик» тушунчаси «ижтимоий фаолият» тушунчасининг таркибига кирса ҳам умуман экологик фаолият, ижтимоий фаолиятларнинг ҳар қандай конкрет шаклларига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Назарий жиҳатдан, турли даражадаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-ғоявий, шунингдек, экологик фаолиятнинг вужудга келиши ва характерини жамиятнинг иктисодий базиси белгилаб туради. Бироқ буни мутлақлаштириш ярамайди. Чунки тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида айрим устқурма элементлари нисбатан устувор мавқега эга бўлиб, ҳатто базис муносабатлари устидан ҳам ҳукмронлик қилган. Ҳар қандай жамиятда ижтимоий фаолиятнинг муайян йўналишлари, ривожланиш даражалари ҳукмрон ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг хусусиятларига мос келган, уларнинг манфаатларини ифодалаган. Экологик фаолият ҳам бу маънода истисно эмас.

Муайян ижтимоий-сиёсий фаолият шаклларининг тадқиқот объектига айланиши, тарихий ривожланиш босқичларини даврлаштиришни тақозо қилади. Шу жумладан, экологик барқарор тараққиёт муносабатларини ўзига хос босқичларга ажратиш

тадқиқотнинг тарихийлик ва маънавийлик принципларидан келиб чиқади. Лекин ҳозирча ижтимоий экологияда бу методологик муаммо ҳал қилинмаган. Мавжуд туркумлаштириш тамойиллари асосига, инсон ва жамиятнинг табиатга таъсир қилиш усули қўйилган. Ваҳоланки, инсоннинг моддий ишлаб чиқариш фаолияти, муқаррар равишда, табиатни муҳофаза қилиш жараёнини ўз ичига олади. Тўғри, бу тарзда туркумлаштириш ҳам маълум маънода табиатни муҳофаза қилиш усулини ифодалайди, бироқ ҳозирги вақтда уни конкретлаштириб, назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш – тарихий заруриятга айланмоқда ва шу тарихий заруриятнинг анланган даражаси – ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий экологик фаолият характерини белгиловчи омил мақомини олмақда.

Эколог олимларнинг табиат ва инсон муносабатларини даврлаштириш ҳақидаги қарашларини қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

1. Ғарб экологлари «табиат – инсон» мажмуасидаги фаоллик муносабатларини ижтимоий-сиёсий жараёнлардан мустақил «натуралистик» тарзда тушунадилар. Хусусан, Р.Парсонс фикрига кўра, экологик тамойиллар азалдан мавжуд бўлиб, инсоннинг табиатга муносабатларини, унинг мувозанат тамойилларига амал қилиш ёки қарши чиқиш фаолиятларига қараб туркумлаштириш мумкин¹. Унингча, бу тамойилларга амал қилиш меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг характерига мос фаолият йўналишлари билан боғлиқ. Худди шундай қарашлар француз экологи Ж.Доретга ҳам мос бўлиб, инсоннинг овчи–балиқчилик, чорвадор–деҳқончилик ва саноат ишлаб чиқариш босқичлари экологик фаолиятнинг хусусиятларини белгилаб беришини исботлашга ҳаракат қилган².

2. С.Н.Соломина жамиятнинг экологик фаолиятини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатлардан нисбатан мустақил: илмий-техника инкилобига ва унинг бошланиши билан боғлиқ икки йirik даврларга ажратишни таклиф қилган³. В.А.Анучин эса, инсоннинг ижтимоий-экологик фаолиятини: «табиатга бўйсунуш « ва «табиат устидан ҳукмронлик» даврлари мавжудлигини кўрсатади, яъни бу босқичлар капитализмга бўлган – стихияли ва ундан

¹Парсонс Р. Природа предьявляет счет. М.: Прогресс, 1989. С.47.

²Дорет Ж. До того, как умрет природа. М.: Прогресс, 1968. С.27.

³Соломина С.Н. Взаимодействие общества и природы: (философские проблемы). М.: Мысль, 1983. С.111.

кейинги – онгли ривожланиш даражаларига мос келадиган коммунизмгача ва коммунизм (социализм ҳам назарда тутилган) даврларига ажратади. Бу принципга кўра, ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакллари асосий мезон ҳисобланади, яъни инсоният тарихининг турли босқичларида таркиб топган «ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг шакли ёки мулк муносабатлари табиатдан фойдаланишнинг бутун ташкилий тизимида белгиловчи омил сифатида намоён бўлади»¹.

Ишлаб чиқариш воситаларига ва табиат бойликларига ижтимоий мулкчилик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг энг олий ва ижобий шакли эмаслигини тарихий тажрибалар кўрсатиб берди. Бу айниқса, экологик фаолиятда яққол кўринди. Хусусан, собиқ Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлардаги иқтисодий ишлаб чиқаришнинг кооперацияси, нисбатан қолоқ технологияга асосланиши ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ташкил қилишдаги «коммуна» шакли экологик вазиятларни кескинлаштириб юборишга сабаб бўлди.

3. Уч даврга ажратишда асосан капитализмгача, капитализм ва социализм даврлари назарда тутилган бўлиб, туркумлаштиришнинг асосий мезони, унинг сиёсийлашуви билан боғланган. Д.Ж.Маркович фикрига кўра, «табиат – жамият» муносабатларидаги биринчи даврда инсон табиатни ўзгартиради ва «янги табиат «ни яратади, лекин табиатга қарам бўлади. Иккинчи даврда «янги табиат» устуворликка эришади. Инсон эса ўзини табиат ҳукмдори ҳисоблаб, ундан чексиз фойдаланиш мумкин деб билади. Бу давр ўз ичига кейинги уч асрни олади. Учинчиси ҳозирги давр бўлиб, инсон табиатни шундай ўзгартирадики, натижада, бу ўзгариш экологик зиддиятларни кескинлаштириб, инсоният ҳаётини сақлаб қолиш масаласини кун тартибига қўяди². Айнан шу тарзда В.А.Кобиланский биринчи даври табиатга инсоннинг оддий мослашиши ва унга қарамлиги, «оддий асбоблар ёрдамидаги қўл меҳнати», иккинчи давр – ишлаб чиқариш кучларининг нисбатан ривожланиб, табиат устидан ҳукмронликнинг кучайиши, «машиналар ёрдамида ишлаб чиқариш»; учинчи, ҳозирги вақтда «ишлаб чиқаришнинг автоматлашиб», табиат ва инсон ўртасидаги зиддият-

¹ Ануцин В.А. Основы природопользования. Теоретический аспект. М.: Мысль, 1978. С.59.

² Маркович Д.Ж. Социальная экология: Книга для учителя. М.: Просвещение, 1991. С. 87.

нинг кескинлашган даврларига ажратади¹.

Экология иктисодий муаммолари тадқиқотчиси П.Г.Олдакнинг экологик фаолиятни табиат бойликларидан фойдаланишга боғлиқ уч босқичга ажратиш тамойили диққатга сазовор. Унингча, биринчи босқичда инсонинг табиат ресурсларидан фойдаланиши, унинг захираларига жиддий таъсир кўрсатмайди, табиатнинг тикланиш ва ривожланиш имкониятлари сақланиб қолади. Иккинчи босқичда табиатнинг ўзини ўзи тиклаш имкониятлари чегараланади, лекин инсоннинг экологик антропоген таъсири натижасида, путур етган биосфера мувозанатини тиклаш имкониятлари мавжуд. Учинчи босқичда табиат ресурсларидан интенсив фойдаланиш, биосфера экологик мувозанатига салбий таъсир қилиб, уни деградацияга олиб келади ва қайта тиклашга техника, технология, фан ожизлик қилиб қолади ҳамда табиатни муҳофаза қилишнинг амалий чора-тадбирлари ижобий натижа бермайди².

4. Ижтимоий-иктисодий формацияларга боғлаб беш босқичга ажратиш нисбатан кенг тарқалган (И.Д.Лаптев, А.М.Галеев, М.Л.Курок, Ю.Ш.Шодиметов).

Илмий адабиётларда ижтимоий-иктисодий, сиёсий ходисаларни, жумладан, экологик фаолият даражаларини, ижтимоий-иктисодий формацияларга боғлаб текшириш асосида яширин ёки очикчасига муайян манфаатларни мутлақлаштириш ётади. Ҳар қандай ходисаларни синфий, партиявий, утилитар манфаатлар билан боғлаш, муқаррар равишда, экологик фаолиятда «ийғор социалистик» ғояларнинг, амалиётнинг афзалликларини исботлашга олиб келади. Бу назарияларнинг ҳаммасига: «Коммунистик жамиятгача бўлган ижтимоий-иктисодий формацияларда жамият ва табиатнинг ўзаро боғланишлари стихияли характерда эди»³, – деган фикр хос бўлиб устувор мавқега эга.

Аксарият илмий адабиётларда, айниқса, публицистикада ерга ижтимоий мулкчиликни бекор қилиб, хусусий мулк сифатида унинг ҳақиқий эгаларига бериш табиатни муҳофаза қилишнинг бирдан-бир самарали усули, деб мутлақлаштирилмоқда. Вахоланки,

¹Кобиланский В.А. Единство и соподчиненность природы и общества // Взаимодействие общества и природы. Философско-методологические аспекты экологической проблемы. М.: Наука, 1986. С.43.

²Олдак П.Г. Колокол тревоги: пределы бесконтрольности и судьбы цивилизации. М.: Политиздат, 1990. С.155-157.

³Корнеева А.И. Общество и окружающая среда. М.: Мысль, 1985. С.21.

ерга хусусий мулкчилик мавжуд бўлган мамлакатларда ҳам унинг экологик ҳолати ҳавас қилишга арзимайди. Француз ҳуқуқшуноси Ф.Сен-Маркнинг ёзишича капитализмда: «Табиатни муҳофаза қилиш ер эгаси учун рентабелли эмас, аксинча, уни бузиш билан катта фойда олади»¹.

Инсоният тарихи дастлабки босқичи ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг нисбатан қуйи ривожланиши билан характерланади, лекин «табиат – жамият – инсон» муносабатлари, биосфера мувозанати нуқтаи назаридан, маълум даражада экологик мақсадга мувофиқликни ифодалайди. Демак, ҳар қандай экологик барқарор тараққиётнинг шакли тарихий ривожланиш даражасига мос бўлиб, унинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари тузилмасида ўз аҳамиятига эга.

Айрим жамиятшунос олимлар ижтимоий масъулиятни жамиятнинг меҳнат тақсимооти ва кооперациясининг вужудга келиши билан боғлаб қўядилар². Ваҳоланки, барқарор тараққиёт, ижтимоий ҳаётнинг зарурий шарти сифатида, инсониятнинг вужудга келиши билан характерланиб, жамиятнинг умумий ривожланиши билан ўз мазмунини ва функциясини ўзгартириб боради. Дастлаб барқарор тараққиётнинг зарурлигини англаш инстинктив-рефлексив характерга эга бўлиб, инсоннинг ўзаро ёки табиатга нисбатан муносабатларини ташкил қилишнинг стихияли, содда шаклларида намоён бўлган. Яъни ибтидоий жамоа даврида инсонларнинг ҳаёт тарзи объектив равишда барқарор тараққиётнинг мазмунини, ривожланиш тенденциясини детерминантлаштириб турган. Жамиятнинг эволюцион ривожланиши жараёнида барқарор тараққиётнинг муайян йўналишлари, аҳамиятига кўра, тараққиётнинг мезонига айланган.

5. Ижтимоий экология тадқиқотчиси Э.В.Гирусов тақлиф қилган даврлаштириш диққатга сазовор³. Унинг фикрига кўра, жамият ҳамма вақт табиий омиллар қаршилигини енгишга мос равишда ривожланиб келган. Биринчи даврда биосоциал мавжудот сифатида инсоннинг бу қаршиликларни енгиши, оддий меҳнат қуролларидан фойдаланишнинг дастлабки босқичини ўз ичига ола-

¹Сен-Марк Ф. Социализация природы. М.: Прогресс, 1986. С.77.

²Сперанский В.И. Социальная ответственность личности: сущность и особенности формирования. М.: Изд. МГУ, 1987. С. 16.

³Гирусов Э.В. Основные исторические этапы взаимодействия общества и природы // В кн.: Общество и природа. М., 1981. С.50-53.

ди. Иккинчи давр табиий энергия манбаларидан фойдаланиш ва уларни сунъий ҳосил қилишга асосланган босқич. Учинчи давр илмий-техника инқилобининг электрон ҳисоблаш машиналарини, кибернетик ускуналарни яратиш билан характерланади. Тўртинчи давр жамиятнинг узлуксиз ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан табиатнинг чегараланган имкониятлари ўртасидаги зиддиятни бартараф этиб, экологик мувозанатни вужудга келтириш билан боғлиқ. Дарҳақиқат, бу туркумлаштиришда инсоннинг табиатга таъсир тенденциясигина эмас, балки муҳофаза қилиш фаолияти ҳам ўз ифодасини топган. Лекин бу жараён турли мамлакатларда ўзига хос қонуниятлар орқали намоён бўлади. Инсоният тарихининг ҳозирги ҳолати нисбатан аниқ белгиланган иккинчи ёки яхши ҳолларда учинчи босқичда турибди. Тўртинчи давр истиқбол босқичи, бунинг устига, ўсиб бораётган эҳтиёжлар билан табиатни муҳофаза қилиш имкониятлари ўртасидаги мувофиқликни вужудга келтиришни келажақда ҳам амалга ошириш жуда мураккаб, оламшумул вазифа. Чунки ҳамма мамлакатлар ҳеч бўлмаганда учинчи босқичга олиб чиқилмаса, айрим мамлакатлардаги тўртинчи босқич аҳамиятини йўқотади.

6. Экология социологик муаммолари тадқиқотчиси И.В.Бестужев-Лада экологик фаолликнинг ижтимоий-макон хусусиятларини урбаноология нуқтаи назаридан туркумлаштириб, уларга мос равишда «шаҳар синдроми» ва «кишлоқ синдроми» тушунчаларини фанга киритган. Унинг фикрича: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётнинг шаҳарларда ташкил қилиниш даражаси ва хусусиятлари экологик фаолликдаги «шаҳар синдроми»нинг доминантлигига ва гегемонлигига олиб келган¹.

Экологик фаолликнинг «ижтимоий макон» хусусиятларини бу тарзда туркумлаштириш методологик жиҳатдан аҳамиятли бўлса ҳам, уларни мутлақлаштириш, бир-бирига қарама-қарши қўйиш ноўрин. Чунки айрим ҳолларда, «экологик комфортнинг урбанизация ва техника прогресси яратган кўпчилик элементлари ўзининг қарама-қарши томонига айланади»². Шу жумладан, Д.Ж.Маркович индустриалаштириш ва урбанизация жараёнини «табиат – инсон»

¹Бестужев-Лада И.В. Экология человека и социология.// -В кн.: Методологические проблемы экологии человека. Новосибирск: "Наука", Сибирское отделение, 1988. С. 42.

²Баранов А.В. Урбанизация и экология человека. //Методологические проблемы экологии человека. С. 106.

мажмуаси мутаносиблигига путур етказувчи омил, деб ҳисоблайди. Унингча, индустрлаштириш ва урбанизация ҳодисаси инсонни табиатдан ажратади ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўяди¹. Масалани бу тарзда қатъий қўйиш нотўғри. Чунки индустрлаштириш ва урбанизация жараёни объектив тарихий ҳодиса. Зеро, оқилона ташкил қилиниб, илмий бошқариладиган индустрлаштириш ва урбанизация жараёнининг янги сифат босқичи инсоннинг табиат билан яқинлашиши учун техник-технологик, коммуникация имкониятларини яратади.

Экологик фаолликни «ижтимоий макон» микёсларига кўра: маҳаллий, миллий, ҳудудий ва оламшумул даражаларга ажратиш, методологик жиҳатдан, мақсадга мувофиқ. Шунинг учун махсус адабиётларда, экологик фаолликнинг хусусиятларини шу тартибда туркумлаштириш нисбатан кенг қўлланилмоқда². Умуман, экологик муаммолар кўламига бундай ёндошиш, уларнинг ички, мураккаб боғланишларини, конкрет хусусиятларини ва ривожланиш истиқболини аниқлаш учун зарур бўлган илмий тамойил ҳисобланади. Бундан ташқари, экологик барқарорликнинг «ижтимоий-макон» хусусиятлари, уларни ҳал қилишнинг ўзига хос услуб ва воситаларини танлаш имкониятларини белгилайди, яъни маълум чегарадаги экологик муаммоларнинг конкрет хусусиятларига қараб, бир давлат ички имкониятлари доирасида ёки шу минтақадаги турли мамлакатларнинг ўзаро ижтимоий-иктисодий, сиёсий ҳамкорлигида ечимини топиши мумкин.

Умумбашарий экологик муаммоларнинг вужудга келиш тенденцияси шуни кўрсатадики, улар дастлаб маҳаллий характерга эга бўлади ва таъсир кўламини узлуксиз кенгайтириб бориши билан умуминсоний аҳамият касб этиб боради. Уларнинг муайян марказларда вужудга келиши, кейинчалик, макон хусусиятларини ривожлантириб бориши билан икки тенденция: «марказдан қочма» ва «марказга интилма» йўналишлар кўзга ташланади. Бунга экология тарихидан исталганча мисол келтирса бўлади. Масалан, Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммолар бошланишида маълум географик нуқталарда бўлган бўлса, ҳозирда унинг

¹Маркович Д.Ж. Социальная экология: Книга для учителя. М.: Просвещение, 1991. С.60, 75, 98.

²Ислом Каримов. Виздан озод ва обод ватан қолсин. 2-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Ислом Каримов Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

ечими Марказий Осиё, Қозоғистон республикалари ва бошқа давлатларнинг экологик сиёсат соҳасидаги ҳамкорлигини тарихий заруриятга айлантирмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов, БМТнинг 48 сессиясидаги маърузасида (1993 йил сентябрь), Европа давлатлари хафсизлиги кенгашининг (ЕДХК) Будапешт учрашувида (1994 йил декабрь), Копенгагенда ўтган Халқаро конференцияда (1995 йил март), Парижда ЮНЕСКО Ижроя Кенгаши сессиясида (1996 йил апрель) ва бошқа анжуманларда сўзлаган нутқларида Жаҳон ҳамкорлиги эътиборини Орол денгизи қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммоларга жалб қилиб, бутун бир минтақа аҳолисини сақлаб қолишга чақирган эди.

Экологик барқарор тараққиёт даврларини юқорида кўрсатилганидек туркумлаштиришлар, шубҳасиз, унинг илмий муаммоларини ҳал қилишда муҳим методологик аҳамиятга эга. Айниқса, туркумлаштириш тамойиларига мажмуавий-тизимли ёндошиш ҳодисаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятларини вужудга келтиради. Бироқ экологик барқарор тараққиётнинг конкрет тарихий даврлари ўзидан олдинги босқичлардан фарқ қилади. Чунки муайян эҳтиёжлардан келиб чиқиб, маълум манфаатларга боғлиқ бўлади. Шунга қарамадан, инсоннинг табиатга экологик муносабатидаги иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларини ҳар бир даврга қатъий қолишдаги мезон билан боғлаб қўйиш назарий жиҳатдан хато ҳисобланади.

«табиат — жамият — инсон» мажмуасидаги экологик барқарорликнинг тарихий ривожланиш босқичлари нисбатан белгиланса ҳам умумфалсафий методологик тамойиллари мавжуд, яъни индивидуал, конкрет ривожланиш босқичларига (индивидуал ва ижтимоий, кундалик онг ва назарий онг даражаси); объектига ва предметига (табиатнинг конкрет компонентлари муҳофазасига қаратилган); горизонтал ва вертикал йўналишларига (ижтимоий ва сиёсий фаолиятларнинг экологиялашувидаги интеграциялашиш ва дифференциялашиш ҳодисаларига); ҳаракатлантирувчи кучларига, мотивларига, усулларига (иқтисодий, сиёсий, маънавий); экологик оқибатларини баргараф қилишга (хавф, инкироз, ҳалокат); истиқболга (яқин ва узоқ келажакдаги); мақсади ва манфаатларига (миллий, маҳаллий, умуминсоний) қараб туркумлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу кўрсаткичларнинг мажмуавий тарзда тизим-

ли қўлланилишини туркумлаштиришнинг умумийлигини таъминлашини, босқичларнинг ўзаро диалектик боғланиш ва алоқадорликларини ифодалаб туришига ижтимоий тараққиётнинг омиллари сифатида қараш керак.

Умуман, экологияга оид фалсафий адабиётларда халқаро экологик муносабатлар ривожланишининг тарихий босқичлари ҳалигича аниқ таснифланмаган ва экологик фаолият тарихини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичлари ва хронологиясига қараб бўлиб чиқиш бирёклама тасниф бўлади. Масалан, баъзи муаллифларнинг фикрича, энди ривожланаётган, бозор иқтисоди босқичига ўтаётган мамлакатлар тараққиётнинг қуйи босқичидаги ва интеграциялашув салоҳияти паст мамлакатлардир. Бу муаллифлар фикрича «мультиполяр дунё» (турли қутблардаги, зиддиятларга бой дунё, яъни Ғарбий Овруро давлатлари) экологик барқарорликда фаворит – лидер мамлакатлардир. Бу асарларда экологик сиёсат тарихи давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиёти асосий мезон қилиб олинган.

Бизнингча, бу масалада ҳали назарий жиҳатдан теран сечимини топиб, ягона фикрга келинган эмас. Айниқса, Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатини интеграциялаштириш тарихий босқичлари ҳали деярли ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотда экологик барқарор сиёсат ва унинг халқаро интеграцияси фалсафий-социологик аспектларини тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз. Зеро, муаммонинг шу жиҳатлари фақат Ўзбекистон учунгина эмас, балки бутун дунё ҳамжамияти учун ҳам долзарб назарий-методологик аҳамиятга эгадир.

Инсон экологик фаолиятини даврлаштиришда, бош мезон табиатдан фойдаланиш усулининг «ишлаб чиқариш кучида» намоён бўлишидир. Зеро, назарий экологиянинг табиатни муҳофаза қилиш ишлаб чиқариш кучига айланиши, инсон экологик фаоллигининг умумий ривожланиш даражасига мос келади ҳамда «табиат – жамият» муносабатларининг ривожланиш истикболи ҳар қандай назария ва амалиётнинг экологиялашувини тақозо қилади.

Маълумки, фанлар тадқиқот объектининг хусусиятларига қараб ишлаб чиқариш кучига ё ишлаб чиқариш воситаларида мужассамлашиш, техникалашиш орқали ёки бевосита инсон ишчи кучи маънавий дунёсининг моддийлашuvi орқали айланиши мумкин. Масалан, табиатшунослик ва техника фанлари ишлаб чиқариш куч-

ларига бевосита меҳнат қуролилари орқали, ижтимоий фанлар эса, инсон омили орқали айланади. Экологияда бу жараён ўзига хос мураккаб тарзда кечади. Яъни унинг ишлаб чиқариш кучига айланиши ҳар икки элементда намоён бўлади. Мана шу хусусиятларига қараб, экологияни айрим кишилар табатшунослик деб ҳисобласа, айримлари ижтимоий фанлар туркумига киритади. Ваҳоланки, ҳар қандай фанларнинг экологиялашуви, назарий ҳулосаларнинг амалиётда моддийлашуви, ўз предмети доирасида, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятнинг натижалари билан ўзига хос аҳамият касб этади.

Ҳозиргача ишлаб чиқариш усулининг ривожланиш даражасини белгилувчи мезонлар мажмуасида экологик кўрсаткичлар эътиборга олинмас эди. Экологик инкирознинг кескинлашиб, ҳаётмамот масаласига айланиши билан жамият барқарор ривожланишини экологик фаолият самарадорлигига боғлашнинг объектив зарурати вужудга келди. Яқин келажақда моддий неъматларнинг истеъмол қийматини: иқтисодий арзонлиги, юқори сифати, ижтимоий аҳамияти, эстетик жиҳатларидан ташқари, экологик кўрсаткичлари белгилаб туришига шубҳа йўқ. Худди шу тамойилга асосан илмий-техника инкилобининг экологик ижобий ёки антиэкологик салбий оқибатлари баҳоланади. Яъни унинг аҳамиятини табиат устидан ҳукмронликнинг мукамал техник воситалари, технологик жараёнини вужудга келтириш эмас, балки табиатни муҳофаза қилиш, биосфера қозволуцияси ва мувозанатини сақлаш, барқарор тараққиётга қўшаётган ҳиссаси белгилайди. Шунинг учун экологик вазиятни кескинлаштиришда илмий-техника тараққиётини асосий айбдор, деб билиш ёки аксинча, илмий-техника инкилоби автоматик тарзда экологик зиддиятларни ҳал қилишга олиб келади, деб тушуниш хатодир.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилмасидан қатъий назар, экологик фаолиятни моддий ишлаб чиқариш усулининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ уч босқичга ажратиш мумкин. **Биринчи босқич** – ишлаб чиқариш ва хўжалик чиқиндиларини ҳозирча инсонга бевосита таъсир қилмайдиган жойларга чиқариб ёкиб юбориш ёки кўмиб ташлаш. **Иккинчи босқич** – табиатни ифлослантирувчи моддаларни биологик, химик, физик воситалар ёрдамида зарарсизлантириш. **Учинчи босқич** – ишлаб чиқариш технологик жараёнида ресурслардан фойдаланишнинг ёпик циклига ўтиб, бар-

ча компонентлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини топишдан иборат.

Биринчи босқичда табиий муҳитга ва инсонга бевосита таъсир қилишнинг олди олинган бўлса ҳам, умуман, биосфера экологик мувозанатида салбий таъсирнинг муқаррарлиги сақланиб қолади. Шунинг учун ҳозирги даврга келиб, ҳатто табиатни ифлослантирувчи моддаларни тозалаш ва табиатга зарарсиз ҳолга келтириш гояси ҳам эскириб қолди. Академик Е.К.Федоров фикрича, атроф муҳитни ишлаб чиқариш ва хўжалик чиқиндиларидан тозалаш табиатни ифлослантиришнинг олдини олишнинг бош йўналиши эмас. Техника тараққиёти муаммони ҳал қилишнинг радикал йўлини белгилаб берди, яъни барча моддалардан технологик жараёнда ҳеч қандай чиқитларсиз тўлиқ фойдаланиш зарур. Бу кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш заруратидан келиб чиқмоқда.

Шу нуқтаи назардан экологик барқарор тараққиётни жараён сифатида бир-бири билан узвий боғлиқ уч даражага ажратиш методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга:

1) барқарор тараққиёт эҳтиёжи ва омилларнинг пайдо бўлиши билан уни амалга ошириш тайёргарлик даврини ўз ичига олади. Бу босқичда экологик барқарор тараққиётнинг зарурати объектив ҳамда субъектив асослари англаниб, уни амалга оширишнинг потенциал имкониятлари вужудга келади;

2) экологик барқарор тараққиётнинг услуб ва воситалари мажмуаси ташкил топади, йўналиш контурлари аниқланиб, инсон ижтимоий-биологик, интеллектуал имкониятларини сафарбар қилиш, эҳтиёжлари, мақсадларини амалга оширишдаги уйғунлик бевосита экологик амалиётда намоён бўлади;

3) қўлга киритилган ютуқлар, тажрибалар ва йўл қўйилган ҳа-толарни таҳлил қилиб, экологик барқарор тараққиёт истикболини белгилайдиган стратегия ва тактикани амалга оширишдан иборат. Бу жараёнда биринчи ва иккинчи даражаларнинг муваффақиятли ташкил қилиниши учинчисининг самарадорлигини таъминлайди.

Антропоген таъсир натижасида экологик инкироз ва фалокатларнинг тарихи, конкрет босқичлари ҳозиргача старли даражада ўрганилган эмас. Илмий жамоатчилик ўртасида экологик инкирозларни саноат ва илмий-техника инқилоби билан боғлаш фикри нисбатан кенг тарқалган. Ваҳоланки, Қизилқум остида қолиб

кетган Варахша водийси, Туркменистон чегарасидаги Кўхна Урганч ва бошқа қатор шаҳар харобаларида илмий-техника инкилобигача бўлган инсон ғайри экологик (антиэкологик) фаолиятининг маълум ҳиссаси мавжуд. Бу ҳодиса бошқа ҳудудларда ҳам кузатилган. Масалан, АҚШнинг жанубий-ғарб томонида Аризона штати чегараларида XI-XII асрларда Анзас ҳиндулари гоят мукамал 75 та шаҳар қурганлар, ҳатто 5 қаватли 800 дан ортиқ хоналари бўлган уйлар, йўллар, мураккаб муҳандислик иншоотларини яратганлар. 1200-йилларда улар шаҳарларни ёппасига тарк этганлар. Ҳозиргача бу кўчишга узок давом этган қурғоқчилик сабаб бўлган деб ҳисобланарди. Лекин америкалик тадқиқотчи Жулио Бетанкур хулосаларига кўра, аҳолининг икки ярим аср давомида оммавий равишда атрофдаги дарахтларни ёкилғи ва қурилиш материаллари сифатида ишлатиш мақсадида кесиб юбориши экологик фалокатга олиб келиб, халқнинг «буюк экологик кўчиш»ига сабаб бўлган. Ҳозирги вақтда ҳам вужудга келаётган экологик ҳалокатнинг зудлик билан олди олинмаса минтақаларидан миллионлаб кишининг кўчишига тўғри келади. Марказий Осиё халқларининг «ўз аждодлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойиллиги йўқлиги республикамиз аҳолисига ҳам хос хусусият»¹ бўлишига қарамасдан, экологик ноқулай яшаш шароити кишиларнинг территориал мобилликларини оширувчи омилга айланмоқда. Узокқа бормайлик, Орол денгизининг жадал сурьатлар билан қуриб бориши, Оролбўйи халқлари бошига «буюк кўчиш» тақдирини солиши тобора аниқ бўлиб қолмоқда. Экологик вазиятнинг кескинлаш, кишиларнинг яшаш жойини ўзгартиришга мойиллик қайфиятларини кучайтирувчи мотивга айланмоқда. Республика шаҳарларида ўтказилган социологик тадқиқотлар: Берунийда – 62,0; Нукус ва Мўйноқда – 59,1; Олмалиқда – 45,1; Навонийда – 43,1 фоиз киши яшаш жойини ўзгартириш истаги мавжудлигини кўрсатди². Умумлаштириб айтганда:

1) экологик барқарор таракқиётга эҳтиёж инсон пайдо бўлиши билан характерланиб, унинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари жамият ривожланиш даражаларига мос келади;

¹Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 42-бет.

²Хужумов А. Проблема анализа уровня экологического сознания населения Республики Узбекистан. Ташкент: ТЭУ, 1994. С.21.

2) жамият ижтимоий муносабатларида табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари барқарор тараққиёт манфаатлари билан боғланиб, умуминсоний кадриятлар таркибига киради;

3) экологик барқарор тараққиётда эҳтиёжларнинг ўсиши билан ижтимоий онг шакллари, амалий фаолиятларининг экологиялашиш тенденцияси кучаяди;

4) экологик фаолиятни ипсон ва жамиятнинг табиатга таъсир қилиш воситаси ёки усули билан аралаштириб юбориш, унинг предмет доирасини мавҳумлаштиради;

5) экологик барқарор тараққиёт даврларини туркумлаштириш тамойилларида хусусий йўналишларининг мутлақлаштирилиши мажмуавий, тизимли-тузилмали ёндоқишнинг методологик ожизлигига бориб тақалади;

6) назарий ва амалий фаолиятнинг «экологик ишлаб чиқариш кучига айланиши»га барқарор тараққиёт характери, тенденцияси, функциясини белгилайдиган мезон сифатида қараш керак;

7) экологик барқарор тараққиёт стихияли, механистик тарзда амалга ошадиган ҳодиса эмас, аксинча, у объектив-субъектив омилларни, ҳаракатлантирувчи кучларни тақозо қилади.

2-БОБ. ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ДЕТЕРМИНАНТЛАШТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ҲАМДА МЕХАНИЗМЛАР ТИЗИМИ

Экологик барқарор тараққиёт ижтимоий ҳодиса сифатида объектив ва субъектив омиллар билан детерминантлашгандир. **Биринчидан**, «табиат – жамият – инсон» мажмуасининг ривожланиш жараёни табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган онгли, мақсадга мувофиқ интилишлари объектив асосларга эга. **Иккинчидан**, жамиятнинг экологик тараққиёти, инсон ижтимоий-сиёсий фаолиятлари субъектив омиллар ёрдамида амалга оширилади.

Экологик детерминизм инсониятнинг ҳаётий фаолияти доирасини факатгина табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари асосида чегаралаш бўлмасдан, балки «табиат – жамият – инсон» муносабатларини мақсадга мувофиқлаштирувчи, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий омиллар мажмуасидир. Шу нуқтаи назардан, бу ижтимоий ҳодиса жамиятнинг конкрет экологик эҳтиёжларини ва манфаатларини кондиритиши, унинг моддий, техник, технологик, интеллектуал асосларини яратиш билан экологик барқарор тараққиётни конструктив-рационал ташкил қилишнинг истикболини белгиловчи объектив-субъектив омиллар диалектик бирлигини намоён қилади.

Жамият моддий-техник эҳтиёжлари, манфаатлари мажмуасининг экологик хавфсизликни таъминлашдаги роли

Фалсафий адабиётларда экологик фаолиятни детерминантлаштирувчи, эҳтиёж, манфаат ва мақсадларни тадқиқ қилиш, улар алоқаларини фрагментар ёки бир-биридан мустақил олиб қарашида намоён бўлмоқда. Бизнинг тадқиқотимиз доирасида: «экологик эҳтиёж», «экологик манфаат», «экологик мақсад», «экологик мотив» категориялари экологик барқарор тараққиётнинг объектив,

субъектив омиллари тарзида олиб қаралмоқда.

Юқорида қайд қилинган категориялар мазмуни экологик фаолият субъектларга хос ва уларни ҳаракатлантирувчи механизм бўлгани учун ҳам бир-бирига жуда яқин. Бундан ташқари, жамиятнинг муайян иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлари билан боғлиқ субъект экологик эҳтиёжи ёки манфаати, унинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар тузилмасида тутган ўрнидан қатъий назар, ҳеч қачон ички зиддиятга эга эмас. Ваҳоланки, экологик эҳтиёж ёки манфаатлардан бошқа ижтимоий, иқтисодий, сиёсий эҳтиёж ва манфаатлар, доимий равишда бир-бирига зид келиб туради. Шунингдек, экологик эҳтиёж билан манфаатлар ўртасида фарқ манжуд. Бу энг аввало, уларнинг мазмун кўламида кўзга ташланади, яъни экологик эҳтиёж каттарок тизимга мансуб бўлиб инстинктив, рефлексив ва онгли даражаларини ҳам қамраб олади. Экологик манфаат эса англанган зарурият бўлиб, соф ижтимоий-руҳий ходисадир. Аниқроқ қилиб айтганда, экологик эҳтиёж биологик турлар ҳамда ижтимоий субъектнинг яшаши ва ҳаётини давом эттириши учун қулай бўлган оптимал табиий шарт-шароитларни, биосфера мувозанатини сақлаш заруратидан келиб чиқади. Экологик манфаат инсонга хос бўлган «соф» ижтимоий хусусият ҳисобланиб, экологик муносабатларнинг мазмуни муайян ижтимоий бирликларнинг: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий эҳтиёжлари билан боғланиб конкретлашади. Лекин айрим ижтимоий гуруҳларнинг экологик манфаатдорлиги бошқа гуруҳларнинг иқтисодий ёки бошқа манфаатларига мос келмаслиги мумкин. Шунга кўра, экологик манфаат «индивидуаллашган», «персонализациялашган» эҳтиёж кўринишига эга бўлади.

«Экологик манфаат» категориясида экологик вазият билан субъектнинг табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжи ўртасидаги муносабат ифодаланади. Бунда, субъект экологик муносабатларни тўлиқ билиши ёки билмаслигидан, муганосиб акс эттириши ёки эттира олмаслигидан қатъий назар, у объектив реаллик тарзида мавжуд бўлиб қолаверади. Мазкур хусусиятига қараб «экологик манфаат» категорияси экологик муносабатларнинг ижтимоий мазмуни ва ривожланиш динамикасини нисбатан тўлиқ ва конкрет тарзда ифодалайди.

Экологик воқелик билан экологик эҳтиёжлар ўртасида зиддиятлар мавжуд бўлиб, субъектнинг табиатни муҳофаза қилишга

йўналтирилган амалий фаолияти, объектив эмил сифатида, бу зиддиятни детерминантлаштириб туради. Экологик эҳтиёжлар билан иктисодий муносабатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши жараёнида субъектнинг объектив экологик манфаатлари вужудга келади. Экологик эҳтиёжларнинг конкретлашиб, манфаат даражасига кўтарилиши билан жамиятнинг ижтимоий, иктисодий, сиёсий манфаатларида табақаланиш жараёни бошланади. Шу билан бирга, умумбаъшарий микёсда, экологик хавфнинг ошиб бориши, индивидуал манфаатларнинг умуминсоний барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида бирлашиш «чорраҳаларини» вужудга келтиради. Худди шу ҳодиса экологик манфаатларнинг бошқа манфаатлардан фарқини кўрсатади.

Социал қатламларнинг хусусий эҳтиёжлари ўсиб бориши ва манфаатларнинг дифференциаллашуви билан бир томондан уларнинг табиий яшаш шароитлари ҳамда экологик эҳтиёжлари ўртасида зиддият кучайиб бори. Иккинчи томондан эса, турли социал қатламларнинг ижтимоий-сиёсий бирлиги шаклланиши билан манфаатлари мажмуаси маълум тарихий даврда зиддиятларга асосланган бўлса ҳам кейинчалик экологик эҳтиёжлари манфаатлар доирасида бирлашишга мажбурдир. Бироқ умумий экологик манфаатларнинг объектив шаклланиш жараёни ҳамма вақт унинг англаниш даражасига мос келавермайди.

Экологик манфаатлар объектив ҳодиса бўлиб, унинг тарихий келиб чиқиши, ривожланиш қонунлари субъект фаолиятига боғлиқ эмас. Лекин экологик манфаатларни фақатгина объектив шарт-шароитлар, омиллар билан боғлиқлигини мутлақлаштиришдан иборат фаталистик назариялар унинг мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди. Зеро, экологик манфаатнинг объективлигини эътироф этган ҳолда унинг субъектив жиҳатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, инсон омили роли ошиб бораётган ҳозирги вазиятда муҳим методологик аҳамият касб этиши мумкин. Шунинг ҳам айтиш керакки, «экологик эҳтиёж» категорияси субъектнинг экологик фаолиятига масъулиятини англашига таъсир қилувчи ҳамма объектив омилларни бутунлигича қамраб олиши мумкин эмас.

Экологик барқарор тараққиёт субъектнинг табиий яшаш шароити ва эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятлар кишиларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолият йўналишларини белгилаб туради. Шунга кўра, субъектнинг экологик яшаш шароити ва табиатни муҳофаза

қилишдаги ижтимоий муносабатларидан келиб чиқиб, «экологик манфаат» категорияси «экологик эҳтиёж» категориясининг мазмунини кўп жihatдан тўлдиради ва конкретлаштиради. Экологик манфаатнинг вужудга келиш жараёни ва ретроспектив ривожланиши унинг объективлигини кўрсатади. Зеро, экологик манфаат, умуман, англанган ёки англанмаганидан қатъий назар, барқарор тараққиётнинг объектив муносабати тарзида мавжуд. Шунингдек, экологик манфаатлар ҳамма вақт ҳам тўғри, илмий англанмайди. Бунинг устига, айрим шахслар ёки ижтимоий бирликлар ўзларининг индивидуал иктисодий, сиёсий манфаатлари устуворлигини сақлаб, барқарор тараққиёт манфаатларга зид иш тутишлари мумкин. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, манфаатлар ўртасидаги оқиллона боғланишларни, унинг натижаларини кўра билмаслик ёки айрим манфаатларни мутлақлаштириш волюнтаризм, тоталитаризм ва субъективизмнинг энг ёрқин кўринишидир.

Шахс ва ижтимоий бирликнинг экологик манфаатига қуйидаги субъектив сабаблар салбий таъсир қилади:

1) айрим ижтимоий бирликлар ўз манфаатларини экологик эҳтиёжга қарама-қарши қўйишларидан вақтинчалик утилитар, меркантилча мақсадларига эришадилар;

2) уларнинг жамиятдаги иктисодий, сиёсий мавқеи устқурма элементларини «монополиялаштириб», ўз манфаатларига бўйсундиришга имконият яратди;

3) экологик эҳтиёж ва манфаатларга салбий конформистик муносабат, уни вужудга келтирган, ривожлантирган омилларга, услуб ва воситаларга локаллик қайфиятини мустаҳкамлайди.

Экологик манфаатлар объектив ижтимоий ҳодиса бўлса ҳам кишилар онгида назария, ғоялар тарзида акс этиши билан барқарор тараққиётни рағбатлантирувчи мотивга айланди, яъни экологик манфаат субъективнинг амалий фаолиятини белгиловчи омилдир. Бунда табиатни муҳофаза қилиш амалиёти кўлами ва характери барқарор тараққиётнинг экологик манфаатларини англаш даражасига мос келади. Шунингдек, экологик манфаатлар турли ижтимоий бирликларнинг ижтимоий онгида ўзига хос тарзда акс этади.

Дастлаб экологик манфаатлар бошқа манфаатлар «соясида» қолиб кетганлиги боис, ўзининг ҳаракатлантирувчи мотивларини стихияли тарзда намоён қилади. Экологик вазиятнинг кескинлашуви билан англаниш даражаси кучайиб, экологик яшаш шароитидан

норозилик кайфияти, рухий ҳоллари вужудга келади. Кейинчалик, шу ижтимоий ҳодиса, табиатни муҳофаза қилиш амалий фаолиятининг мотивига айланади. Шунини алоҳида айтиш жоизки, ҳатто стихияли экологик ҳаракатларда ҳам онглилик элементлари мавжуд бўлганидан, онгсизликни онглиликдан мутлақ ажратиб қўйиш нотўғри. Зеро, стихиялилики онглиликнинг нисбатан куйи даражада намоен бўлиш шартини ҳисобланиб, бевосита кундалик ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиқади.

Жамият ривожланиши ва экологик эҳтиёжларнинг англаниши зарурият даражасига кўтарилиши билан турли ижтимоий, сиёсий, маънавий муносабатларнинг экологиялашиш жараёни кучайиб боради. Бунда экологик манфаатларнинг «сиёсатлашиш» ва «мафкураланиш» даражаси, экологик барқарор тараққиётнинг ўзига хос йўналишларини, характерини белгилаб беради. Шунга асосан, экологик барқарор тараққиёт тушунчаси ўз предмети ва объекти доирасида чегараланиб қолмасдан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларни ҳам экологик манфаатлар билан уйғунлаштиради. Бу ўз-ўзидан механистик ёки стихияли тарзда содир бўладиган ҳодиса эмас, балки назарий асослар, такомиллашган услуб ва воситалар мажмуасини тақозо қилади.

Экологик амалий ҳаракатлар тарихи шунини кўрсатадики, маълум даврларда халқ оммаси ўз экологик манфаатларини фақат содда, стихияли ва чегараланган ҳолдагина англаган ва шунга мос амалий экологик фаолиятларни ташкил қилган. Шунинг учун ҳам унинг члмий-назарий, практикологик, методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга молик вазифадир.

Экологик манфаатлар кишилар миёсида кундалик онг ва назарий онг даражасида акс этиши мумкин, лекин бу шакллар ўз-ўзидаги экологик манфаатларнинг мутаносиблиги ёки номуносивлигини ифодаламайди. Ҳатто, назарий онг даражасида ҳам билиш жараёнининг мураккаблигидан, унинг методологик асослари ночорлигидан энг муҳими муайян социал буюртмаларни бажарганлигидан жиддий хатолар, адашишлар содир бўлади.

Экологик манфаатларнинг ҳақиқий, объектив мазмунини акс эттириш даражасига мос равишда назариянинг объективлиги, мутаносиблиги ёки ғайри-илмий характери аниқланади. Зеро, иккинчи даражали экологик манфаатларни (уларнинг иккинчи даражаллиги вақтинча ва нисбий характерга эга бўлади) муҳим, асосий, деб

қараш ёки бошқа манфаатларни мутлақлаштиришнинг илмий назария объективлиги ва мутаносиблиги билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ. Бундан ташқари, экологик назарий фаолиятнинг нисбатан қуйи даражада ривожланишига бир қанча сабаблар мавжуд. Хусусан, экологик ижтимоий муносабатларнинг маълум даврларда тор доирада чегараланган, стихияли ривожланиши у ёки бу экологик манфаатлар билан боғлиқ. Бунда экологик муносабатлар етуқлик даражаси асосий ва асосий бўлмаган манфаатларни аниқлаш имкониятларини яратди. Экологик муносабат субъекти бевосита табиатни муҳофаза қилиш амалиёти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Агар бу амалий фаолият иқтисодий, сиёсий манфаатлар билан чегараланган бўлса, у шаклланиш даражасида қолиб кетади.

Экологик манфаатлар киши онгида илмий назариялар даражасида акс этиши билан экологик барқарор тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи механизмига айланади. У навбатида, айнан шу механизмнинг таъсир доираси ва жараёни мураккаб ҳодиса бўлиб, қатор категориялар мазмунининг илмий таҳлили назарий методологик вазифадир. Ижтимоий экологиянинг ҳозирги шаклланиш даврида бу категориялар мазмуни тўлиқ ёритилиб берилмаган, аксарияти эндигина илмий тушунчалар тизимига киритилиб, ҳали ўзининг мустақам мақомига эга эмас. Энг муҳими, ҳозирча улар ўртасидаги диалектик боғланишлар устида махсус тадқиқотлар ўтказилмаган.

Маълумки, экологик амалий фаолиятнинг дастлабки асоси ва шарти экологик объект хусусиятларини билишдир. Бунда субъектнинг экологик эҳтиёжлари ва манфаатлари ташқи омил бўлмасдан, балки унинг фаол йўналтирувчи ички кучи ҳисобланади. Бошқача айтганда, экологик барқарор тараққиёт объектини конкретлаштиришдан иборат жараён вазифаси субъект эҳтиёжи ва манфаатлари мажмуаси билан белгиланади. Шунга кўра, жамиятни ташкил қилган ижтимоий бирликнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий манфаати экологик муаммога табақалашган муносабатни вужудга келтиради.

Муайян иқтисодий, сиёсий эҳтиёжни қондириш заруратининг мутлақлаштирилиши экологик манфаатларни чегаралаш ҳисобига бўлади. Шу билан бирга, маълум экологик индивидуал манфаатлар ҳамма вақт ҳам умумий ижтимоий экологик мақсадларга мос келмайдими. Шу нуқтан назардан, иқтисод ва экология ўртасидаги

зиддиятнинг вужудга келиши ва уларни ҳал қилиш тадбирларини амалга ошириш жамият ривожланишининг ҳаракатлантирувчи механизмидир. Бунда илғор фан, техника, технология моддий ишлаб чиқариш таракқиётини белгилувчи омил бўлса ҳам лекин уларнинг ривожланиши биосфера экологик мувозанати манфаатларига бўйсундирилган тақдирдагина, инсоният цивилизацияси барқарор таракқиёти истикболини таъминловчи имконият вужудга келади.

Назарий жиҳатдан иқтисодий ва экологик манфаатнинг ўзаро муносабатини уч гуруҳга ажратиш мумкин: **биринчи** – экологик манфаатни устун қўйган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини чегаралаш орқали атроф муҳитга хўжалик таъсирини камайтириш. Агар бу йўналиш оқилона ташкил қилинмаса, у ижтимоий-иқтисодий таракқиёт қонуниятларига зид келиб, жамият турғунлигига сабаб бўлиши мумкин. **Иккинчи** – аксинча, иқтисодий манфаатнинг мутлақлаштирилиши, биосфера мувозанати қондаларига зид келиб, цивилизация истикболини хавф остига қўяди. **Учинчи** – иқтисодий ва экологик манфаат, эҳтиёжларни оқилона мувофиқлаштириб, инсониятнинг ҳаёт фаолияти, барқарор таракқиёти учун қулай иқтисодий шароит ва «экологик ком-форт»ни яратишдан иборат.

Биринчи ва иккинчи гуруҳда инсонга табиатдан нисбатан мустақил, доминант ташқи моҳият сифатида қаралади. Ваҳоланки, табиатни муҳофаза қилиш субъектининг фаоллиги ва масъулияти «табиат – жамият – инсон» тизими коадаптацияси ҳамда коэволюциясининг маълум даражаларини вужудга келтирган. Шу нуқтан назардан, инсонпарварлик фақатгина «инсон ва инсон», «инсон ва жамият» ўртасидаги муносабатлардан иборат бўлмасдан, балки «инсон ва табиат» муносабатлари характерини ҳам белгилайдиган мезон бўлиб қолиши керак. Шунинг учун учинчи йўналиш энг маъқул йўл ҳисобланади.

Инсоният учун бундай долзарб муаммони бошқариш масъулияти табиат ва жамият муносабатларидаги ҳукмрон иқтисодий эҳтиёжларни ва ундан келиб чиқадиган табиатга меркантилча истеъмолчилик муносабатларини бартараф қилиб, экологик вазифалар оқилона ечимини топишдан иборат. Бу масалага кенгрок қамровда қараладиган бўлса, «инсон ва жамият» ўртасидаги инсонпарварлик муносабатлари ҳар иккала томоннинг манфаатларига мос келиб, умумий ривожланишнинг моҳиятидан келиб чиқсагина,

Ўз мазмунини намоён қилади. Чунки инсон фақатгина жамиятга хизмат қилиб қолмасдан, жамият ҳам инсоннинг камолоти учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар яратиб берадиган ижтимоий институт вазифасини бажариши керак.

Ҳар қандай ижтимоий фаолият ҳаракатлантирувчи механизмини, юқорида кўрсатганимиздек, муайян эҳтиёжлар мажмуаси ва уларнинг ривожланиш қонуниятини таъминлайдиган асосий куч табиий муҳитни табиатнинг бир қисми сифатида инсонни муҳофаза қилиш манфаатларидан, мақсадларидан келиб чиқадиган экологик эҳтиёжлар ҳисобланади. Инсоннинг экологик эҳтиёжлари ўтган авлодлардан берилган туғма, ирсий хислат бўлмасдан, балки унинг ижтимоий-тарихий мавжудлиги билан шартлангандир. Шунинг учун инсоннинг экологик эҳтиёжларини қондириш, аввало, унинг табиий яшаш шароитларини муҳофаза қилиш заруратини англаши билан характерланади, яъни мақсадларини аниқлаши, фаолиятини *режалаштириши, унинг восита ва услубларини яратишини тақозо қилади*. Зеро, барқарор тараққиётнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, пировард натижада экологик эҳтиёжларнинг вужудга келиши, уларни қондириш имкониятларига боғлиқ бўлади.

Экологик барқарор тараққиётни ривожлантиришнинг асосий мақсади ҳар томонлама баркамол ривожланган шахс манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, муштарак характерга эга. Унинг мазмунида, тарихий заруриятга кўра, табиий атроф муҳит муҳофазасига нисбатан онгли, фаол муносабат етакчи ўринга чиқмоқда. Чунки ижтимоий фаолиятнинг турли соҳалари ўз моҳиятини, жамиятнинг экологик эҳтиёжларини, қондиришида намоён қилади. Экологик эҳтиёжларни шартли равишда ўз характери, таъсир кўлами, фаолиятининг аҳамиятига қараб асосий ва асосий бўлмаган эҳтиёжларга ажратиш мумкин «табиат – жамият – инсон» мажмуасининг ривожланиш мақсади, истикболи инсоннинг камолоти учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар яратиб берадиган ижтимоий институт вазифасини бажариши керак.

Ҳар қандай жамиятда табиатни муҳофаза қилиш мақсадидан келиб чиққан эҳтиёж ва манфаатлар умумий бўлиб, уларни асосий ва асосий бўлмаган турларга ажратиш нисбийдир. Асосий бўлмаган экологик эҳтиёжлар ҳам табиатни муҳофаза қилиш манфаатларига ўзига хос тарзда таъсир ўтказади. Бу таъсир самарадорлиги муайян

ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазиятга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, асосий бўлмаган экологик эҳтиёж характери асосий эҳтиёж белгилаб туради ва асосий бўлмаган эҳтиёжни кондирилиши асосий эҳтиёж имкониятини воқеликка айлантиришни рағбатлантиради. Яъни мавжуд экологик эҳтиёжнинг кондирилиши муқаррар равишда янги экологик эҳтиёжни вужудга келтиради. Зеро, ривожланишнинг умумий тенденцияси айнан шу жараён диалектик давомийлигида кўзга ташланади. Пировард натижада, воқеликка айланган эҳтиёжлар шунга мос келадиган экологик вазиятни намоён қилади.

Умумий экологик эҳтиёжнинг диалектик ривожланиш жараёнида асосий эҳтиёжлар асосий бўлмаган эҳтиёжларга ёки аксинча, асосий бўлмаган эҳтиёжлар асосий эҳтиёжларга айланиши мумкин. Шунингдек, асосий ва асосий бўлмаган эҳтиёжлар ҳамда уларни кондиритиш усуллари, воситалари, имкониятлари ўртасида зиддиятлар мавжуд бўлиб, шу зиддиятларнинг ҳал этилиши табиатни муҳофаза қилиш муамолари ечимини топишнинг механизми ҳисобланади.

Асосий ва асосий бўлмаган эҳтиёжларнинг характери, фаолият доираси, табиат муҳофазаси маҳаллий, миллий ва умумбашарий муаммоларга боғлиқ бўлади. Шу нуқтан назардан, маҳаллий ёки миллий экологик эҳтиёжлар, муайян шароитда оламшумул миқёсда асосий эҳтиёжларнинг кондирилиши учун муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, табиат муҳофазасининг ўз вақтида кондирилмаган маҳаллий ва миллий эҳтиёжлари чуқурлашиб, жаҳон миқёсидаги эҳтиёжларга айланиб кетишининг эҳтимоллиги жуда юқори.

Табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари мазмунига кўра моддий ва маънавий эҳтиёжларга ажралади. Экологик моддий эҳтиёжларнинг кондирилиши, инсоният ҳаётининг табиий асосларини яратиш манфаатлари билан боғлиқ. Умуман олганда, иқтисодий муносабатларнинг хусусиятлари экологик моддий эҳтиёжларнинг кўлами ва мазмунини белгилаб туради. Инсоният ўзининг узлуксиз ўсиб бораётган иқтисодий эҳтиёжларини кондиритиб бориши учун табиатдан борган сари кўпроқ моддий неъматларни ўзлаштириб боришга мажбур. Шунинг учун жамятнинг иқтисодий ривожланиш эҳтиёжлари билан экологик моддий эҳтиёжлари ўртасида доимий зиддият мавжуддек бўлиб кўринади. Дарҳақиқат, табиий бойликларни битмас-туганмас эканлиги

ҳақидаги фикрнинг асоссиз эканлигини фан назарий ҳамда амалий жиҳатдан исботлаб берди. Шунга кўра, ҳозирги вазиятда иқтисодий эҳтиёжларни экологик моддий эҳтиёжлар доирасида чегаралаш зарурати вужудга келмоқда.

Жамият барқарор ривожланишининг ҳозирги даражасини иқтисодий эҳтиёжларни қондириш усуллари, воситаларининг самарадорлиги эмас, балки экологик эҳтиёжларни қондириш воситалари ва усуллариининг такомиллашуви белгиловчи мезон бўлиб ҳисобланмоқда. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичи экологик моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг имкониятларида, моддийлашуви даражасида намоён бўлади. Бундан ташқари, уларни қондириш эҳтиёжлари имкониятларига мутлақ тарзда мос келиши мумкин эмас. Маълум даражада жамият таракқиёти шу имконият ва эҳтиёжлар ўртасидаги зиддиятларнинг ҳал қилинишига боғлиқ бўлади.

Инсоннинг умумий эҳтиёжларини қондириш имкониятларини амалга ошириш учун қилган ҳаракатлари онгли фаолиятдир. Инсоният эртага ҳам фақат қорни тўқ, усти бут бўлиши учун утилитар манфаатлардан келиб чиқиб, табиатни муҳофаза қилишга интилмади. Зеро, табиат инсон яшаши учун зарур бўлган моддий неъматлар манбаи бўлиб қолмасдан, балки маънавий ҳаётнинг ҳам асоси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бир томондан, экологик маънавий эҳтиёжлар тарихий жиҳатдан экологик моддий эҳтиёжларга жамиятнинг «экологик базиси»га боғлиқ ҳолда мавжуд бўлган. Иккинчи томондан, табиатни муҳофаза қилиш маънавий эҳтиёжлари, иқтисодий муносабатларнинг экологик жиҳатларини режалаштириб ва мувофиқлаштириб туришнинг омили ҳисобланади.

Экологик фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия муассасаларининг мажмуаси экологик эҳтиёжларни имконият доирасига мослаштиришга хизмат қилади. Бу муаммоларни ҳал қилиш:

- 1) экологик эҳтиёжларнинг ҳаракатлантирувчи механизмлари-га;
- 2) экологик имкониятларнинг воқеликка айланиш диалектика-сини англашга;
- 3) экологик эҳтиёж ва имкониятларни мувофиқлаштирувчи субъектив омилнинг ролини тушунишга боғлиқ бўлади.

Экологик эҳтиёжларнинг келиб чиқиш генезисига, ишлаб чиқаришнинг тараккиёт даражасига, экологик ишлаб чиқарувчи кучлари ва инфраструктурасининг жуғрофий жойланишига, нуфус конуни хусусияларига қараб маҳаллий, миллий ва оламшумул аҳамият касб этса-да, биз бу эҳтиёжларнинг «микдор» хусусиятларидан онгли равишда чекланиб, унинг «ижтимоий-сифат» шакллари устида фикр юритишни лозим топдик. Шунга кўра, экологик эҳтиёжларни ижтимоий бирликларнинг айрим ижтимоий гуруҳлар, меҳнат жамоалари, синфлар, миллат манфаатларига боғлаб туркумлаштириш мумкин. Бу ҳолда ҳам уларни умумлаштириб ижтимоий ва индивидуал шакллarga ажратиш мақсадга мувофиқ. Зеро, уларнинг диалектик бирликлари у ёки бу тарзда юкорида кўрсатилган ижтимоий бирликларнинг экологик эҳтиёжларини ўзида намоён қилади. Индивидуал экологик эҳтиёжлар нисбатан мустақил шахс ёки ижтимоий бирликларнинг турли даража, йўналиш истикболини, уларнинг муносабатларини аниқлаш, экологик вазиятни илмий бошқариш учун асос бўлади.

Индивидуал экологик эҳтиёжларнинг хусусиятлари шахснинг рухий ҳоллари билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам индивидуал экологик эҳтиёжларнинг механистик йиғиндисини ижтимоий-экологик эҳтиёжлар билан тенглаштириш ярамайди. Албатта, бунда индивидуал ва ижтимоий эҳтиёжларнинг диалектик боғлиқлигини ҳам эътироф этиш зарур. Яъни индивидуал экологик эҳтиёжлар ижтимоий экологик эҳтиёжлар доирасида мавжуд бўлса ҳам доимо унинг манфаатларига мос келавермайди. Индивидуал экологик эҳтиёжларнинг нисбатан мустақил ривожланиши жараёнида ижтимоий фаолиятнинг бошқа соҳаларига зид келиб қолиши мумкин. Пировард натижада шу зиддият умумий экологик эҳтиёжларни ривожлантирувчи манба ва механизми бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий-экологик эҳтиёжлар «табиат – жамият – инсон» мажмуасининг умумий ривожланиш қонуниятлари сифатида индивидуал экологик эҳтиёжларни ҳам камраб олади. Экологик эҳтиёжларнинг вужудга келиши объектив тарихий жараён бўлиб, уларни кондириш воситалари ва усулларининг муайян фаолият доираси мавжуд. Экологик эҳтиёжларнинг мақсадларидан келиб чиқиб, бу фаолиятни шартли равишда умумлаштириб, бир-бирига боғлиқ бўлган билиш, ўзгартириш, мулоқот, муҳофаза йўналишларига; вужудга келишини эса онгли ва стихияли

кўринишларга ажратиш мумкин.

Ҳар қандай билиш соҳасининг асосида инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондириш манфаатлари ётади. Эҳтиёжлар билиш жараёнининг ҳаракатлантирувчи мотиви ҳисобланади. Экологик эҳтиёжларга асосланган билишнинг мақсади – табиатни муҳофаза қилишнинг илмий-назарий мажмуасини яратишдан иборат. Экологик эҳтиёжларнинг хусусиятлари, уларни ўрганувчи махсус фан йўналишларини вужудга келтирган ва қондириш воситалари, усуллари, имкониятларини топишга қаратилган.

Экологик эҳтиёжларни қондириш даражаси назарий билиш асосида табиий муҳитни амалий жиҳатдан ижтимоийлаштириш орқали инсон мавжудлигининг объектив зарурий шартни ҳисобланган табиатни мақсадга мувофиқ ўзгартиришда намоён бўлади. Экологик эҳтиёжлар инсоннинг табиатни амалий, назарий ўзгартириш фаолияти натижасида вужудга келади. У ўзи яшаб келаётган табиий муҳитни муҳофаза қилиш манфаатлари асосида амалий ўзгартириш фаолиятини чегаралаш мақсадига бўйсундирилган.

«табиат – жамият – инсон» мажмуасидаги элементларнинг ўзаро муносабати экологик эҳтиёжларга мос келиш ёки келмаслигига қараб, нисбатан ижобий ёки салбий, фаол ёки пассив характерда бўлиши мумкин. Экологик эҳтиёжлардан келиб чиқадиган табиат билан мудокот, уни билиш ва ўзгартириш экологик фаолликнинг турли даражалари ҳисобланади. Улар экологик эҳтиёж хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади ва шу фаолиятни оқилона ташкил қилиш орқали, «табиат – жамият – инсон» мажмуаси ички мувозанатини муҳофаза қилишга йўналтирилган. Бу жараёнда бир-бири билан узвий боғлиқ икки хусусият кўзга ташланади: *биринчи* – экологик эҳтиёжлар табиий муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларидан келиб чиқади. *Иккинчи* – шу вазифалар, манфаатларни экологик эҳтиёж мақсадларига бўйсундиради. Бошқача қилиб айтганда, экологик эҳтиёжлар, манфаатлар мажмуаси инсон амалий ва назарий фаолиятининг асоси, воситаси ҳамда натижаси тарзида намоён бўлади.

Экологик барқарор тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи механизмлари бўлган эҳтиёжлар, «табиат – жамият – инсон» мажмуаси ривожланиш қонуनларидан келиб чиқиб, ижтимоий муносабатларнинг конкрет кўриниши сифатида субъект фаолиятнинг турли да-

ражалари ўртасидаги боғланиш ва алоқаларнинг ифодаланишидир.

Экологик мақсад биосфера ички мувозанатининг идеал образлари сифатида, табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида шаклланади. Бунинг учун эса экологик вазият ҳолати аниқланиши ва объектив баҳоланиши лозим. Чунки экологик баҳо табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг дастлабки, мавҳум мотиви хисобланади. Абстрактликдан конкретликка ўтиш жараёнида экологик мақсаднинг контур ва босқичлари кўлами аниқланади. Экологик мақсадда ифодаланган ҳозирги ва келажакдаги конкрет вазифалар ўртасидаги бирлик унинг мураккаб тузилмасини белгилайди. Зеро, экологик мақсад биосфера мувозанатининг коэволюцион ривожланиш қонуниятларини билиш билан боғлиқ бўлиб, келажакнинг идеал модели сифатида унинг истиқболини кўрсатади. Лекин табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг истиқболдаги натижалари экологик мақсад оддий маҳсули эмас, аксинча, фаолият воситалари ва жараённинг диалектик бирлигидан иборат. Истиқболда тарихий заруриятлар билан бир қаторда, тасодифий элементлар ҳам мавжуд бўлади. Экологик вазиятнинг истиқболини олдиндан кўра билиш, экологик мақсад моҳиятини ташкил қилмайди, балки унинг шарт-шароитларини ифодалайди ҳалос:

– экологик прогнозлаштириш мақсади субъект эҳтиёжларидан, манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фаолиятини рағбатлантиради ва конкретлаштиради;

– экологик прогнозлаштириш натижаларини амалга оширишнинг реал имкониятлари тарихий заруриятдан келиб чиқсагина, фаолият мақсадига айланади;

– экологик прогнозлаштириш реаллигини таъминлаш учун унинг воситалари ва услублари бирлигага эришиш талаб қилинади.

Ҳар қандай мақсад мукамал техник-технологик воситаларга, инвестиция структурасига таянган ҳолдагина кутилган натижани бериши мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг амалий натижалари субъект экологик мақсадларининг турли воситалар, универсал усуллар билан воқеликка айланишидир. Экологик мақсад ва унинг натижалари хронологик кетма-кетлиги нуқтаи назаридан бир-бирини тақозо қиладиган ретроспектив ички бирликка эга бўлса ҳам, субъективлиги ҳамда объективлиги жиҳатидан фарк қилиб, ички зиддиятга эга. Экологик фаолият воситалари, усуллари шу зиддиятларни бартараф қилишга қаратилган бўлади.

Экологик барқарор тараққиёт мақсади ва натижаси, табиатни муҳофаза қилишнинг моддий-маънавий муносабатларини ўзгартиришда намоён бўлади. Юзаки қараганда, экологик фаолият мақсаднинг оддий амалга ошириши бўлиб кўринади, бироқ, мақсадга эришиш жараёнида қўлланилаётган восита ва услубларнинг технологик мукамаллик даражасига, интеллектуал базасига, ички зиддиятларига кўра мураккаб ҳодисадир.

Умумлаштириб айтганда:

1. Экологик барқарор тараққиётни детерминантлаштирувчи омилларга мажмуавий-тизимли, функционал ёндоқишнинг муқобил йўналишлари умумий эҳтиёжлар, манфаатлар «чоррақаларида» табиатни муҳофаза қилишнинг умумбашарий муаммолари ечимини топишга хизмат қилади.

2. Субъектнинг экологик фаолиги ва масъулиятини оширишнинг сабаблари, унинг экологик яшаш усули билан экологик эҳтиёжлари, манфаатлари ўртасидаги зиддиятларни аниқлашга ёрдам беради. Шунга кўра, экологик эҳтиёжлар ва манфаатлар экологик амалиётнинг объектив асосини ташкил қилади.

3. Экологик барқарор тараққиёт шаклланишидаги объектив жараёни, уларни субъектив билиш жараёнидан фарқлаш зарур. Бунда билиш назарий ва амалий даражаларда намоён бўлиб, фақат англаш манфаат ва эҳтиёжларгина экологик барқарор тараққиёт омилига айланади.

4. Экологик эҳтиёжлар, манфаатлар табиатни муҳофаза қилиш фаолият йўналишини белгилаб бериши учун объект ҳақидаги билимларнинг эвристик-регулятив функцияси билан боғланиши зарур.

5. Ижтимоий экологик фаолиятнинг энг муҳим регулятори экологик мақсад ҳисобланади. Зеро, экология тарихи субъектнинг табиатни муҳофаза қилиш мақсадларини амалга ошириш жараёнидир.

6. Экологик мақсад кўлами ва характери экологик воқеликдан келиб чиқади ҳамда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги субъектнинг фаоллигини белгилаб туради.

Экологик барқарор таракқиётнинг моддий-техник воситалари ва интеллектуал асослари

Ишлаб чиқаришни техник, технологик жиҳатдан такомиллаштириш умуминсоният цивилизациясининг зарурий шарғидир. Дарҳақиқат, «бугунги дунёда ҳар қандай мамлакат нуфузи, аввало, унинг энг янги технологияларни қабул қилиш ва фойдаланиш қобилиятига қараб белгиланади»¹. Айниқса, ҳозирги кун илмий-техника таракқиётида унинг экологик талабларга жавоб бериши устувор аҳамият касб этмоқда. Зеро, образли қилиб айтганда: «совун кўпиги кўзни ачитаётганида, унинг хушбўй хиди ҳақида ўйланмайди».

Ўзбекистон саноат қувватининг ривожланиши 90-йилларгача бўлган кейинги ўн беш йил давомида 7 мартага ўсгани ҳолда, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш кийматининг 4 мартадан кўпроқ ошганлиги тармоқнинг экстенсив ривожланиши қандай иқтисодий самара берганлиги изоҳ талаб қилмайди. Бунинг устига, саноатнинг «саноат учун» ишлаб чиқаришини кенгайтириши республикада экологик вазиятни кескинлаштиришнинг асосий сабабларидан биринчисидир. Иккинчиси, республикада шаклланган саноат ва бошқа соҳалардаги моддий ишлаб чиқаришнинг техник-технологик асослари ҳозирги замон экологик талабларига жавоб бермайди. Хусусан, Ўзбекистонда ишлаб турган 500 та йирик саноат корхонасидан 366 тасининг ишлаб чиқариши техник-технологик жиҳатдан тубдан тақомиллаштиришга муҳтож. Масалан, республика оғир саноатидаги металл қирқувчи дастгоҳлар паркиннинг яримидан кўпи лойиҳада кўрсатилганидан 10-12 йил ва ундан ҳам кўпроқ муддат давомида ишлатилмоқда².

Техниканинг жисмоний ҳамда маънавий эскириши, экологик технология қолоқлиги натижасида табиий атроф муҳитнинг жадал ифлосланиши рўй бермоқда. Хусусан, саноат тармоқларида ишлаб турган тозалаш иншоотлари ва асбоб-ускуналарининг учдан бири оқова сувларни нормативларда кўрсатилган даражада тозалаб бера

¹Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи йиғилишидаги маъруза. Ватан саждагоҳ каби муқаддасир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 44-бет

²Қаранг. Шодиметов Ю. Иқтисодий экологияга кириш. Тошкент: 1994. 80-бет.

олмайди¹. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш давридаги тангликлар: қурилаётган корхоналарнинг техник-технологик жиҳозланиши, лойиҳалаштиришда экологик талабларга эътиборнинг сусайишига олиб келмоқда. Чунки саноат корхоналарида зарarli чикитларни тозаловчи иншоотларни куриш рентабелли эмас. Бунинг устига у жуда қиммат турадиган тадбир ҳисобланади, яъни ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш чикиндиларини тозалаш асбоб-ускуналари қиймати, саноат корхоналари асосий фондлари умумий қийматининг 20-30 фоизини ташкил қилади².

Давлат томонидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланаётган молиявий ресурслар яратилаётган яппи маҳсулотга нисбатан камайиб кетиш сабаби мамлакатнинг 80-йиллардан бошлаб иқтисодий инқироз даврига киришидир. Давлат «иккинчи даражали» тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлашни чегаралашга мажбур бўлган. Ўзбекистон гидрология ва метеорология маркази маълумотларига кўра, 90-йилларнинг бошларида, минтақадаги атмосферани ифлослантираётган захарли моддалар умумий ҳажмининг 61 фоизи Ўзбекистон республикаси ҳиссасига тўғри келди³. Шу билан бирга, белгиланган тадбирларнинг декларатив характери, моддий-техник, интеллектуал асосларининг но-чорлиги боис ажратилган молиявий ресурслар самарадорлиги паст бўлиб, улар қутилган натижаларни бермаган.

Умумлаштириб айтганда, саноат ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ва яппи маҳсулот таркибидаги табиатни муҳофаза қилишга сарфланган моддий ресурсларнинг умумий кўрсаткичлари республиканинг ҳозирги экологик хавфли вазиятларини бартараф қилиш талабларига жавоб бермайди. Аксинча, бозор иқтисодиёти муносабатига ўтиш кийинчиликлари даврида объектив ва субъектив сабабларга кўра, улар янада кескинлашиши мумкин. Буни саноат ишлаб чиқаришининг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичи билан табиатнинг ифлосланиши ўртасидаги корреляцион боғланиш тенденцияси кўрсатиб турибди. Шунинг учун саноат ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичи билан табиатни муҳофаза қилишни моддий-молиявий таъминлаш ўртасидаги структуравий боғланишни

¹ Ожегов Б.П., Никонорова Е.В. Экологический импульс: Проблемы формирования экологической культуры молодежи. М.: Молодая гвардия, 1990. С.113.

² Даниленко О.В. Стимулирование охраны природы в народном хозяйстве (Организационно-правовые проблемы). М.: Наука, 1989. С.9

³ Карант: Шодиметов Ю. Ижтимоий экология кириш. Тошкент, 1994. 162-бет.

оқилона ташкил қилмасдан, ҳозирги экологик вазиятни соғломлаштириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ўзининг экологик вазияти билан жаҳондаги бошқа давлатларга маълум даражада андоза (эталон) бўладиган мамлакат тажрибалари, саноат ишлаб чиқариш фондлари ва ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланадиган маблағнинг доимий ошиб бориши зарурлигини кўрсатмоқда. Бу маблағларнинг мутлақ ва нисбатан кўпайтириш йўли билан йилдан-йилга кескинлашиб бораётган экологик муаммолар олдини олиш мумкин.

Индустриал ривожланган мамлакат тажрибалари шундан далолат берадики, агар ҳар қандай давлат табиатни муҳофаза қилишга ялпи миллий маҳсулотнинг 3 фоизидан камроғини сарфласалар, шу соҳада банд бўлган кишиларни ва фавқулодда содир бўладиган экологик вазиятларни бартараф қилишни молиявий таъминлаши мумкин бўлади. Шу мақсадга 5 фоизини сарфлаш билан экологик вазиятни нисбатан мўтадиллаштириб, аста-секинлик билан уни соғломлаштириш имкониятлари пайдо бўлади. Вужудга келган ва чуқурлашиб бораётган экологик ҳалокат ҳолларини бартараф қилиш учун эса ялпи миллий маҳсулот 7-10 фоизини сарфлаш тақозо қилиниши аниқланган¹. Кейинги йилларда экологик фаолиятнинг самарадорлиги, унинг моддий-техник ва молиявий таъминот даражасига бевосита боғлиқлигини англаган мамлакатларда ялпи миллий даромаднинг 3-5 фоизи табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланмоқда².

Табиатни муҳофаза қилишга моддий ишлаб чиқариш техник-технологик жараёнининг таркибий қисми сифатида қаралиши керак. Шунинг учун индустриал ривожланган мамлакатларда саноат корхоналари асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибида экологик асбоб-ускуналарнинг умумий қиймати доимий, устувор ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, иктисодий-экологик қонун макомини олган. Ишлаб чиқаришнинг иктисодий ва экологик кўрсаткичлари ўртасида корреляцион боғланиш мавжуд. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳамда ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматига

¹Иванов О.В., Мельник Л.Г., Шепеленко А.Н. В борьбе с драконом «Когай». Опыт природопользования в Японии. М.: Мысль, 1991; Тютин Б. Экологическая безопасность и роль государства в ее обеспечении // Новости. 10 ноября, 1994.

²Олдак П.Г. Колокол тревоги: пределы бесконтрольности и судьбы цивилизации. М.: Политиздат, 1990. С.107.

нисбатан табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишга сарфланаётган моддий-молиявий ресурсларнинг ўсиши ва самарадорлиги экологик сиёсат моҳиятини кўрсатади.

Экологик тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш, унинг моддий-техник, инвестицион асосларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам у бунинг ягона йўли эмас. Бу муаммони ҳал этиш учун мажмуъвий чора-тадбир ишлаб чиқиш зарур бўлади. Хусусан, ишлаб чиқаришни экстенсив ривожлантириш шароитида табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланмасдан, кам чикит ва чикитсиз технологияни жорий қилмасдан, бу вазифани ҳал қилиш амалий жиҳатдан мумкин эмас. Социологик тадқиқотлар саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кам чикит ва чикитсиз технология асосида ривожлантириш табиатни муҳофаза қилиш давлат сиёсати бош йўналиши эканлигини кўрсатди (50 фоиз респондент). 27,3 фоизи эса тозалаш иншоотлари технологик жараёнининг самарали ва узлуксиз ишлашини асосий омил деб ҳисоблайди.

Иқтисодчи-эколог олим М.Я.Лемешев фикрига кўра: «ижтимоий ишлаб чиқаришнинг структуравий тузилишини ўзгартирмасдан, уни интенсивлаштирмасдан, ўсишини мўътадиллаштирмасдан, кейинчалик, ҳам-анё ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш воситалари миқдорини камайтирмасдан, ресурсларни тежайдиган экологик технологияни жорий қилмасдан табиатни муҳофаза қилишга меҳнат сарфини ошириш – халқ хўжалигига иқтисодий зарар, жамият ободончилигига путур етказди»². Юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал қилишнинг энг «арзон», қулай воситаси, субъектив омили меҳнатқашлар экологик фаоллиги ва масъулиятини оширишдан иборат. Бунинг учун аҳолининг экологик вазият ҳақидаги қарашларини, унга амалий муносабатларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Яъни экологик технологая интизоми, табиатни муҳофаза қилиш масъулиятини англаш даражаси экологик вазият ҳақидаги объектив ахборотларга эга бўлиш «коэффициентига» боғлиқ.

Меҳнатқашларга маҳаллий, миллий, минтакавий, умумбаша-

¹Қаранг: Ожegov Б.П., Никонорова Е.В. Экологический импульс: Проблемы формирования экологической культуры молодежи. М.: Молодая гвардия, 1990. С.117.

²Лемешев М.Я. Пока не поздно. Размышления экономиста. М.: Молодая гвардия, 1991. С.174

рий экологик муаммолар ҳақида ҳолисона ахборотларни етказиш ва уларга нисбатан шахсий муносабатларини шакллантириш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш фаоллиги, экологик вазиятни баҳолашида ва унга муносабатида намоён бўлади ва кишиларнинг экологик вазиятдан ташвишланишлари, шу минтақадаги экологик вазият ҳақидаги ахборотлардан воқифлигига боғлиқ бўлиб, унинг коэффициенти экологик вазиятга тўғри пропорционалдир¹.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида «барқарор тараққиёт воситалари» тушунчасининг мазмуни экологик эҳтиёж, манфаат, мақсадлардан келиб чиқиб, конкретлашган. Экологик барқарор тараққиётнинг энг муҳим воситалари табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ташкилот ва муассасалар ҳисобланади. Улар фаолияти жамиятнинг сиёсий усткурма тузилмасига бевосита боғланиб кетиши билан характерланади. Табиатни муҳофаза қилиш оммавий ташкилотлари эса кишиларнинг экологик эҳтиёж ва манфаатлари асосида ихтиёрий уюшмалари ҳисобланади. Бу ташкилотлар ўз олдига қўйган мақсад, вазифаларига, уларни амалга ошириш восита ва услубларига қараб ажратилади. Бундан ташқари, ташкилотларнинг вужудга келиши ва функционал фаолиятлари ўзига хос ташкилий тамойилларга эга.

Табиатни муҳофаза қилишнинг мутасадди давлат муассасалари кишиларнинг ихтиёрий уюшмаси бўлмасдан, балки жамиятнинг ҳукмрон усткурма элементлари билан боғлиқ, сиёсатлашган ташкилотлардир. Уларни функциясига кўра, давлатнинг сиёсий идора қилиш фаолияти билан боғлаб, туркумлаштириш мумкин. Хусусан:

1) сиёсий муассасалар (турли даржадаги табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари);

2) сиёсий ташкилотлар (экологик партиялар, уюшмалар);

3) ҳуқуқий муассасалар (табиатни муҳофаза қилиш полицияси, прокуратураси, назорат органлари). Ўз навбатида, бу ижтимоий институтлар экологик фаолиятни ташкил қилиш, бошқариш воситаларидир. Шу билан бирга, экологик фаолликни оширадиган ижтимоий онг шакллари экологик амалиётнинг маънавий воситалари тизимини ташкил қилади ва хусусиятларига кўра экологик амалиётнинг зарурий шарти бўлиб ҳисобланади.

¹Қаранг: Ҳукумов А. Проблема анализа уровня экологического сознания населения Республики Узбекистан. Ташкент: 1994. С.32-41.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари функционал фаолиятларига қараб, қуйидаги йўналишларга ажралган:

1) табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг давлат назоратини амалга ошириб, ижро органларига бўйсунмаслик мақомига эга бўлган ҳолда фақат Республика Олий Мажлисига ҳисобат берувчи Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси;

2) ҳар бир вазирлик ўз йўналишида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил қилиш, бошқариш ва назоратнинг Қонун билан белгиланган ҳукумат ижро органлари – Республика эпидемиология-санитария хизмати, Давлат ўрмончилик кўмитаси тасарруфидаги биосфера кўриқхоналари, Ўзгидрометеорология хизмати ва бошқалар;

3) вилоят, туман ва маҳаллий ҳокимиятларнинг табиатни муҳофаза қилиш бўлимлари, шунингдек, ҳозирги саноат корхоналари, тармоқ вазирликлари қошида атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан бевосита шуғулланувчи махсус бўлинмалар ташкил қилинмоқда. Булар ишлаб чиқариш корхоналарини экологик паспортлаштириш, ишлаб чиқариш технологик жараёнини экологик назорат қилиш экологик барқарор тараккиётни амалга оширишда муайян вазифаларни бажараётган бўлса ҳам қутилган самарани бераётгани йўқ. Чунки бевосита корхона ёки тармоқ тасарруфида бўлган бу бўлим ходимларининг, маъмурий ва моддий жиҳатдан уларга қарамлиги фаолият эркинлигини, мустақиллигини чегаралаб қўймоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўзининг Асосий Қонуни (Конституцияси) ва Табиатни муҳофаза қилиш Қонунининг (1992 йил 9 декабрь) қабул қилиниши билан бу ташкилотлар фаолиятини горизонтал ва вертикал йўналишда мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий-маъмурий имкониятларини яратган бўлса ҳам ҳозиргача маҳкамачилик қайфиятлари тўлиқ бартараф этилмаган. Қонунни амалга оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий, маъмурий, ахлоқий механизмлари ожизлиги ва омманинг экологик маданияти савияси пастлигидан қутилган натижаларга эришилаётгани йўқ.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ташкилий қийинчиликлари анъанавий иқтисодий муносабатдаги узилишлар, ишлаб чиқаришнинг технологик қариши каби объектив ва субъек-

тив сабаблар экологик талабларни нисбатан кейинги ўринларга суриб қўймоқда. Жумладан, Ўзбекистонда бошқа ҳамдўстлик мамлакатларига нисбатан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мўътадилликнинг сакланиб туришига қарамасдан, ишлаб чиқариш воситаларини лойиҳада кўрсатилганидан кўпроқ вақт эксплуатация қилиш, аксарият ҳолларда, паст сифатли хом-ашёлардан, ёқилги ресурсларидан фойдаланиш табиатга антиэкологик таъсир босимини кучайтирмоқда. Бундай шароитда давлатнинг миллий экологик хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқиш долзарб муаммога айланмоқда.

Давлат бозор иқтисодиёти муносабатларини экологик таъминлаш вазифасига алоҳида эътибор бериб, экологик ислохотларнинг стратегияси ва тактикасини белгилаб, уларни амалга ошириш самардорлигини таъминлаш кафолатига айланмоғи лозим. Яъни Ўзбекистон давлатининг миллий мустақиллиги, экологик хавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги вазифаларни белгилаб бермоқда:

– мулкчиликнинг янги муқобил шакллари вужудга келаётган вақтда мулк эгаларининг табиат бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқларичи экологик бурчлари, масъулиятлари, мажбуриятлари билан мувофиқлаштиришнинг муқаммал қонуний асосларини яратиш ва бу қонуларнинг истисносиз бажарилишини таъминловчи назорат механизмларини, воситаларини такомиллаштириш;

– бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ва ишлаб чиқаришни рақобат асосида ташкил қилиш шароитларида ҳокимият ва хўжалик тузилмаларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларини табақалаштириб, улар ўртасидаги мутаносибликни ҳар бирининг конкрет экологик ҳуқуқи ҳамда масъулияти мақомини белгилаб қўйиш;

– ташқи иқтисодий, техник-технологик алоқалар кучаяётган даврда, мамлакатимизга экологик хавфли технологиялар, маҳсулотлар кириб келишининг (импортининг) олдини олиш мақсадида, давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш;

– экологик тадбирларни амалга оширишни молиявий таъминлашнинг бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, корхоналар, оммавий ташкилотлар маблағидан фойдаланиш имкониятларини кидириб топиб, бунинг устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

– экологик хавфли техника воситаларини, технологик жараён-

ларни, хом-ашёларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаб, замонавий кам чиқит, чиқитсиз технологияни жорий қилишни иктисодиётнинг устувор йўналишига айлантириш;

– инсон онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган табиат бойликларига эгасизлик кайфияти, психологиясини, стереотипларини барта- раф қилишнинг маъмурий, ҳуқуқий, иктисодий, ижтимоий, маъна- вий, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот системасини яратиш каби вазибаларни мажмуавий-тизимли олиб бориш – давлат экологик сиёсати самарадорлигини белгилаб беради.

Республикамиздаги экологик ҳолатнинг ҳозирги хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияси, унинг муаммоларини мажмуавий-тизимли ҳал қилиш эҳтиёжлари, ташкилий жиҳатдан марказлашган, интеллектуал-назарий асосларини ишлаб чиқадиган, стратегияси ва тактикасини белгилайдиган ташкилотга эҳтиёж туғдирмоқда. Жаҳон амалиёти табиатни муҳофаза қилишнинг марказлашган бошқарувини ташкил қилиш, назорат-мониторинг органлари функ- циясини Давлат тасарруфига беришнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Ўз вақтида халқаро экологик муаммолар ечимини топиш учун «Рим клуби» (1968 йил) ташкил топиб, унга ҳозирги кунда 40 дан ортиқ мамлакатдан 100га яқин илмий муассасалар, ишлаб чиқариш корхоналари бирлашган. Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда ҳам мамлакатнинг экологик муаммоларини ўргинадиган, илмий тавсия- лар ишлаб чиқадиган шу андозадаги ташкилотни тузиш масадга мувофиқ, бўлиб, халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси унинг ташкилий базаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистонда экологик фаолиятни мувофиқлаштирувчи тармоқлараро бу марказ экологик вазиятни фундаментал ва амалий тадқиқ қилиш потенциал имкониятларини ягона режа, дастур асо- сида:

1) табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги комплекс илмий тадқиқот натижаларини халқ хўжалиги турли тармоқларида ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

2) давлат ва нодавлат ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларини оқилона ташкиллаштириш, бошқариш, назо- рат қилиш механизмларини яратиш;

3) турли лойиҳалаштирувчи, режалаштирувчи ташкилот фао- лиятларини экологик илмий экспертизадан ўтказиш ва уларнинг

бажарилишини назорат қилиш;

4) омма экологик фаоллиги ва масъулятини ошириш учун ташкилий методик, назарий асослар ишлаб чиқиб, амалий тавсиялар бериш;

5) халқаро микёсда экологик илмий ахборотлар тўплаш, ижодий умумлаштириш мақсадида турли мамлакатлар билан ҳамкорлик ўрнатиш имкониятларини қидириб топиш вазифаларини давлат тасарруфига ўтказиш ва ижтимоий сиёсат марказига қўйиш билангина қутилган натижаларга эришиш мумкин. Чунки «соғлом атроф муҳит шароитида инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун кўп жиҳатдан давлат масъулдир»¹.

Тармоқ вазирликларидаги табиатни муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган махсус муассасаларни малакали кадрлар билан тўлиқ таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятлар соғлиқни сақлаш бошқармаси, санитария-эпидемиология станцияси қошидаги «Экология ва саломатлик» бўлимлари мақоми 1992 йил 3 июлда қабул қилинган Ўзбекистон республикасининг «Давлат санитар назорати тўғрисидаги» Қонуни билан белгилаб қўйилган. Бироқ бу вазифа, ҳозирча махсус мутахассислар билан тўлиқ таъминланмаганлигидан замон талаблари асосида ташкил қилинган, деб бўлмайди. Видоят ва туманлардаги бўш ўринлар санитария-эпидемиология ва экологик вазиятни назорат қилишдаги камчиликларга сабаб бўлмоқда. Маҳаллий ҳокимиятлар, мутасадди ташкилотлар зудлик билан ходимлар қўнимсизлигини бартараф қилишни таъминлаш чора-тадбирларини кўрмасалар, экологик назорат ҳамда аҳоли саломатлигини таъминлашнинг муҳим бўғини бўлган «Экология ва саломатлик» бўлимлари ишини кўнгилдагидек ташкил қилиш кийин бўлиб қолаверади.

Барқарор экологик тараққиётни таъминлаш учун бевосита табиатни муҳофаза қилиш соҳасида банд бўлган мутахассислар сонини қўпайтириш, нафақат етарли эмас, балки унинг сифатини яхшилаш ҳамда кадрлар меҳнат тақсимотини оқилона ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, мавжуд маълумотларга кўра, АҚШда халқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ишчи кучининг 50 фоизи ахборотларни тўплаш, тақсимлаш, сақлаш ва таҳлил

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзинга хос йўли // Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: 1996. 312-бет.

қилиш билан банд¹. Шу тажрибаларга асосан республикамызда ҳам «экологик ахборотлар банки»ни ташкил қилиб, моддий-техника ва кадрлар билан таъминлаш муаммосини кун тартибига қўйиш пайти келди.

Республикамыздаги вужудга келган экологик вазиятни барта- раф қилишда унинг моддий-техник, интеллектуал асосларини яра- тиш давлат экологик сиёсатининг амалий жиҳатдан намоён бўлишидир. Бу вазибаларни замон талаблари асосида ташкил қилиш учун:

– ҳар қандай иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, жисмо- ний ва маънавий жиҳатдан «экологик: қариган» техника ва техноло- гияни ишлаб чиқариш жараёнидан чиқариб, унинг прогрессив, эко- логик талабларга жавоб берадиган илғор тизимини шакллантириш;

– корхоналар асосий фонди ва ялпи маҳсулот таркибида таби- атни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланадиган харажатларни ривожланган мамлакатлар аңдозаси даражасига олиб чиқиш;

– табиатни муҳофаза қилишни шакллантирадиган, бошқарадиган ва назорат қиладиган давлат, нодавлат ташкилотлари моддий-техник ресурсларини, фаолиятларини мувофиқлаштиришнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

– экологик тадбирларни моддий, техник, ташкилий жиҳатдан таъминлашни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланти- риш;

– ривожланган мамлакатлардаги экологик барқарор таракқиёт ижобий тажрибаларини умумлаштириб, табиатни муҳофаза қилишнинг мустаҳкам, сифатли интеллектуал базасини яратиш ло- зим.

Экологик фаолиятни конструктив-рационал ташкил қилиш ва истиқболли моделлаштириш хусусиятлари

«Табиат – жамият – инсон» мажмуасидаги ички ўзгарувчанлик ва тургунлик уйғунлиги, экологик мувозанатни таъминлайдиган диалектик боғланиш ҳамда алоқадорликнинг на-

¹Қарағ: Олдак П.Г. Колокол тревоги: Пределы бесконтрольности и судьбы цивилизации. М.: Политиздат, 1990 С.147.

моён бўлишидир. Табиатдаги турли компонентлар ўртасидаги муштарак боғланиш хусусиятлари биосфера элементлари ва «инсон – жамият» муносабатлари тизимини мувофиқлаштириш шартини хисобланади. Уларнинг барқарор уйғунлигини ташкил қилиш ғоят мураккаб жараён бўлиб, у ҳар бир элементнинг конкрет ва универсал таъсир доирасини аниқлашни тақозо қилади. Антропоген таъсир жараёнида субъектнинг биосфера элементларига конструктив ва рационал муносабати инсон ҳаёти учун нисбатан қулай бўлган оптимал экологик мувозанат даражаси, экологик яшаш усулини таъминлаб туради. Мавжуд фалсафий-экологик адабиётларда, биосфера экостази ҳолати ҳақида гап кетганда, айнан шу жараённинг объектив ва субъектив омиллари роли, уларнинг диалектик муносабатларини ўрганиш эътибордан четда қолмоқда.

Биосфера коэволюцияси зарурати инсон экологик фаолият шакллари оқилона ташкил қилишни, яъни «табиат – инсон» мажмуаси муносабатларини доимий равишда конструктивлаштириб ва рационаллаштириб боришни тақозо қилади. Зеро, ижтимоий-экологик фаолият ривожланиш даражалари, юқорида кўрсатганимиздек, биосфера элементларини ўзаро мувофиқлаштиришнинг моддий-техник инфраструктурасига, унинг интеллектуал асосларига, табиатни муҳофаза қилиш инвестиция сиёсатига, технологик шарт-шароитларига боғлиқ бўлади.

Инсоният ижтимоий-экологик фаолиятини назарий билиш ва амалий ўзгартириш йўналишларига ажратиш ҳамда уларнинг нисбатан мустақил ривожланиш қонуниятларини аниқлаш муҳим илмий аҳамият касб этади. Чунки «Ижтимоий-тарихий инсон табиатга нафақат интеллектуал, балки назарий жиҳатдан хилма-хил муносабатда бўлади»¹. Махсус фалсафий адабиётларда инсон экологик фаолияти билиш, ўзгартириш ва ахлоқий-эстетик ифодалаш йўналишларига ажратилиб, назарий таҳлил қилинган². Албатта, экологик фаолиятнинг бундай рационал хусусиятларини ўрганиш ҳам илмий-методологик аҳамиятга эга. Лекин бу фаолият шакллари «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатлари барча соҳаларини ҳамда ривожланиш даражаларини камраб олган, деб

¹Бухарин Н.И. Философские арабески (диалектические очерки) // Вопросы философии. 1993. № 6. С.26.

²Горелов А.А. Человек и природа: пути гармонизации. Автореф. на соис. уч. ст. докт. филос. наук. М., 1987. С.5.

бўлмайди.

Табиатни ўзгартириш фаолиятининг нисбатан мустақил, эмпирик ёки рационал йўналишлари – экологик ҳиссий ва ақлий билиш даражаларининг диалектик бирлигидан иборат. Амалий жихатдан, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини конструктив ўзгартириш жараёнида, кундалик урф-одатлар, анъаналар ёки мураккаб техник-технологик, интеллектуал асосга эга бўлган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар «моддийлашади». Бундан ташқари, «инсон – табиат» муносабатларининг моддийлашуви ва мувофиқлаштирилиши:

а) юқорида кўрсатилган фаолият шакллариининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ички боғланиш имкониятларини ва механизмларини аниқлаш;

б) уларнинг таъсир доирасидаги дунёқараш-қадрият омилларининг экологик фаолиятни бошқариш ва ташкил қилишдаги ролини кўрсатиш;

в) ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маъмурий омилларнинг экологик манфаатларга кўра, интеграциялашиш ва дифференциялашиш тенденциясини илмий изоҳлаш;

г) экологик муаммоларни маҳаллий, миллий, худудий, умум-башарий миқёсларда ҳал қилишнинг тизимли-тузилмали, универсал назариясини яратишни кун тартибига қўймоқда.

Умумлаштириб айтганда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий тараққиёт барқарорлиги, экологик фаолиятни конструктив-рационал ташкил қилишга боғлиқ бўлиб қолаётир. Шунингдек, биосфера коэволюцияси изчиллиги, мувозанат турғунлигини сақлаш зарурати экологик фаолият услуб ва воситаларини такомиллаштиришни талаб қилади. Аксинча, экологик тараққиётни рационал ва конструктив ташкил қилишнинг алоҳида омилларини мутлақлаштириш, унинг натижаларини соф субъектив муносабатлардан келтириб чиқариш, воқеликни объектив баҳолаш имкониятларидан маҳрум этади.

Кейинги пайтдаги илмий-фалсафий тадқиқотларда экологик вазиятни кескинлаштирувчи сабабларни, табиатга антропоген таъсир омилларининг объектив ёки субъектив характерини мутлақлаштирувчи, илмий-техника инқилоби ва сиёсий тузум характери билан боғлаб қўювчи, ҳар бири ўзича рационалликка даъвогар бўлган муқобил назариялар вужудга келди. Уларни шарт-

ли равишда:

- 1) алармистик-пессимизм;
- 2) оптимистик-радикализм;
- 3) экологик-скептицизм;
- 4) экологик-нигилизм оқимларига ажратиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган барча назарияларнинг асосий камчилиги, экологик муносабатларга мажмуавий-тизимли ёндошиш талабларига амал қилмаслиқдир. Ижтимоий тараққиёт яхлит тизими унинг ички тузилмасини, ривожлантирувчи омилларини диалектик боғланишда, алоқадорликда ўрганишни тақозо қилади. Айниқса, экологик барқарор тараққиёт универсал ижтимоий характери ҳамма вақт ҳам алоҳида омилнинг доминантлигига асосланган факториал таҳлил тамойилига мос келавермайди. Чунки ҳамма ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳодисаларда бўлганидек, экологик муносабатларда ҳам омилларнинг асосий ёки асосий эъаслиги нисбий характерга эга. Шунинг учун америкалик йирик социолог Питирим Сорокин: «Мавжуд жамият ва маданиятга етарли эътибор бермасдан, ҳодисаларни алоҳида бир омил ёрдамида тушунтиришга уринган ҳар қандай назария хатодир»¹, деб ёзганда, албатта, ҳақ эди.

Бизнингча, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга механистик-метафизик тарзда ёндошиб, экологик фаолият амалий натижаларини, унинг ижобийлик мезонини фақатгина юқори даражада ривожланган сиёсий тузум ёки технократия характери билан боғлаб қўйиш нотўғридир. Ҳатто, энг юқори конструктив ва рационал даражада ташкил қилинган экологик фаолият ҳам ўзича ижтимоий-сиёсий тараққиётни белгиловчи омилга айлана олмайди. Аксинча, унинг ҳар қандай шакли экологик яшаш усули тараққиётни эҳтиёжларидан келиб чиқиб, биосфера коэволюциясини таъминловчи субъектив омилнинг айрим томони бўлиши мумкин, холос. Шунга кўра, юқорида кўрсатилган қарашлардаги қарама-қаршилиқлар муайян утилитар манфаатлар доирасида чегараланиб қолиш, экологик фаолиятни зўр бериб синфийлаштириш, мафкура-лаштириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг умумбашарий манфаатларидан ажралган хаёлий назарий тўқилмалардир.

Экологик инкирознинг муттасил чуқурлашиб бориши, унинг объектив ва субъектив сабабларини илмий асосда таҳлил қилиб,

¹Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество / Отв. ред., сост. и предисл. А.Ю. Сагомонова: Пер. с англ. М.: Политиздат, 1992. С.195.

конструктив амалий тавсияларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бу вазифаларни амалий ва фундаментал фанлар ҳамкорлигида ҳал қилиш мумкин. Турли фанларнинг муқобил экологик назариялари, улар ўртасидаги зиддиятни ифодаламайди. Балки, бу қарашлар маълум манфаатлар асосида умумлашади. Бизнинг қарашларимизда, аксарият ҳолларда, умуман дунёқарашни қарама-қарши йўналишларга ажратиш, ҳеч бўлмаганда, улар ўртасига сунъий зиддиятларни тикиштириш хос бўлиб келган эди. Ҳозирги фикрлар эркинлиги бунга маълум даражада чек қўйди. Шунинг учун марксизмга «ёт бўлган» муқобил назария ижобий томонларини ижодий тарзда умумлаштириш зарурати вужудга келди. Ҳар қандай назария, таълимот жамият экологик манфаатлари, умуминсоният цивилизацияси мақсадларига хизмат қилар экан, уларни ижодий ва танқидий ўрганиш, амалий тажрибаларини умумлаштириш мақсадга мувофиқ, лекин бу мафкуравий мавқемидаги умумий зиддиятларни батамом йўққа чиқармайди.

Ҳозирги кунда экологик тадқиқотларнинг бир тармоқ ёки соҳа манфаатлари билан чекланганлиги, баъзан янги экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, сунъий сув ҳавзалари, омборлари қурилишининг экологик оқибатлари муштарак ўрганилмаганидан, айрим ҳудудлардаги ер ости сувларининг ҳаракатларида, тупроқ тузилишида, мелиорация ҳолатида, ҳатто иқлимида салбий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу атрофда яшаётган аҳолининг, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ривожланишига акс таъсир қилмоқда.

Экологиянинг техник, технологик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий масалаларини мужассам ва муштарак тадқиқ қилиш, унинг узоқ йилларга мўлжалланган истиқболини, фаолият стратегиясини белгилаш мақсадидан келиб чиқади. Бироқ бу иш ташкилий ва методик жиҳатдан қўнғилдагидек эмас. Фанлар Академияси ва тармоқ илмий тадқиқот илмгоҳларининг тарқоқлиги, идоравий бирлиги, лаборатория ва тажриба базаларининг техник, технологик жиҳатдан замон талаблари асосида жиҳозланмаганлиги ишга тўғаноқ бўлмоқда. Долзарб экологик муаммоларни ўрганишга Олий ўқув юрти илмий кучи, потенциал имкониятлари суёт жалб қилинган.

Ҳозирги кунда табиатни муҳофаза қилиш манфаатлари асосида илмий бирлашмалар, лойиҳалаш ташкилотлари, конструкторлик

бюролари, режалаштириш ва бошқариш идоралари фаолиятини муштараклаштириш ҳамда муқобиллаштириш асосида мустақил илмий марказларни ташкил қилиб, уларнинг ваколат доирасини кенгайтиришни ҳаёт талаб қилмоқда. Бу марказларга саноат корхоналарини, иншоотларни ишга тушириш пайтида эмас, балки уларни лойиҳалаш, режалаштириш давридан бошлаб, экологик талабларга жавоб беришларини ҳар тамонлама текшириш ва синовдан ўтказишни топшириш мақсадга мувофиқ.

Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объектив зарурати ва табиат муҳофазасининг долзарб муаммолари фундаментал назарий тадқиқотларга, илмий ғояларга эҳтиёжни кучайтирди. Ҳолбуки, экологик қонуниятларни назарий билиш табиатга антропоген амалий таъсир жараёнидан орқада қолмоқда.

Шуни айтиш жонзки, экологик илмий кашфиёт ёки техник ихтиро тармоқ вазирлигида – бир баҳо, табиий атроф муҳит муҳофазаси назорат ташкилотида бошқача баҳо, бевосита корхонада учинчи баҳони олгани ҳолда жамоатчилик фикри уларнинг барисига зид бўлмоқда. Ва аксарият берилаётган баҳолар мезони бир-бирига карама-қарши. Чунки баҳоланишнинг умумий талаблари ханузгача ишлаб чиқилмаган, унинг методологик принциплари аниқланмаган. Натижада, янги, илғор ва самарадор кашфиётларга тор идоровий муносабатда бўлинганидан улар ўз вақтида жорий этилмасдан, маънавий эскирмоқда. Кўпинча, экологик жиҳатдан тажрибаларда ўзини оқлаган техника ва технологияни уларнинг молиявий қимматлиги рўқач қилиниб, ўзлаштирилишидан бош тортилади. Дарҳақиқат, табиатни муҳофаза қилиш анча қимматга тушадиган тadbир бўлиб, замонавий технологик ускуналарни ўрнатиш, инфраструктурасини шакллантириш, инвестиция тadbирларини бажариш, кейинчалик ер, сув, ҳаво муҳитларининг ифлосланиши билан боғлиқ экологик ҳалокатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий оқибатларини бартараф этишга нисбатан арзон эканлигини тажрибалар исботлаб бермоқда.

Шуниси ҳам ҳақиқатки, ўз вақтида тор доирадаги маҳкамачилик, маҳаллийчилик манфаатларига ўралашиб, экология соҳасида йўл қўйилган йирик хатолар ҳалокат даражасига чиқди. Натижада, ҳеч қандай маблағ сарфлаш билан уларни ўрнига келтириш имконияти йўқ эканлиги эндиликда аниқ бўлиб қолди. Кейинги вақтларда, табиат бойликларини муҳофаза қилишда ва улардан

фойдаланишнинг регионал ҳамда тармоқ бош схемаларини ишлаб чиқишда илмий лойиҳа муассасаларнинг режалаштирувчи маҳкамалари, қурилиш ташкилотлари билан улар фаолиятларини муштараклаштириш жараёни кўзга ташламоқда. Бундай муносабатлар экологик муаммолар «горизонтал» ва «вертикал» йўналишини, тармоқ ва жуғрофий хусусиятини, ҳўжаликнинг иктисодий ва экологик фаолиятини мувофиқлаштириб, моделлаштиришни, прогностлаштиришни тақозо қилмоқда. Келажакда экологик прогностлаштириш – ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий ҳодисаларнинг микдор-сифат, сабаб-оқибат, макон-замон характеристикасини мажмуавий ва узлуксиз тарзда изоҳлаши керак.

Экологик барқарор таракқиётнинг илмий таҳлили, унинг ривожланиш истикболини кўрсатишни тақозо қилади. Бу вазифани, уни моделлаштиришдан ташқарида ҳал қилиш қийин. Ҳозирги даврда экологик фаолиятни моделлаштиришнинг конкрет усули бир-бири билан боғлиқ икки йўналишда олиб борилмоқда:

1) ҳудудий «макон « мувозанати умумбашарий, минтақавий, миллий, маҳаллий даражаларда антропоген таъсир кўламини аниқлаш;

2) ижтимоий-иктисодий, маънавий-сиёсий фаолиятларнинг экологиялашиш жараёнини кўрсатиш. Бу йўналишларнинг «баланс кўрсаткичлари бевосита истемол қилиш даражасига боғлиқ бўлади»¹.

Экологик барқарор таракқиётнинг мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида динамик ривожланиши, моделлаштиришнинг ғоят нисбийлигини белгилайди. Бундан ташқари, ҳар қандай модел тузилмавий элементлари ўрасидаги боғланиш узвийлигини таъминлаш, амалий жиҳатдан жуда мураккаб вазифа. Модел мавжудлигини таъминлайдиган шарт-шароитлар, омиллар ўз аҳамиятини доимо ўзгартириб туради. Экологик барқарор таракқиётнинг макон ва замондаги барча кўрсаткичларини математик, статистик тилда изоҳлаш қийин. Чунки моделлаштиришнинг параметрларига ситмайдиган инсон сифатлари билан боғлиқ эмоционал-руҳий томонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун бу ҳодисани моделлаштиришдаги кўп ўлчовли корреляция, тизимли факториал таҳлил, диспер-

¹Липец Ю.Г. Проблемы и модели глобальной экологии и их связь с экологией человека // Методологические проблемы экологии человека. Новосибирск: Наука. Сиб. отд.-ние, 1988. С.120

сия, регрессия ва бошқа шу каби математик услублар мажмуаси ҳам экологик барқарор тараққиётнинг статистик миқдор кўрсаткичларинигина изоҳлаши билан ғоят нисбий характерга эга.

Экологик статистикада қўлланиладиган математик усуллар функционал характерга эга бўлмаган боғланиш ва алоқадорликнинг тургун даражасини (масалан, экостаз ҳолатини) аниқлашда қўл келади. Бу усуллар экологик фаолият миқдор кўрсаткичини, макон доираларини аниқлашда кенг қўлланилаётган бўлса ҳам унинг натижалари, ҳозирча билишнинг эмпирик даражаларида қолиб кетмоқда. Чунки аксарият экологлар, хусусан, ижтимоий экология билан шуғулланувчилар математик регрессия ва корреляцион таҳлил усули мантиғини тўғри тушуна олмайдилар ёки ҳодисаларнинг динамик ўзгаришига факториал таҳлил усулларини қўлаш малакалари етишмайди.

Бу усуллар ёрдамида аниқланган экологик барқарор тараққиёт миқдор кўрсаткичи ҳамма вақт ҳам унинг сифат даражасини, сабабоқибат боғланишини аниқ мезонда кўрсатиб беролмайди. Масалан, экологик фаоллик билан антиэкологик жиноят кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция коэффиценти аниқ бир ҳулосага олиб келиши кийин. Чунки экологик барқарор тараққиёт шароитида антиэкологик хатти-ҳаракатлар камайганми ёки ҳуқуқий, қонуний, маъмурий чора-тадбирлар натижасида антиэкологик хатти-ҳаракатлар бартараф қилиниши билан экологик барқарор тараққиёт таъминланганми, деган саволга жавоб бериш масаланинг моҳиятини эмас, балки унинг ҳодисасини билиш даражасига мос келади.

Эндигина шаклланиб келаётган «экологик статистика» фани экологик барқарор тараққиётнинг конкрет миқдор кўрсаткичини моделлаштириш услуги орқали тадқиқ қилиш, уларнинг ривожланиш қонуниятларини кўрсатиш билан фан функциясини бажаради. Ижтимоий экология эса экологик статистиканинг фактологик материални, моделлаштириш натижасини умумлаштириш билан методология ролини бажаради. Бунда ижтимоий экология билан фалсафа ўртасидаги методология масаласида рақобат вужудга келмайди, балки уларнинг ички бирлиги, умумийлик ва хусусийлигининг диалектик боғланишлари намоён бўлади.

Экологик вазиятни соғломлаштириш ва барқарорлаштиришнинг энг муҳим шарт, инвестиция сиёсатини тўғри қўллашдир. Сир эмаски, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг моддий техника база-

си, инфраструктурасини такомиллаштириш ва табиат бойликларидан экологик манфаатларга асосланиб фойдаланиш бир-бири билан боғлиқ. Фан, техника, технология самарадорлигини белгилловчи мезон фақат фойдаланилган хом-ашё, меҳнат тежамкорлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, миқдори эмас, балки табиатни муҳофаза қилишга қўшилган конкрет амалий хисса бўлиши керак.

Табиатга антропоген таъсирнинг салбий оқибатларини баргараф қилиш ишлаб чиқаришни чикитсиз ва кам чикит технологияга асосан ташкил этишга боғлиқ. Бу халқ хўжалигини экологиялаштириш бош стратегик йўналишига айланмоқда.

Илгор технология асосий самарадорлик мезони ташлаб юбориладиган фойдасиз, табиий муҳитни ифлослантирадиган зарарли нарсалардан инсон учун керакли маҳсулот ишлаб чиқариш усуллари кидириб топилди. Дарҳақиқат, табиатда фойдасиз моддининг ўзи йўқ. Ишлаб чиқариш чикитларига бефарқ қараб мамлакат табиий бойликларини исроф қилишга, экологик мувозанатни бузишга қарши курашдаги укувсизликдир. Моддий неъматлар ишлаб чиқаришдаги экологик технология ва инфраструктура қашшоқлиги, фақатгина табиий атроф муҳитга салбий таъсир қилиб қолмасдан, жуда катта иқтисодий зарар ҳам етказди. Масалан, Анрен кўмир қонидан, кўмир билан бирга 6 млн. тоннага яқин қоғоз қоғоз олинадди. Шундан атиги 10-15 фоизи истеъмолчиларга етказиб берилди холос¹. Қолгани атрофдаги табиий ландшафтларга путур етказди, хўжаликлар учун фойдали бўлган ерлар «сунъий тоғлар» остида қолиб кетмоқда. Шунинг учун иккиламчи ресурслар ва табиий муҳитни ифлослантиривчи ишлаб чиқариш чикиндиларига бепарволик билан қарайдиган раҳбарларни табиатга зарар етказётган киши сифатидагина эмас, балки иқтисодий ношудликда айблаш керак.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳалардаги рационализм ва конструктивизм табиатни муҳофаза қилишда ўз муҳиятини тўлиқ намойиш қилиши мумкин. Ҳозиргача, инсонларнинг иқтисодий яшаш шароитини яхшилаш, моддий ҳаёт даражасини кўтариш конструктив, рационал фаолият ҳисобланган. Хусусан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда пахта яқка ҳокимлиги табиат мувозанатининг муҳим бўғини ер ва сувдан рационал ва конструктив фойдаланиш янги хусусиятини вужудга келтирди. ЎзФА ака-

¹Национальный доклад ... С.33.

демиги М.Муҳаммаджонов фикрига кўра, республика экологик вазият кескинлашуви муҳим сабабларидан бири, 60 йиллардан бошлаб Марказий Осиё худудида сунъий сув омборларини жадаллик билан қурилиши ва ишга туширилиши бўлди. Ҳозир шу худудда 51 та республика ва 5 та республикалараро аҳамиятта молик сув омборларида 55,5 млрд. куб.м сув тўпланиш имконияти мавжуд¹. Улар Марказий Осиё худуди иклими, ер ости ва усти сув баланси, тупроқнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир қилмоқда. Бу эса республикада экологик вазиятни гоаят кескинлаштириб, биосфера мувозанатига путур етказди. Бундан ташқари, организмнинг ташқи муҳитга мослашишида узилишларни келтириб чиқариб, ижтимоий-тиббий муаммоларни кучайтирмоқда.

Барқарор таракқиётнинг конструктив-рационаллиги экологик муаммолар ечимини лойиҳалаштириш ва эксперт назоратини ташкил қилишга боғлиқ. Шу ўринда, Ўзбекистоннинг энг йирик экологик муаммоси бўлган Орол денгизининг қуриб қолиши олдини олиш билан боғлиқ лойиҳалар диққатга сазовор. Уларни шартли равишда, икки йўналишга ажратиш мумкин:

1) *интраврегионал лойиҳа* – региондаги ички сув ресурсларини тежаб фойдаланиш орқали Орол денгизи қуриб қолишининг олдини олиш;

2) *экстрарегионал лойиҳа* – Орол денгизига четдан сув келтириш билан уни камида ҳозирги ҳолда сақлаб қолишга қаратилган ечимларни топишдан иборат.

Қадимги тарихда ҳам денгизларни дарёлар билан қўшишга уринишган. Масалан, қадимги грек файласуфи Аристотелнинг ёзишича, Миср подшоларидан бири Қизил денгиз ва Нил дарёсини қўшиб кема қатновини йўлга қўймоқчи бўлган. Бу ишга дастлаб подшо Сеострис қўл уриб, канални каздиришни бошлаган, лекин денгизнинг дарёдан баландда жойлашгани маълум бўлгандан сўнг шўр денгиз суви билан дарё сувини ифлослантирмаслик учун канал казиш тўхтатилган².

Республикада экологик вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган лойиҳалаштириш, эксперт назоратини ўрнатиш ва уларни амалда жорий қилиш ўртасида катта узилишлар мавжуд.

¹Қаранг: Муҳаммаджонов М. Асорат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989, 1 сентябрь, № 36.

²Қаранг: Аристотель. Метеорология. Л.: Гидрометиздат, 1983. С.68-69.

Натижада, ўз вақтида муҳим экологик муаммолар ечими аниқланган ва уни амалга оширишнинг реал имкониятлари бўлган лойиҳалар ҳам вақт ўтиши билан маънавий эскириб, ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, табиат бойликларидан экологик талаблар асосида фойдаланишни ташкил қилишдаги иқтисодий механизмлар ночорлиги туфайли корхоналарнинг кам чиқит ёки чиқисиз технологияни жорий қилишдан манфаатдор эмаслигидир. Агар зудлик билан давлат сиёсати, қонунчилиги даражасида амалий чоралар кўрилиб, ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилмаса, бозор иқтисодиётига ўтишнинг чалқашликлари, саросималиклари даврида бу зиддият янада чуқурлашиши мумкин. Шунинг учун табиатни муҳофаза қилишни лойиҳалаштириш, экспертизадан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳеч бир истисносиз давлат тасарруфига ўтказилиб, мукамал қонуний назорат механизмларига эга бўлмоғи лозим.

«табиат – жамият – инсон» муносабатларини конструктив ва рационал муштараклаштиришнинг тарихий зарурати объектив ҳамда субъектив имкониятга эга. Инсон жамиятнинг барқарор ривожланиш ва экологик мувозанат қонуниларини билишига асосланиб, уларни мувофиқлаштириш жараёнига турли йўналишларда таъсир қилиши мумкин. Хусусан, ижтимоий, табиий тараққиёт мақсадларидан келиб чиққан ҳолда айрим қонун фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ёки баъзиларини рағбатлантириш керак бўлади.

Биосфера мувозанати қонунилари инсон эркинлигининг экологик масъулият ва бурч доирасида фаолият кўрсатишнинг талаб қилиб, экологик ижтимоий муносабатнинг шаклланиш қонуниятларини шу категориялар мазмунидан мустақил тарзда тушунтириб бўлмайди. Зеро, мазкур ахлоқий категориялар экологик барқарор тараққиётнинг амалий ҳамда назарий йўналишларини ифодалайди. Бунда экологик барқарор тараққиёт ўзининг тарихий келиб чиқиш генезисига кўра объектив ижтимоий ходиса бўлиб, одамнинг табиатга муносабатини рационаллаштириб туради. Зеро, табиат муҳофазаси иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик ва бошқа йўналишларни тартибга солувчи «табиат – жамият – инсон» мажмуаси коэволюциясини амалга оширишнинг муҳим субъектив омилдир. Иккинчи томондан, экологик масъулият ва фаолликнинг конструктив-рационал характери инсоният ҳаёти ва цивилизацияси

тақдири билан боғлиқ оламшумул вазифалардан келиб чиқади.

Экологик фаолиятни барқарорлаштириш жараёнида табиатта конструктив-рационал таъсир йўналиши самарадорлик мезонини белгилаш ҳамда халқаро экологик муносабатларни ривожлантириш стратегияси, тактикасини ишлаб чиқишдаги каналлар куйидагилардан иборат: экологик барқарор тараққиётни шакллантирувчи таълим-тарбия соҳаларини муштараклаштириш; инсон фаолиятини иқтисодий, ҳуқуқий, маъмурий бошқариш йўналишларида ижтимоий-экологик масъулият ва бурч тушунчаларини мустаҳкамлаш; илмий билиш ва амалий фаолият турли йўналишларни экологиялаштириш жараёнини режалаштиришдан иборат. Айниқса, ҳозирги жаҳон миқёсида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётнинг интеграциялашиш жараёни биосфера мажмуасини комплекс тарзда бошқариш механизмларини тақозо қилмоқда. Ҳозирда унинг назарий асосини ишлаб чиқиш кун тартибда турибди. Зеро, тўпланган тарихий тажриба, эмпирик материалларни умумлаштириб *экологик планология* яхлит концепциясини ишлаб чиқиш зарурати вужудга келди. Илмий асослаган планология қўйилган мақсадларга реал тарзда эришишнинг махсус назарияси, технологияси, институционал тизилмасини шакллантиради. Унинг вазифаси назарий ҳулосалар, тўпланган тажрибаларни тизимлаштириш; экологик фаолият йўналишларини амалиётнинг бошқа соҳалари билан мувофиқлаштириш; экологик фаолият услулари, воситалари, механизмларини яратишдан иборат бўлиб, умумий мақсади биосфера динамик экологик мувозанатини, «табиат – жамият – инсон» мажмуаси мутаносиблигини бошқаришдан иборат. «Экологик пландаги бошқариш – жамиятнинг табиатни ўзгартириш фаолиятини муайян экологик қондаларга бўйсундиришдан иборат бўлиб, унинг мазмуни шу жамиятнинг иқтисодий ва экологик муносабатларига боғлиқ бўлади»¹.

Экологик планологиянинг шаклланиши учун объектив ва субъектив шарт-шароит етилган бўлса ҳам ҳозирча, конкрет контури, қонуни, категорияси аппарати тизими шаклланиб, унинг катъий объект ва предмет доираси аниқланган эмас. Бунга:

1) ижтимоий-экологик жараёнларни сайёрамиз миқёсида барқарорлаштиришни моделлаштиришнинг мураккаблиги;

¹Иванченко В.К. Новой парадигме Государственного регулирования и планологии // Вопросы экономики, 1993, № 11. С.72.

2) умуминсоний экологик эҳтиёж ва манфаатларнинг утилитар, меркантил иқтисодий эҳтиёжлари қарама-қаршилиги;

3) тармоқлараро, мамлакатлараро иқтисодий-экологик муносабатларни режалаштиришнинг фрагментар ҳамда дискрет характери;

4) турли соҳадаги режалаштириш, лойиҳалаштириш, эксперт назорати мустақиллиги ва қатор ташкилий камчиликлар сабаб бўлмоқда.

Келажакда экологик планологиянинг мустақил фундаментал фан сифатида назарий даражаси ва праксиологик аҳамияти ахборотлар, фактологик маълумотлар банкининг объективлигига; статистик, корреляция, назарий ва эмпирик услуб ҳамда воситалар диалектик бирлигига; муқобил вариантларнинг комплекслиги ва улардан маъқулини танлаб олиш коэффицентига; экологик амалий фаолият миқдор ва сифат кўрсаткичлари репрезентативлигига боғлиқ бўлади. Акс ҳолда, меъёрига етмаган амалиёт меъёрига етмаган назарияни вужудга келтиради.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий муносабатдаги зиддияти экологик барқарор тараққиётни рационал-конструктив бошқаришнинг универсаллик ва комплекслилик ғоясига путур етказди. Уларнинг органик бирлигига экологик манфаатлар, мақсадлар доирасидагина эришиш мумкин. Бу жуда мураккаб жараён бўлиб, узок тайёргарлик даврини тақозо этади. 1970 йил Англияда кенг ваколатга эга бўлган экологик планлаштириш давлат органлари тузилган эди. Бирок бу орган ўз функциясини бажара олмади, унинг тажрибалари ягона ижроия ҳокимият органи билан экологик фаолиятни планлаштириш ва ташкил қилиш мумкин эмаслигини кўрсатди¹.

Шунинг учун ҳозирги даврнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, экологик планлаштиришда тармоқлараро ва территориал органлар каскадини вужудга келтириб, улар фаолиятини мувофиқлаштириш зарурати пайдо бўлди. Экологик лойиҳалаштириш асосий принципи фақатгина имкониятлардан келиб чиқиб, унинг техник-технологик асосларини кўрсатишдан иборат бўлмасдан, балки шу имкониятларни режалаштириш ва реали-

¹Қаранг: Миколаш Я., Питтерман Л. Управление охраной окружающей среды. / Пер. со словацкого В.А.Климашевского и А.Г.Москвина. Под ред. В.Ф.Худолея. М.: Прогресс, 1983. С. 73

зация қилишнинг восита ҳамда услубларини яратиши ҳам керак бўлади. Табиат бойликларидан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини илмий асосда планлаштириш табиатга путур етказмаган ҳолда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига олиб келиб қолмай, балки табиатни соғломлаштиришни ҳам таъминлайди.

Ўзбекистонда экологик вазиятнинг ҳозирги ҳолати ва истикболлини режалаштиришда муайян тажрибалар мавжуд. Хусусан, Республика ФАнинг етакчи олимлари ҳамда мутахассслари томонидан табиий атроф муҳит ифлосланишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, уларни бартараф этиш йўллари, экологик эҳтиёжлар учун молиявий ресурслар, табиат ифлосланишининг иқтисодий зарарлари аниқланиб, бозор иқтисоднетига ўтиш даврида экологик тадбирларнинг услубий қўлланмалари, тавсиялари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, экологик муаммолар бўйича Давлатнинг фан-техника мажмуавий дастури ишлаб чиқилмоқда. У бири-биридан нисбатан мустақил тўрт йўналишдаги вазифани бажаришга қаратилган:

1) табиатдан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини белгилаш;

2) ишлаб чиқариш турли тармоқларини экологик мезонлар ва меъёрлар асосида мувофиқлаштириш;

3) табиат муҳофазасининг назорат тизимини ва воситаларини такомиллаштириш;

4) табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслардан фойдаланишнинг техник-технологик йўналишларини аниқлашдан иборат.

Айнан шу соҳаларда лойиҳа ва дастурларнинг муқобиллигига эришиш, танлаб олиш имкониятларини кенгайтиради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Фанлар академияси тармоқ институтларининг «Биосфера ва экология»га доир 2015 йилга мўлжалланган истикболли дастурлари фанлараро муаммоларни табиатшунослик, техника ва ижтимоий фанлар доирасида мажмуавий тадқиқ қилиш йўналишлари аниқлаб олинган ва ҳозирги кунда тажриба, ахборотлар умумлаштирилиб, назарий-фундаментал изланишлар олиб борилмоқда.

Умумлаштириб айтганимизда:

1) инсоният барқарор тараққиёт тарихи табиат ресурсларидан фойдаланиш усулининг доимий равишда рационаллашиб ва конст-

руктивлашиб бориш тарихидан иборат;

2) экологик барқарор тараққиёт рационал-конструктив характери биосфера мувозанати қонуниятларини назарий билиш ва амалий ўзгартириш жараёнида намоён бўлади;

3) экологик барқарор тараққиётнинг конструктив-рационал хусусиятига муқобил қараш: мақсад ва манфаатлар, субъектив муносабатлар индивидуаллигидир;

4) экологик фаолиятда рационализм ва конструктивизм моддий ишлаб чиқаришни горизонтал ҳамда ва вертикал йўналишда режалаштириш, лойиҳалаштириш, эксперт назорати соҳаларининг ягона мақсад доирасида уйғунлашган вазиятидагина кутилган натижани бериши мумкин;

5) экологик планология фани табиатдан рационал-конструктив фойдаланиш назарий-методологик асосини, хусусий услуб ва воситаларини вужудга келтириш билан унинг барқарор тараққиёти истиқболини моделлаштириш, прогноزلаштириш имкониятини яради;

6) экологик барқарорликнинг рационал-конструктив характери табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари ва манфаатларига мос равишда бошқа соҳалар мазмуни, таъсир йўналишини, кўламини динамик тарзда ўзгартириб туради.

Ижтимоий-сиёсий барқарор тараққиёт ва табиатни муҳофаза қилишнинг амалий масалалари

Экологик барқарор тараққиёт «табиат – жамият – инсон» мажмуасини мувофиқлаштиришнинг назарий асосларини, унинг тушунчалари, тамойиллари, катеҗориал аппарати ва қонунлари мазмунини чуқурроқ билишга эҳтиёж тугдирмоқда. Айниқса, экологик вазият оғирлашиб кетаётган даврда, инсоният ижтимоий-сиёсий фаолиятини янгича мезон билан баҳолаш, хусусан экологик амалий фаоллик йўналишларини илмий асослаш, фалсафий-методологик томайилларини аниқлаш долзарб илмий муаммо бўлиб турибди.

«Экологик барқарор тараққиёт», «экологик хавфсизлик» категориялари мазмуни муҳофаза қилинаётган объект ва муҳофаза қилувчи субъект ўртасидаги амалий муносабатни ифодалайди. Экологик барқарор тараққиёт бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки фаолиятга таянади: бевосита табиат компонентларини

муҳофаза қилиш билан биосфера экологик мувозанатини сақлаш ва табиатни муҳофаза қилувчи субъект фаолиятини ўзгартириш. Табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган ишлаб чиқариш кучларининг муайян ривожланиш даражаси ўзига мос янги типдаги экологик муносабатларни вужудга келтиради ва уни экологик амалиёт жараёнида амалга оширади. Шу нуқтан назардан, экологик барқарор тараққиёт объектини шартли равишда:

1) бевосита табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжларидан келиб чиққан барқарор тараққиёт омиллари;

2) барқарор тараққиёт мақсадида табиатни ўзгартирувчи антропоген омилга ажратиш мумкин.

Инсониятнинг энг асосий ижтимоий-амалий фаолияти ҳозиргача табиатга меҳнат қуроли ва воситалари ёрдамида иктисодий-моддий эҳтиёжларни қондириш мақсадидаги ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланган. Тарихий ривожланиш турли босқичларида айнан шу соҳадаги амалиёт самарадорлигига барқарор ижтимоий-иктисодий, снёсий-маънавий тараққиёт мезони сифатида қараб келинди. Лекин бугунги кунга келиб, экологик зиддиятлар кескинлашуви, биосфера мувозанатидаги ўзгаришлар бу муносабатни оқилона ташкил қилишни кун тартибига қўймоқда. Энди барқарорлик мезонида табиатни ўзлаштириш қўлами эмас, балки уни муҳофаза қилиш масъулиятини англаш ижтимоий амалиёт мақсадига мувофиқлигини белгилайдиган кўрсаткичга айланмоқда.

Умуман фалсафада, *амалиёт* ва *мақсадга мувофиқ фаолият* тушунчалари синонимлар сифатида кенг қўлланилади. Уларнинг конкретлашган шакллари, *экологик амалиёт* ва *экологик фаолият*да, айниқса, кўзга яққол ташланади. Зеро, манфаатлар билан боғлиқ муносабатларнинг турли-туманлигидан амалиёт ҳамма вақт умуминсоний мақсадларга мос келмаслиги мумкин. Лекин экологик амалиёт ўз моҳияти ва мазмунига кўра, муқаррар равишда мақсадга мувофиқликни ифодалайди. Чунки табиатни муҳофаза қилишга қаратилган амалиёт биосфера мувозанатини сақлашга йўналтирилган мақсадга мувофиқлашишдан ташқарида ўз мазмунини йўқотиб, унга зид бўлган фаолиятга айланади. Хусусан, кейинги 15 йил ичида табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ҳаёт даражасини белгиловчи омилга, айрим ҳолларда эса ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини чегараловчи шароитга айланди. Шунга

кўра, инсон ижтимоий моҳияти, сифатини белгиловчи муносабатларда иктисодий-сиёсий муносабатлар эмас, балки экологик муносабатлар етакчи ўринга кўтарилмоқда.

Экологик барқарорлик бош йўналишидан бири, табиатга салбий таъсир қилувчи сабаб ва оқибатларни бартараф қилувчи субъект экологик сифатини яхшилашга қаратилиши керак¹. Зеро, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлиги бевосита субъект: шахс, ижтимоий бирлик, давлат, жамият масъулияти характериға мос бўлади. Бунда уларнинг ўзаро диалектик боғланиш, алоқадорлиги эътиборға олинishi керак. Чунки табиатни ўзгартириш ҳам, муҳофаза қилиш ҳам экологик амалиёт субъектининг фаоллиги, масъулиятини англашида намоён бўлади. Бирок уларнинг объекти, мақсади, воситалари ва натижалари бир-биридан фарқ қилади. Бошқача айтганда, экологик эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, инсон табиатни қайта ишлаши ва инсонни инсон томонидан қайта тарбияланиши жараёнидаги муносабатлар ўз объектн, предмети ва муаммоси жиҳатидан турли-туман вазибалар бўлганлигидан улар фаолияти ўзига хос қонуниятларға буйсунади. Шундай қилиб, экологик амалиёт, ижтимоий ходисанинг махсус кўриниши сифатида юқорида кўрсатилган ҳар иккала фаолликнинг намоён бўлиш жараёнидир.

Экологик барқарорлик тушунчасининг мазмуни маълум вазибаларда экологик амалиёт тушунчасидан торроқ мазмунға эға. Чунки экологик барқарорлик, сифат ва миқдор кўрсаткичларига кўра, экологик амалиёт доирасида намоён бўлади. Зеро, экологик амалиёт унинг ретроспектив хусусиятларини ҳам қамраб олади, барқарорлик эса шахс ва ижтимоий бирликнинг конкрет тарихий вазибалдаги ҳолатининг нисбатан юқори сифат даражасидир.

Табиатни муҳофаза қилиш ижтимоий амалиётнинг махсус шакли сифатида ўзига хос хусусиятларға эға:

1. Табиатни муҳофаза қилиш фаолияти амалиётнинг бошқа шаклларида пассивлиги билан фарқ қилиб, умуман ижтимоий барқарорлик субъект томонидан объектнинг мақсадға мувофиқ амалий ўзгартиришини ифодалайди. Экологик барқарорлик эса аксинча, уни муҳофаза қилишдир.

¹ Полено З. Государственная концепция формирования и охраны природной среды и рационального использования природных ресурсов // ЭХО. Экология, хозяйство, окружающая среда. Вып. I. М.: Прогресс, 1990. С.207.

2. Экологик барқарорликни сақлаш ҳар қандай утилитар, меркантил иқтисодий манфаатлардан устун туради. Чунки ижтимоий тараққиётнинг конкрет кўриниши маълум даражада *бошқа соҳалар* ҳисобига бўлади, яъни бир йўналишдаги барқарорлик бошқа йўналишга зид келиши мумкин. Масалан, моддий ишлаб чиқаришнинг А тармоғини фаол ривожлантириш Б тармоғи билан зиддиятни кучайтиради.

3. Экологик барқарор тараққиёт, юзаки қараганда, бошқа соҳалар ривожланиш доирасини чегаралаганга ўхшаб кўринади, лекин «табиат – жамият – инсон» муносабатларининг ҳозирги босқичларида, айнан экологик барқарорлик ижтимоий амалиёт самарадорлигини белгилайдиган мезонга айланди.

Фалсафий адабиётларда экологик барқарор тараққиёт нисбатан кенг ва тор маъноларда изоҳланади. Кенг маънода умуман «табиат – жамият» муносабатлари мажмуаси экологик ижтимоий муносабатлар мувозанати тарзида қўйилган. Тор маънода эса, экологик фаолиятнинг гносеологик ёки праксеологик томонлари конкрет доираларда чегараланади. Назарий ва амалий жиҳатлари бир-биридан ажратилиб, уларнинг у ёки бу томонлари мутлақлаштирилади.

Экологик барқарор тараққиёт тушунчасининг предмети объектига нисбатан хусусийлиги билан фарқ қилади. Чунки *объект* тушунчаси ҳамма вақт *предмет* тушунчасидан умумийдир. Экологик барқарорлик объектини жамиятнинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий муносабатлари мажмуасидаги мутаносиблик ташкил қилади. Ижтимоий бирликлар, айнан шу жараёнда ўз фаолиятларини экологиялаштириш орқали биосфера ички мувозанатини барқарор тараққиётини таъминлаши ёки инсоннинг табиий муҳитга адаптация ходисасига салбий таъсир килувчи тўсиқларни бартараф этиш масъулиятини англаши мумкин.

Муайян ижтимоий-экологик муносабатнинг табиий тарихий жараёнда вужудга келиш сабабларини уларни қандай пайдо бўлганлигидан ажратиш методологик аҳамиятга эга. Шу нуқтан назардан, экологик барқарорлик тушунчаси предмети воқеликдаги конкрет боғланиш ва алоқадорлик қонуниятини билиш орқали субъект амалий фаолият чегарасини, масъулиятини англаш даражасини белгилаб туради. Бошқача қилиб айтганда, экологик моддий

муносабатлар, табиатни муҳофаза қилишнинг объекти тарзида намоён бўлади. Экологик амалиёт объекти сифатида табиатни муҳофаза қилиш муносабатлари мажмуаси жамият характерини белгиловчи мезон бўлиб, унинг ривожланиш тенденциясини кўрсатади.

Экологик барқарор тараққиёт ижтимоий бирликларнинг ўзаро муносабатини регуляция қилади ҳамда инсоннинг *экологик яшаш усулини* ўзгартириш имконияти, воситаси бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий амалиёт зарурий шартларидан бири экологик барқарор тараққиёт воситалари ҳамда услублари мажмуасини вужудга келтиришдан иборат. Бунда ижтимоий-экологик амалиётни ташкил қилиш ва бошқаришнинг техник-технологик асосларига, воситалар тизимига ижтимоий-маъмурий ташкилотларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки табиатни муҳофаза қилишнинг мутасадди ташкилотлари маъмурий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа функцияларни бажариши билан экологик муносабатнинг тузилмавий элементларини ташкил қилади. Зеро, инсон ўзининг ижтимоий экологик муносабати жараёнида табиатни муҳофаза қилишнинг техник-технологик воситаларини, ташкилий жиҳатларини такомиллаштириб боради.

Экологик барқарор тараққиёт мақсади биосфера мувозанатини инсон ҳаётини давом эттириш эҳтиёжларидан келиб чиқадиган оптимал табиий шарт-шароитларни таъминлашдан иборат. Бу жараёнда биосфера коэволюцияси ва коадаптацияси қонунига мос равишда экологик масъулиятнинг *объект-субъект* муносабатлари шаклланиб, ўзаро мувофиқлашади, яъни субъектнинг табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари, экологик амалий фаолиятда конкретлашади.

Экологик амалиёт ҳамма ақт динамик ўзгарувчан, шу билан бирга, нисбатан турғун экологик муносабат жараёни шаклида намоён бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш мақсадига конкрет тарихий мазмун бахш этади. Юқорида айтилганидек, табиатни умуман табиат учун эмас, балки инсон учун муҳофаза қилиш мақсад ва манфаатидан келиб чиқади. Пировард натижада, экологик барқарор тараққиёт самараси шахс ва ижтимоий birlikнинг айни шу вазифани қай даражада уддалаганлиги билан белгиланади. Бунда экологик мақсад ва уни амалга оширувчи восита ҳамда услуб ўртасидаги индиятни аниқлаш муҳим методологик аҳамиятга эга. Чунки услуб

ва воситалар доим ҳам мақсадга мос келавермайди. Айниқса, иқтисодий манфаатни экологик мақсаддан устун қўйилиши билан экологик фаоллик восита ва усуллари ўз вазифаларини тўлиқ бажара олмайдилар. Масалан, иқтисодий танглик кучайган даврда табиатни муҳофаза қилиш жамоатчилик ва давлат ташкилоти фаолияти, аксарият ҳолда рамзий, декларатив характер касб этиб қолаверади.

Мавжуд фалсафий ва махсус адабиётларда экологик амалий фаолият шакллари ҳақида фрагментар, тизимлашмаган фикрлар баён қилинган. Уларнинг асосий камчилиги, экологик амалиётни конкрет табиат компонентларини муҳофаза қилиш фаолияти билан боғлаб қўйилишидир. Натижада, ер, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишдан иборат экологик амалий фаолият йўналиши нисбатан мураккаб тарзда олиб қаралади. Албатта, бундай талқин қилиш маълум аҳамиятга эга, бироқ табиатнинг ички бирлиги ва компонентларнинг боғланиши масалага мажмуавий тизимли ёндошишни тақозо қилади.

Экологик барқарор тараққиётнинг амалий масалаларини объект ва субъект нуктаи назаридан таҳлил қилиш, унинг даража ҳамда конкрет воситаларини аниқлашнинг зарурий шартидир. Экологик барқарорлик турли шакл ва даражалари ўртасидаги ўзаро боғланишлар, унинг алоҳидалик, махсуслик, умумийлик хусусиятларини белгилаб, экологик фаолият (умумийлик) конкрет шаклларда (алоҳидалик) ва уларни боғловчи (махсуслик) воситаларда намоён бўлади. Умумлаштириб айтганда, экологик барқарор тараққиёт индивидуал ва конкрет тарихий мазмунга эга бўлади. Шу билан бирга, экологик барқарор тараққиёт ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти, ўрнини аниқлаш нисбий ва мураккаб вазифадир. Бунда ҳар қандай субъективизм ёки волонтаризм умуман экологик барқарор тараққиёт ғоясига салбий таъсир ўтказди.

Ҳозирда экологик вазият хусусият ва йўналишлари ижтимоий муносабатнинг, жумладан, экологик барқарор тараққиёт истикболи стратегияси ҳамда тактикасини белгилаб бермоқда. Зеро, умумбаشارий муаммонинг ҳал қилинишидаги иқтисодий, сиёсий, мафкуравий фаолият асосига айнан экологик талаб қўйилиши тасодифий эмас. Шунинг учун экологик барқарор тараққиёт натижасини норматив баҳолашнинг объектив назарий асосини яратиш эҳтиёжлари вужудга келди. Экологик фаоллик инсон моҳиятининг ўзига хос сифат мезони бўлиб, унинг аҳамияти назариялари илмийлиги ва

амалиётининг самарадорлигида ифодаланади.

Экологик барқарор тараққиёт ғоясида табиий борлик ҳамда инсоният маънавий-ижтимоий ривожланиш қадриятлари мужас-самлашганлиги натижасида, уларда «инсон-табиат» бирлигининг назарий қарашлари конкрет амалий аҳамият касб этади. Бунда экологик барқарор тараққиёт қонуниятини таҳлил қилишнинг бир-бири билан боғлиқ икки йўналишдаги муаммоси кўзга ташланади. Биринчиси, экологик барқарор тараққиётни таъминлаш, амалий фаолият сифатида жамиятнинг табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари қайси ҳолда шаклланганлигини аниқлашга хизмат қиладиган статистик ахборотлар, фактологик маълумотлар тўплашдан иборат нисбатан қуйи даражадаги эмпирик фаолият. Иккинчиси, барқарор тараққиётнинг соф назарий муаммолари бўлиб, унинг тамойиллари, тушунчалари, қонунилари ва категориялари мазмунидаги боғланишни ифодалаш билан характерланади. Умуман, экологик барқарор тараққиёт категориялари «инсон ва инсон», «инсон ва жамият» муносабатларинигина акс эттириб қолмасдан, балки уларни бир-бирига боғлайдиган билвосита муносабатни ҳам ўз ичига олади. Лекин биз таҳлил қиладиган мавзу доирасида асосий мақсад экология барқарор тараққиёт муносабатининг объектив ҳамда субъектив асоси, йўналишини, «табиат – жамият – инсон» мажмуасининг ўзаро боғлиқлигини ўрганишга қаратилган.

Биосфера экологик мувозанати, хусусан, инсон ва табиат муносабатини уйғунлаштириш иқтисодий, техник, технологик, ижтимоий муаммоларнинг ташкилий вазифаларини ҳал қилиш билан боғлиқ. Зеро, экологик барқарор тараққиётни шакллантиришнинг асосий мақсади табиатни муҳофаза қилиш орқали, биосоциал мавжудот – инсон табиий яшаш шароитини соғломлаштириш, унинг маънавий ривожланиш имконияти асосини вужудга келтиришдан иборат.

Яқин келажакдаги жамият олдида турган вазифа «инсон – табиат» тизимидаги боғланишни оқилона ташкил қилиш орқали экологик фаолият тарихий меросини ривожлантиришдан иборат. Лекин ҳозирги иқтисодий, сиёсий ривожланиш эҳтиёжи бу вазифани кейинги ўринларга суриб қўймоқда. Шу қуннинг тор доирадаги утилитар манфаати билан чегараланиб қолган мавҳум назариялар, умумий тараққиёт истиқболини белгилаб бераолмаётир. Юзаки

караганда, илмийлашган шаклдаги бу назария объектив ривожланиш заруратидан келиб чиққанга ўхшайди, лекин уни амалга ошириш реал имкониятнинг мавжуд эмаслиги натижасида ўз аҳамиятини йўқотган. Чунки масалани муайян ижтимоий гуруҳ манфаатига боғлаб, зўрлаб мафкуралаштирилиши унинг объектив мазмунига путур етказди.

Ҳозиргача ижтимоий-фалсафий, ижтимоий-экологик қарашларга инсон ва жамиятнинг табиатга таъсирини иқтисодий антропоцентризм нуқтаи назаридан ўрганиш хос бўлган. Бироқ экологик муносабатнинг объектив омил тарзида, инсон ижтимоий моҳияти, сиёсий фаолиятига таъсири кам ўрганилган. Зеро, инсон фақатгина ижтимоий муҳит маҳсули бўлиб қолмасдан, табиатнинг ҳам маҳсулидир. Шунинг учун муаммони у ёки бу томонини (табиатни ёки инсонни муҳофаза қилишни) мутлақлаштирилиши масалага бир томонлама ёндошиш. Бундай назария вужудга келган экологик вазиятни соғломлаштиришнинг муқобил йўналиши эмас. Бундай қарашда табиатни сақлаш манфаатлари, инсонни сақлаш мақсадларига қарама-қарши қўйилади. Агар инсон табиатнинг ажралмас қисми бўлса-ю, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш муқаррар равишда антиэкологик-тоталитар сиёсат шаклланишига олиб келади. Буни тарихий тажрибалар кўрсатиб берилади. «Табиат-жамият» муносабатларини барқарор ривожлантириш стратегияси, энг аввало, инсонни муҳофаза қилишга, унинг камолоти истиқболига қаратилган бўлиши керак. Шунинг учун инсоннинг табиатни муҳофаза қилишдаги фаоллиги ва масъулиятини ривожлантириш инсон популяциясини сақлаш вазифасининг мақсад, манфаатлари билан узвий боғланган тақдирдагина, ўз аҳамиятини намоён қилади.

Ижтимоий амалиётнинг махсус кўриниши тарзидаги экологик барқарор тараққиётнинг конкрет тарихий муносабатлари муайян макон ва замонда рўй беради. Шунингдек, унинг тузилмасини объекти ва предмети; восита ва услублари; мақсад ва натижаларига қараб туркумлаштириш мумкин. Экологик барқарор тараққиётнинг горизонтал ҳамда вертикал йўналишдаги макон хусусиятлари, унинг фақат миқдор кўрсаткичигина эмас, сифат муайянлигини ҳам ифодалайди. Замон нуқтаи назаридан, экологик барқарор тараққиёт жараёни тезлиги, кўлами бошқа ижтимоий-сиёсий ҳодисалар мажмуасидан мутлақ ажралиб қолган эмас.

Экологик барқарор таракқиётни таъминлаш маълум даврдаги мавсумбозлик бўлмасдан, аксинча, бошқа фаолият соҳаларига нисбатан, вақт нуқтаи назаридан, олдинда юриши керак, яъни билишнинг мақсади иложи борича сабабни аниқлашга қаратилиши керак бўлади. Муайян тарихий даврда экологик вазиятга, биосфера мувозанатига салбий таъсир килувчи айрим ҳодиса ёки унинг мажмуаси алоҳида кун тартибига қўйилиб, вақт нуқтаи назаридан бажарилиши керак бўлган вазифалар кетма-кечлигини белгилаб туради. Экологик вақт характери экологик барқарор таракқиёт ривожланиш кўламини, интенсивлигини белгилаганлиги учун унинг объекти ва предметини макон-замон нуқтаи назаридан конкретлаштириш муҳим методологик аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, экологик фаолият барча ижтимоий муносабатлар мазмунини бирлаштирувчи нукта бўлиб, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий барқарор таракқиётни табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш манфаатларига бўйсундиради.

Экологик макон ва замон нуқтаи назаридан бир-бирига қарама-қарши икки объектив тенденция кўзга ташланади: турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатларнинг экологик мақсад доирасида мужассамлашувини экологик фаолият интеграциялашуви; табиат муҳофазасини конкрет йўналишга мос тарздаги фаолиятнинг нисбатан мустақил соҳаларини вужудга келишини экологик фаолият дифференциаллашуви деб аташ ўринлидир. Умуман олганда, экологик фаолият бу йўналишига табиий ва ижтимоий муҳит ўзаро объектив боғланиши барқарорлигини таъминловчи субъектив омил сифатида қаралиши керак.

Мумтоз фан ва экил инсонпарварликни тарғиб қиладиган таълимот табиатни инсон ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига эришадиган манба ва восита деб тушунтиради. Бу назарияга кўра, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига боғлиқ равишда инсоннинг табиатга нисбатан агрессив истеъмолчилик муносабати вужудга келган ва табиий бойликлар чексиз-чегарасизлиги, битмас-туганмаслиги ҳақида ҳаёлий тасаввур пайдо бўлган. Ҳақиқатда эса, инсониятнинг ўсиб бораётган моддий эҳтиёжларини қондириш, яъни антропоген таъсирнинг кучайиши, табиат зарари ҳисобига бўлмоқда. Зеро, табиатга нисбатан соф истеъмолчилик муносабати, табиий бойликларнинг камёблигига олиб келади. Табиатга моддий ресурс омборхонаси сифатида қараб, ундан

шафқатсизларча фойдаланиш салбий экологик ва иқтисодий оқибатни вужудга келтиришини, кейинги вақтларда табиий бойликларга, ҳатто, мусаффо ҳавога бўлган танқислик исботлаб турибди. Табиий бойликлар танқислиги зарурий тарзда инсоннинг ижтимоий-маънавий кашшоқланишига олиб келишини сезмаслик мумкин эмас. Жамиятнинг фақат сиёсий-мафкуравий тузуми эмас, балки исътемоладаражасининг пастлиги, кашшоқлик, қоқоқ техника ҳам экологик муаммоларни кескинлаштириб юборади¹. Шунинг учун ҳозирги экологик вазиятда табиий ресурслар битмас-туганмас, деган хулосалардан воз кечиб, унинг бойликларидан чиқитсиз технология асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, келажакда моддий-энергетика ресурслардан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларини кидириб топиш зарурати пайдо бўлди.

Инсон ижтимоий фаолияти табиатни амалий ўзгартиришга асосланган, лекин бу ўзгаришнинг экологик истиқболи оқилона чегараларини аниқлаш жамият мавжудлигининг зарурий шартидир. Агар шу тамойилга амал қилинмаса, табиат ўзини инсондан тозалаш имкониятига эга эканлиги тобора аниқ бўлиб қолмоқда. Шу ўринда, Ф.Энгельснинг: «Табиат устидан қилган ғалабанмиздан ортиқ талтайиб кетмайлик. Бундай ҳар бир ғалаба учун у биздан ўч олади. Дуруст, бу ғалабалардан ҳар биттаси навбатда биз мўлжаллаган натижани беради, лекин иккинчи ва учинчи навбатда бутунлай босқа, қутилмаган, кўп вақтда биринчиси аҳамиятини йўқотадиган натижани беради»², деган фикри диққатга сазавор.

«Инсон ва инсон», «инсон ва жамият» ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабат мажмуаси онгли субъектнинг ўзаро муносабати тарзида намоён бўлади. «табиат – инсон» экологик муносабатида эса онглилик бир томонлама характерга эга бўлгани учун инсон-парварлик моҳияти тўлалигича инсон фаолиятида мужассамлашадди. Табиатга инсонпарварлик муносабати инсоният ижтимоий-сиёсий тараққиёти даражасини белгиловчи мезонга айланмоқда. Айниқса, экологик вазият кескинлашаётган даврда экологик гуманизм устувор мавқега эга бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатларидаги барқарор тараққиёти экология соҳасида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Турли даражада ривожланган мамлакатлар ўртасидаги муно-

¹Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш. Тошкент, 1994. 13-бет.

²Энгельс Ф. Табиат диалектихаси. Тошкент: Ўзбекистон, 1983. 152-бет.

сабатлар, экологик муаммоларни ҳал қилишдаги ҳамкорлик цивилизациянинг инсонпарварлик мазмунини бойитмоқда. Шу жумладан, антропологик экологик эгоизм ҳодисаси ҳам ижтимоий характерга эга бўлиб, шахс эркинлиги билан боғлиқ умумий экологик инсонпарварликнинг зарурий шarti ҳисобланади. Зеро, шахснинг иктисодий, сиёсий, ахлоқий худбинлиги, унинг манфаатларини ифодалаб, эҳтиёжларини кондирити билан характерланса, экологик индивидуализм ёки худбинлик ўз моҳиятига кўра объектив равишда умуминсоний мазмунга эга.

Экологик худбинлик шахсий манфаат ва эҳтиёжлар доирасида бўлиб кўринса ҳам, табиат муҳофазаси учун ижтимоий аҳамият касб этади. Шунинг учун экологик эгоизмни табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий манфаатлардан ажратиб қўйиш хато бўлар эди. Масаланинг бошқа томони ҳам бор, табиат инсон мавжудлигининг зарурий шarti бўлганидан унга индивидуал экологик худбинлик ёки умуминсоний инсонпарварлик муносабатларини қарама-қарши қўйиш ярамайди. Чунки табиий кадрият унинг фақат инсон билан муносабатларидагина намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, экологик фаолиятнинг турли амалий йўналишга хусусий эгоистик манфаатларни бирлаштирувчи, умумлаштирувчи механизм сифатида қаралмоғи керак.

Экологик барқарорликнинг ривожланиш даражаларига мос равишда ижтимоий ҳаётнинг сиёсатлаштириш ва оммавийлаштириш даражалари фарқ қилади. Бу жараёнда қуйидагилар асосий йўналиш ҳисобланади:

биринчи, экологик барқарорлик инсон ижтимоий фаолиятини муқаррарлаштирувчи тамойили;

иккинчи, ижтимоий фаолиятлар тизимини экологиялаштиришнинг конкретлаштириш усули;

учинчи, инсониятнинг ижтимоий ва экологик муносабатларини уйғунлаштириш воситаси;

тўртинчи, инсон ижтимоий моҳиятини экологик фаолият асосида баҳолаш мезони;

бешинчи, инсоннинг табиатга муносабат нормаларини универсаллаштирувчи омил;

олтинчи, ижтимоий экологик муносабатни тасодифий элементлардан тозалашлир.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, жамиятнинг нисбатан

юқори ривожланиш босқичларида экологик барқарор тараққиёт бир-бири билан боғлиқ бўлган икки йўналиш кўзга ташланмоқда. Бир томондан, инсон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ахлоқий соҳанинг нисбатан мустақил йўналишида ўзига хос бўлган индивидуализмни вужудга келтирди. Иккинчи томондан, у экологик фаолликни оширувчи универсал-коммуникатив воситаларнинг ривожланиши, улар ўртасидаги кўзга кўринмас муносабатларни ижтимоийлаштириб юбормоқда. Бу икки йўналишнинг ўзаро диалектик бирлиги, экологик эмансипация жараёнида намоён бўлади, яъни экологик жиҳатдан бегоналашган меҳнатнинг бартараф этилиши билан меҳнат инсоннинг ўзини ўзи англаш воситасига айланади.

Экологик барқарор тараққиёт жараёнида меҳнат фақат табиатни эмас, балки инсоннинг ижтимоий, сиёсий, маънавий моҳиятини ўзгартириш воситаси, омили бўлиб қолмоқда. Бунда меҳнат, «табиат – инсон» муносабатини уйғунлаштирувчи технологик жараён сифатида табиатни утилитар-иқтисодий қонуниятлар асосида ўзлаштириш бўлмасдан, шу билан бирга, экологик эҳтиёж ва манфаат қонунига асосан ўзгартиришдир. Айнан шу фаолиятда табиатни муҳофаза қилиш моҳияти намоён бўлади.

Меҳнат жараёнида табиатнинг ижтимоийлаштирилиши инсон амалий фаолиятини стихияли, механистик тарзда экологиялаштиришдан иборат эмас, балки ҳар бир инсоннинг онгли хатти-ҳаракати нормасига айлансагина у ўз вазифасини бажарган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қадимги даврлардан бошлаб, экологик фаолият нуқтан назаридан, амалий хатти-ҳаракатларни яхшилик ва ёмонлик тушунчалари билан изоҳлаш, маълум даражада бир ёқлама характерга эга бўлган.

Экологик барқарор тараққиётни «инсон ва табиат», «жамият ва табиат» муносабатларини кўпол «материализм диктатураси» доирасида қарашнинг қуйидаги ғализ томонлари мавжуд:

а) экологик фаолиятнинг инстинктив-рефлектив ва диний-мистик тасаввурларга асосланганлиги эътиборга олинмаган;

б) ижтимоий муносабатнинг айрим хусусиятлари тарихий ривожланиш даражасидан ажратилиб, мутлақлаштирилган;

в) инсон ижтимоий-биологик сифатлари мафкуралаштирилган бўлиб, синфий-сиёсий манфаатлар ва мақсадлар билан боғлаб кўйилган;

г) экологик фаолиятнинг индивидуал ва ижтимоий хусусият-

лари, муайян сиёсий манфаатларга кўра, сунъий равишда бири-бирига қарама-қарши қўйилиб, ижтимоийлик индивидуалликка нисбатан устувор мавқега эга бўлган.

Экологик барқарор тараққиёт инсон яшаётган объектив ижтимоий-табiiй шарт-шароитларни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Бунинг ташкилий асослари жамият эҳтиёжини белгилайдиган мезонни муштарак тарзда ўрганишдан иборат. Ижтимоий муносабатнинг турли йўналиши жамият ривожланиш даражасига мос равишда экологик мезон асосида баҳолашиб келинган, лекин ҳозирча табиатни амалий ўзгартириш, экологик барқарорлик чегарасини белгилайдиган объектив ҳамда субъектив мезонлар тизими аниқланган эмас. Зеро, бу вазифани илмий ҳал қилишнинг назарий, амалий ва методологик жиҳатдан мураккаблиги: *биринчидан*, «табиат – жамият – инсон» мажмуаси узлуксиз ривожланиб туради. Шунинг учун уларнинг оқилона боғланишини конструктив ташкил қилишнинг бугунги мезонлари эртага ёки истиқболдаги ривожланиш талабларига мос келмайди. *Иккинчидан*, бу тизимдаги нисбатан мустақил бўлган табиат, жамият ва шахснинг ўз ички ривожланиш қонуниятлари, улар ўртасидаги муносабатларни доимий равишда «таҳрир» қилиб туришни такозо қилади, яъни мезонларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгаришига олиб келади. *Учинчидан*, мезон белгилашдаги субъективизм шахс ва жамият манфаатлари, эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, объектив реалликка мос келиши нисбий характерга эга. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, табиатни экологик талаблар асосида ўзгартиришнинг оқилона мезонини таъинлашга интилиш, жамиятнинг тадрижий ривожланиши, биосфера мувозанатини таъминлаш заруратидан келиб чиқади.

Инсон яшаётган табиий муҳит, табиат ва жамият ижтимоий муносабатининг натижаси сифатида вужудга келган. Бу жараёнда баъзи муносабатлар ўз ўрнини бошқа муносабатларга бўшатиб беради. Шу нуқтани назардан, табиий борлик икки томонини ажратиш, методологик жиҳатдан, муҳим аҳамиятга эга: табиатга *шаклланган борлик* ҳамда *шаклланаётган борлик* сифатида қараш керак. Шунинг учун ҳам биосферанинг антропоген, техноген фаолият натижасида ҳозирги мавжуд ҳолатини сақлаш эмас, балки вужудга келиши мумкин бўлган мувозанат вазиятини, барқарор тараққиётини таъминлаш зарур бўлади.

Ҳозиргача бўлган экологик назарий фаолиятнинг камчилиги,

«табиат – инсон» муносабати оқибатини статистик, эмпирик жиҳатдан асослашга қаратилиб, экологик вазиятни кескинлаштирувчи сабабни фрагментар ўрганиб, истиқболли илмий ечимини, ҳатто, фараз даражасида ҳам ҳал қилинмаганидан иборатдир. Зеро, истиқболли таҳлил қила билиш ҳар қандай назарий ва амалий фаолият туб мақсадига айланиши керак. Шу ҳолдагина, унинг ҳаётийлиги, илмий қиймати аниқланади.

Инсоннинг экологик фаолияти ўзаро боғлиқ бўлган икки йўналишда намоён бўлади. Биринчи йўналишда субъектнинг объектга таъсири, яъни субъект мақсад ва интилишларини ижтимоий муносабатлар орқали моддийлашуви бўлиб, экологик вазиятнинг тарихий, объектив характери субъект фаолияти доирасини, барқарор тараққиёт даражасини белгилайди. Иккинчиси, объектининг субъектга кўчиш жараёнида ижтимоий экологик эҳтиёжларни аниқлаш, вазифаларни режалаштиришда субъектнинг амалий, назарий фаоллиги ва масъулиятини англаши экологик вазият истиқболлини кўрсатади. Бунда бирор томоннинг мутлақлаштирилиши экологик амалиёт жараёнини бир бутун, яхлит тарзда қарашга путур етказиб, волюнтаризм ва субъективизм ходисасини келтириб чиқаради. Бироқ улар ўртасида диалектик зиддият мавжуд бўлиб, пировард натижада, шу зиддиятлар экологик амалиёт йўналиши, характери ва кўламини белгилаб туради. Шунингдек, экологик барқарор тараққиёт объекти ва субъектнинг ички зиддиятлари ҳам экологик амалиёт самардорлигига ўз каналлари билан таъсир ўтказadi.

Экологик амалиётнинг мақсади, фақат табиатни муҳофаза қилиш билан биргаликда мазкур мақсадга қаратилган экологик-ижтимоий муносабатларни ўзгартиришдан иборат. Ҳозиргача адабиётларда шу муносабат характерини жамият базиси, хусусан, табиат бойликларига ва ишлаб чиқариш воситаларига, мулкчилик муносабатларига боғлаб қўйиш устувор характерга эга эди. Албатта, мулкчиликнинг конкрет шакллари у ёки бу даражада табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий экологик муносабатларга таъсир кўрсатади, лекин унинг характерини қатъий равишда капиталистик хусусий ёки социалистик ижтимоий мулкчилик муносабатлари билан боғлаб қўйиш масалага механистик, субъективистик ёндошишдир. Чунки ривожланган жамиятлардаги экологик муаммоларга муносабат унинг хусусан техник-

технологик, ташкилий томонларига эътибор берилиши, бунинг аксини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришни прогрессив технологияга асосан ташкил қилиш, табиат бойликларига конкрет кишилар ижтимоий бирликлар томонидан эгалик қилиш, экологик фаолият ва масъулиятни оширишга олиб келади. Аксинча, ижтимоий мулкчилик лоқайдлик, масъулиятсизлик, салбий конформизм кайфиятини мустақкамлайди. Шунингдек, давлат экологик сиёсатида табиатни муҳофаза қилишни кимдан, қандай талаб қилиш механизми самарадорлиги учун имконият кенгайди.

Экологик барқарор тараққиёт мақсадга мувофиқлиги оптималлигига эришиш учун экологик амалиёт объектини аниқлаб олиш методологик аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Чунки экологик практиканинг объекти фақат бевосита биосфера экологик мувозанатини сақлашга қаратилган техник-технологик *базис* муносабатидан иборат бўлмай, балки унинг ўзига хос *устқурмасини* ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, экологик амалиёт жараёнида жамият базиси ва устқурмасини бутунлай, тубдан ўзгартиришга (айниқса, сиёсий инқилоблар билан) зарурият йўқ, балки фаол экологик практикага ҳалақит берадиган устқурма элементларини бартараф этишлари керак. Ўз навбатида, айнан шу жараённинг ўзи, экологик практика объектини ташкил қилади.

Шундан келиб чиқиб, экологик муносабатларнинг объектив ривожланиш тенденциясини, уларни ўзгартирувчи субъектив омиллардан фарқлаш лозим. Бунда экологик муносабатларнинг характери ва йўналишлари табиатни муҳофаза қилишнинг эҳтиёжлари, тарихий зарурати, инсон онгига, иродасига боғлиқ эмас. Лекин бундан экологик муносабатлар шаклланиши ва ривожланиши инсонларнинг онгли, мақсадга мувофиқ фаолиятидан ажратилган, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Инсон жамиятнинг экологик вазиятини кескинлаштирувчи иқтисодий, сиёсий, маъмурий устқурма элементларини ўзгартириш билан ўзининг экологик манфаатларини чуқурроқ англаб боради ва экологик борлигини, табиий яшаш шaroитларини ўзгартиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки:

1) табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг назарий-методологик асослари нисабатан мукамал тадқиқ қилинган. Навбатдаги вазифа эса, эколо-

гик муносабатларда объект ва субъект манфаатларини мувофиқлаштиришнинг праксиологик муаммоларини ҳал қилишга келиб тақалмоқда.

2) экологик барқарорликнинг характери, йўналиши ва истикболини назариянинг *моддийлашиши*, табиатни муҳофаза қилишга оид табиатшунослик, техника фанларининг бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланиш хусусиятлари белгилаб туради.

3) экологик барқарор таракқиёт зарурати, «табиат – жамият – инсон» муносабатларини биосфера мувозанати эҳтиёжлари асосида ўзлаштириш учун ўзгартиришни оқилона ташкил қилишни талаб қилади.

4) жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарорлиги, иқтисод билан экологиянинг амалда ўзаро интеграциялашиш ва дифференциаллашиш тенденциялари бирлигини тақозо қилади.

5) экологик амалий фаолиятдаги *антропологик экологик эгоизм*, ўз моҳиятига кўра, ижтимоий ҳодиса бўлиб, умуминсоний манфаатларни ифодалайди, яъни экологиядаги худбинлик ижтимоийликнинг намоён бўлиш шаклидир.

6) экологик барқарор таракқиёт мақсади – шахс ёки ижтимоий бирликларнинг утилитар манфаатларидан иборат бўлмасдан, балки келажак авлодларнинг ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқади.

3-БОБ. ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АКСИОЛОГИК, ҲУҚУҚИЙ, СИЁСИЙ, МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК-ДИДАКТИК УСУЛЛАРИ

Ҳозирги даврда табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан оқилома фойдаланиш, жамият ижтимоий-иқтисодий муносабатларини, экологик эҳтиёжлар асосида, мувофиқлаштиришдан ташқари, унга мос келувчи сиёсий устқурма элементлари билан маънавий қадриятларнинг ўзаро боғланишларини ҳам тақозо қилмоқда. Зеро, бу вазифаларни самарали ҳал қилиш, экологик барқарор тараққиётнинг маънавий-аксиологик муаммолари ечимини топиш билан боғлиқ эканлигини ижтимоий амалиёт тасдиқлаб турибди.

Субъектив омил сифатида инсониятнинг табиатга аксиологик, ахлоқий-эстетик баҳолаш, маъмурий-ҳуқуқий назорат муносабатлари ижтимоий-сиёсий экология соҳасида нисбатан мустақил мафкуравий йўналишларни вужудга келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, диний қадрият йўналишларининг экологик барқарор тараққиётга мажмуавий-тизимли таъсирини ўрганиш, уларнинг интеграциялашиш ва дифференциаллашиш қонуниятларини мунтазам таҳлил қилиш муҳим назарий-методологик вазифадир.

Экологик барқарор тараққиётни таъминлашда ахлоқий қадриятлар роли

Классик тушунишга кўра, ахлоқ тарихий ҳодиса сифатида кишилар ва ижтимоий бирликларнинг табиатга муносабатини ҳам маънавий қадриятларда ифодалайди. Экологик ахлоқий муносабатлар, ўз мазмунига кўра, ижтимоий муносабатнинг энг

қадимгиларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳар қандай жамиятда инсоннинг табиат билан муносабати: инстинктив-рефлексив ёки онглилигидан қатъий назар, биосфера экологик мувозанати қонуниятларига таъсир фаолиятини ифодалайди. Ҳатто, экологик эҳтиёжларни инстинктив англаш натижасида вужудга келган ибтидоий содда ахлоқ нормалари ҳам, ўз даврида, экологик барқарорликни ташкил қилиш, бошқаришнинг нисбатан турғун, доминантлашган ижтимоий онг шакли тарзида намоён бўлган. Бошқача айтганда, омманинг экологик ахлоқий нормалари, амалий хатти-ҳаракатлари стихияли, механистик тарзда вужудга келмайди, аксинча, тарихий заруриятнинг англашган объектив ҳолатидан келиб чиқади. Шунинг учун табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини регуляция қилувчи ахлоқий қадриятларни мутлақлаштириш, уларни ижтимоий экологик борлиқдан мустақиллиги ҳақидаги фикрлар ёки унинг субъективлигини, мақсадга мувофиқ онгли бошқарилишини маънавий фаолиятнинг бошқа шакллари билан аралаштириб юбориш назарий жиҳатдан ғализдир. Зеро, экологик ахлоқий қадриятлар табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг субъектив омили, асоси бўлса ҳам, экологик ҳаётдан мустақил, деган хулосага олиб келмаслиги керак.

Фалсафий адабиётларда ахлоқнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий онг шакллари ҳамда устқурма элементлари билан боғлиқлиги нисбатан мукаммал ёритилган бўлса-да, унинг табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилишдаги аксиологик функциялари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Ваҳоланки, табиат инсоният мавжудлигининг табиий асоси бўлиб, уни муҳофаза қилиш кишилар ва ижтимоий birlikлар ўртасидаги муносабатларнинг мазмунини ташкил қилади. Кишиларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий дунёқарашлари мажмуаси, уларнинг табиатга ахлоқий муносабатларига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлади. Экология тарихининг маънавий-моддий мероси, табиатни муҳофаза қилишнинг амалдаги мавжуд ахлоқий нормалари, қадриятларининг ривожланишига асос бўлган. Шунинг учун турли мамлакатлардаги экологик ахлоқий қадриятлар тарихини танқидий ўрганиш ва ижодий ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, экологик вазиятни кескинлаштирувчи сабабларни, хусусан, жамият маънавий-ахлоқий «қашшоқланиш» хусусият-

ларини ретроспектив планда, тизимли-тузилмали ўрганиш муҳим методологик аҳамиятга эга. Бунда, экологик ахлоқий кадриятни шакллантиришнинг асосий вазифаси, фақатгина мужассамлашган экологик ахлоқ назарияларини, тарихий тажрибаларини ҳозирги давр нуқтаи назаридан баҳолаш, ундан тегишли хулосалар чиқаришга ўргатишдан иборат эмас. Шунингдек, ўтмишнинг назария даражасига кўтарилмаган оддий, кундалик урф-одатлари, анъаналарининг функционал фаолиятини ҳам ўрганиши зарур.

Инсониятнинг табиатга антропотехноген таъсири жараёнида ахлоқнинг икки жиҳати кўзга ташланади. *Биринчидан*, инсон табиатни ўзининг муайян манфаатлари, эҳтиёжларига кўра мақсадга мувофиқ ўзлаштириши орқали ўз ижтимоий-ахлоқий моҳиятини намоён қилади. *Иккинчидан*, инсон табиатни ўзгартириб, унинг «ижтимоийлаштириши» билан ахлоқий муносабатларни ҳам такомиллаштириб боради. Унинг табиатга ахлоқий муносабатидан қаноатланиш ҳисси, ўзининг бир лаҳзалик инстинктив эҳтиёжларини қондиришдан иборат эмас. Аксинча, унинг экологик фаолиятини таъминлайдиган унверсал ахлоқий нормалар ва тамойиллар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий тараққиёт даражаларига мос равишда ривожланиб, турли хил кўринишларга эга бўлади.

«Инсон – табиат – жамият» мажмуаси муқаррар равишда ахлоқий муносабатларга асосланган. Чунки бу мажмуанинг ўрта бўғини табиат – жамиятнинг яшаш шарти бўлса, инсон биологик организм сифатида, табиат эволюцион ривожланишининг ҳам қонуний маҳсули ва унинг ажралмас таркибий қисмидир. Шу нуқтаи назардан, табиатга нисбатан шафқатсизларча муносабат бир вақтнинг ўзида инсониятга бўлган шафқатсизлик ва ижтимоий ёвузликка олиб борадиган ғайриинсоний ахлоқсизлик намунасидир.

Антиэкологик ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар ўз мазмунига кўра, шахс «ижтимоий патологияси ва аномалияси» билан характерланади. Шунга кўра, «табиат – жамият – инсон» мажмуасида кишиларнинг экологик фаоллиги ва масъулияти муаммосига, экологиялашган этика категориялари асосида ёндошиш керак. Албатта, бу ҳолда инсон томонидан табиатни ўзгартириш фаолиятларини ахлоқийлик ёки ахлоқсизлик тарзида баҳолаш эмас, балки кишиларнинг табиатни муҳофаза қилиш амалиётига, умуман, биосфера экологик мутаносиблигига ва жамият барқарор ривожланиши ман-

фаатларига ижобий ёки салбий таъсир қилиш фаолияти нуктаи назаридан қараш лозим.

«Рим клуби» машҳур намоёндаларидан бири бўлган А.Печчеининг таъкидлашича, инсоннинг табиатга нисбатан ёвузлик муносабатларини бартараф қилиш ва унинг ҳимоячисига айлантиришда ахлоқни кучайтириш, ўзига хос экологик этикани яратиш – экологик муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўлидир¹. Бу тарздаги илмий қарашлар умумлашиб, фундаментал экоэтика назарияси даражасига чикмаган бўлса-да, аммо улар умумий гипотетик йўналишларни ифодалаб турибди. Энг муҳими, у тор доирадаги рационал-утилитар қарашларнинг механистик йиғиндиси эмас. Чунки экологик фаолиятда анъанавий утилитаризм инсон мавжудлигининг табиий асосларини чегараланган манфаатлар доирасида тушунади.

Ҳозирги даврга келиб, экологик ахлоқий нормаларнинг юксак идеаллари, табиатга муносабатнинг янги ахлоқий мезонлари таркиб топмоқда. Умуминсоний экологик кадриятларнинг ахлоқий жиҳатлари сиёсат, иқтисод ва мафкура соҳасидаги муносабатларни белгилловчи омилга айланмоқда, яъни экологик идеалларнинг ахлоқий мазмуни бошқа ижтимоий онг шаклларини кенгрок микёсда камраб олмақда.

Инсоният цивилизациясининг маънавий йўналишлари экологик муаммолар доирасида ички бирликни ташкил қилиб, уларнинг ҳуқуқий, маъмурий йўналишлари интеграциялашиб, уларнинг функциясида умуминсоний ахлоқий нормалар устуворлашиб, ахлоқий кадрият нормалари, принциплари инсон экологик фаолияти регуляциясининг асосий омилга айланади. «табиат – инсон» муносабатларини бошқаришдаги ижтимоий-сиёсий устқурма элементларидан фаркли ўларок, ахлоқий-маънавий кадриятлар кишилар иродасига таянадиган, субъективлашган фаолият ҳисобланади. Экологик барқарор таракқиётнинг объектив қонуниятлари субъектнинг табиатни муҳофаза қилиш амалий фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун экологик фаолиятни кишиларнинг субъектив интилишлари, ирода эркинлиги, ижтимоий-маънавий саъй-ҳаракатларидан ташқарида тушуниш мумкин эмас. Зеро, экологик барқарор таракқиёт жамият эҳтиёжларини ўзида намоён қилиши билан объективлик ва субъективликнинг диалектик бирлигидан

¹Қаранг. Печчеи А. Человеческие качества. М.: Прогресс. 1980. С.214.

иборат.

Табиат муҳофазаси фаолиятини ахлокий мезонлар асосида бошқаришнинг ҳаракатлантирувчи мотиви экологик кадриятлардир. Экологик ахлокий кадриятлар жамиятнинг умуминсоний тамойили, нормалари, қонун-қоидалари ва иделлари тарзида намоён бўлиб, табиат муҳофазасида субъектнинг амалий фаолиятини мақсадга мувофиқ йўналтирувчи омиддир. Шунинг учун экологик ахлокий кадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш, табиий бойликлардан фойдаланишни оқилона ташкил қилишнинг шарти ҳисобланади. Бунда экологик фаолиятни бошқариш билан боғлиқ умуминсоний кадрият нормалари, қонунлари, талаблари, мезонлари, тамойиллари (ва ҳоказо) ўзининг функционал мазмунига кўра, бир-биринга боғлиқдир.

Экологик ахлокий кадриятлар, ижтимоийликнинг табиатдан ажратилган мустақил, мавҳум моҳияти эмас, аксинча, инсониятнинг табиатни муҳофаза қилиш амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг тарихий ривожланиш шаклларига мос келади. Бироқ жамиятнинг экологик ахлокий кадриятлари, табиатни муҳофаза қилиш амалий хатти-ҳаракатлари, йўналишларини, истикболини қатъий, конкрет тарзда белгилаб бера олмайди. Улар нари борса ижтимоий нормалар сифатида табиат муҳофазаси тадбирларини схематик тарзда аниқланиши билан экологик зиддиятларни бартараф қилишнинг умумий йўналишларини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, ижтимоий-экологик кадриятлар шахснинг табиат муҳофазаси соҳасидаги хатти-ҳаракатларини ва йўналишларини ўз-ўзидан бошқарадиган омил бўла олмайди, балки инсон экологик фаолиятининг конкрет вазиятларида, у қандай асосий вазифаларни ҳал қилаётганлигига боғлиқ. Албатта, ҳар қандай жамият учун, инсонларнинг табиатга нисбатан муносабатларининг характери аҳамиятсиз эмас, аксинча, унинг табиатни муҳофаза қилиш фаоллиги ва масъулиятини аксиологик мезонлар асосида баҳолаш ҳамда бошқариш механизмига айланади. Экологик масъулиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида ҳуқуқий нормаларга бўйсунмайдиган, табиатга салбий муносабатларнинг ахлокий баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, антиэкологик хатти-ҳаракатларни ахлокий нормалар асосида баҳолаш билан ҳуқуқий, маъмурий чора-тадбирларнинг мажмуавийлиги ва самарадорлигини таъминлаш мумкин.

Хукуқий нормалар, расмий актлар, қонунлар мажмуасида биосферанинг айрим элементларига нисбатан қилинаётган антиэкологик хатти-ҳаракатларнинг жавобгарлик даражаси аниқ белгиланмаган. Масалан, айрим табиат компонентларига етказилаётган зарарлар маълум хукуқий қонунлар, актлар билан тақиқланиш имкониятларига эга эмас. Лекин шу хатти-ҳаракатлар умуминсоний экологик нормалар, жамоатчилик фикри ёрдамида регуляция қилинади. Уларнинг самарадорлиги ижтимоий онг шакллариининг қундалик, оддий даражалари билан боғланиб, ҳаёт тарзига айланиб кетганлигидадир. Шунга кўра, барча халқларда табиатга салбий муносабатларни қоралайдиган *увол, гуноҳ, уят* каби тушунчалар қонунларда ёзилмаган бўлса ҳам, улар билан тенг даражада ишлатилган.

«Жамият – табиат» мажмуасида ҳар бир шахс ўз эҳтиёжлари, манфаатлари асосида экологик ахлоқий нормаларни ихтиёрий танлаб олиш имкониятига эга. Бу, шахс эркинлиги масаласи билан боғлиқ бўлиб, экологик ахлоқий нормаларнинг эътиқод даражасига кўтарилишини ифодалайди. Таълим-тарбиянинг ҳар қандай шакли ва даражаси ахлоқий нормаларни ҳаётний мавқега айлантириш вазифасини бажаришга қаратилган. Бунда маъмурий, ҳукуқий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий тарбия йўналишлари экологик ахлоқий тарбия манфаатлари билан узвий боғланган ҳолда муайян ижтимоий-сиёсий вазиятларда, шахс ҳаёт тарзига сингиб, ахлоқий нормаларнинг эътиқод даражасига кўтарилишига олиб келади. У инсоннинг конкрет ижтимоий, иқтисодий, сиёсий яшаш шароити, тарбия йўналишларини, уларнинг ҳаракат механизмларини белгилаб туради. Экологик ахлоқий нормаларнинг фаолият омилига айланиши, юқорида айтганимиздек, инсон эркинлиги масаласи билан боғлиқ бўлса ҳам у жамиятнинг умумий манфаатларидан мутлақ мустақил бўлиши мумкин эмас. Инсон умуминсоний экологик талабларни, ахлоқ мантиғига бўйсунган ҳолда бажаришга мажбур.

Экологик кадриятларнинг аксиологик-регулятив функцияси шахсий ва ижтимоий манфаатларни мувофиқлаштиришдан иборат рағбатлантириш ёки тақиқлаш нормалари, тамойиллари ҳисобланади. Ўз навбатида булар, шахс экологик эътиқоди мазмунини ташкил қилиб, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятнинг кадрият йўналишларини белгилаб туради. Бу талабларнинг конкрет амалий фаолият мазмунига айланиши, шахснинг ўз экологик масъ-

улиятини англашига ҳамда жамоатчилик фикри асосида фаолиятни бошқариш ва назорат қилишига боғлиқ бўлади. Кишилар атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг экологик коммунал ахлоқини вужудга келтирмаса, улар фаолиятларини экологик талаблар асосида бошқаришнинг ҳар қандай чора-тадбирлари ижобий самара бериши жуда мушкул бўлиб қолади.

Экологик фаолиятни маънавий регуляторлар ёрдамида бошқаришнинг энг муҳим шарти ҳар бир индивиднинг табиат ва жамият келажаги учун маънавий масъулиятни чуқур ҳис қилишидир. Шу нуқтаи назардан, экологик ахлоқий масъулият ўзаро боғлиқ бўлган икки вазифани бажаради. Яъни: *биринчидан*, инсоннинг субъектив имкониятларини объектив зарурият билан мувофиқлаштиради. *Иккинчидан*, шахснинг ижтимоий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, унинг иродасини персонификациялашган шаклда намоён қилади. Шунга кўра, экологик ахлоқий масъулият, бир вақтнинг ўзида, табиатни пала-партиш ўзгартиришдан иборат шахс ирода эркинлигини чегараловчи ҳамда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини рағбатлантирувчи ижтимоий ҳодиса сифатида қаралиши керак.

Инсон ҳаёти учун қулай бўлган «экологик яшаш усули» табиатнинг объектив қонуниятлари асосида ўз-ўзидан, стихияли тарзда вужудга келмайди, балки у маънавий кадриятлар моддийлашувидан иборат, ижтимоий-амалий фаолиятнинг натижасидир. Буларнинг ўзаро диалектик бирлиги инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқаришнинг зарурий шарти экологик яшаш усулининг характерига боғлиқ. Бундан ташқари, табиат бойликлари экологик-ижтимоий истеъмол қийматига эга бўлиб, конкрет вазиятларда биосфера айрим компонентларининг истеъмол қиймати нисбатан устувор аҳамиятига эга бўлиши мумкин.

Табиат бойликларидан, мулкчилик шаклларида қатъий назар, фойдаланишнинг ижтимоийлик доиралари чегараланган. Табиий бойликлардан фойдаланиш хусусиятларига мос равишда *монополиялаштириш* даражалари вужудга келади. Бундай шароитда, табиат бойликларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, фақатгина давлатнинг маъмурий-ҳуқуқий, сиёсий ташкилотлари вазифаси бўлмасдан, балки ижтимоий-аксиологик фаолият ёрдамида ташкил қилинади ва бошқарилади. Ҳар қандай ижтимоий онг шакли ва фан йўналиши ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқариш функция-

сини бажаради. Субъектнинг ижтимоий-маънавий муносабати, муқаррар равишда, муайян ижтимоий ва табиий муҳитда рўй беради. Шунинг учун бу масала у ёки бу даражада, экологик муносабатларни аксиологик бошқаришга бориб тақалади. Мазмуни ва функциясига кўра, экологик бошқариш – ижтимоий бошқаришнинг таркибий қисми сифатида «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатлари мувофиқлигини, биосфера мувозанатини сақлашга қаратилган бўлиб, унинг характерини жамиятнинг эҳтиёжлари белгилайди.

Экоэтика нуқтаи назаридан, экологик бошқариш – ахлоқий нормалар, кодекслар, тамойиллар ёрдамида инсон табиатни ўзгартириш ва муҳофаза қилиш фаолиятларини мувофиқлаштириб, уни оқилона ташкил қилишдан иборат. Унинг мазмунини ва характерини жамиятнинг иқтисодий ҳамда экологик базис муносабатлари белгилаб туради, яъни ахлоқий-маънавий қадриятларнинг экологиялашувига базис ёки устқурма элементлари ўзига хос каналлар билан таъсир кўрсатади. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, шартли равишда, *экологик базис* ва *экологик устқурма* тушунчаларини фанга киритиш муҳим аҳамиятига эга.

Аксиологик қарашлар экологик барқарор тараққиётга нисбатан мустақил, лекин ўзаро боғлиқ уч йўналишда таъсир кўрсатади:

а) экологик фаолиятни ахлоқлаштиришдан иборат экоэтика мафқурасини вужудга келтириш;

б) ижтимоий-ахлоқий муносабатларни экологиялаштириш;

в) экологиялашган ахлоқий қадриятларни давлат сиёсати даражасига кўтаришдир. Бу йўналишларнинг ўзаро бирлиги, шахннинг ижтимоий-экологик фаолияти ва масъулияти структурасига таъсир қилиб, унинг экологик сифатларини белгиловчи универсал ахлоқий нормалар мажмуасини вужудга келтиради.

Экологик фаолият шакллари конкрет вазифалардан келиб чиқиб, субъектнинг муайян ахлоқий нормаларни танлаш имконияти жамиятнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Чунки жамият тараққиётининг маълум босқичларида, табиатга нисбатан қилинган ёвузлик ахлоқий жиҳатдан оқланган. Ҳатто, қариб қолган ота-онани ёки касалманд кишиларни мажбурий ўлимга маҳкум қилиш (эвтаназия ҳодисаси) ахлоқий норма ҳисобланган. Шунини алоҳида эътиборга олиш керакки, экологик ахлоқий нормалар, биосфера мувозанати бошқаришнинг субъектив воситаси сифатида инсон томони-

дан онгли ёки стихияли тарзда қўлланилиши мумкин. Бунда экологик фаолликнинг онгли ёки стихияли характери жамият ривожланиш даражасига мос келади. Лекин экологик онглилик ва стихиялилик табиатни муҳофаза қилишдаги объективлик ва субъективлик масалалари билан аралаштирмаслик керак.

Ҳар қандай жамият, маълум маънода, барқарор тараққиётга келажак авлодларнинг яшашига путур етказадиган антиэкологик хатти-ҳаракатлардан воз кечиб, ҳозир яшайётган инсонларнинг эҳтиёжларига келажак авлодлар манфаатларини қурбон қилишни тақиқловчи ижтимоий-иқтисодий, маъмурий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий нормалар мажмуасини вужудга келтирган. Ўз навбатида бу нормалар, табиатнинг объектив ривожланиши жараёнида, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келиши, биосфера ички экологик мувозанатини сақлаши ҳамда табиатга антропоген таъсири билан бир-бирдан фарқ қилувчи, нисбатан мустақил ҳодисалардир.

Экологик ахлоқнинг бу муносабатларни онгли тарзда, мақсадга мувофиқ бошқариши, унинг субъективлик моҳиятини намоён қилади. Лекин генезисига кўра, инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари объективлигидан, экологик ахлоқнинг объективлиги ҳам келиб чиқади. Экологик амалиёт жараёнида ахлоқнинг объективлик ва субъективлик муносабатлари моддийлашади ҳамда ўзининг конкрет мазмунига эга бўлади. Экологик барқарор тараққиётда ахлоқнинг объективлиги ва субъективлиги бир-бирисиз ҳеч қандай мазмунни ифодаламайди.

Субъектнинг экологик барқарорлик шароитида табиатни ва ўз моҳиятини ўзгартиришдаги ижодий роли қуйидагилардан иборат:

1. Экологик ахлоқий эҳтиёжларнинг инсон иқтисодий яшаш шароитига мос келмаслиги, биосфера мувозанатига, барқарорлик ғоясига путур етказишида ўз ифодасини топади. Бунда табиатни муҳофаза қилишнинг ангадиган зарурати субъект экологик амалий ва назарий фаолиятининг ҳаракатлантирувчи мотивидир.

2. Экологик ахлоқнинг нисбий мустақиллиги, ижодий фаоллиги биосфера табиий мувозанатини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш билан характерланиб, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг йўналишларини мувофиқлаштиради ва конкретлаштиради.

3. Экологик муносабатларда ахлоқ-табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжларининг пассив ҳосиласи эмас, аксинча, экологик

барқарорликни ташкил қилиш, бошқариш жараёнларининг эмоционал-руҳий, маънавий-мафкуравий асосларини ташкил қилиши билан ўзининг объектив мазмунини намоён қилади.

4. Экологик барқарор тараққиёт муносабатларининг регулятори бўлган ахлоқнинг назарий ҳамда амалий йўналишлари, тарихий тажрибаларни умумлаштириш, конкретлаштириш жараёнида интеграциялашуви ва дифференциаллашуви объектив тарихий заруритдир.

Экологик адабиётларда табиатдаги айрим турларнинг йўқ бўлиб кетиши биосфера тарихий ривожланиши объектив заруратидан, цивилизациянинг қонуний натижаларидан келиб чиқади, деб уни ахлоқий жиҳатдан оқлайдилар ва бу жараёни тезлаштиришдаги антропоген омилининг ролини инкор қиладилар. Дарҳақиқат, инсон ўз ижтимоий-иқтисодий фаолиятида табиатни, ўз эҳтиёжларига асосан ўзгартиришга мажбур, лекин бу ўзгартиришлар биосфера табиий мувозанатига путур етказмаслиги лозим.

Табиат бойликлари, инсоният қадриятларининг моддий асоси сифатида, келажак авлодлар учун сақлаб қолинмоғи керак. Чунки кейинги авлодларнинг экологик фаоллиги ва масъулияти бизнинг шу ижтимоий ҳодисаларни қай даражада ташкил қилишимиз, ўзлаштиришимиз ва моддийлаштирганлигимизга боғлиқ.

Келажак авлодлар олдидаги ижтимоий масъулият ва бурч бошқа соҳаларда экология соҳасидагидек, кескин тарзда кун тартибига кўйилган эмас. Агар кўйилган бўлса, бу масала, албатта, экологик эҳтиёжлар ва манфаатларга бориб тақалади. Экологик фаолият доирасида ижтимоий масъулият ва бурч тушунчалари мазмун тахлили, унинг истикбол йўналишларини белгилайди. Махсус илмий адабиётларда экологик масъулиятни уч гуруҳдаги муаммолари қайд қилинади:

1) метаэтика муаммолари доирасида экологик масъулият мавжудлиги ва унинг категориялар апаратини аниқлаш;

2) норматив ахлоқ масалалари доирасида «табиат – жамият – инсон» мажмуасида биосфера мувозанати хусусиятларини тахлил қилиб, ундаги инсон масъулияти ва мажбуриятларини белгилаш;

3) келажак авлод олдидаги экологик масъулиятнинг ҳаёт билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолари ечимини топишдан иборат.

Умумлаштириб айтганда, экологик фаолиятни ахлоқий нормаларга асосан бошқариш, шахс ва бошқа ижтимоий бирликларнинг табиатни муҳофаза қилишдаги амалий хатти-ҳаракатларини умуминсоний экологик стандартларга мувофиқлаштиришдан иборат. Шунингдек, экологик ахлоқий нормаларни тарихий ворислик принциплари асосида ривожлантирмасдан, умуммиллий экологик қадриятлар модели ва эталонини яратиш мумкин эмас. Шу жараёнда, экологик ахлоқий нормалар мазмуни шахс ва жамиятнинг табиатни ўзлаштириш, уни муҳофаза қилиш эҳтиёжларига мос келиши ёки келмаслигини ифодалайдиган мезонга айланмоқда. Табиатноқилона муҳофаза қилиш муаммолари доирасида инсон маънавий қадриятларининг алоҳида аҳамияти шундаки, экологик барқарор тараққиёт: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, ахлоқий механизмларни мужассамлаштирувчи жиҳат ҳисобланади.

Ахлоқнинг экологик барқарор тараққиётни шакллантиришдаги функцияси, унинг ижтимоий муносабатларни ривожлантириши таъсирида ҳамда уларни экологиялаштириш жараёнида намоён бўлади. Экологик қадриятлар табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари тугашган чорраҳаларда вужудга келиб, биосфера муносиблигининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини норматив баҳолаш мезонига айланади. «табиат – жамият – инсон» мажмуасининг микро ва макро даражалардаги коэволюция жараёнида экологик ахлоқий қадриятларнинг нисбатан мустақил экологиялашиш хусусиятларини аниқлаш, методологик жиҳатдан, муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир маънавий қадрият элементининг экологик барқарор тараққиётни амалга оширишда таъсир йўналиши мавжуд. Бунда экологик яшаш усулининг конкрет кўрсаткичлари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги барқарор тараққиётнинг муайян қадрият элементлари устувор аҳамиятини белгилайди. Айниқса, биосфера мувозанатини сақлашнинг иқтисодий базис имкониятлари чегараланган вазиятда экологик барқарор тараққиётни шакллантиришда субъектив омил ролини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги иқтисодий танглик кескинлашаётган шароитда антропоген таъсир салбий оқибатларини олдини олиш экологик вазиятни соғломлаштиришни моддий-техник таъминлаш масаласи нисбатан кейинги вазифалар қаторида турибди. Шунинг учун бу камчиликларни баргараф қилишда инсон экологик фаоллиги ва

масъулиятини оширишда ахлоқий қадриятлар ролини ривожлантириш энг самарадор ва арзонга тушадиган тадбир ҳисобланади. Зотан, маънавий-сиёсий устқурма элементлари базис муносабатлари билан органик бирликдагина ҳар қандай фаолиятнинг самарадорлигини белгилаб туради.

Объектив шарт-шароитларни рўёбга чиқарилиши субъектив омилнинг маънавий етуклик даражасига боғлиқ бўлади. Шу жумладаан, ахлоқий қадриятларнинг экологик барқарор тараққиётга таъсир вазифаси бошқа ижтимоий онг шакллариининг табиатни муҳофаза қилиш манфаатлари асосида ахлоқийлашиш тамойиллари орқали амалда намоён бўлади. Маънавий қадриятлар, турли ижтимоий онг шакллариининг ахлоқийлашуви айни пайтда уларнинг экологийлашувини ифодалайди.

Экологик барқарор тараққиёт ижтимоий онг шакллариининг ўзаро мувофиқлашувини тақозо қилади. Уларнинг тизимли-тузилмавий таҳлили мажмуавий ёндошишнинг зарурий шартидир. Шунга кўра, экологик барқарор тараққиётда айрим ижтимоий онг шакллари ролини мутлақлаштириш муайян манфаатлар доирасида чегараланиб қолишдан бошқа нарса эмас.

Экологик масъулият, инсоннинг табиат билан бирлигини англаши бўлиб, биосфера мувозанатини, барқарор тараққиётини ижтимоий бошқаришнинг мажмуавий имкониятларини яратади. Зеро, юқоридагиларни умумлаштириб айтганимизда, инсоннинг табиатни ўзгартириш ва муҳофаза қилиш фаолиятини аксиологик-ахлоқий қадриятлар, тамойиллар ёрдамида бошқариши: *биринчидан*, «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатларининг маънавиятга таъсири бевоситалиги билан характерланиб, конкрет экологик вазиятлардан келиб чиқади. *Иккинчидан*, инсон техноген фаолияти биосфера мувозанатига путур етказишнинг маънавий-ахлоқий оқибатларини, истикболини тўлиқ тасаввур қилиб, келажак авлодлар олдида унинг ўз масъулиятини, бурчини англашига қаратилган. *Учинчидан*, кишиларнинг табиатга нисбатан антиэкологик ҳатти-ҳаракатлари ўз мотивлари, сабабларига эга бўлиб, ахлоқ шу сабабларни бартараф қилишга йўналтирилган. *Тўртинчидан*, «инсон ва инсон», «инсон ва табиат» ўртасидаги ахлоқий ёки ғайриахлоқий муносабатлар, ҳар бир мажмуада ўзига хос тарзда намоён бўлади, бироқ уларнинг ижтимоий моҳияти табиатни муҳофаза қилиш орқали инсонни муҳофаза қилишдадир. *Бешинчидан*, экологик

ахлокий қадриятларнинг эвристик функцияси экоэтиканинг: экологик виждон, экологик бурч, экологик масъулият ва бошқа категориялар мазмунидаги диалектик боғланишларни оқилона ташкил қилишдан иборат. *Олтинчидан*, ижтимоий бирликнинг экологик эҳтиёжлари ва манфаатларига мос келадиган «ахлокий қадриятларнинг мажмуаси сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор»¹.

Ҳуқуқий онгнинг экологик барқарор тараққиётни шакллантиришдаги аҳамияти

Ижтимоий экологик барқарор тараққиётни таъминлашда ҳуқуқий муносабатларни ташкил қилувчи қонунларнинг мазмуни алоҳида аҳамият касб этади. Республика фуқоролари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг экологик фаолиятини ҳуқуқий қонунлар мажмуаси билан бошқариш «табиатни муҳофаза қилишда сиёсат юритиш»² мақсадидан келиб чиққан. Зеро, инсоният тарихининг муайян босқичларида жамият ва табиат ўртасидаги мутаносибликка путур етиб, экологик вазият кескинлашган пайтда табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий-қонуний асосларини вужудга келтириш зарурати туғилади.

Табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масъулиятини шакллантиришда ҳуқуқнинг роли катта. Чунки ҳуқуқ ижтимоий-экологик назоратнинг давлатлашган механизмларига ва сиёсий устқурма институтларининг фаол ёрдамига таянади. Экологик ҳуқуқ давлат сиёсатининг намоён бўлиши сифатида унинг аппаратлари, воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятига эга. Албатта, ҳуқуқий изнлар, актлар, қонунлар биосферанинг ички боғланиш қонуниятларига ва инсониятнинг ижтимоий тарихий тараққиёт истиқболи манфаатларига мос келган вазиятда ўз вазифасини мукамал бажариши мумкин.

«табиат – жамият – инсон» мажмуасидаги ўзаро муносабатларни режалаштириш, бошқариш, такомиллаштириш механизмларининг ҳуқуқий назарияси амалиётда исботланган мукамал қонуцларга, маъмурий муассасаларга таянган тақдирда экологик

¹Ислом Қаримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 10-бет.

²Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонуни. 9-модда // Қишлоқ ҳақиқати. 1993. 4 февраль.

барқарор таракқиёт мақсадига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай жамиятнинг экологик муносабатларини, унинг ривожланиш даражасини табиат муҳофазасига доир давлат қонунлари ва ҳукумат актларининг таъсирчанлиги белгилаб туради. Бироқ мустақилликка эришиб, бозор муносабатларига ўтаётган республикалардаги ҳозирги иқтисодий-сиёсий ривожланиш хусусиятлари қонунчилиқни муайян даражада чегаралаган. Чунки ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг устуворлиги экологик фаолиятга тўсқинлик қилади; ҳозиргача мавжуд бўлган сиёсий усткурма элементлари, хусусан, экологик қонунчилик декларатив характерга эга эди; шахс экологик инертлиги эски стереотипларнинг кишилар оғида маълум даврларгача сақланиб қолиши қонунларга нисбатан конформистик қайфиятни мустаҳкамлаган; экологик қонунларга бўйсунуш интизоми амалий кўникмаларни эгаллаш ўз-ўзидан, стихияли содир бўладиган ҳодиса эмас; ҳозирча ҳуқуқ, асосан, экологик вазиятлар кескинлашгуви оқибатларига қарши курашиб келмоқда. Ваҳоланки, экологик ҳуқуқнинг профилактик вазифаси экологик вазиятни кескинлаштираётган сабабларни аниқлаб, унинг олдини оладиган чора-тадбирларни белгилашидир.

Инсон ўз назарий-амалий фаолиятларини экологик манфаатларга мукамал ҳуқуқий актлар, нормалар, қонунлар мавжуд бўлганлиги учунгина бўйсундирмайди. Балки бошқа ижтимоий оғи шакллариининг маънавий, мафқуравий, ахлоқий тамойилларига ҳам таяниб иш кўрганлигидан жамиятнинг, шахснинг экологик муносабатларини айнан ҳуқуқий қонунлар, нормалар воситаси билан тақомиллаштириш мумкин, деган қарашлар бир томонламаликка эга.

Экологик барқарор таракқиётни ҳуқуқий муносабатлар доирасида ижтимоий ролига қараб туркумлаштиришда унинг ўзига хос объектини, механизмлари, йўналиш ва истикболини назарда тутиш лозим. Экологик барқарор таракқиёт тузилмаси қуйидаги ҳуқуқий фаолиятларда, яъни:

- 1) жамиятнинг ижтимоий-сиёсий экологик масъулияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий фаоллиги ва масъулиятида;
- 2) фуқароларнинг конституцион экологик эҳтиёжлари ва манфаатларини ифодаладиган фаолиятида;
- 3) ишлаб чиқаришни экологик техник-технология билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратишда;
- 4) экологик барқарор таракқиётни ҳуқуқий-маъмурий талаб-

лар доирасида ташкил қилиш хусусиятларида;

5) ахлоқий нормалар, тамойилларга асосланган экологик барқарор тараққиёт йўналишларида намоён бўлади. Уларнинг бир бутунлигини таъминлаш – давлат сиёсати билан боғлиқ. Шу билан бирга, экологик барқарор тараққиётни ижтимоий муносабатларнинг конкрет кўринишлари билан аралаштириб юбориш ёки уларга ёрдамчи омил сифатида қаралиши масалага нотўғри ёндошишдан келиб чиқади. Ҳуқуқнинг экологик вазифаси давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ички функциясини амалга ошириш воситаси бўлиб, жамият ва шахснинг табиатга нисбатан муносабати ни огохлантирувчи, тақиқловчи, тикловчи, рағбатлантирувчи ва жазоловчи тадбирларни ҳуқуқий нормалар, ақллар, кодекслар орқали бажаради.

Экологик фаолиятини қонуний-ҳуқуқий таъминлаб турадиган ҳуқуқий нормалар корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг табиат бойликларидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш муносабатларини бошқаришнинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва масъулиятларини белгилайди. Экологик ҳуқуқнинг асосий мақсади – биосфера мувозанатига инсон таъсирини қонун ёрдамида бошқаришдан иборат. Шунга кўра, экологик барқарор тараққиётни ҳуқуқий жаҳатдан ҳимоялаш табиатни муҳофаза қилиш муносабатлари тизимининг ўзаро боғланиш механизми ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилишнинг қонунлари мажмуаси «объект-субъект» боғланишларини ҳуқуқий регуляция қилиш функциясини бажаради. Экологик ҳуқуқий фаоллик – экологик ижтимоий масъулиятни англаш ҳамда уни реализация қилиш жараёнидир. Бунда экологик ҳуқуқий масъулият инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш бурчи ва мажбуриятини англашидангина иборат бўлмай, балки уни шакллантирадиган зарурий шарт-шароитлар, воситалар мажмуасини яратишни ҳам ўз ичига олади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун ҳар қандай давлат, жамиятнинг экологик маънафати, эҳтиёжидан келиб чиқиб, тегишли қонунлар мажмуаси ва уларни амалда жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқиши билан узвий боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, давлат томонидан яратилаётган ижтимоий-ҳуқуқий муҳит экологик барқарор тараққиётнинг зарурий шартидир. Бунда шахснинг ҳаёт тарзи нисбатан мустақил, лекин бир-бири билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий муҳитнинг икки да-

ражасида кечади: «ҳар бир шахс, умуман, ижтимоий макон нуқтан назаридан, «макро-муҳитда» (жамиятда) ҳамда бевосита ўзини ўраб турган оила, мактаб, маълум меҳнат жамоаси, маҳалла ва бошқа «микро-муҳит» шароитларида яшайди ва ривожланади.

Экологик барқарор тараққиёт даражаси микро-муҳитнинг турли шакллари, ривожланиш даражалари ўртасидаги муносабатни уйғунлаштириш, ҳар бир микро-муҳитнинг умумий ижтимоий-сиёсий макро-муҳит билан боғланишини ташкил қилиш, ҳуқуқий онг таълим-тарбиясининг узлуксизлигини таъминлаш тамойилига мос келади. Шу нуқтан назардан, экологик-ҳуқуқий онг «табиат – жамият – инсон» мажмуасида, уларнинг умумий ва хусусий ривожланиш жараёнидаги ўзаро диалектика муносабатларини муқобиллаштиришга қаратилган, махсус сиёсатлашган субъектив омил ҳисобланади. Ҳозирги экологик вазиятнинг кескинлашиб кетишига шу мажмуадаги элементлар тузилмавий боғланиши ва уларнинг алоқадорликларини таъминлайдиган ҳуқуқий муносабатлар номуносивблиги асосий сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий муносабатларида шахснинг экологик фаолияти, масъулияти давлатнинг ҳуқуқий сиёсати билан узвий тарзда боғланиб кетган тақдирдагина, юксак экологик ҳуқуқий онгни ривожлантиришга шарт-шароит яратилади.

Кишиларнинг ижтимоий хулқ-атворлари тизимида экологик ҳуқуқий нормалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни шахс томонидан ўзлаштирилиши мураккаб ҳодисадир. Инсон антиэкологик хатти-ҳаракатларининг давлат ҳуқуқий органлари томонидан регуляция қилиниши билан жамоатчилик фикри, ижтимоий-ахлоқий тамойиллари ўзаро қўшилган вазиятда, экологик барқарор тараққиёт самарадорлиги таъминланади.

Экологик ҳуқуқий масъулият функцияларидан бири – шахснинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини, амалий хатти-ҳаракатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини регуляция қилишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқа ижтимоий нормалар каби соф экологик ҳуқуқий нормаларнинг мавжуд бўлиши, амалий жиҳатдан мумкин эмас, аксинча, турли ижтимоий нормаларнинг экологиялашиши ва ҳуқуқий ҳимоялашиш натижасида ўз мазмунини намоён қилади. Ҳамма ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий нормалар (тамойиллардан фарқли) мутлақ турғун ҳолатга эга эмас, яъни жа-

мият ривожланиши билан ўз шакли ва мазмунини ўзгартириб боради. Экологик ҳуқуқий нормалар нисбатан турғунлигининг мазмунини эса унинг доимий ривожланиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Лекин амалиётда ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди.

Экологик ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хос муҳим хусусиятлари экологик барқарор тараққиёт субъекти фаоллиги мақсадга мувофиқ йўналтирилиши билан характерланиб, у экологик фаолият доираси, тартиби, ташкилий боғланишларини белгилаб туради. Бошқа ижтимоий-сиёсий муносабатларни регламентлаштиришда ички эътиқод, жамоатчилик фикри устувор характерга эга бўлса, экологик ҳуқуқий нормалар, асосан давлатнинг «мажбурлаш», тақиклаш кучига таянади. Айнан шунда, унинг самарадорлиги ҳам, ожизлиги ҳам намоён бўлади. Бугунги кунда экологик ҳуқуқий норма ва актларнинг нисбатан турғунлиги экологик вазиятнинг динамик ривожланиш талабларидан орқада қолмоқда. Экологик ҳуқуқий нормалар антиэкологик хатти-ҳаракатлар кўламини, характерини баҳолашда аниқ мезонлар мажмуасига эга эмас.

Экологик барқарор тараққиёт ғоясини амалга оширишда ҳуқуқий онгнинг ижтимоий-сиёсий назорат тизими муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-экологик назорат табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқариш ва ташкил қилишнинг механизми бўлиб, «табиат – жамият – инсон» муносабатларини мувофиқлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиққан, ҳуқуқий норматив-баҳолаш тамойиллари тизимидан иборат. Шу ўринда, *экологик мониторинг* ва *экологик-ижтимоий назорат* тушунчалари мазмунидаги бирлик ва фарқни аниқлаш, методологик жиҳатдан, муҳим аҳамият касб этади.

Экологик мониторинг муайян услублар, воситалар ёрдамида экологик вазиятни, унинг барқарор ривожланиш тенденциясини аниқлаб, соф техник-технологик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлса, ижтимоий-экологик назорат инсон ва жамиятнинг табиатга таъсир фаолиятини, соф субъектив омиллар муносабатларини назорат қилиш ва уни такомиллаштириш йўналишларини кўрсатиш функцияларини бажаради.

Экологик ижтимоий назоратнинг расмий ва норасмий кўринишлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос функцияларни бажаради. Расмий ижтимоий-экологик назорат давлат функциялари билан боғланиб кетган бўлиб, у унинг ҳуқуқий,

маъмурий, иқтисодий сиёсатидан келиб чиқади. Назоратни бу кўринишида антиэкологик фаолиятнинг тақиқланиши ёки экологик хатти-ҳаракатнинг рағбатлантирилиши қатъий нормаларга, қонун-қондаларга асосланган бўлиб, ўзининг санкциялашганлиги билан характерланади.

Норасмий ижтимоий-экологик назоратда, энг муҳим хусусият инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш хатти-ҳаракатлари расмий қабул қилинган ваколатлар, тизимлашган махсус ҳуқуқий қонунлар билан мустаҳкамланмаганлигидадир. Бунда ҳар бир онгли киши ёки ижтимоий бирликнинг конкрет кўринишлари (оила, меҳнат жамоаси, социал қатламлар) норасмий ижтимоий-экологик назоратнинг субъекти бўлиши мумкин. Зеро, антиэкологик хатти-ҳаракатларга, ҳатто, уларнинг мотивлари, мақсад ва интилишларига тўсқинлик қилишда жамоатчилик фикри устувор ҳисобланади.

Жамият ривожланиб бориши билан расмий экологик назорат функциялари такомиллашуви инсониятнинг биосфера мувозанатини сақлаб қолишдан иборат экологик эҳтиёжлари даражасига мос келади. Шу билан бирга, норасмий ижтимоий-экологик назорат ҳам умуминсоний ахлоқий тамойиллар ва қонунларда мустаҳкамланиб, ўз функционал фаолият доирасини кенгайтириб боради. Зеро, экологик масъулиятни англаш фақатгина жазодан кўрқиш эмас, балки инсоннинг ички маънавияти билан боғлиқ уят, бурч, виждон, эътиқод каби мотивлар ролининг кучайиши ҳамдир. Бошқача қилиб айтганда, норасмий ижтимоий-экологик назорат механизмлари, ўзининг табиатни муҳофаза қилишдаги эмоционал-руҳий жиҳатларига таъсирида намоён бўлади ва маънавий қаноатланиш ёки ўз шахсий фаолиятига танқидий муносабатни вужудга келтиради. Унинг самарадорлиги у ёки бу хатти-ҳаракатга нисбатан жамоатчилик фикрини қарата билишига боғлиқ.

Республикамизда экологик вазиятни назорат қилишнинг замонавий техник воситаларига эга бўлган мукамал тизимини яратиб, унинг ташкилий жиҳатларини кучайтириш долзарб муаммо бўлиб турибди. Жаҳон миқёсида, ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилаётган экологик космик назорат тизимига аъзо бўлиш имкониятларини қидириб топиш лозим. Бундан ташқари, умумий экологик вазият ҳақида ахборот маркази – экологик ахборотлар, маълумотлар банкни ташкил қилиш кун тартибда турибди. Чунки ҳозирги ахборотлар бўшлигидан, методологик асосларнинг но-

чорлигидан ҳамма вақт ҳам экологик воқелик тўғри акс эттирилайётгани йўқ. Маълумотлардаги зиддиятлар, уларнинг ишончлилиқ эффектига, коэффицентига шубҳа уйғотиб, лоқайдлик, масъулиятсизлик, эътиборсизлик кайфиятини мустаҳкамламоқда. Ахборотларни топиш, тўплаш ва таҳлил қилиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг илмий асосларини вужудга келтирган бўлар эди.

Кенг халқ оммасининг экологик вазиятнинг кескинлаштирувчи антропоген таъсири ҳақидаги ҳаққоний ахборотларга эга бўлиши норасмий назорат кўлами, йўналишини ва унинг натижаларини белгилаб туради. Экологик вазият ҳақида тўлиқ, объектив ахборотнинг етишмаслиги, информация қашшоқлиги табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш вазифасининг ташкилий қийинчиликларини келтириб чиқариб, ошқора маълумот мавжудлиги жамиятнинг табиий муҳитга муносабатини белгилаши ва инсон соғлиғини сақлаши учун зарур. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳамма соҳада бўлгани каби табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишда ҳам етарли, объектив информация бўлмаса, дезинформация вужудга келади.

Жамиятнинг ижтимоий-экологик фаоллиги ва масъулиятини оширишда макро ва микро даражалардаги расмий ҳамда норасмий назорат воситалари усуллари бирлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Кейинги вақтларда бошқариш ва раҳбарлик қилишнинг ҳаддан ташқари марказлашувига барҳам берилиб, жойлардаги маҳаллий-оммавий ташкилотлар ролинини оширишга эътибор кучайтирилмоқда. Хусусан, маҳалла кўмиталари ташкил қилиниши ижтимоий назоратнинг ҳамма шакллари ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, моддий таъминотини мустаҳкамлаш назорат самарадорлигини оширмоқда.

Шу жумладан, микро даражадаги превентив экологик назорат-экологик барқарор таракқиётни оширишнинг қулай шарт-шароитларини вужудга келтирмоқда. *Превентив экологик ҳуқуқий назорат – кишиларда табиатни муҳофаза қилишнинг маънавий асосларини, урф-одатларини, расм-русумларини, нормаларини муҳасамлаштирувчи нисбатан турғун стереотипларини, андозаларни вужудга келтиради ва антиэкологик хатти-ҳаракатларни қонунлар мажмуаси ёрдамида бартараф қилишга хизмат қилади.* Унинг самарадорлиги, микро даражада салбий ҳодисаларнинг сабабларини аниқлаш ва унинг олдини олиш имко-

ниятлари макро даражадагига нисбатан қулай эканлиги билан изоҳланади.

Экологик стереотиплар нисбатан турғун бўлиб, олдинги авлод тажрибаларини умумлаштириш жараёнида, мавжуд экологик ҳаёт тарзининг мазмунига айланади. Экологик стереотиплар ретроспектив планда юзаки қараганда, экологик вазиятларга мос келадиган барқарор тараққиётни ҳуқуқ воситасида чегаралайдиган ҳодиса бўлиб кўринади, лекин айнан шу экологик стереотипларнинг амалда намоён бўлиши табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги барқарор тараққиётни ифодалайди. Ваҳоланки, аксарият ҳолларда, мавжуд адабиётларда стереотипларни ҳаётдан орқада қолган ақидавий қарашлар сифатида тушуниш устувордир.

Ўқимой бирликларнинг мавжудлик хусусиятларига мос равишда экологик превентив назоратнинг турли услуб ва воситаларидан фойдаланувчи бевосита ёки билвосита шакллари мавжуд бўлиб, экологик нормалар, тамойиллар, тартиб-қоидалар мажбуран татбиқ этилмасдан, балки экологик онглилик, ўз-ўзини назорат қилиш барқарор тараққиётнинг зарурий шартига айланади. Маълум маънода, маъмурий ва ҳуқуқий назорат воситалари ҳамда услублари антиэкологик фаолиятни чегараласа-да, лекин экологик барқарор тараққиётга билвосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бундай ҳатти-ҳаракатларни, шарт-шароитларини бартараф этишда барқарор тараққиётни амалга оширадиган омилларнинг ролини кучайтириш керак бўлади.

Экологик барқарор тараққиётни кучайтиришнинг ҳуқуқий омиллари, ўзича, шу ҳислатларнинг инсон сифатига айланишини билдирмайди. Бунинг учун экологик барқарор тараққиётга муносабатни тарбиялаш муаммосига давлат миқёсида мажмуавий-тизимли тарзда ёндошиб, уни умуммиллий мафкура ишининг марказига кўчирилиши муҳимдир. Айниқса, экологик барқарор тараққиёт ҳозирча қутилган натижани бермаётган шароитда, бевосита табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ишлаётган кишиларнинг касбий фаоллиги ва масъулиятини ошириш биринчи навбатдаги вазифадир. Чунки касбий даражада экологик барқарор тараққиётга масъулиятни ошириш, шу ҳислатларни кенг халқ оммасига трансформация қилиш воситаси ҳисобланади. Ҳозирча, жамиятнинг барча аъзолари экологик фаоллиги ва масъулиятини ошириш учун зарур бўлган моддий, техникавий, ташкилий имкониятлар чегараланган. Касбий

тайёргарликнинг ривожланиш даражаси, ўз сифатига кўра, бошқа ижтимоий қатламлар учун андоза ролини бажаради.

Корхона ёки хўжалик раҳбарларининг экологик масъулияти ва мажбурияти ўртасида муҳим боғланиш мавжуд. Бунда экологик мажбурият бевосита ҳуқуқий, маъмурий органлар томонидан белгилаб қўйилади, масъулият эса унинг шахсий, индивидуал хусусиятларидан келиб чиқади. Шу билан бирга, улар ўртасидаги фарқни кўра билмаслик методологик жиҳатдан хато бўлади.

Мавжуд экологик ҳуқуққа оид адабиётларда, умуман барқарор тараққиёт муаммолари, аксарият ҳолларда, бир-биридан ажратиб текширилади. Ваҳоланки, улар ўзаро диалектик алоқадорликда бўлиб, бири бошқасини тақозо қилади. Хусусан, экологик фаоллик – инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш масъулиятини намоён қилса, ҳуқуқ – масъулият фаоллигини мақсадга мувофиқ йўналтирадиган омил ҳисобланади. Шу нуқтан назардан, ҳуқуқий онг шакллари конунларда мужассамланиб, экологик барқарор тараққиётни рағбатлантириш ёки антиэкологик фаолиятни тақиқлашда ўз функциясини бажаради. «Афсуски, кейинги пайтларгача бизда ер ости бойликлари, ер, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа табиий ресурслардан солиқ ундириш тамомила тан олинмай келинади. Бунда корхоналарга табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни экологик жиҳатдан муҳофаза қилиш конунлари билан ҳисоблашмасдан бебаҳо, ўрни тўлдирилмайдиган табиий бойликлардан ваҳшиёна фойдаланиш имкони берилар эдики, бу билан биз ўзимизнинг ҳақимизга ҳам, авлодларимиз ҳақиқа ҳам хиёнат қилиб келардик»¹.

Ҳуқуқнинг табиат бойликларини муҳофаза қилиш функцияси фуқаролик ва маъмурий масъулиятни ошириш билан характерланади. Биосфера мутаносиблигига етказиладиган зарарни қоплашнинг турли шакллари мажмуавий тарзда қўллаш маъмурий, иқтисодий, жинсий жавобгарликка тортишга дифференциал ёндашиш, кутилган натижаларни бериши мумкин. Бундай жазо чоралари табиат олдида инсоннинг шахсий масъулиятини оширса, моддий жиҳати эса унга етказилган экологик зарарни тиклашнинг

¹Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг снсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 324-бет.

иктисодий имкониятларини вужудга келтиради¹. Шунинг учун вилоятлардаги махсус экологик жамғармаларни ташкил этилиши ва уларнинг захирасини экологик жарималар, шунингдек, айрим ташкилотлар, муассасалар ҳамда баъзи шахсларнинг бадаллари эвазига тўлдирилиб, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга сарфланмоқда. Хусусан, 1994 йилда Республикамизда табиатни ифлослантирувчи 2458 корхона нормадан ортиқ чиқиндиларни чиқарганлиги ва уларни жойлаштирганлиги учун – 5875 минг сўм; атмосферани ифлослантирганлиги учун – 2674 минг сўм; сув ҳавзаларини булғатгани учун – 2839 минг сўм; ифлос оқовалар билан ерларни ифлослантиргани учун – 548 минг сўм; чиқиндилар ташлагани учун – 377 минг сўмни табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаларига тўлаган². Лекин бу маблағларнинг тарқоқлиги натижасида, уларнинг самарадорлиги сезилмаётир. Бизнингча, умумдават миқёсида экология химоясини таъминловчи ягона фонд ташкил қилиш муҳим лойиҳаларни, хориждан табиат муҳофазаси технологияси харидини, лизингини молиявий таъминлаш имконини берар эди³.

Экологик ҳукукий қонунларнинг экологик масъулиятни шакллантириш ва ривожлантиришга таъсири узок давом этадиган жараён бўлиб, у ҳукукий норма ва актларнинг доимий такомиллашиб боришини тақозо қилади. Унинг самарадорлиги сиёсий, маданий, маиший шарт-шароитлар ҳамда таълим-тарбия жараёнининг ҳукукий таъминланишига боғлиқ бўлади.

Умумлаштириб айтганимизда, *биринчидан*, ҳукукий онгнинг экологик барқарор таракқиётни ташкиллаштириш ҳамда назорат қилиш вазифаси жамият сиёсий устқурма элементларининг давлатлашган воситалари, услублари бирлигини тақозо қилади. *Иккинчидан*, экологик ҳукукий фаоллик ижтимоий масъулиятни англаш даражасига мос келади. Унинг фаолият доираси давлат, умумхалқ манфаатлари билан шахс ва ижтимоий бирликларнинг табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжларини, мақсадларини ўзаро уйғунлаштиради. *Учинчидан*, экологик ҳукукий онгнинг аксиологик функцияси антиэкологик хатти-ҳаракатларни чегаралаш,

¹Қаранг: Шарифхўжаев М. Экологик мутаносибликни таъминлаш // Иқтисод ва ҳисобот. 1996, №5. 18-бет.

²Қаранг: Национальный доклад... С. 51.

³Қаранг: Ўлмасов А. Зиддият ва ечимлар (табиат муҳофазаси–бозор талаби) // Иқтисод ва ҳисобот. 1996, №5. 27-бет.

тақиқлаш ва жазолаш оркали умуминсоний экологик кадриятларни, анъаналарни ривожлантиришдан иборат. *Тўртинчидан*, экологик ҳуқуқий онг ижтимоий-экологик муҳитнинг, ҳуқуқий муносабатларнинг пассив инъикоси бўлмасдан, аксинча, ўз таъсир воситаларига, механизмларига эга бўлган экологик яшаш усулининг мавжудлик шаклидир. *Бешинчидан*, экологик ҳуқуқий онгнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларини назорат қилишдаги самарадорлик даражаси, унинг привентивлигига, бошқа ижтимоий онг шакллари билан фаолият муқобиллигини мувофиқлаштиришга боғлиқ. *Олтинчидан*, экологик барқарор тараққиётнинг субъектив омили бўлган ҳуқуқий онгнинг ривожланишини давлат сиёсатининг таркибий қисмига айлантириш оркали ҳал қилиш мумкин.

Экологик сиёсат соҳасидаги барқарорликнинг ўзига хос хусусиятлари

Инсоният цивилизацияси турли даражадаги муаммоларнинг вужудга келиши ва уларни ҳал қилиш тарихидан иборат. Ҳозирги даврнинг оламшумул муаммолари, муқаррар равишда, табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазифалари ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий муносабатлар доирасида кесишиб, сиёсий жиҳатдан конкретлашмоқда.

Тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида экологик муаммолар соф ижтимоий-иқтисодий ёки маънавий-ахлоқий доирадан чиқиб, сиёсий тус олади. Ҳатто, дастлабки меҳнат тақсмоти ва мулкчилик муносабатлари шаклланиши даврида ҳам, табиатдан фойдаланишнинг қонун-қоидалари, маълум даражада, умумлашган, тизимлашган ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлган. Кейинчалик, жамиятнинг ривожланиб бориши билан экологик сиёсатда ўзаро боғлиқ икки тенденция вужудга келди. *Бир томондан*, турли даража ва шакллардаги ижтимоий муносабатлар табиатни муҳофаза қилиш экологик эҳтиёжлари доирасида интеграциялашиб ўз фаолият чегараси, кўлами ва аҳамиятини узлуксиз оширмоқда, *иккинчи томондан*, ижтимоий-сиёсий муносабатлар таркибида экологик барқарор тараққиётнинг мазмуни устуворлашиб бормоқда. Экологик вазият кескинлашуви билан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги барқарор тараққиёт халқаро сиёсий муносабатларнинг характерини белгилайдиган мезон даражасига кўтарилди.

Экологик барқарор тараққиётнинг субъектив омили сифатида турли ижтимоий онг шакллари ўртасидаги мажмуавий, тизимли боғланишлар алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг экологик-сиёсий манфаатлар асосида бир бутунлиги табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги барқарор тараққиёт самарадорлигини белгилайди. Шунинг учун бу жараёнда айрим ижтимоий онг шакллари ролини мутлақлаштириш, методологик жиҳатдан хато ҳисобланади. Зеро, турли ижтимоий онг шакллари экологик барқарор тараққиётга ўз каналлари орқали таъсир қилиб, уларнинг экологиялашиш даражасига мос келади. Энг муҳими, бу жараённинг объектив-тарихий характери, жамиятнинг экологик эҳтиёжларидан, биосфера мувозанатини сақлаш талабларидан келиб чиқади. Хусусан, давлатнинг илмий-техникавий ва ижтимоий-экологик сиёсатидаги муштараклик, нафақат маънавий камол топган инсонни шакллантириш имконини беради, балки ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги хусусиятларга мос жисмоний такомиллашуви учун шарт-шароитлар ҳам яратади. Бошқача айтганда, «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатидаги сиёсий контурлар аниқланиб, партиялар, халқаро ташкилотлар, ижтимоий бирликлар ва кенг жамоатчилик диққат-эътиборини жалб қилмоқда, жамият усткурма элементлари давлат экологик сиёсати билан чирмашиб кетмоқда.

Ҳозирги кунда турли мамлакатлар ривожланишидаги табақаланиш, иқтисодий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат тақсимооти, илмий-техника тараққиётининг минтакавий хусусиятлари халқаро экологик сиёсатнинг муқобил йўналишларини вужудга келтирмоқда. Шу жумладан, ҳар қандай давлатдаги табиий ресурс захиралари ва улардан оқилона фойдаланишнинг техник-технологик имкониятлари экологик сиёсатнинг умумгуманистик мазмунини белгилайди. Айниқса, бу муаммолар яқин ўтмишда ядро уруши хавфи билан бирлашиб, инсониятнинг бундан кейинги ҳаёт-мамот масаласига айланди.

Маълум тарихий-сиёсий вазиятларда сайёрамизда экологик фожа эҳтимолий ядро конфликтининг соясида қолиб кетган эди. Ҳозир *сиёсий иқлим*нинг бирмунча мўътадиллашуви билан инсоният учун *экологик бомба* хавфи ядро хавфидан кам эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Сайёрамизда табиий бойликлар ва энергая ресурслари захираларининг тугаб бориши, аҳоли сонининг ўсиши – «демографик портлашлар» ҳамда шу тартибдан кейин турадиган оламшумул

муаммолар бевосита ёки билвосита экологик сиёсий муаммо мақомига эга бўлмоқда.

Экологик умумбашарий муаммолар ўз оқибатларига кўра, жамиятнинг умумий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий кескинлигини кучайтириши билан характерланади. Йирик америкалик эколог олим Барри Коммонер қатъий равишда: «Атроф муҳит инкирози, фақатгина экологик муаммо бўлмасдан, балки ижтимоий-сиёсий муаммо ҳамдир»,— деганда мутлақо ҳақ эди¹. Шу боис, кейинги вақтларда экологик курашлар сиёсий ҳаракатлар марказига кўчирилаётганлиги тасодифий эмас. Бу курашлардаги ғалабалар экологик масалаларни кўтариб чиқаётган прогрессив кучларнинг сиёсий фаоллик ва уюшқоқлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолаётир. Бу эса ўз навбатида, экологик сиёсий тафаккур ҳамда амалий фаолият ривожланиш стратегияси ва тактикасини назарий изоҳлаш заруратини вужудга келтирмоқда. Чунки жамият ҳаётининг зарурий шарт бўлган экологик мувозанатни таъминлай олмайдиган сиёсий системанинг нафақат келажаги йўқ, балки бугун учун хавфли ҳамдир.

Дунёдаги барча халқлар миллати, ирки, дини, сиёсий йўналишларга мансублигидан қатъий назар, ўзаро иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий боғлиқликда таркиб топиши ва табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатларининг сиёсийлашуви натижасида тафаккурнинг янги йўналиши — *сиёсий экология* вужудга келди. Дарҳақиқат, ривожланган мамлакатларда ижтимоий-сиёсий ҳаётни экологиялаштириш жараёни оммавий экологик ташкилотларга, бевосита табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг ғоявий-сиёсий йўналишларига, сиёсий партияларига эҳтиёжни вужудга келтирмоқда.

Экологик барқарор тараққиёт субъектларининг ижтимоий-сиёсий етуклик даражаси, унинг воситалари (оммавий норозиликларни ифодаладиган сиёсий ҳаракат шакллари)ни танлашда фаолият кўламида намоён бўлади. Дастлабки экологик ҳаракатларнинг стихияли характери, уларнинг сиёсий жиҳатдан ожизлиги экологик вазиятни кескинлаштирган сабабларга эмас, балки унинг оқибатларига қарши қўйилиши, фрагментарлиги ва импульсивлиги билан изоҳланади.

Кейинги йилларда экологик фаолият субъектларининг ривож-

¹Коммонер Б. Замъаюшийся круг. Природа, человек, технология. Л., 1974. С.79.

ланиши билан экологик сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, халқаро ташкилотлар тузилмоқда. Хусусан, асримизнинг 80-йилларида Оврүпода пайдо бўлган «Яшиллар партияси», фақатгина экологик муаммоларни эмас, балки уларни вужудга келтирган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий асосларни чуқур ўрганиб, табиат муҳофазасининг узоқ муддатларга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқмоқдалар. Уларнинг фаолияти мавжуд ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумнинг экологик зиддиятларини бартараф қилишда муҳим субъектив омилига айланмоқда. Бу партия ва ҳаракатларнинг фаолият мазмунини – экологик муаммолар ечимини топиш орқали жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатларини ўзгартиришга бўлган интилишлар ташкил қилади.

Экологик оммавий партиялар ва ҳаракатлар давлат элементлари билан ўзаро бирлашиб, уни бошқаришдаги демократик парламентаризм йўналишини кучайтириши натижасида иқтисодий ишлаб чиқариш манфаатларини экологик эҳтиёжлар доирасида ташкил қилишнинг сиёсий механизмлари пайдо бўлмоқда. Умумбашарий экологик муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг оқилона, муқобил йўналишларини белгилаш ҳаётий заруриятга айланиб, моддий ишлаб чиқариш мақсадларини, аҳоли истеъмол даражаларини экологик манфаатлар билан мувофиқлаштириш воситаларини кўрсатмоқда.

Экологик оммавий партия ва ҳаракатлар фақатгина табиат муҳофазасининг техник-технологик, базис муносабатларини эмас, балки устқурма сиёсий элементларини қайта куриш муқобил дастурларини ҳам яратмоқда. Уларнинг ичида тараққиётнинг ҳозирги даражаларидан воз кечишни ёки айрим халқларнинг экологик анъаналарини мутлақлаштириб, тарғиб қилувчи йўналишлар мавжуд. Албатта, турли халқларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларидаги тарихий тажрибаларини ижодий умумлаштириш, уларнинг экологик кадриятларидаги ворислик муносабатларини сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ уларни мутлақлаштириб, ҳозирги ҳаётга, айниқса, турли географик, этнографик, иқтисодий, сиёсий яшаш шароитлари билан тубдан фарқ қилувчи халқлар ҳаётига механистик тарзда тадбиқ қилиш доим ҳам ижобий натижа беравермайди.

Экологик сиёсатдаги муқобил назарий қарашлар ва амалий

хатти-харакатлар умумий мақсадга олиб борадиган турли воситалар, услублар, каналларни бирлаштирган тақдирдагина, қутилган натижаларни бериши мумкин. Шу нуқтаи назардан, *экологик муқобиллик* сиёсати ўзининг универсаллиги ва мажмуавийлиги билан жаҳон халқлари ўртасида нисбатан кенг тарқалган йўналиш ҳисобланади. Айниқса, «Рим клуби» аъзоларининг қарашлари *экологик муқобиллик* оқими назариясини мужассамлашган ҳолда ифодалаган. Уларнинг қарашларидаги асосий лейтмотив: ишлаб чиқаришни фанга; ишчи кучини интеллектуал асосга; табиатга муносабатни маданиятга; сиёсатни экологияга бўйсундирган ҳолдагина, «табиат – жамият – инсон» мажмуасининг коэволюциясини таъминлаш мумкин.

Экологик сиёсатдаги муқобилчилик, аксарият ҳолда, шахснинг индивидуал хусусиятларини мутлақлаштириш билан фалсафадаги индивидуализм таълимоти умумий кўринишини ифодалайди. Экологик сиёсий фаолиятдаги ижтимоий ва индивидуал муносабатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ноўрин. Шунинг учун ҳам шахснинг, алоҳида жамоаларнинг, ижтимоий бирликлар ва қатламларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётдаги индивидуаллашиб боришини экологик фаолиятга татбиқ қилиниши илмий мунозараларга, танқид объектига айланмоқда. Дарҳақиқат, ривожланган мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг, шу жумладан, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг, персонафикациялашиб жараёни экологик сиёсатда ҳам *индивидуал эгоизм* ҳодисасини кучайтириб юборди. Бу жараёнда манфаат ва эҳтиёжнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ривожланиш хусусиятлари индивидуаллашиб, нисбатан мустақиллашиб бориши кузатиламоқда.

Жамият мавжудлиги умумий ижтимоий манфаатлар, мақсадлардан мустақил эмас, бу манфаатлар ижтимоийлиги экологик сиёсатнинг умуминсонийлигида кўзга ташланади. Экологик манфаатларнинг ўз моҳиятига кўра умуминсоний характери ҳар қандай индивидуализмда ижтимоийликни намоён қилади. Шунинг учун ҳозиргача *буржуа индивидуализмини* танқид қилиш, унинг мазмунидаги ижтимоийликни кўра билмаслик ёки индивидуалликни *социалистик коллективизмнинг* антиподи сифатида қараш мафкура марказига қўйилди.

Экологик барқарор тараккиёт пировард натижада, инсон иш-

тирокида, лекин унинг продасига боғлиқ бўлмаган сиёсий муносабатлар мажмуаси билан сабабий боғланишларда бўлса ҳам алоҳида шаклларда ёки мажмуа тарзида ўз-ўзича барқарор тараққиётни детерминантлаштирувчи омил бўла олмайди. Бунинг учун сиёсатнинг турли соҳалари муайян экологик мақсад доирасида мужассамлашуви зарур. Бундан ташқари, сиёсий муносабатлар мавжуд бўлган тарихий шарт-шароитлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Экологик барқарор тараққиётнинг ижтимоий характеристикаси жамият иктисодий, сиёсий, маънавий ривожланиш хусусиятларига мос келса ҳам уларнинг айрим томонларини мутлақлаштириш хато ҳисобланади. Чунки муайян ижтимоий катламларнинг сиёсий ҳукмронлик мавқеи хусусий ҳолларда, экологик барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқача айтганда, мавжуд тарихий зарурият айрим бўғинларини мутлақлаштириб, унинг заминида вужудга келаётган ёки вужудга келиш имконияти бўлган сиёсий муносабатларни диққатдан четда қолдириш, масалага тизимли-тузилмали, мажмуавий ёндошиш ғоясига путур етказлади.

Экологик барқарор тараққиётни детерминантлаштируви сиёсий омилларни жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузилмасидан мустақил таҳлил қилиш мумкин эмас. Зеро, экологик фаолият субъекти бўлган ижтимоий бирликларнинг тарихдаги объектив роли жамият тузилмавий элементларининг сиёсий хусусиятларини белгилаб туради. Бунда экологик сиёсий фаолликнинг тарихий зарура-ти, барқарор тараққиёт субъекти мавжудлигининг шартига айланади.

Турли мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий муносабатларида *халқаро экологик маъсулият* масаласи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу ҳодиса, маълум маънода, шу муносабатлар истиқболини белгилувчи мезон даражасига кўтарилмоқда ёки аксинча, халқаро экологик маъсулиятсизлик мамлакат ички ва ташқи сиёсий зиддиятлари кескинлашувига сабаб бўлмоқда. Масалан, АҚШнинг Канада чегараларида қурилган экологик ноқулай корхоналарининг атроф муҳитни ифлослантиришдан етказаетган экологик ва иктисодий зарари сиёсий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Чунки азалдан «экологик маданиятсиз мамлакат, нафақат ўзининг аҳолиси учун хатарли бўлиб қолмасдан, балки бошқа мамлакатлар аҳолиси учун ҳам хавфлидир. Зеро, табиатни ифлослантирувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик чиқиндилари миллий

чегарани билмайди»¹.

Умумбашарий экологик муаммолар инсоният ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий томонларини мажмуавий тарзда қамраб олганлиги учун ҳам уларнинг оқилона ечимини топиш мураккаб вазифадир. Зеро, халқаро экологик муносабатларни ягона мақсад доирасида муштараклаштиришнинг куйидаги қийинчиликлари мавжуд:

1. Турли мамлакатлар экологик манфаатларини тўлиқ ҳисобга олишнинг «жисмоний» имкониятлари чегараланганлигидан умумий йўл топиш қийин.

2. Халқаро миқёсда экосиёсатни амалга оширишда давлатлар ўз индивидуал манфаатларидан келиб чиқадиган, анъанавий стереотиплардан воз кеча олмайдилар.

3. Кўпчилик мамлакатлар ўз иқтисодий, сиёсий, стратегик манфаатлари, мақсадларини амалга ошириш учун сунъий равишда экологик талабларни кучайтиради.

Шунга қарамасдан, экологик вазият умумбашарий миқёсда кескинлашаётган бир даврда жаҳон прогрессив кучларининг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли, экологик барқарор тараққиётни кучайтиришга йўналтирилган халқаро ҳамкорликнинг турли шакллари вужудга келмоқда. Дастлаб, ЮНЕСКО ташаббуси билан Сгокголтм шахрида бу масалага бағишлаб, 1968 йилда ўтказилган Халқаро анжуман табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий таъмоилларини белгилаб берди.

Давлат экологик сиёсати ўз моҳиятига қўра, экологик муносабатдаги байналмилал фаолликни ифодалайди. Чунки экологик фаолият доирасидаги маҳаллийчилик, миллатчилик бошқа соҳалардагидан тубдан фарқ қилиб, у бевосита ёки билвосита умуминсоний манфаатларга мос келади.

Экологик сиёсатни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини экологиялаштиришдаги фаолиятига қараб туркумлаштирилиши мумкин. Бунда уни нисбатан ва шартли равишда амалга оширилишига қараб, бевосита ёки билвосита, йўналишларга ажратиб тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Бевосита экологик сиёсат жамият усткурма элементларининг табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари,

¹Гирусов А.В. Культура как способ развития общества и сохранения природной среды / В кн.: История. Культура. Цивилизация. М., 1991. С.9.

эҳтиёжлари асосидаги фаолиятларида, вазифаларида ифодаланади:

– мусаффо табиат бойлиги, ёдгорлигини маҳаллий, миллий, ҳудудий чегараларда муҳофаза қилишнинг ташкилий, ҳуқуқий, маъурий тамойиллари, механизм ва воситаларини яратиш;

– хўжалик юритишнинг ҳар қандай соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонуни талабларини сўзсиз бажаришга эришиш;

– биосфера экологик мувозанатини сақлаш мақсадида иқтисодий ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш, режалаштиришни ва эксперт назоратини ташкил қилиш;

– биосфера таркибий элементлари бўлган ер, сув, ҳаво ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга йўналтирилган инфраструктуранинг яратиш, экологик инвестиция сиёсати самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Билвосита экологик сиёсат кенг халқ оммаси онгига, турмуш тарзига табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятини сингдиришдан иборат ташкилий-амалий, мафкуравий-маърифий вазифалар мажмуасини камраб олади. Бу фаолият табиатни муҳофаза қилишнинг тарихий меросини, қадриятларини, ворислик тамойилларига кўра конкрет экологик вазият хусусиятларидан келиб чиқиб, ижодий ривожлантиришга асосланган. Унинг самарадорлигини кўтариш учун таълим-тарбиянинг ҳамма бўғинлари, босқичларини экологиялаштириш орқали экологик тафаккурни ривожлантириш, омманинг экологик сиёсий фаоллигини ошириш керак. Экологик фаолликка субъектив омилларнинг таъсир доираси ва характери жамият ривожланиш даражасига боғлиқ.

Экологик сиёсатдаги бевосита ёки билвосита йўналишларнинг ўзаро боғланишлари ва унинг натижалари ҳар қандай давлатнинг демократик ривожланиш тенденциясига, унинг ички ҳамда ташқи умумий сиёсатига боғлиқ. Шунга кўра, жамият тарихини давлатларнинг экологик сиёсати нуқтаи назаридан босқичларга ажратиш ва тадқиқ қилиш муҳим методологик аҳамиятга эга.

Экологик сиёсий фаолиятни туркумлаштиришга оид махсус адабиётларда, аксарият ҳолларда, уни жамиятнинг ишлаб чиқариш усули билан боғлаб, формациялашган тарзда, тушунтириш устувор характерга эга. Албатта, моддий ишлаб чиқариш усули жамият тараққиётининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади, лекин унда нисбатан мустақил фаолият йўналишлари ҳам мавжуд бўлиб, айрим тарихий даврларда ўзига хос мезон даражасига кўтарилган. Масалан,

маданият, санъат, архитектура ёки дин тарихи, шу ижтимоий ҳодисаларнинг маълум даврларда умумий ривожланишга жиддий таъсир килувчи сиёсий омил бўлганлигини кўрсатади. Баъзан сиёсатлашган устқурма элементларининг базис устидан нисбатан ҳукмронлиги ҳам кўзга ташланади. Бу, айниқса, диний фундамен- тализмга асосланган инквизицияларда, тоталитаризм, субъекти- визм, волонтаризм, шахсга сизгиниш сиёсатида яққол намоён бўлди.

Экологик фаолият воситалари жамият устқурмаси таркибий қисмини ташкил қилса ҳам бошқа устқурма элементларидан ўзининг маънавий кадриятларга таяниши, муайян даражада субъек- тивлашганлиги билан фарқ қилади. Бунда унинг таъсир доираси сиёсатлашган устқурма элементларининг фаолиятига боғлиқ бўлади. Масалан, экологик қарашларнинг тизимлашуви ижтимоий онгнинг махсус шаклини ташкил қилади, лекин бунда онгни мод- дийлаштириш давлатнинг унга тегишли сиёсатини тақозо этади. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳозирги экологик вазиятини давлат сиёсатидан мустақил тарзда ҳал қилиш мумкин эмас.

Экологик сиёсатни жамиятнинг умумий ривожланиш тарихи- дан ажратиб, муайян босқичлар доирасида чегаралаб қўйиш ёки мутлақлаштириш, унинг тадрижийлиги ва умумийлиги ғоясига пу- тур етказлади. Зеро, экологик сиёсат босқичлари маълум даврлар доирасида чегараланган хронологик вақт бирлигидан ташқари, мангикий изчил доимийликни ҳам ифодалайди. Шу нуқтаи назар- дан, экологик сиёсатни маълум тарихий макон ва замон хусусият- ларига кўра туркумлаштириш муайян илмий қимматга эга бўлса ҳам, масалани бир томонлама ёритишга олиб келади. Бизнинг назаримизда, экологик сиёсатни туркумлаштиришга хронологик вақт нуқтаи назаридан ёндошиш, унинг моҳиятини тўлиқ очиб бера ол- майди. Экологик сиёсатни ижтимоий барқарор тараққиётнинг на- моён бўлиш шакли сифатида:

а) йўналиши: ижтимоий, иктисодий, сиёсий ва маънавий фао- лият соҳаларини экологиялаштириш (тармоқлараро);

б) кўлами: ижтимоий - экологик муаммонинг макон хусусият- ларини қамраб олиши (маҳаллий, миаллий, минтақавий, оламшу- мул);

в) экологик сиёсат юригишнинг услуб ва воситаларидан фой- даланиш имкониятлари (техник, технологик, инвестиция);

г) экологик сиёсат вазифаларига (норматив-баҳолаш; бошқариш) қараб туркумлаштириш мумкин. Лекин бу мезонларнинг мажмуавий-тизимли тарзда қўлланилишигина, экологик барқарор тараққиётни таъминлаш сиёсатининг моҳияти, мазмунини нисбатан тўлиқ кўрсатади.

Экологик сиёсат босқичларини белгилашда, уни амалга ошириш услуб ва воситалари, жараёни ҳамда натижаларига, хусусан, оммавий тарзда экологик фаолликни таъминлаш вазифаларини қай даражада бажарганлигига қараб ажратиш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, экологик сиёсатнинг биринчи босқичи, табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари, мақсадларини стихияли, содда тарзда англашга асосланган бўлиб, экологик сиёсий фаолиятни утилитар манфаатларга асосан ташкил қилиш даври. Иккинчи босқичи, жамиятнинг шаклланган сиёсий ташкилоти, хусусан, унинг типидан, бошқариш шаклидан қатъий назар, давлатнинг келиб чиқиши ва табақаланган манфаатларни ифодалаши билан боғлиқ экологик сиёсат юритиш. Учинчи босқичи, давлат тизимининг умуминсоний экологик эҳтиёжлар, манфаатлар асосида демократиялашуви ва инсонпарварлашуви, ижтимоий муносабатларни экологиялаштиришни давлат сиёсатининг таркибий қисми сифатида амалга оширишдан иборат.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кейинги вақтларда тарихга танкидий қарашни мутлақлаштириш натижасида сиёсат соҳасида қўлга киритилган амалий муваффақиятлардан ноҳақ кўз юмиш ҳоллари учрайди. Ваҳоланки, тарихда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги йўл қўйилган камчиликлар ва маълум ютуқларни, (албатта, мутлақлаштирмасдан) ижодий умумлаштириш асосидагина, миллатнинг, давлатнинг экологик сиёсати ривожланиш истикболини белгилаш мумкин. Хусусан, Ўзбекистондаги мавжуд экологик вазиятда қизил империя мустабидчилик сиёсати чуқур из қолдирган бўлса ҳам ушбу даврда муайян сиёсий тадбирлар, амалий чоралар кўрилган. Лекин асосий камчилик давлат сиёсатининг ожизлиги, омманинг экологик инертлиги билан изоҳланади.

Экологик муаммоларнинг жаҳоншумул аҳамияти давлатлар ўртасидаги экологик сиёсий муносабатни босқичма-босқич, изчил амалга ошириш заруратини кун тартибига қўймоқда. Хусусан, мустақил давлатларнинг халқаро экологик сиёсий муносабатларида тарихий учта босқичнинг муқаррарлиги тобора аниқлашмоқда. Би-

ринчи босқич – ўзаро иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий муносабат имконияти чегараланганлиги *миллий эгоизм* ҳодисаси устуворлигидан экологик муаммоларни индивидуал тарзда ҳал қилишга уриниш характерли эканлигидан иборат. **Иккинчи босқич** – экологик муаммоларнинг глобал характери, ҳар бир мустақил мамлакат манфаатларигагина мос бўлган имкониятларни қидириш, мавжуд индивидуализм стереотиплардан воз кечиб, умумий йўл топишга интилишдан иборат. **Учинчи босқич** – оламшумул экологик муаммоларни ҳал қилиш учун мамлакатнинг иктисодий, техник, технологик, интеллектуал потенциал имкониятини англаган ҳолда интеграциялаштириш ва амалий ишга ўтишдан иборат. Бу вазифаларнинг самарали ҳал қилиниши давлат, миллат, ижтимоий жамоа ва шахс даражасида *ижтимоий-сиёсий экологик етуклик* ҳодисасига боғлиқ.

Экологик фаолият соҳасида *сиёсий экологик етуклик* мезонининг динамик характери ижтимоий институтлар ҳамда шахснинг табиатни муҳофаза қилиш фаоллиги ва масъулияти масалалари билан узвий алоқадор муаммодир. Шахснинг ижтимоий фаолиятдаги экологик-сиёсий мавқеи, унинг табиатни муҳофаза қилиш фаоллигида, масъулиятини англашида намоён бўлади. Шунинг учун инсоннинг ижтимоий фаоллигини баҳолашда, табиатни муҳофаза қилиш муносабатларида, қандай мақсадни ўз олдига қўйганлиги, қандай восита, услублардан фойдаланаётганлиги ва уларни қандай амалга ошираётганлигини аниқлаш зарур. Зеро, ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий ҳаётнинг экологиялашиш хусусиятлари *ижтимоий-сиёсий экологик етуклик*нинг ўзига хос мезон кўрсаткичларини тақозо қилади. Чунки юқорида кўрсатилган муносабатларнинг ҳар бирига хос бўлган сиёсий экологик етуклик ўз предмети доирасида субъектнинг экологик манфаати, эҳтиёжи, мақсадларида ифодаланган. Айрим ҳолларда, унинг ички зиддиятлари ҳар бирининг ҳаракатлантирувчи мотивларига, механизмларига айланиши мумкин.

Сиёсий экологик етуклик мезони турли ижтимоий онг шаклларини, табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари ва манфаатлари доирасида мужассамлаштиргани учун универсал аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, сиёсий экологик муносабат етуклиги сифат даражасини ижтимоий-экологик муносабатлар тизимидан мустақил тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу, масаланинг бир томони. Иккинчи

томондан, сиёсий экологик етуклик даража ва хусусиятлари, тарихий тараққиёт жараёнида, ўз характерини замон талаблари асосида, динамик тарзда ўзгартириб боради. У ўзини шахс эркинлиги ва мобиллиги муаммоси билан боғлиқлик мазмунини доимий ривожлантириб турган вазиятдагина барқарор тараққиёт умумий тенденциясини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан, сиёсий экологик етуклик муайян қолипга тушган ўзгармас *константа* эмас, балки шахс экологик *фаоллиги* ўзгаришига боғлиқ, мураккаб тарихий ҳодиса бўлиб, у стихияли, механистик тарзда шаклланмайди, аксинча, давлатнинг фаол ижтимоий-экологик сиёсати натижасида вужудга келади.

Экологик сиёсат давлатнинг ижтимоий бирликлар таълим-тарбияси, маънавий-мафкуравий ишларининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда ижтимоий экологик муносабатлар кўлами, характери ва фаоллик даражалари моддийлашган ҳолда экологик борлиқнинг мазмунини ташкил қилади. Демак, *«экологик борлиқ» тушунчаси соф биосфера мувозанати ҳолатидагина эмас, балки уни вужудга келтирадиган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар мажмуасини ҳам қамраб олади.* Бу маълум даражада, бизнинг махсус адабиётларимизда анъанавий тарзда шаклланган: «...ижтимоий фаолиятлар, муносабатлар ижтимоий борлиқ билан белгиланади», деган фикрга, ўзининг специфик қонуниятларига эга бўлганлигидан, жузъий тарздагина мос келади. Чунки экологик-ижтимоий муносабатлар ҳам, унинг сиёсий усткурма элементлари ҳам, жамиятнинг базис муносабатига қатъий боғлиқ эмас, аксинча, айрим ҳолларда, улар бошқа ижтимоий муносабатларга нисбатан базис ролини бажариши мумкин. Зеро, ҳозирги пайтда, иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатининг мазмуни жамият моддий эҳтиёжи учун кўпроқ неъматлар яратиш эмас, балки инсоннинг табиий яшаш шароитини оптималлаштиришдан, биосфера мувозанатини сақлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Келажакда, экологик вазият кескинлашиши билан бу тенденциянинг янада кучайиши кутилмоқда.

Биосфера мувозанати ва барқарор экологик тараққиёт қонунлари — табиатни муҳофаза қилиш фаолият характери ва йўналишини белгилайди. Шу билан бирга, экологик вазиятни барқарорлаштириш тенденцияси муаммолари ечимини топиш учун барча ижтимоий-сиёсий муносабатларни сафарбар қилишни тақозо қилмоқда. Бундан ташқари, экологик фаолият барқарорлиги, бево-

сита сиёсий усткурма муносабатларини, ташкилотларини ўзгартириш орқали, кишиларнинг ижтимоий борлигига таъсир кўрсатиши билан сиёсий аҳамият касб этади.

Умумлаштириб айтганда, экологик сиёсат соҳасида бири-бирига боғлиқ икки тенденция мавжуд, *биринчидан*, ижтимоий ҳаёт турли соҳалари ривожланиши ва экологиялашуви жараёнини нисбатан мустақиллашиб, автономлашиб бориши билан экологик барқарор тараққиётнинг сиёсий мазмуни конкретлашади, экологик сиёсатнинг ижтимоий ҳодиса сифатида дифференциаллашиш тенденцияси кучаймоқда. *Иккинчидан*, «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабати муштараклашуви билан турли соҳаларда барқарор экологик сиёсий тараққиётни амалга ошириш йўналишларида интеграциялашиш ҳодисаси намоён бўлмоқда. Бу жараён экологик сиёсатнинг ижтимоий муносабатларни мажмуавийлаштирувчи ва тизимлаштирувчи ўзагини ташкил қилмоқда.

Диний дунёқарашнинг экологик барқарор тараққиётни таъминлашдаги ўрни

Инсоннинг экологик фаолиятини бошқариш жараёнида ижтимоий онг шаклларининг тизимли-тузилмавий мужассамлашуви, муштараклашувига қарамасдан, ҳар бири ўзига хос, нисбатан мустақил экологик функцияни бажаради. Шу жумладан, дин ижтимоий онгнинг махсус шакли сифатида, «табиат – жамият – инсон» муносабатини мувофиқлаштириш воситаси бўлиб келган, инсоннинг табиатни ўзгартириши бутун инсоният тарихига оид бўлиб, унинг экологик салбий оқибатларини ҳамма вақт эслатиб турган. Ҳатто, ўзининг содда моддий базасига қарамасдан, ибтидоий жамоа даври ҳам бундан мустасно эмас»¹.

Ибтидоий жамоа даврида кишиларнинг яшаш шароитлари бевосита боғлиқ бўлган табиий муҳитни муҳофаза қилиш эҳтиёжларига, манфаатларига мос диний-ахлоқий нормалар вужудга келган. Бу нормалар кишиларнинг кундалик ҳаёт фаолиятларида уларнинг экологик муносабатларини регуляция қилувчи қонун функциясини бажарган.

Диннинг қадимги шаклларидаги яхшилик ва ёмонлик, эзулик ва ёвузлик ўртасидаги муносабат предмети инсоннинг бевосита та-

¹ Кабо В.Р. Первобытное общество и природа. М.: Наука, 1981. С.149.

биятга экологик муносабатига бориб тақалади. Масалан, эрамизгача 2-1 минг йилликларда Марказий Осиёда вужудга келган зороастризмнинг афсонавий пайғамбари Заратуштра таълимотида дуализмнинг экологик мазмуни кўзга ташланиб, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик фақат инсонга нисбатан эмас, балки инсонни ўраб турган табиатга нисбатан ҳам олиб қаралади.

Қадимги диний эътиқодларда моддий олам негизида тўрт унсурнинг қўйилиши ва уларнинг илоҳийлаштирилиши асосида атеистлар таъкидлаганидек, шу унсурларнинг ғайри-табиий кучларга эътиқоди эмас, балки уларни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари, мақсад ва интилишлари ҳам ётади. Шунинг учун *тўрт унсур* гоёсини атеизм нуктаи назаридан баҳолаш, унинг умуминсоний-ахлоқий, хусусан, экологик мазмунига эътиборга олмасликдан келиб чиққан. Моддий оламнинг конкрет компонентларини илоҳийлаштириш инсоннинг ижтимоий-табиий яшаш шароити билан боғлиқ бўлиб, унинг кундалик диний аъёнаси, урф-одатида мустаҳкамланган. Масалан, иудаизм диний эътиқодида яҳудийларнинг махсус ҳовузларда ёмғир ёки булок сувига ювинишлари санитария-гигиена талабларидан ташқари, ибодатнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Чунки яҳудийларнинг ҳаёт фаолиятлари дехқончилик билан боғлиқ бўлиб, кузги ёмғирлар уларнинг тақдирини ҳал қилганлиги учун қадимги иудаизмда сувни илоҳийлаштириш асосий элемент ҳисобланган.

Диннинг қадимги шаклларида инсоннинг табиатга экологик муносабати ўз моҳиятини стихияли содда тарзда изоҳлаш намунасидир. Масалан, тотемизмда табиатдаги барча мавжудликнинг ўзаро қон-қардошлик алоқадорлигини эътироф этиш унга инсонпарварлик муносабати характерини белгилаб турган. Фетишизмда табиат сирли кучларнинг инсон устидан ҳукмронлигини мутолқлаштириш, илоҳийлаштириш, унга фақатгина кўрканидан ёки ожизлигидан эътиқод қилишни эмас, балки ҳаётни давом эттириш заруратини ҳам таъкидлаб турган. Кейинчалик, анимизм ва аниматизм динларида табиатни жонли, руҳга эга мавжудлик деб тушуниш, шунга ҳос бўлган экологик муносабатлар шаклларини вужудга келтирган. Йирик этнограф, тарихчи олим В.Р.Кабо Австралия ва Тасмания аборигенларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тарихий жиҳатдан ўрганиб, диннинг бу

шакллари алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайди¹. Р.Ф.Итс эса, «Тайванлик тоғликлар ижтимоий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг архаик шакллари» номли китобида кишиларнинг овчилик фаолиятларида табиатни муҳофаза қилишни диний-мистик нормалар ёрдамида чегаралаш хусусиятларини чуқур таҳлил қилиб, уларнинг ахлоқий тамойиллари, гуманистик моҳиятини кўрсатиб берган эди².

Диннинг ибтидоий шакли инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни регуляция қилиш воситаси сифатида ўз даври учун нисбатан мукаммал экологик амалий урф-одат, диний мифологик онг, ахлоқий нормалар тизимини вужудга келтирган. Кейинчалик, айнан шу элементлар ривожланиб ва сиёсий усткурма билан органик тарзда уйғунлашиб, улар экологик фаолият доирасидаги функционал яхлитликни ташкил қилганини кўрамыз.

Экологик вазиятнинг кескинлашиб кетиши билан диннинг барқарор экологик тараққиётни таъминлашга бўлган муносабати тубдан ўзгарди, яъни дин арбоблари, эндиликда экологик вазиятни соғломлаштиришни диний фаолият марказига қўймоқдалар. 1977 йили «Дин арбоблари: мустақкам тинчлик, қуролсизланиш ва халқлар ўртасида адолатли муносабат» анжумани катнашчилари, сайёрамизда экологик хавф ошиб кетишидан ташвишланиб, дунё халқларига Мурожаат қабул қилган ва ҳамма диндорларни, халқларни табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилишга чақирган эдилар.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммосининг умумбашарий характери турли халқларнинг миллати, ирки, сиёсий мавқеи, диний эътиқодидан қатъий назар бирлашишини, умумий мақсад учун яқдил курашишни тақозо қилмоқда. Шунинг учун экологик барқарор тараққиёт талаблари доирасида ғоявий курашларни, хусусан, теологик ёки атеистик йўналиш афзалликларини, устуворлигини исботлашга уриниш умумий манфаатларга зид келиб, бу йўналишини ғоявий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши қўйиш, сунъий тарзда мафқуралаштириш умуминсоний манфаатларга хилофдир.

Қуръон таълимотига кўра, Худо гўзаллик яратувчидир ва шу гўзалликка бўлган муносабат унинг гармонияси, уйғунлигини

¹Қаранг: Кабо В.Р. Первобытное общество и природа. М.: Наука, 1981. С. 155.

²Қаранг: Итс Р.Ф. Архаические формы социально-производственных объединений Тайванских горцев / Охотники, собиратели, рыболовы. Л.: Наука, 1972. С.139-141.

сақлаш – Худога бўлган эътиқод мазмунини ташкил қилади. Коинотни Худо инсон учун яратган, шунинг учун У томондан яратилган гўзалликни муҳофаза қилиш – Худога бўлган эътиқодни ифодалайди. Диннинг ижтимоий институтлари, урф-одатлари, ақидалари табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини рағбатлантириши ёки анти-экологик хатти-харакатларни тақиқлаши экологик фаолият орқали, Худони англашдан иборат эътиқод нормалари, тамойилларини вужудга келтирган. Диннинг экологик фаолиятни бошқариш ва назорат қилиш функциялари ҳозирча, теологлар томонидан ҳам батафсил ўрганилган эмас.

Дунёнинг кўпгина теологлари асарларида *эко-теологияни* мустақил диний таълимот сифатида вужудга келтириш билан диннинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлашдан ташқари, умуминсоний, умумбашарий муаммоларни ҳал қилишдаги ролини мутлақлаштириш тенденцияси кўзга ташланади. Зеро, ҳозирги даврдаги экологик муаммоларга диний жамоатчилик диққат-эътиборини жалб қилишдан мақсад, экологик муаммоларни ҳал қилишда дин ролини мутлақлаштириш орқали унинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлашдир. Дарҳақиқат, кейинги пайтда, диннинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётдан секуляризациялашиш жараёни, маълум даражада унинг ролига салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни бошқаришдаги ижтимоий онг шакллари мажмуавийлигига путур етказди. Бу масалада, фалсафий адабиётларда бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд.

Тарихий тажрибалар хулосалари ҳозирги вақтда, десекуляризация ҳодисаси вужудга келаётганини кўрсатиб турибди. Айниқса, экология соҳасидаги муаммолар ижтимоий онг шаклларини муштараклаштириш, мужассамлаштириш эҳтиёжлари десекуляризация ҳодисасини энвайронментализм йўналишида намоён қилмоқда. Энвайронментализм ғоялари иқтисодий, сиёсий, маънавий йўналишларидан ташқари, теология соҳасида ҳам кенг тарқалмоқда. Бу йўналишнинг ғоявий асосчилари – Сидней университети профессори Ч.Бирч, америкалик эколог-иқтисодчи Г.Дали жаҳон экуменистларининг 1979 йил АҚШда бўлиб ўтган: «Эътиқод, фан ва келажак» анжуманида «табиат теологияси»ни вужудга келтириш назариясини илгари суриб, диннинг ғоявий ва амалий жиҳатларини экологик фаолият билан боғлаш заруратини

асослашга ҳаракат қилган эдилар. Бу қарашлар, ўз мазмунига кўра, анъанавий теологияга нисбатан *экологик пантеизм* характери билан ажралиб туради.

Экологик пантеизм инсоннинг табиатга муносабатида нисбатан янги йўналиш бўлиб, табиатга инсонпарварлик муносабатини шакллантириш орқали, Худо гоёсига ва табиатга эътиқодни ривожлантиришга бўлган ҳаракатларнинг муқобид йўналишлари сифатида қаралмоғи керак. Бу таълимотга кўра, Худони табиатдан ажратиш эмас, балки у билан бирлигини англаш орқали «олий ҳақиқатга» эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, фан ва дин ўртасидаги сунъий секуляризация ҳодисасининг салбий оқибатларини бартараф қилишга ҳаракат қилади.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда умуминсоний манфаатларнинг экологик муаммолар «чорраҳаларида» кесишиш нуқтаси, нафақат фан ва дин, балки сиёсат, маънавият, мафкура соҳаларининг ҳам муштараклашувини тақозо қилмоқда. Бу жараёни оқилона ташкил қилиш муайян манфаатлар доирасида чегараланиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда, айрим дунёқарашларнинг мафкура фронтида устуворлигини сақлаб қолишга уриниш, ўжарлик билан ўз мавқеини сунъий равишда партиявийлаштириш, синфийлаштириш қандай оқибатларга олиб келганлигини тарихий тажрибалар кўрсатиб берди. Албатта, биз экология соҳасида ҳам мафкураларни бир андоза билан белгилаш, уларнинг қарашларидаги фарқларни метафизик-механистик равишда бартараф қилиш фикридан йироқмиз. Чунки фикрлар муқобиллиги умумий манфаатлар, мақсадлар бирлигидагина, ҳақиқатга эришишнинг турли йўллари кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, масалани ҳаддан ташқари соддалаштириш, экологик манфаатлар доирасида ижтимоий онг шакъларини субъектив тарзда мутлақлаштириш, примитивизм, принципсизлик экологик барқарор тараккиётга салбий таъсир ўтказади.

Ҳозирги фан ва дин ривожланишидаги умумий томонларни топишга уринишни диннинг мавжудлик ҳолатини сақлаб қолиш учун модернизациялашиш ҳодисаси сифатида эмас, балки унинг ижтимоий-тарихий ривожланиши умумий қонунияти тарзида қаралиши керак. Л.Уайт, Г.Т.Одумте ва бошқа Ғарб олимлари динни экологик онг таркибий қисмига айлантириш учун унинг экологиялашиш тенденциясини кучайтиришни ёқлаб чиқадилар. Хусусан, диннинг амалий томонларини экологик фаолиятга

йўналтиришга, диннинг қадимги шаклларидаги табиат ҳодисаларига эътиқод қилишдан иборат анъаналарни тиклашга ҳаракат қиладилар. Зеро, юқорида айтганимиздек, қадимги дин шакллари ва мифологиясида табиат ҳодисаларига сизгиниш, унга зарар етказадиган ҳаракатларни тақиқлаш – биосфера мувозанатини сақлаш эҳтиёжларидан келиб чиққан ва уларнинг табиий-тарихий яшаш шарт-шароитлари экологик муносабатлар характерини белгилаб турган.

Илмий муомалага *экология* тушунчасини киритган (1867) Э.Геккель христиан динини пантеизм билан алмаштириш назариясини илгари сурган эди. Бу назария ўз вақтида теологлар томонидан қаттиқ қаршиликка учрашига қарамасдан, эволюцион ривожланиш назариясини дин билан боғлашга, фан ва динни келиштиришга, ҳар иккала томонни модернизациялаштиришга уриниши билан тамойиллий аҳамият касб этади. Кейинчалик, Пьер Тейер де Шарден томонидан бу назария экология соҳасида янада конкретлаштирилди.

Махсус теозология адабиётларида табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини динга эътиқод, Худо ғоясига садоқат билан ҳал қилиш мумкин, деган фикр устувор бўлиб, уни жамиятнинг диндорлик коэффициентини белгилайдиган ҳодиса, деб талқин қилинади. Ваҳоланки, аксинча, экологик вазиятнинг кескинлашиб кетиши, Худо ғоясига скептик муносабатни, ҳатто, атеистик йўналишни ҳам вужудга келтирмоқда.

Диний эътиқод ва илмий билишнинг экологик муаммоларга муносабатида фидеизм нуктаи назаридан экологик вазифаларни фақат дин ёрдамида ҳал қилиш мумкин. Бунда бир-бири билан боғлиқ икки тенденция намоён бўлади. Биринчиси, динни экологиялаштириш, иккинчиси, экологияни динлаштириш. Юзаки қараганда бу қарашларда принципиал фарқ бўлмаса ҳам, уларнинг функционал фаолиятлари, пировард натижада, ўз олдига қўйган асосий мақсадларида фарқ мавжуд.

Диннинг табиатга, барқарор экологик тараққиётга муносабатини:

- а) ортодоксал-догматик;
- б) консерватив-толерант;
- в) рационал-сўфизм йўналишларига ажратиш методологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ.

Ортодоксал-догматик қарашлар кишининг кундалик ҳаётидаги умуминсоний, диний нормаларга зид бўлган салбий ҳодисаларни (аксарият ҳолда, теологик саводсизлиги натижасида, диннинг туб ижтимоий-сиёсий, мафқурий аҳамиятини билмаганликларидан) диний эътиқодга бевосита алоқаси бўлмаган, ҳатто, унга зид ҳодисаларни зўрлаб, сунъий равишда ёпиштирадилар ёки анти-экологик хатги-ҳаракатларини дин ёрдамида оклашга ҳаракат қиладилар.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёт доимий ривожланиб борганлигидан, ижтимоий муносабатлар тизими ва уларнинг характери доимий ўзгариб туради. Шунга мос равишда, диннинг узлуксиз реформациялашиб, модернизациялашиб бориши баъзан перспектив манфаатларга зид келиб қолади. Бундай ҳолда айрим диний арбоблар, диндорлар ижтимоий-сиёсий муносабатларни илохий «лимитловчи омил» ёрдамида чегаралашга, диннинг ролини мутлақлаштиришга ҳаракат қиладилар. Агар бу ҳодиса чуқурлашиб, зиддиятлар кескинлашиб кетса, диний фундаментализмга имконият яратилади.

Рационал-сўфизм ислом дини вужудга келган даврданок, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий муносабатлар тизимини оқилона ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилишни такомиллаштириб борган. Зеро, исломнинг жаҳон динларидан бирига айланиши, унинг айнан шу вазифани бажариши билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи мажлисида сўзлаган маърузасида: «Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват, ўз навбатида, одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳр-оқибатини оширган», — деб ислом тариқатининг буюк намоёндалари Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро ғояларига юқори баҳо берган¹.

¹Ислам Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 40-41-бет.

Диннинг «табиат – жамият – инсон» муносабатларини бошқаришдаги ахлокий, ҳуқуқий, сиёсий мазмунини ташкил қилувчи умуминсоний қадриятлари давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланмоқда. Бу жараёнда экологик-ижтимоий муносабатлардаги турли ижтимоий онг шакллариининг «функционал субординацияси» мутлақо нисбий характерга эга бўлиб, уларнинг ички бирлигини тақозо қилади. Шу билан бирга, миллий ривожланиш концепциясида муайян ижтимоий онг шакллариининг ҳукмрон, доминант мавқеидан воз кечиш керак. Чунки бирор ижтимоий онг шаклининг устувор ривожланиши, уларнинг ички функционал боғланишларига путур етказиши мумкин. Хусусан, экологик муносабатларда диннинг регулятив функциясини мутлақлаштириш, бошқа ижтимоий онг шакли аҳамиятини диққатдан четда қолдириш орқали диний фундаментализмни пайдо бўлишига қулай имконият яратиши мумкин. Шу боис, жамиятнинг умуммиллий маънавиятини ривожлантириш мақсадида ижтимоий онг шакли фаолиятини умуминсоний манфаатлар, эҳтиёжлар доирасида қонун билан белгилаб қўйилиши уларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларини вужудга келтириб, мафкураининг *монополиялаштириш* ходисасини бартараф этади.

Кейинги пайтда жамиятнинг демократиялашуви, экологик таълим-тарбияга мажмуавий-тизимли ёндошиш зарурати, бу вазифа счимини топишда диннинг аҳамиятини ўрганишни куз тартибига қўймоқда.

Маълумки, жамиятнинг умумий инкирозлари кескинлашган даврда объектив ва субъектив сабабларга кўра, диннинг кучайиши кузатилади. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги вақтда диннинг маълум маънода тарихий қадрият шакли сифатида ўз ролини кучайтириб боришини, фақатгина экологик вазиятнинг кескинлашиб кетиши билан боғлаб қўйиш нотўғри бўлар эди. Зеро, экологик вазиятнинг кескинлашиб кетиши, бошқа соҳалардаги инкирозларнинг бевосита сабаби бўлмасдан, бир вақтнинг ўзида, уларнинг оқибати ҳамдир.

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришиб, иқтисодий, сиёсий, маънавий ўз-ўзини англаши жараёнида, миллий қадриятлар таркибий қисми бўлган ислом дини реформацияси кўзга ташланмоқда. Зеро, ислом динининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ходисаларга нисбатан десекуляризация жараёни, реформацияси ва модернизациясининг тарихий зарурати ижтимо-

ий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаётни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорати муштарак-мужассам вазифаларидан келиб чиқади. Айниқса, миллий-маънавий кадриятларнинг диний эътиқод билан узвий боғлиқлиги уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги доминантлик мавқеи, айнан шу соҳада, маънавий-маърифий ишларни кучайтиришни тақозо қилмоқда.

Шўролар мустабид тузуми давридаги ҳукмрон коммунистик мафқуранинг бошқа ижтимоий онг шакллариغا нисбатан сиёсий диктатураси, муқаррар равишда, бошқа муқобил йўналишлар фаолият доирасини чегаралашга, ҳатто, уни тақиқлашга олиб келган эди. Ваҳоланки, тарихий тажрибалар асрлар давомида шакланган ва ривожланган ижтимоий онг шакллари мажмуаси ўзаро муносабатларини, функционал боғланишларини субъектив-волонтаристик тарзда бузишнинг салбий оқибатларини яққол кўрсатди. Бугунги кунда ижтимоий-тарихий тараққиёт объектив қонуниятлари жамиятнинг мавжудлик ҳолларини, ривожланиш тенденциясини белгилайдиган ҳар қандай ижтимоий онг шаклининг умуминсоний мазмунини бойитиш, жамиятда ўз ўрнини тониш вазифаларини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Шу жумладан, «табиат – жамият – инсон» муносабатлари тизимини регуляция қилишнинг усул ва воситаси бўлган ижтимоий онг шакллари потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарурати ва имкониятини вужудга келтирди. Дарҳақиқат, жаҳон миқёсидаги умумий тараққиёт, одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири давлатлар, халқлар ўртасида ўзаро бирлашишга интилишни кучайтирмоқда. Айни вақтда, миллий хусусиятлар ва анъаналарни, сиёсий ва маънавий меросни сақлаб қолиш тамойиллари ҳам яққол сезилмоқда.

Экологик барқарорликни таъминлашнинг педагогик-дидактик усуллари

Экологик вазиятнинг кескинлашуви, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги барқарорлик масалаларини кенгроқ миқёсда кун тартибига қўймоқда. Шунинг учун ҳам шахс экологик сифатининг муҳим кўрсаткичи – экологик барқарор тараққиёт омилларини ўрганишга интилишнинг кучайиши тасодиқий эмас.

Жамият тараққийетининг турли босқичларида инсон экологик сифатларини белгилайдиган ижтимоий муносабатни тарбиялаш усуллари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Шу боис, бошқа ижтимоий тарбия соҳалари ўз йўналишлари, воситаларини экологик эҳтиёж ва манфаатларга ҳамиша унга мослаштириб турган. Шубҳасиз, ҳар қандай жамиятда ахлоқий, ҳуқуқий, диний, сиёсий тарбия мажмуалари ўзига хос аҳамиятга эга. Лекин ер қуррасидаги экологик вазиятнинг ҳалокат ёқасига келиб қолиши билан инсон сифатларининг экологик хусусиятларини тарбиялаш муаммолари ижтимоий муносабатнинг экологийлашмиш тенденциясини, таълим-тарбиянинг янги вазифаларини белгилаб бермоқда.

Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, маънавий-сиёсий ривожланиш эҳтиёжлари табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш зарурати таълим-тарбия мажмуасини илмий ташкил қилишнинг асосий вазифалари, йўналишларини белгилаб берди. Ҳозирги даврга келиб, меҳнатқашларнинг экологик назарий ва амалий фаоллиги, масъулиятини ривожлантириш умумдавлат сиёсатининг таркибий қисмига айланмоқда. Бу вазифани ҳал қилиш самарадорлиги турли тарбия соҳаларининг ўзаро боғланиш ва ривожланиш диалектикасидаги муҳим тамойилларни тушуниш заминида ижтимоий, иктисодий, маънавий тарбия йўналишларини экологийлаштириш асосидагина амалга оширилиши мумкин.

Шаҳс экологик сифатини тарбиялаш усулининг ривожланиш даражаси биосфера мувозанати ҳақидаги назарий билимларни табиатни муҳофаза қилиш вазифаси билан боғланишда намоён бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, ҳатто табиат муҳофазасига доир етарли билим даражасига эга бўлган шахснинг экологик сифатини ҳам осонликча шакллантириб бўлмайди. Бунинг учун экологик билимлар мажмуаси жамиятнинг экологик манфаатлари билан боғланиб, унинг ҳаётий эҳтиёжларига айлансагина, у қутилган натижаларни бериши мумкин. Айтайлик, инсон табиатни муҳофаза қилиш заруратини англайди, лекин ўзининг кундалик фаолиятида бунга амал қилмаслиги, лоқайдлигининг сабаби экологик билимининг эътиқодга, ахлоқий нормага айланмаганлигига бориб тақалади.

Экологик барқарор тараққийетнинг ривожланишида таълим-тарбиянинг ўзаро боғлиқ бўлган икки вазифасини бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқ. **Биринчиси**, табиатни муҳофаза

қилишнинг маънавий-тарихий кадриятлари асосида илмий экологик тафаккурни, дунёқарашни шакллантириш. **Иккинчиси**, экологик барқарор тараққиёт ғоясини ижтимоий ҳаётга тадбиқ қилишнинг амалий имкониятлари, услуб ҳамда воситаларини такомиллаштиришдан иборат. Бу икки йўналишнинг яхлит манфаатлар асосида уйғунлашуви, пировард натижада, табиатга экологик фаол муносабатнинг вужудга келишида катта рол ўйнайди.

Экологик барқарор тараққиёт жараёнидаги мураккаблик шундаки, табиий муҳитга бўлган меркантилча, утилитар муносабат излари кишилар онгида кундалик онг даражасининг амалий кўникмалари, анъаналари, урф-одатлари тарзида чуқур сақланиб қолган. Шунинг учун экологик фаолликни шакллантириш муаммосини соф маърифатпарварлик ёки маъмуриятчилик йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Аксинча, экологик барқарор тараққиётни шакллантиришга маъмурий-бўйрукбозлик, маҳкамачилик билан боғлиқ тор доирадаги манфаатлар нуқтаи-назаридан ёндошиш, унинг ривожланишига тўсиқ сифатида қаралмоғи керак.

Экологик барқарор тараққиёт ўз-ўзидан, стихияли, автоматик тарзда содир бўладиган ижтимоий ҳодиса эмас, балки турли даражадаги таълим-тарбия муассасаларининг мақсадга мувофиқ фаолиятини тақозо қилади. Бунда, объектив шарт-шароитлар экологик барқарор тараққиётга имконият яратса, субъектив омиллар уларни воқеликка айлантиради. Бу муаммонинг муваффақиятли ҳал эгилиши иқтисодий ёки маъмурий тадбирларни мавсумчилик байроғи остида ўтказилиши билан эмас, балки кенг халқ оммасининг тарихий экологик меросидаги ворислик муносабатларини сақлаб, уларни узлуксиз ҳолда, доимий ривожлантириб бориладиган маърифий, сиёсий вазифадир. Хусусан, маърифат, сиёсат, ҳуқуқ, фан, ахлоқ, санъат ва бошқа шунга ўхшаш соҳаларни экологиялаштириш орқали кишилар экологик масъулиятини шакллантиришидан иборат мураккаб жараёндир.

Бу талаблардан келиб чиққан ҳолда, экологик масъулиятни тарбиялашда, ўзаро боғлиқ бўлган икки тенденция кўзга ташланади:

а) объектив экологик муносабатларни билиш – тегишли фаолият воситаси ҳамда натижаси сифатида мавжуд;

б) амалий экологик муносабатни ташкил қилиш ва бошқариш мазкур фаолиятнинг бевосита жараёнини намоён қилади.

Дарҳақиқат, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаоллик – моддий-маънавий фаолият бўлиб, табиатни ўзлаштириш максадлари йўлидаги экологик талаблар асосида уни ўзгартиришдир. Фаол экологик мавқенинг шаклланишида шу йўналишдаги таълим-тарбия даражаларининг ўзаро бирлиги жуда катта аҳамиятга эга.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги таълим-тарбияни босқичма-босқич, узлуксиз ташкил қилишда оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, ўқув юртлари, меҳнат жамоалари тизими таяниш нисбатан кенг тарқалган. Бу схеманинг тарихий ва мантикий тамойилларига асосланиб, таълим-тарбия узлуксизлигини таъминлашга шубҳа йўқ. Бироқ бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб экологик муаммолар барча бўғинида бу ишни оммавий тарзда кучайтиришни тақазо қилмоқда. Айниқса, табиатни муҳофаза қилиш ишлари самарадорлигини ошириш учун хўжалик раҳбарлари онгида чуқур ўрнашиб қолган локайдлик, *ўзибўларчилиқ* кайфиятини бартараф қилиш асосий вазифа бўлиб, катта аҳамиятга эга. Зеро, бугун раҳбар ва мутахассислар экологик фаолиги ва масъулиятини барча (маъмурий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, тарбиявий) воситалар билан ошириш эртагаёқ ўз самарасини бериши мумкин. Бу жараёнда экологик тарбия табиатга нисбатан назарий қарашни шакллантиришдан иборат бўлиши билан бирга «этикод шаклланишини ва амалий тайёргарликни ҳам назарда тутати»¹. Зеро, экологик таълим-тарбиянинг энг асосий вазифаларидан бири – кундалик ҳаётий фаолиятда табиат ва жамият ўртасидаги зиддиятни назарий асослаш, амалий ечимини мустақил топиш йўналишларидан иборат.

Экологик амалий фаолият кўникмаларининг шаклланиши ва табиатни муҳофаза қилишнинг ҳаёт мазмунига айланиб бориши, ижтимоий-тарихий жараённинг муҳим хусусиятини ташкил қилади. Бу жараёнда ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий қарашлар этикодга, масъулиятга айланиб, амалий экологик фаолиятда намоён бўлсагина, таълим-тарбия воситалари самарадорлигини кўрсатувчи мезонга айланади. Чунки ижтимоий бирликларнинг экологик тарбия вазифаси – табиат ва жамият муносабатининг нисбатан тургун, идеал шаклини вужудга келтиришдир.

¹Хошимова И. Диалектика глобального, регионального и локального в экологии. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. докт. филос. наук. Ташкент, 1992. С.36.

Аксарият педагогик-дидактик тажрибаларда экологик тарбия жўнлаштирилиб, табиатни асраб-авайлашга қаратилган. Бундай тарбия жараёни ўзига хос аҳамиятга эга бўлса ҳам нисбатан қуйи босқич ҳисобланади. Юқорироқ, иккинчи босқич – ёшларда «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатларининг объектив қонуниятларини англаган ҳолда, табиат муҳофазаси фаолиятини рационал-конструктив ташкил қилиш ва бошқаришнинг амалий кўникмаларини шакллантиришни ифодалайди.

Экологик таълим-тарбия жараёнида табиатни муҳофаза қилиш фаоллиги ва масъулиятини шакллантиришнинг мафкуравий хусусиятларига, тарихий воқеаларга ворислик масалаларига алоҳида диққат-эътиборни қаратиш керак. Зеро, экологиялашган мафкура экологик онгнинг умуминсоний кадриятларини мужассамлаштирган шакли бўлиб, экологик фаолиятга илмийлик, ғоявийлик, гуманистик мазмун бахш этади. Бундан ташқари, табиат муҳофазасига масъулиятсизларча, тўраларча муносабатларга қарши муросасиз курашни экологик дунёқарашдаги идеал концепциясининг сиёсий моҳиятини ифодалайди. Экологик идеалнинг реаллашуви жараёнида стихияли, оддий кундалик онг элементи ҳамда ғоявий даражасининг ўзаро муносабатлари ривожланиб боради, ҳиссий ва ақлий библининг диалектик бирлиги вужудга келади.

Экологик барқарор тараққиёт заруратини англашда ҳиссий-руҳий ҳолат муҳим рол ўйнайди. Экологик фаолиятга муносабатни ижобий-салбий, оптимистик-пессимистик ва бошқа бир-бирига қарама-қарши йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда бевосита экологик фаолиятнинг ижобий ёки салбий томонлари тушунилмасдан, балки унга бўлган муносабатнинг ижобий-салбий, оптимистик-пессимистик томонлари тушунилиши керак. Чунки моҳиятга кўра, экологик фаолият ўз антиподига эга бўлмаган ижтимоий ҳодисадир. Унинг аниқ мезонини ишлаб чиқиш, методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ёки бу томоннинг мутлақлашуви ички тузилмасидаги зиддиятни кучайтириб, объектив мазмунига зид келиши мумкин. Шунинг учун экологик масъулиятнинг муҳим элементи сифатида ҳиссий-руҳий ҳолат, кайфият тарбияси мақсадга мувофиқ йўналтириш зарур. Чунки конкрет экологик вазиятдан ажратилиб мутлақлаштирилган ҳиссий объект вояликни тўлиқ акс эттирмайди.

Турли ижтимоий онг шакли экологик барқарор тараққиётга

муносабатни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиялари, предмети дон-расини, конкрет воситаларини белгилаб беради. Умумий таълим-тарбия мажмуаси шу йўналишнинг мувофиқлашувини экологик идеал манфаатларга бўйсундиришга қаратилган. Экологик таълим-тарбиянинг мужассам ва муштарак характери экологик дунёқарашнинг ижтимоий онг шакли сифатида тугган ўрнини, вазифаларини куйидаги ҳолларда назарий жиҳатдан таҳлил қилишни тақозо қилади. Ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, педагогик, психологик, тарихий, фалсафий йўналишларда экологик таълим-тарбия олиб боришнинг умумий педагогик-дидактик таъминларини аниқлашдан иборат.

Таълим-тарбия соҳасидаги тузилмавий ўзгаришлар, бажарилаётган амалий ишларнинг амалий тажрибалари экологик таълим-тарбия жараёнини муқобил, лекин марказлашган ҳолда ташкил қилиш имкониятларини, заруратини вужудга келтирди. Шуни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш» тўғрисидаги Қонунда барча турдаги таълим муассасаларида экология дарсларининг ўқитилиши мажбурийлигига амал қилиш зарурати қатъий кўрсатилиб ўтилган¹.

Экологик таълим-тарбия мақсади – табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги назарий билимлар асосини ўргатишга, ҳозирги замон экологик сиёсати мазмуни, моҳияти билан таништиришга қаратилган бўлиб, меҳнатқашларнинг шу соҳадаги амалий кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қилади. Шунингдек, шахснинг ҳўжалик юритишда экологик таъминларга, нормаларга мос бўлган ташкилотчилик қобилияти, эҳтиёжи, манфаати, масъулияти ва тафаккур услубларини шакллантириш вазифасини ҳам бажаради. Экологик таълим-тарбия жараёнида шахснинг табиий бойликни муҳофаза қилиш интизоми, уйдабуронлик ва ишчанлик хусусиятлари шаклланади.

Ҳозирги кунда бунга ғоят катта эҳтиёж бўлишига қарамасдан, меҳнатқашларга умумлашган экологик билим берадиган махсус дастур йўқ. Бундай билимлар мажмуаси – таълим-тарбия муассасаларида табиатшунослик, техник, ижтимоий ва гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида фрагментар тарзда, қисман пайдо бўлмоқда. Экологик масъулиятни шакллантириш ва ривожлантириш муаммо-

¹Қаранг: Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 4-модда // Қишлоқ ҳақиқати, 1993, 4 февраль.

сини муваффақиятли ҳал этиш учун таълим-тарбиянинг барча йўналишларини уйғунлаштирган ҳолда унинг умумий назарий концепциясини яратиш ва шу тизимни босқичма-босқич, узлуксиз амалга ошириш талаб қилинади.

Экологик таълим-тарбия илмий концепциясини яратиш мураккаб педагогик муаммо бўлиб, у ўз ичига бунга оид умуминсоний ижобий нормаларни, «табиат – жамият – инсон» мажмуасидаги иқтисодий, сиёсий, маъмурий ва техник-технологик муносабатларнинг ижтимоий таълим-тарбия масалаларини қамраб олади. Бунда, билимларнинг экологиялашуви табиий, техник ва ижтимоий фанлар тузилмасининг табиатни муҳофаза қилиш манфаатлари асосида уйғунлашиш жараёни бўлиб, универсал аҳамият касб этади. Умумлашган тарзда олганда, экологик таълим-тарбия гоъвий, ахлоқий, сиёсий, эстетик, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларни боғловчи муҳим механизм ҳисобланади. Нисбатан мустақил бўлган турли таълим-тарбия соҳалари, шахснинг муайян ижобий хусусиятини ривожлантириш жараёнида бевосита унинг экологик сифатини шакллантиришга қаратилган мақсадлар билан боғланиб кетган.

Кейинги вақтларда экологик таълим-тарбия вазифаси шахс экологик фаоллигини шакллантиришнинг зарурий шарти сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Бу масала ЮНЕСКО ва БМТнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш дастурида инсон ва табиат муносабатини уйғунлаштиришнинг асосий воситаси сифатида қаралмоқда. Лекин аксарият адабиётда экологик фаоллик ва масъулиятни шакллантиришнинг таълим-тарбия воситалари фақатгина тор педагогик вазифа сифатида изоҳланади. Ваҳоланки, ҳозирги экологик вазият муаммолари масалага кенгроқ, ижтимоий-фалсафий мазмунда ёндошишни талаб қилмоқда. Таълим-тарбия жараёнини экологиялаштириш вазифалари таълим мажмуасини инсонийлаштириш, инсон ва табиат муносабатларини уйғунлаштириш манфаатларидан иборат бўлмоғи лозим.

Экологик барқарор тараққиёт манфаатидан келиб чиққан таълим-тарбия мажмуаси бошқа соҳаларнинг шу вазифаларини мужассамлаштирувчи, муштараклаштирувчи бош йўналишга айланмоқда. Экологик фаоллият самарадорлигининг зарурий шарти – экологик таълим-тарбия тамойилларини аниқлаб олиш билан боғлиқдир:

1) экологик борлиқнинг объектив ривожланиш қонуниятларини

илмий билиш асосида унга инсон манфаатларини бўйсундириш;

2) табиатни муҳофаза қилиш амалиётини конкрет экологик вазият билан боғлаб, омма фаоллиги ва масъулиятини ошириш услублари ҳамда воситалари бирлигини таъминлаш;

3) аҳоли назарий билимлари ва амалий кўникмаларининг тарихий меросига ворислик муносабатларидан унумли, ўз жойида фойдаланиш;

4) сабр-тоқат билан кишилар онгидаги, ҳаёт тарзидаги анти-экологик тасаввурларни, хатти-ҳаракатларни бартараф этиш;

5) кишининг экологик эҳтиёжи, манфаатидан келиб чиқиб, янги умуминсоний прогрессив норма, урф-одат, анъаналарни ҳаётга кенг жорий қилиш;

б) экологик тарбияга тизимли-мажмуавий тарзда ёндошиб, унинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида турли даража ва йўналишдаги фаолиятларини мувофиқлаштириш зарур.

Ўз қонуниятлари, услуб ҳамда воситаларига эга бўлган таълим-тарбия жараёнида умумий мақсадлар ўзаро боғлиқ мантиқий ва тарихий изчил бўлган шароитдагина, қўйилган натижани бериши мумкин. Экологик таълим – умумий таълимнинг таркибий қисми сифатида, илмий тафаккурни вужудга келтириш ва ривожлантиришга, табиатни муҳофаза этишга доир зарурий амалий кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган турли фан соҳаларининг ўзаро бирлигини аниқлаш жараёнидир. Экологик тарбия эса, табиатни муҳофаза қилиш сиёсатининг моҳиятини чуқур тушунишга, инсонга табиат билан муносабатда маънавий масъулият ва бурч туйғусини синдиришга, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг фаол ҳаётий мавқеини шакллантиришга қаратилган фаолиятларнинг бирлигидир. Экологик масъулиятнинг шаклланиши, нисбатан мустақил бўлиб, у мазкур йўналишларнинг ўзаро боғланишини тақозо қилади.

Экологик барқарор таракқиётни таъминлашда таълим-тарбияни муштараклаштириш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бунда, экологик тарбияга мажмуавий-тизимли ёндошиш имконияти таълимнинг турли соҳаларини уйғунлаштириш, муқобил йўналишларини ягона мақсад асосида боғлаш заруратидан келиб чиқади. Шунингдек, экологик тарбия турли шакллари, даражалари ўртасидаги боғланишларнинг тарихий, мантиқий изчиллигани сақлаб, уларнинг воситалари, услублари ўртасидаги

боғланишларни ҳам таъминлаш зарур. Бошқача қилиб айтганда, бу йўналишлар муштарақ характери, уларнинг бир-бирига муносабатида намоён бўлади. Бундан ташқари, таълим ва тарбияни табиатни муҳофаза қилиш манфаатлари билан боғлаш асосида умумий муштарақлик вужудга келадики, айнан унинг хусусиятлари экологик барқарорликнинг зарурий шартига айланади.

Таълим тизимини экологик эҳтиёжлар асосида қайта қуриш умуминсоний кадриятларни, шу жумладан, экологик тарбияни, педагогик сиёсатни мафкура марказига кўчирди. Бу вазифани самарали ҳал қилиш барча таълим-тарбия соҳаларини илмий фалсафий методологик тамойиллар асосида умумлаштиришни тақозо қилади.

Дарҳақиқат, турли фан ва ижтимоий онг шакллариининг таълим-тарбия соҳаларидаги узилишларини ҳамда зиддиятларини айнан экологик тарбия жараёнида бартараф қилиш имкониятлари вужудга келади. Шунинг учун табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги таълим, умумий таълимга сунъий, механистик тарзда қўшилган тadbир бўлмасдан, ҳар қандай даражадаги таълим-тарбия мажмуасида малакали ходим тайёрлашнинг узвий, таркибий қисми бўлиши керак. Унинг мазмуни турли мамлакатлардаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шарт-шароитларга, экологик вазиятга қараб ўзгариши мумкин.

Экологик таълим-тарбиянинг турли даражалари ва йўналишлари муштарақлашуви шу соҳанинг индивидуал манфаатларини умуминсоний манфаатларга мослаштиришни ифодалайди. Шу мазмунда экологик барқарор таракқиётда бошқа фаолият шакллариининг коммуникатив; аънаналар, урф-одатлар, расм-русмлар ва бошқа маросимларнинг тарбиявий ролини алоҳида қайд қилиш лозим. Бундай ижтимоий-амалий ҳодисалар ўзига хос экологик мазмун касб этиб, ижтимоий кадриятлар мажмуаси экологиялашган ҳолда жамиятнинг бошқа устқурмавий элементларига таъсир қилувчи омилга айланади. Хусусан, экологик таълим-тарбия тегишли йўналишдаги барқарор таракқиётни амалга оширишнинг рағбатлантириши билан жамият ички-ташқи сиёсий жараёнларига таъсир кўрсатувчи восита бўлиб қолмоқда.

Экологик фаолиятни ташкил қилувчи тамойилларни шакллантириш жараёнида муайян назарий билимларни ўзлаштириш билан меҳнаткашларнинг экологик тафаккур маданияти, тушунчалари, ҳулосалари, амалий муносабатлари, ижтимоий-сиёсий эътиқоди,

умумий дунёқараши таркиб топади. Бошқача қилиб айтганда, таълим-тарбия мажмуаси – шахсни фаол экологик ижтимоий-сиёсий фаолиятга тайёрлаб боради. Шунга кўра, Чехиялик олим Я.Демек экологик таълим-тарбияни сиёсий масалалар қаторига киритади ва унинг вазифаларини қуйидаги йўналишларда туркумлаштиради:

1) инсон ва табиатга оид билим, тажриба ва кўникмаларни эгаллаш;

2) атроф муҳит муҳофазасига йўналтирилган қобилиятни вужудга келтириш;

3) экологик муаммолар ечимига ижтимоий муносабатни ва мажмуавий ёндошишни таъминлаш;

4) табиатга нисбатан ижобий эътиқодни шакллантириш, экологик ахлоқни ривожлантириш¹.

Зеро, ҳозирги замон таълим-тарбия вазифалари – турли ижтимоий онг шакллариининг экологик тафаккур билан муштараклашувини таъминлаш, ҳар қачонгидан кўра долзарб муаммога айланди. Муайян ижтимоий онг шакллариининг экологиялашув даражаси ва мазмуни, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш амалий фаолиятининг самарадорлиги тарихий таракқиётнинг ўзига хос мезонига айланиб бормокда.

Юқорида келтирилган вазифаларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг кийинчилиги экологик таълим-тарбия турли бўғинлари ўртасидаги боғланишнинг фрагментар, шартли характери билан изоҳланади. Хусусан, ўрта мактабларнинг амалдаги ўқув дастурлари шу манфаатлар асосида изчил мувофиқлашган эмас. Экология предмети доирасини, тадқиқот объектларини умумлаштирадиган, назарий билим, амалий кўникмаларини тарбиялайдиган махсус фаннинг ўрта мактаб таълим-тарбия жараёнига киритиш имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган. Шунинг учун ҳозирги имкониятлардан келиб чиқиб, ўқувчилар экологик дунёқарашини тарбиялашда турли фан йўналишларининг предметлараро боғлаништини фалсафий-методологик жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўрта мактаб тизимига алоҳида эътибор беришимизнинг боиси шундаки, жамиятнинг барча онгли аъзолари муқаррар равишда

¹Демек Я. Образование и воспитание в области охраны окружающей среды Чехословакии // В кн.: ЭХО. (Экология, хозяйство, окружающая среда). 1990. С.121-122.

таълим-тарбиянинг шу бўғини орқали ўтади. Шунинг учун экологик таълим-тарбияга умумий педагогик-дидактик жараёнинг ажралмас қисми сифатида қараш керак. Зеро, экологик таълим-тарбия йўналишнинг сиёсатлашиш, мафкуралашуви даражалари, тор доирадаги манфаатлар билан чегараланиб қолмасдан, умумгуманистик эҳтиёжлардан келиб чиқиши лозим. Бу эса ички антогонистик зиддиятдан холи бўлган изчил методологияни тақозо қилади. Шунинг учун экологик педагогика усуллари таълим-тарбия бошқа соҳалари методларига қарши қўйиш ярамайди, аксинча, хусусий фанлар методи конкрет таълим-тарбия доирасида ўзининг эвристик аҳамиятини эътироф этади.

Экологик таълим-тарбиянинг илмий-фалсафий методологияга бўлган зарурий эҳтиёж қуйидаги сабабларга боғлиқ:

1. Экологиянинг махсус фан йўналиши сифатида ажралиб чиқиши, дифференциаллашуви турли тармоқларнинг табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари доирасидаги синтез ва интеграциялашувини тақозо қилади. Экологик таълим-тарбиянинг дифференциялашиш ва интеграциялашиш жараёнида хусусий йўналишнинг умумий чорраҳалари вужудга келади. Бу чорраҳалардаги педагогика муаммолари, зиддиятлари экологик барқарор тараққиётни амалга ошириш масалалари доирасида шартли характерда намоён бўлмоқда. Чунки экологик муаммоларнинг умумбашарий аҳамият касб этиши ва инсоният тақдирини белгилаб туриши турли таълим-тарбия соҳаларини ягона манфаатлар асосида бирлашувини тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида, маҳаллий, миллий, синфий, партиявий, утилитар манфаатлардан юқорирок турадиган умуминсоний методологияни талаб қилади. Лекин бу зарурий диалектик, метафизик, идеалистик методологиялар ҳамда ижтимоий-сиёсий муносабатлар, қарашлар ўртасидаги жиддий тафовут, зиддиятларни ўз-ўзидан бартараф қилмайди.

Умумлаштириб айтганда, экологик таълим-тарбия жараёни даражалари, йўналишларини табиатни муҳофаза қилиш фаоллигини ва масъулиятини ошириш манфаатлари асосида муқобиллаштириш, мувофиқлаштириш қуйидаги методологик вазифаларни ҳал қилишга боғлиқ:

а) экологик таълим-тарбия билан боғлиқ махсус тушунчалар, атамалар, таърифлардаги, тарихий ва мантиқий изчилликни, ворислик муносабатларини сақлаган ҳолда қайтариқларни бартараф

Этиш;

б) турли экологик таълим-тарбия йўналишларининг глобал, регионал, ҳудудий, миллий экологик муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилишнинг восита ва усулларини умумий манфаатлар асосида мувофиқлаштириш;

в) таълим-тарбия соҳасидаги муқобил экологик фаолиятларни таъкилий жиҳатдан мувофиқлаштириб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва оптималлаштиришдан иборатдир. Бунинг учун дастлабки босқичларданок, таълим-тарбия ижтимоий институтлари ўзларининг концептуал иш дастурлари, ўтказиладиган экологик тадбир вазибаларини катъий белгилаб олишлари лозим. Шунингдек, ҳар бир йўналишда экологик таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида оддийдан мураккабга бориш тамойили асосида, унинг истиқболи белгиланган режаларини тузиб олиш, илмий-фалсафий методологияга таянган ҳолдагина натижа бериши мумкин.

2. Экологиянинг ҳар бир мустақил соҳаси ўз таълим-тарбия предмети доирасига қанча чуқур кириб борса, унинг умумий методология масалаларига эҳтиёжи шунчалик орта боради. Умумий методологияни ҳар томонлама ўзлаштирмасдан туриб, муайян йўналишдаги таълим-тарбияда муваффақиятга эришиш қийин. Шунинг учун экологик таълим-тарбия умумий қонуниятини тизимли-тузилмали, мажмуавий тарзда ўрганиш зарурати биринчи навбатдаги вазифа бўлиб, уни фалсафий методологияга асосланмасдан амалга ошириш мумкин эмас.

3. «табиат – жамият – инсон» мажмуаси муносабатининг диалектик алоқадорлиги, ривожланиш истиқболини моделлаштириш, турли таълим-тарбия воситаларининг дифференциаллашуви ва интеграциаллашуви экологик илмий тушунчалар, категория, қонун ва назариялар тизими каскадини вужудга келтиради. Уларнинг тарихий, мантикий изчиллиги ва яхлитлиги ягона методология асосида таъминланиши мумкин.

4. Экологиянинг назарий фан сифатидаги иқтисодий йўналиши унинг бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланиши билан характерланади. Шу нуқтан назардан, инсон экологик фаоллиги ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш масаласи назарий ва амалий жиҳатдан мажмуавий тарзда қун тартибига қўйилмоқда. Унинг ижобий ҳал қилиниши омманинг ижтимоий-сиёсий фаолли-

ги ва масъулиятни оширишга қаратилган умумий методологияни ўзлаштириш даражасига боғлиқ бўлади.

5. Ҳозирги даврга келиб материалистик, идеалистик ҳамда бошқа фалсафий қарашлар ўртасидаги ғоявий-сиёсий курашлар экологик таълим-тарбия соҳасида мутлақо шартли характерга эга бўлиб, уларнинг муқобиллашуви экологик барқарор таракқиётнинг зарурий шартидир. Айниқса, таълим-тарбиянинг асосий бўғини бўлган ўрта мактабларда ўқиётган ёшларнинг экологик масъулиятини ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. (Нисбатан тор даражадаги хусусий фанларнинг экологик тарбиявий аҳамияти кўзда тутилмоқда). Масалан, турли фан ўқитувчилари ҳар бир ўқув предмети доирасида экологик масалаларни ёритишни муайян қисмлар, боблар, мавзулар бўйича белгилаб, уларни доимий, изчил ривожлантириб борсалар, кейинги йилларда шу фанни экологиялаштиришга маълум асос яратилган бўларди. Бундай методологик вазифа экологик таълим-тарбиянинг ҳамма йўналишига, даражаларига тааллуқлидир. Умумлаштирилган тарзда бу жараёни шартли равишда таълим-тарбия соҳасини экологиялаштиришнинг горизонтал ҳамда вертикал йўналишда намоён бўлиши, деб аташ мумкин.

Горизонтал йўналишда нисбатан мустақил соҳаларнинг экологиялашуви ўзаро интеграциялашиб, мажмуавий экологик назарий билимларни, универсал амалий фаолиятни шакллантиришга хизмат қилади. Вертикал йўналишда эса, таълим-тарбиянинг ҳар қандай соҳаси, даражаси дифференциаллашиб чуқурроқ, мукамалроқ назарий билимларга, амалий тажрибаларга, кўникмаларга эга бўлади. Экологик таълим-тарбия жараёнида бу икки йўналишни диалектик тарзда боғлаш муҳим методологик аҳамият касб этади. Пировард натижада, экологик таълим-тарбия самарадорлиги шу боғланиш характерига мос келади. Шунингдек, умумий тарбиянинг турли йўналишдаги назарий, амалий, ташкилий, методологик жиҳатларининг ҳам ўзига хос горизонтал ҳамда вертикал боғланишлари экологик барқарор таракқиёт самарадорлигига ижобий таъсир қилади.

Меҳнаткашларнинг фаол экологик муносабати доимийлигини таъминлаш учун таълим-тарбия субъекти характерига дифференциал тарзда ёндошмоқ керак, яъни ишлаб чиқариш хусусиятини, кишилар билим даражасини, индивидуал ҳаёт шароитини ҳисобга олмоқ лозим. Шу нуқтан назардан, экологик фаолиятни ташкил

қилиш ижтимоий-иқтисодий ҳаёт характериға мос равишда куйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

а) экологик амалий вазифа ва муаммоларни аниқлаш ҳамда шунга мос равишда таълим-тарбия жараёнини режалаштириш ва ташкил қилиш;

б) экологик фаолиятнинг моддий-техник асоси, технологик жараёнини амалга ошириш услубларини белгилаш;

в) экологик тарбиянинг турли даража ва йўналишларини мантиқий ҳамда тарихий жихатдан мувофиқлаштириш. Бундан ташқари, экологик барқарор таракқиёт тарбия интизомига боғлиқ. Шу борада *экологик тарбия интизоми* билан *экологик интизомни тарбиялаш* ўртасидаги фарқни ажратиш дидактив-педагогик, методологик аҳамият касб этади. Меҳнаткашларда табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш интизомини, экологик фаоллик ва масъулиятни тарбиялаш жараёнининг узлуксиз қисми ҳисобланади.

Экологик барқарор таракқиёт жараёнида умумий ижтимоий интизом билан экологик фаолият интизоми ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш жиддий аҳамиятга эга. Бунинг учун аввало, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлар интизомини тарбиялаш билан бевосита боғлиқ бўлган махсус экологик тушунчалар, категориялар мажмуасини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, табиий атроф муҳит муҳофазаси мураккаб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий фаолият бўлганидан унинг ҳар бирига бевосита боғлиқ: экологик меҳнат интизоми, экологик режалаштириш интизоми, экологик технологая интизоми ва шунга ўхшаш тушунчалар мазмунини амалий кўникмаларга айлантириш, экологик барқарор таракқиёт муаммосининг марказий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифани ҳал қилиш самарадорлиги тарбия субъекти билимдонлик даражасига, педагогик маҳоратига, ташкилотчилик қобилиятига ва шахсий экологик фаоллик намунасига боғлиқ бўлади. Табиатни муҳофаза қилиш соҳаси сўз билан иш бирлигини бошқа йўналишларга нисбатан жиддийроқ талаб қилади.

Экологик вазиятни кескинлаштирувчи сабаб ва оқибатларни, жамиятни ривожланиш истикболини, уларни ҳаракатлантирувчи объектив ва субъектив омиллар, қонуниятларини аниқлаб, илмий умумлаштириш, тизимлаштириш экологик таълим-тарбия самарадорлигини белгилайди. Меҳнаткашлар онгига ишлаб чиқариш жа-

раёни билан боғлиқ бўлган билимлар мажмуасини, янги мазмундаги тушунчаларни киритиш, уларнинг аввал ўзлаштирган назарий билимлари билан тарихий, мантиқий жиҳатдан боғланиш имкониятини аниқлаш керак. Инсонга фақатгина панд-насиҳат усули ёки қатъий маъмурий-ҳуқуқий чора-гадбирлар қўллаш билан табиат муҳофазасининг фаол курашчиси, ҳозирги замон экологик талабига жавоб берадиган масъул шахс қилиб тарбиялаш амалий жиҳатдан жуда қийин. Шахснинг турли ижтимоий-иктисодий, маънавий-сиёсий муносабатларига экологик мазмунни сингдирмасдан бу назифани ҳал қилиш мумкин эмас.

Ўсиб келаётган ёш авлодни экологик эҳтиёжларни англайдиган, табиатни муҳофаза қилиш масъулиятини чуқур ҳис қиладиган инсон қилиб тарбиялаш учун энг аввало, унга ўзи яшаб турган муҳит билан боғлиқлигини тушунтириш лозим. Ваҳоланки, кишилар ҳозиргача табиий бойликлар «кимники» ва «ким учун», деган тушунчаларга ўз муносабатларини аниқлаб олган эмаслар. Ҳақиқатда ҳам ўрмон, дарё, қўл, ер ва бошқа табиий бойликлар халқникидир, деб эълон қилиш қандайдир ноаниқ умумийликни, эгасизликни ифодалайди. Айниқса, социализмда ўқиш, даволаниш ва бошқа ижтимоий соҳаларнинг «беуллигини» кишилар онгига сингдириш руҳий ҳолатни, қайфиятни янада мустаҳкамлаб келган. Табиий бойликларга нисбатан «халқники», «бизники», «меники», «авлодларимизники», деган конкрет тушунчаларга кишиларнинг шахсий муносабатларини тарбиялай олмас эканмиз, уларнинг фаоллиги, масъулиятини ошириш ҳақидаги гаплар шиорлардан иборат бўлиб қолаверади.

Ишнинг бу қисмини хулоса қилиб айтганимизда:

– экологик барқарор тараққиёт стихияли, механистик тарзда шаклланидиган ижтимоий ҳодиса эмас, аксинча, бу давлатнинг мақсадга мувофиқ тизимли-мажмуавий таълим-тарбия сиёсати натижасидир;

– экологик таълим-тарбия узлуксизлигини таъминлаш, унинг объектини, ижтимоий-сиёсий, демографик-этнографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндошишни, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки қатлам эҳтиёжи, манфаатига мос келадиган услуб ва воситаларни танлашни тақозо қилади;

– экологик барқарор тараққиёт самарадорлиги – табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган таълим-тарбия тизимининг ички

боғланиши, тарихий тажрибалардан ворислик тамойилларига кўра фойдаланишга боғлиқ бўлади;

– экологик барқарор тараққиёт турли таълим-тарбия соҳаларининг горизонтал ҳамда вертикал йўналишда интеграциялашиш ва дифференциаллашиш жараёнларини ташкил қилишга боғлиқ;

– экологик барқарор тараққиётнинг зарурий тамойили – халқ оммасини экологик вазият ҳақидаги объектив маълумотларга эга бўлишини таъминлайдиган педагогик-дидактик воситаларни, оммавий ахборот тизими таъсирчанлигини оширишдан иборат.

4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ЭКОЛОГИК СИЁСАТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Ҳозир бутун дунёда атроф муҳит экологиясини, табиат, сув ва ҳаво мусаффолигини сақлаш билан боғлиқ муаммолар тобора жиддийлашиб, Ер қуррасидаги инсонлар ҳаёти учун хавотирли вазиятларни юзага келтирмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ҳузуридаги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ташаббуси билан экологик муаммолар ҳозирги замоннинг энг муҳим глобал муаммолари рўйхатига киритилган. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки XX асрнинг иккинчи ярмида бошлаб, бутун тараққийпарвар инсоният экологик фалокатларнинг умумбашарий тус олаётганини англай бошлади. Айниқса, Марказий Осиё давлатларида атроф муҳитнинг ёмонлашганлиги бутун Жаҳон ҳамжамиятида хавф-хатарли минтакалардан бири сифатида жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Жаҳон миқёсида экологик инқироз сабабларидан бири «табиат – жамият – инсон» муносабатларини бошқаришда давлатлар сиёсий фаолиятида «экологик дальтонизм» касаллиги натижасида вужудга келган эътиборсизлик, лоқайдликдир. Бу ҳолат, айниқса, Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгунича бўлган даврда яққол сезила бошлади. Мустабид тузим ҳукмронлиги йилларида шўролар даврида таркиб топган маънавий ва жисмоний эскирган технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тузилмаларини тоталитар режим шароитида минтақавий хусусиятларни эътиборга олмаган ҳолда халқ хўжалиги янги тармоқларига жойлаштириш Марказий Осиё халқлари ҳаёт кечириши учун экологик ноқулай ва хавфли вазиятларни вужудга келтирди.

Табиий бойликлардан фойдаланишдаги масъулиятсизлик, халқаро экологик муносабат қоидалари, сиёсий ва ҳуқуқий меъёр-

ларга риоя қилмаслик, шунингдек, бошқа баъзи ижтимоий-сиёсий омиллар минтақадаги экологик соҳада айрим сиёсий раҳбарларнинг ўзаро муносабатидаги иззатпарастлик (амбиция), калондимоғлик ҳудуддаги экологик вазиятга салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда «экологик касалликлар» рўйхати узайди, географияси – ҳудудлари кенгайди ва «экологик қочоқлар» ва кўчманчилар сони кўпайди. Бу ҳолларнинг барчаси экология соҳасидаги илмий тадқиқотларни, шу жумладан, барқарор экологик сиёсий муносабатларнинг назарий, ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ўрганишни кучайтириш заруратини туғдирмоқда. Хусусан:

1) социалистик тузумнинг барбод бўлиши оқибатида Мустақил давлатлар ўртасида янги фалсафий дунёқарашга асосланган, глобал ва регионал-минтақавий муаммоларга янгича ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатни йўлга ҳўйишни тақозо этмоқда. Ёш суверен давлатларнинг экологик сиёсат соҳасидаги интеграция жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, халқаро кўламда сиёсий амалий фаолиятини кенгайтириш учун пойдевор, асос бўлиб хизмат қилади. Экологик халқаро сиёсат интеграцияси – постсовет ҳудудида барча мамлакатлар ҳамкорлигида янги йўналишдир;

2) экологик вазиятнинг глобал кўламда кескинлашуви шароитида турли мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, этно-демографик структураси, таркиби, сиёсий тузуми, диний, маданий ва бошқа соҳаларидан қатъий назар барча давлатлар экологик сиёсатини интеграциялаштириш (мувофиқлаштириш) муқобили бўлмаган ягона тараққиёт йўлидир;

3) минтақавий экологик фалокатларнинг йилдан-йилга кескинлашиб, тобора оламшумул тус олиши жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантирмоқда, чунки бундай жараёнлар глобаллашув тенденциясига эгадир. Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатларнинг реал ҳавфи, аввало, Орол муаммолари, ичимлик суви етишмаслиги, ер ва сув ресурслари сифатининг ёмонлашуви билан боғлиқ бўлиб, радиоактив чикиндиларнинг мавжуд ва янги кўмилмалари инфратузилмалари маънан ва жисмонан эскириши фақат минтақа аҳолиси учун эмас, балки бутун сайёрамиз учун ҳавф туғдирмоқда.

4) табиат муҳофазасига доир объектив ахборотлар «қашшоқлиги», мавжуд статистик-фатологик маълумотларни

шдаги зиддият, карама-қаршиликлар минтақа ва республика-сологик вазиятни объектив баҳолашга имкон бермайди. Ҳозирда турли мамлакатлар экологик сиёсатининг ўзига хос ятларини ўрганишдан аввал бу оламшумул ҳодисанинг турли йўналишларини дифференциялаш – таснифлаш принци-ти аниқлаб олиш зарур. Экологик сиёсатни интеграциялаш-назарий асослари, мантикий-структураси таркибининг ком-системали таҳлил қилиш бу соҳада халқаро сиёсий муноса-ни барқарорлаштиришнинг объектив манзарасини ҳосил га имкон беради.

Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатини рациялаштиришнинг тарихий генезиси ва объектив зару- рати

озирги вақтда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида су-давлатлар экологик сиёсатини интеграциялаш Марказий ғиятақасидаги давлатларнинг миллий муносабатлари ривож-сиёсатининг янги йўналиши сифатида ҳамкорликнинг ҳар гама ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу муносабатлар ғудда яшовчи халқларнинг миллий давлат манфаатлари уму-ғият манфаатларига мос келадиган экологик ҳаётий ларига асосланади.

арказий Осиёда мустақилликка эришган янги суверен дав-демократия ва бозор иқтисоди муносабатлари асосида янги ғ қуриш жараёнида мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) лари билан бирга ҳар томонлама сиёсий, иқтисодий ва мада-ғмкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдордир-ДҲ давлатларида бу ҳамкорлик муносабатлари бутун дунёда ф этилган ва ҳар бир давлатнинг миллий ва экологик ғига мувофиқ келадиган халқаро тамойилларга асосланади. муносабатларда тўла тенг ҳуқуқлилиқ, ҳар бир давлатнинг й яллитлиги, суверенитети, мустақиллигини ҳурматлаш, ларининг ички ишларига аралашмаслик, турли ривожланиш ларидаги давлатлараро муносабатларнинг асосий тамойил-шқил топмоқда. Хусусан, халқаро экологик муносабатларни ғий таъминлаш, техник-технологик асосларини яратишда дий ҳамкорлик имкониятлари вужудга келмоқда.

Бироқ Ўрта Осиё минтақасидаги давлатларга экологик вазиятни яхшилаш мақсадида ҳамкорлик, баъзи сабабларга кўра қийин кечмоқда. Бунга:

– халқаро ташкилотларда Марказий Осиё мустақил давлатларидаги экологик вазият ҳақида объектив маълумотлар етишмаслиги;

– бозор иқтисодига ўтаётган Марказий Осиё давлатларида халқаро экологик муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмаганлиги;

– ривожланган давлатларнинг ривожланаётган мамлакатларга фақат хомашё базаси, экологик хавфли моддалар ва чиқиндилар кўмилиб, сақланадиган қулай ҳудуд деб карашлари сабаб бўлмоқда.

Ваҳоланки, экологик сиёсатни халқаро миқёсларда интеграциялаш барча мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий сиёсий ривожланишига кенг имконият яратади, турли халқларни умуминсоний манфаатлар асосида яқинлаштиради, экомаданиятини бойитади. Шунга қарамасдан, Ўрта Осиё минтақасида ривожланиш суръатлари ва даражаси турлича бўлган мамлакатларда экологик сиёсат интеграцияси аксарият ҳолда меркантил ва утилитар (вақтинча, ҳозирги фойдани ўйлаш) мақсадларида амалга оширилмоқда. Бундай ёндошув ҳар бир мамлакат манфаатларига ҳам, кўпини халқлар манфаатига ҳам мос келмайди.

Бир қанча объектив омиллар, жумладан, турли давлатларнинг тарихан мавжуд ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш кучлари структураси, турмуш даражасидаги фарқлар, халқ ҳўжалигининг ўтмишдан қолган норационал структураси ва экологик инфраструктураси, географик жойлашуви ва экологик технологиялардаги фарқлари, ташки экологик таъсирларга боғлиқлик даражалари турли давлатларнинг экологик сиёсат соҳасида ўзаро экологик ҳамкорликнинг конкрет масалаларини ҳал қилишда номувофикликни келтириб чиқармоқда.

Давлатларнинг ҳар томонлама яқинлашувига тўсқинлик қилувчи экологик қарама-қаршиликлар асосан субъектив сабаблар билан боғлиқ. Бунда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки жараён кўзга ташланади:

– давлатларнинг доимо ва тез иқтисодий фойда олишга интилиши табиий ресурсларни аёвсиз эксплуатация қилиши экологик сиёсатнинг халқаро интеграциялашувида қийинчиликларни вужуд-

га келтирмоқда;

– ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, аҳолининг моддий фаровонлиги ўсиши, «тор экологик миллатчилик», миллий ҳудудлик қолдиқларидан қутилишга интилиш натижасида турли мамлакатларнинг экологик манфаатларини яқинлаштирувчи объектив ва субъектив омиллар таъсири кучайиб бормоқда.

Бундай вазиятда халқаро экологик сиёсий муносабатларни ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вазифалар атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида интеграция жараёнини чуқурлаштириш, экологик инфраструктура ташкилий тузилишини ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражасини яқинлаштириш ва тенглаштириш, қишлоқ хўжалиги ва саноати нисбатан кам тараққий қилган мамлакатларни индустриал ривожланган давлатлар қаторига етказишдан иборатдир.

Бу соҳада Рио де-Жанейро декларациясининг қуйидаги принциплари ва қондалари Марказий Осиё давлатлари экологик, иқтисодий ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуктаи назардан, Рио-де Жанейро декларациясида: «Ер юзидаги барча давлатлар барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида, уларнинг миллий салоҳияти, заҳираларини кўпайтириш, фаолиятини кучайтириш, фан-техника билимларини алмашув йўли билан янги ва энг янги технологияларни ишлаб чиқиш, адаптация муҳитини яратиш, ахборот тарқатиш ва бир-бирига етказиш йўли билан ривожланишни жадаллаштириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилишлари зарур»лиги таъкидланган¹.

Марказий Осиё республикалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги тенденцияси шуни кўрсатмоқдаки, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш уларнинг тез ва ҳар томонлама тараққий этишига замин яратади. Назаримизда бу мамлакатлардаги экологик сиёсат интеграциясининг янги босқичида иқтисодий муносабатни ривожлантириш механизмидаги ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, экологик фаолиятни биргаликда тартибга солиш, бу соҳадаги режаларни мувофиқлаштириш, табиий бойликдан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда ўзаро келишилган режаларни ишлаб чиқиш

¹ Рио-де-Жанейрская Декларация по окружающей среде и развитию. <http://www.un.org/russia/document/ deklarati/riodecl.ytm>

шулар жумласидандир. Келгусида ҳар бир давлатнинг миллий экологик сиёсатини режалаштирувчи органлари ишларини такрорламайдиган, минтақалар миқёсидаги халқаро экологик муносабатларни мувофиқлаштирадиган марказлар ташкил этиш имкониятлари вужудга келмоқда.

Бу вазифаларни бажаришга одамлар онгида собиқ советлар давридан мерос қолган барча ишларни марказлаштирувчи «социалистик хўжалик юритиш режаларига», қайтишга интилиш деган фикрлар тўсқинлик қилмоқда. Дарҳақиқат, режали иқтисод принципларига асосланган, асосан ишлаб чиқариш қувватини оширишни мўлжаллаган мустабид тизим сиёсий механизмлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш манфаатларига зид бўлиб, келгусидаги экологик ривожланишга тўсиқ бўлар эди¹.

Бизнингча, экологик сиёсат, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қарорлар, қонунлар ва бошқа ҳужжатлар қутилган самарани бериши учун илмий тадқиқотларни, молиявий маблағларни, техник-технологик имкониятларни, интеллектуал салоҳият захираларини керакли ўринга ишлатиш учун етарли шарт-шароитлар яратиш зарурдир. Жумладан, ижтимоий амалиётда қўлланилаётган хўжалик ҳисоби миллий тизимини минтақа кўламида унификация қилиб, халқаро экологик қонунчилик фаолиятига яқинлаштиришга, бутун минтақада амал қиладиган ягона экологик сиёсат принципини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, экология соҳасида қарор қабул қилишнинг қундалик амалиётда қўлланилаётган миллий мезон билан бирга, глобал миқёсда самара берувчи интернационал, халқаро мезон ва принциплардан ҳам фойдаланиш зарур. Бу ерда гап ҳозир қўлланиб турган экологик ҳамкорлик айрим йўналишларини таҳлил қилишнинг умумий принциплари ҳақида бормоқда.

Экологик муаммони ҳал этиш вазифасига яхлит, комплекс-тизимли концептуал ёндошув Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ва сиёсий ривожланишида, Орол денгизини қутқариш, Оролбўйи табиати ва аҳолиси муаммоларини ҳал этишда яхши натижалар бериши мумкин. Марказий Осиё давлатлари минтақада табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги энг кескин муам-

¹Есекин Б. Система принятия решений в области охраны окружающей среды в Центральной Азии // Экологический вестник. 2002, №3. С. 16-25.

молардан бўлган Орол денгизининг қуриб бориши муаммосини ҳал этишга бор куч-ғайратларини йўналтиришлари зарур.

Орол денгизини кутқаришнинг бир қанча муқобил лойиҳалари бор. Шулардан бири «Орол фарёди» лойиҳасидир. Оролни кутқариш халқаро фонди (МФСА) Қозоғистон бўлимининг раҳбари С.Асиллов Орол денгизининг қуриётган маълум қисмига ҳаёт бағишлаш бўйича ўзига хос лойиҳани таклиф этган. Бу лойиҳага кўра, денгизни иккига ажратиб турган тўғонни қайтадан тиклаш кўзда тутилади. Мазкур лойиҳа муавлифлари 12,7 километр узунликдаги бетон тўғон қуришни таклиф этганлар. Бу тўғон қурияса, Орол денгизининг шимолий қисмида сув ҳавзасининг чуқурлиги 40 метрга етади. Орол денгизининг шимолий қисми (Қозоғистон тарафи)да сув кўпаяди ва чуқурлашади, аммо Оролнинг жанубдаги каттароқ қисми янада саёзлашади.

Қозоғистон олимларининг фикрича, бу бетон тўғонни тўрт йилда қуриб битказиш мумкин. Бу ҳақда журналист А.Кирби «Қозоғистон Шимолий Оролни кутқазмоқда» мақоласида: «Лойиҳа амалга ошса, умид қиламизки, Орол денгизининг шимолий кийғокларида сувнинг чуқурлиги аввалги даражасига етади. Тўғон қурилиши ғояси амалга ошса, Қозоғистонда балиқчилик саноатини қайта тиклаш мумкин», – деб ёзади. Ваҳоланки, мазкур лойиҳа Орол денгизини кутқариш бўйича радикал ечим эмас ва уни экологик жиҳатдан Марказий Осиё давлатлари учун истиқболли деб бўлмайди. Бу лойиҳа фақат Қозоғистонда балиқчилик саноатининг ўсишига, утилитар, меркантил, тор миллий эгоистик манфаатларга хизмат қилади.

Радиактив чикиндилар «қабристони» (дафина)ни ташкил этиш ва қуриш соҳасидаги техник-технологик инфраструктураларнинг жисмонан ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги ҳам минтақалардаги экологик хавфсизликни кескинлаштирмоқда. Бу соҳада халқаро мониторинг – назорат завқлиги радиактив чикиндиларни утилизациялаш хизматиға жуда катта техникавий, молиявий харажатлар талаб қилиниши сабабли минтақада хавfli тус олиб, глобаллашув тенденциясига эга бўлмоқда. Шунинг учун халқаро ҳамжамият Марказий Осиё минтақасида экологик вазият янада кескинлашувининг олдини олиш учун шошилинч тадбирларни амалга ошириши зарур.

Қирғизистоннинг Ўзбекистон чегарасига 30 километр

яқинликдаги Мойлисуб дарёси қирғоқларидаги радиактив чиқиндиларнинг 23 та кўмилмаси ва баланسدан ташқари рудаларнинг 13 та ташландиғи Марказий Осиё минтақасида экологик вазиятни кескинлаштирувчи реал хавф-хатарни вужудга келтирмоқда. Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасидаги Ҳисор тоғлари этагидаги водийда минтақа учун жиддий экологик муаммолар бор. Бу ерда Тожикистон алюминий заводининг чиқиндилари (асосан, фторли водород) Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти кишлок ҳўжалиғи ва аҳоли саломатлиғига хавф солиб турибди. Кейинги 10-12 йил давомида минтақадаги атроф муҳит муҳофазасининг аҳволи ҳақида халқаро мониторинг ва прогнозлаш тизимининг яратилмаганлиғи ҳам алоҳида муаммодир.

Маълумки, Ўрта Осиё минтақаси актив сейсмик зонада жойлашган, шу сабабли бу минтақа тоғлардаги сунъий денгизлар – сув омборлари ҳам аҳоли учун реал хавф-хатар манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудудида юз бериши мумкин бўлган кучли зил-зилалар, Қирғизистондаги Тўқтагул ГЭСи тўғонига, Тожикистондаги Қайроққум сув омборига, Ўзбекистондаги Чорвоқ, Андижон, Каттакўрғон, Жанубий Сурхон сув омборлари тўғонларига зарар етказса, жуда кўп аҳоли уйлари сув остида қолиши мумкин. Бу муаммолар Марказий Осиё давлатлари раҳбарияти олдига алоҳида эътибор, мунтазам мониторинг фаолияти, жиддий профилактик чора-тадбирлар кўриш талаб вазифасини кўяди.

Айтиш керакки, минтақадаги экологик вазият ҳақида объектив ахборотлар етишмаслиғи, мавжуд ахборотларнинг ҳақиқатни тўлиқ акс эттирмаслиғи, статистик-фактологик материалларнинг бири-бирига зидлиғи бу ердаги экологик вазиятни объектив баҳолашга имкон бермайди.

Марказий Осиёда экологик хавфсизликни таъминлашда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га катта умидлар билдирилмоқда. 2002 йилнинг 7 июнида Санкт-Петербургда бу халқаро ташкилот низоми – ШХТ Хартияси имзоланди. Бу ҳужжат Марказий Осиё минтақасида ва жаҳонда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик муаммоларни ҳал қилиш соҳасида биринчи халқаро ҳуқуқий пойдевор бўлиб, у Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари туб манфаатларига жавоб беради деб умид қилинмоқда. ШХТ мамлакатларининг умумий майдони

30,189 миллион кавадрат километр бўлиб, Евро Осиё қитъасининг бешдан уч қисмини ташкил этади. ШХТнинг халқаро мақоми ва умуминсоний аҳамияти жуда юксак бўлиб, жаҳон миқёсида тинч-тотув яшаш, яхши кўшничлик муносабатлари ўрнатиш учун ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий потенциал имкониятларга эгадир.

ШХТ Хартиясида унинг аъзолари бўлган давлатларда ўзаро экологик сиёсий муносабатларни интеграциялашга катта эътибор берилган. Бу ўз навбатида, минтақада сув ресурсларидан оқилona фойдаланишни яхши йўлга қўйишда, табиатни муҳофаза қилишга оид биргаликда ишлаб чиқилган махсус дастур ва режаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Навбатдаги вазифа – бу ҳужжатларни реал ҳаётга тадбиқ этиш, амалга оширишдан иборат.

Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон экологик хавфсизлик сиёсатини интеграциялаш соҳасида турли давлатлар хусусиятлари ва ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, улар:

- миллий, минтақавий, умумжаҳон кўламида экологик фаолиятни ташкил этиш, бошқариш ва мониторинг соҳасида ўзаро алоқадорликни таъминлаш;

- минтақа ва дунё миқёсида экологик вазият ҳақида объектив ахборотлар алмашувини, статистик, социологик фактларни умумлаштириш марказларини тузиш ва Халқаро маълумотлар Банкни ташкил этиш имкониятларини аниқлаш;

- экологик хавф-хатарлар кучайиб бораётганлигини чуқур англаган ҳолда келгуси авлодлар ва умуминсоният цивилизацияси олдида масъулиятни ҳис этиш;

- умуминсоний ахлоқ меъёрларига, халқаро муносабатлар ҳуқуқий тамойилларига жавоб берадиган экологик идеалларни аниқлаш;

- Марказий Осиё минтақасида Табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс-системали тадбирларни амалга ошириш;

- экологик сиёсат тарқоқлиги, дискретлиги, номувофиқлигини тугатиш каби вазифаларни ўз олдларига қўйганлар.

Марказий Осиё халқларининг глобал экологик интеграция жараёнларида ўзаро ҳамкорлиги жаҳон ҳамжамиятидаги барча давлатлар экология соҳасида барқарор хавфсизликни таъминлашнинг объектив қонуният эканлигини англаши натижасидир.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида жаҳон экологик сиёсати хусусиятлари ва асосий йўналишлари

XX асрда инсоният цивилизация тарихида мисли кўрилмаган глобал муаммоларига дуч келди. Ўзбекистон Президенти И.сом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида айтганидек, инсоният XX ва XXI асрлар ўрталарида экологик хавф-хатарга юзма-юз келди¹. Бундай хавф инсоният жамиятнинг шиддат билан ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан табиатнинг ўзини ўзи тиклаш имкониятлари ўртасидаги номуносивлик вужудга келиши сабабли пайдо бўлди. Тадқиқотчилар табиат ва жамият муносабатлари билан боғлиқ: энергетик ресурслар танқислиги, демографик «портлашлар», экологик муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда². Лекин ҳозирги замон глобал муаммолари орасида энг хавфлиси, бизнингча, экологик муаммодир. Чунки барча оламшумул муаммолар, бевосита экологик натижа билан умуминсоний характер касб этади.

Экологик муаммоларнинг аксарияти атроф муҳитнинг ифлосланиш оқибатлари билан боғлиқдир. Экологик муаммони келтириб чиқарган антропоген сабаблар турлича: планетадаги ҳаддан ташқари кўп дарахтлар кесилганидан ўрмонларнинг сийраклашуви; радиоактивлик фонининг ортиши; атмосфера ифлосланиши; озон қатламининг қисқариши; тупроқ сифатсизланиши ва эрозияси; биосферада захарли моддалар кўпайиши; «иссиқхона эффекти»нинг кучайиши; сув ресурсларининг номуносив, меъёрсиз тақсимланиши; сифатли ичимлик суви камёблиги; ишлаб чиқариш ва маиший турмушнинг химиялашуви ва ҳоказолар. Бу экологик муаммоларнинг келиб чиқиш генезисини ўрганиш миллий, минтақавий ва жаҳон миқёсида уларни бартараф қилиш йўллари аниқлаш ва барқарор тараққиётни амалга ошириш учун замин яра-тади.

Жаҳон ҳамжамияти глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда бутун дунё давлатлари куч-гайратларини бирлаштиришга

¹Исом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.

²Сангинов С.С. Философский анализ моделирования глобальных процессов. Ташкент: Фан, 1996. С.18.

йўналтирилган экологик сиёсатни интеграциялаштиришга қаратилган кўп томонли битимлар тузишга эришди. Шулардан, экологик муаммолар бўйича БМТ конвенцияси мақомини олган: БМТнинг Иқлимни ўзгартиришни чеклашга қаратилган Чегаралаш Конвенцияси, Азон қатламни муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенцияси, Биологик турларни ҳимоя қилувчи Конвенция, БМТнинг саҳролар кенгайишига қарши кураш бўйича Конвенцияси, Хавфли чиқиндиларни трансчегаралардан ўтказиш ва қайта ишлашни назорат қилиш бўйича Базель Конвенцияси, Ер юзида йўқолиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турлари халқаро савдоси бўйича Конвенция, Ёввойи хайвонлар миграциясини муҳофаза қилиш бўйича Конвенция, Атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатувчи ҳарбий ва бошқа ҳаракатларни таъқиқлаш бўйича Конвенция, сувли, ботқоқли жойлар бўйича Рамсар Конвенцияси жаҳонда экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган энг муҳим халқаро келишувлардир. Бу муҳим ҳужжатларда жаҳон ҳамжамиятидаги, турли давлатларнинг халқаро миқёсда табиий муҳитни муҳофаза қилиш самарали механизмларини топиш ва фойдаланиш келишиб олинган. Юқоридаги конвенцияларни бажариш соҳасида турли давлатларнинг саъй-ҳаракатлари глобал экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган миллий экологик сиёсатни мувофиқлаштириш, интеграциялаш имконияти мавжудлигидан далолат беради.

Марказий Осиёда энг муҳим кескин экологик муаммо Орол денгизи қуриши билан боғлиқ инқироздир. Дунёдаги тўртта энг катта ва тиник кўл ҳавзасидан бири бўлган Орол денгизининг ҳалокатли равишда қуриб бориши бутун Оролбўйи экосистемасининг деградациясига, вайрон бўлишига олиб келди. Шу маънода Ўзбекистон республикаси Президенти Ислоҳ Каримов: «Орол инқирози – инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фалокатлардан бири», – деб хавфли вазиятнинг ҳаққоний баҳосини берган эди¹.

Орол муаммоси оқибатларини бартараф этиш мақсадида Марказий Осиё минтақаси давлат раҳбарлари иштирокида бир қатор халқаро конференциялар, саммитлар, анжуманлар ўтказилди. Бу анжуманларда Нукус ва Алмати декларацияси, Оролни қутқариш

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 107-бег.

фонди ташкил қилиш ҳақида ва бошқа муҳим халқаро битимларга эришилди. Лекин ягона минтақавий экологик сиёсат принципларининг шаклланиши жуда мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитларда кечмоқда. Бундай мураккаб шароитда дунёдаги барча мамлакатлар, ва энг аввало, Марказий Осиё давлатлари Орол муаммосига концептуал, комплекс ёндошиб, сиёсий вазминлик билан саъй-ҳаракатни бирлаштиришга янада жиддийроқ муносабатда бўлишни талаб этади.

Марказий Осиё минтақасидаги ҳар бир давлат мамлакатининг шароити ва имкониятидан келиб чиқиб, ўзининг экологик сиёсатини шакллантирмоқда. Миллий экологик сиёсат характери атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларида, табиатни келажак авлод учун сақлаб қолиш амалий фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланган стратегик режаларида намоён бўлди. Лекин минтақавий экологик муаммолар кўлами ва кескинлашиш тенденцияси табиатни муҳофаза қилиш соҳасида кўптомонлама битимлар тузишдан ташқари, Марказий Осиё давлатларининг экологик сиёсий муносабатларини интеграциялаштиришда халқаро ижтимоий, иқтисодий-сиёсий, маданий муносабатларда экологик муаммолар устуворлигини таъминлашни тақозо қилмоқда. Шу маънода 1972 йилда бўлиб ўтган БМТнинг Инсон ва табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича Стокгоlm конференцияси муҳим воқеа бўлади. Стокгоlm конференциясида 113 давлат вакиллари қатнашди. Шу билан бирга, БМТнинг 13 та махсус муассасалари ва бошқа жуда кўп ҳукуматлараро ва ноҳукумат жамоат ташкилотлари Стокгоlm конференциясига ўз вакилларини юбордилар. Бу ташкилотлар, дастлаб конференция натижаларига шубҳа билан қараб, иккиланиб турган бўлса ҳам Стокгоlm конференциясида айтилган фикрлардан руҳланиб, экология соҳасида муайян ишларни амалга оширдилар.

Йигирма йилдан сўнг Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида БМТнинг Атроф муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш бўйича халқаро конференцияси бўлиб ўтди ва унда 179 давлатнинг 8 мингдан ортиқ расмий вакиллари халқаро нодавлат ва жамоат ташкилотларидан 3000 та вакил қатнашди. Бирок Рио де-Жанейро Ер юзи Саммитида дунёнинг жуда кўп мамлакат вакиллари иштирок этиб, умуминсоният ирода ва хоҳиш-истакларини ифодалаган бўлса-да, унинг яхши ният билан қабул қилган қарорлари амалда

бажарилмай, қоғозда қолиб кетгани ҳақида ўн йилдан сўнг Жанубий Африка республикасида, Йоханнесбургдаги Бутун Дунё саммитида БМТ бош котиби Коффи Аннан афсусланиб гапирди. Чунки Рио де-Жанейро конференциясидан сўнг ўтган ўн йил давомида Ер курраси иқлимнинг ўзгариши, ҳайвонот ва ўсимлик турлари йўқолиб кетишининг олдини олиш соҳасида эътиборга молик ишлар қилинмади.

2002 йилнинг 26 август-4 сентябр кунлари Йоханнесбургда бўлган жаҳон саммитида сўзга чиқувчилар Ер юзидан совуқ уруш тўхтаганидан сўнг қутилган ижобий ўзгаришлар юз бермаганини, глобал иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича Рио де-Жанейро конференциясида қабул қилинган қарорлар бажарилмай қолиб кетганлигини очиқчасига эътироф этдилар. Амалда турли давлат манфаатлари бир-бирига зид эканлиги, Европа Иттифоқида табиатни муҳофаза қилиш ишларида нисбатан силжиш борлиги, консерватив руҳдаги АҚШ, Австралия, Канада ва Хитой етакчи бўлган Осиё давлатлари гуруҳида ханузгача иқтисодий манфаатлар экологик манфаатлардан устун қўйилаётганлиги қайд этилди.

Лекин минтақавий экологик фалокатларга жаҳон ҳамжамияти бепарво, лоқайд қараб туrolмайди. Чунки минтақавий фалокатлар глобаллашиб, оламшумул фалокатларга олиб келади. Масалан, Россияда экологик вазиятнинг кескинлашуви Европа мамлакатларига ҳам реал хавф туғдиради. Шунинг учун Бутун дунё Банки (БДБ) ташкилотчилари Россияда экологик вазиятни соғломлаштиришга ёрдам бермоқдалар. Кейинги йилларда БДБ экологик мақсадларга грант маблағлари ажратмоқда. Яқинда бу Банк Россияга атмосферани газ чиқиндилари билан ифлослантиришни камайтирувчи технологияларни жорий қилиш учун 400 миллион доллар миқдорда грант ажратишга ваъда қилди. Бутун дунё Банкининг Россия бўйича директори Кристалина Георгиеванинг сўзига қараганда, Киото протоколи доирасида атмосферани парник газлари чиқиндилари билан ифлослантиришга қарши квоталарнинг олдиротдиси (савдоси) йўлга қўйилган. БДБ бундай бозорни ташкил этиш учун донор сифатида қатнашувчи давлат ва компаниялар ҳисобидан 800 миллион доллар миқдорда фонд маблағ билан

таъминлашни кўзда тутмоқда¹. Атмосферани ифлослантирувчи газ чиқиндиларини камайтирувчи соф технологияни ўрнатиш учун ажратиладиган грантлар ҳам шу фонддан берилиши кўзда тутилмоқда. Бу жараёнлар Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатини интеграциялаштиришни янада кенгайтириш ва бу соҳада халқаро муносабатда фаол иштирок қилиш тенденцияларини мустаҳкамлаш учун ижобий шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқаро доирада экологик сиёсатни интеграциялаш асосий йўналиш ва йўллари атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини глобаллаштириш заруратидан келиб чиқади; турли давлатларнинг бозор иқтисодига ўтишнинг миллий модел хусусиятлари уларнинг экологик сиёсатида ҳам намоён бўлади ва интеграциялашув тенденцияларини такозо қилади; экологик сиёсатнинг интеграциялашув турли давлатларнинг табиий бойликдан фойдаланишида ва муҳофаза қилишида иқтисодий «миллий эгоизм», утилитаризм, меркантилизм ҳодисаларини истисно қилади; экологик сиёсатни интеграциялаш стратегия ва тактикасини белгилаш учун мутасадди халқаро ташкилот структуралари шаклланиб, ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилмоқда; Марказий Осиё давлатларида, муайян кийинчиликларга қарамасдан, экологик сиёсатни интеграциялаш миллатлараро алоқаларнинг устувор йўналишига айланиб бормоқда.

Халқаро муносабатлар тизимида миллий экологик сиёсатнинг интеграциялашиш тамойиллари

Жаҳондаги турли мамлакатлар ўртасидаги алоқаларда экологик сиёсат интеграциясининг асосий тамойиллари: бирдамлик, ҳамжихатлик, ўзаро ёрдам, шу жумладан, иқтисодий кучли, ривожланган давлатларнинг кам ривожланган давлатларга бегараз ёрдами, ҳамкор-шерикларнинг бир-бирига тўлиқ ишончи, миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш, мамлакатларнинг экологик ва сиёсий эҳтиёжларини англаш, ҳар бир давлатнинг минтақадаги экологик вазиятни соғломлаштиришга ҳисса қўшишига тайёр туриши ва бошқалардир.

Халқаро экологик сиёсат соҳасидаги *мафқуравий постулат*-

¹Рио-де-Жанейрская Декларация по окружающей среде и развитию. <http://www.un.org/russia/document/ deklarati/riodecl.ytm>.

ларни аниқлаш, турли миллатлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришга илмий ёндошув Марказий Осиё мамлакатлари учун умумий бўлган янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилишининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазифаларини мунтазам ҳал қилиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов «Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун» асарида Марказий Осиё давлатларида экологик сиёсат асосий йўналишлари ва экологик хавфсизликнинг умумидемократик тамойиллари ҳақида: «Хавфсизлик тушунчаси фақат ҳарбий бўлмаган соҳа билангина чегараланиб қолмаслиги барчага маълум. Кейинги вақтларда хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, инсонийлик ва бошқа белгиларни ўз ичига олган ноҳарбий жиҳатларига катта эътибор берилмоқда», – деган эди¹. Дарҳақиқат, бу тушунчалар миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришни, экологик сиёсат соҳасида демократиялашув ва либераллаштириш жараёнини мунтазам суратда амалга оширишни англатади.

Мустабид тузим давридаги расмий, маъмурий демократизм ўрнини эндиликда янги ҳуқуқий жамият қуришга ва барқарор ривожланишга қаратилган реал демократизм эгалламоқда. Экологик сиёсатда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни экологиялаштириш тамойиллари фақат декларатив эътироф қилинмасдан, реал ҳаётда амалга ошириш имкониятлари вужудга келди.

Давлатлараро экологик муносабатларнинг демократик руҳдаги тамойиллари 1992 йилда Рио де-Жанейро Декларациясида расман қонунлаштирилиб, «турли мамлакатлар ва миллатлар ўзаро муносабатларда амал қиладиган давлатларнинг тўла тенг ҳуқуқчилиги, ҳудудларининг яхлитлигини, мустақиллиги ва суверенитетини ҳурматлаш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик тамойиллари жамият тараққиётининг умумий ғоялари ва экологик хавфсизликнинг ҳам асосий тамойилларидир. Бу ҳолат барча мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, экологик ва маданий соҳаларда яқиндан ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамни инкор этмайди, балки тақозо қилади»².

Декларацияда айтилганидек, «хаёт синовидан ўтган экологик тамойиллар жаҳон мамлакатлари ҳамжамияти ўзаро муносабатлари

¹Ислоҳ Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т.: Ўзбекистон, 1998. Б.36.

²Атроф муҳит ва ривожланиш бўйича Рио де-Жанейро Декларацияси. [http:// www.un.org](http://www.un.org).

асосини ҳам ташкил этади»¹. Бу фикр Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Қизил Ўрда (1993 йил, март), Нукус (1994 йил, январ), Дошховуз (1994 йил, март) ва Алматы (1997 йил, феврал) учрашувларида билдирилган баёнотларида, шу жумладан, МДХ давлатларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро муносабатларида юқорида айтилган тенг ҳуқуқлилиқ, мустақиллик, суверенитетни ҳурматлаш, ўзаро ёрдам, ички ишларга аралашмаслик халқаро хавфсизликни таъминлашда асосий тамойиллар эканлиги таъкидланган.

Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг барқарор ривожланиш концепцияси жамият тараққиёти мезонларини табиатни муҳофаза қилиш халқаро экологик сиёсат муносабати билан мувофиқлаштиришни талаб қилади. Бошқача айтганда, мустақиллик шароитида суверен давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий сиёсатини халқаро экологик муносабатлар билан координациялашни тақозо қилмоқда.

Ҳозирги даврга келиб, глобал кўламда хавфсизликни, хусусан, экологик хавфсизликни таъминлаш муаммолари барқарор экоривожланиш мезонлари билан ўлчанади. Шу маънода йирик файласуф олим А.Д.Урсулнинг «ҳозирги вақтда «тараққиёт фалсафаси» ўрнини «хавфсизлик ва барқарорлик фалсафаси» эгалламоқда»,— деган фикри асослидир. Унинг фикрича, иқтисодий ёки моддий соҳадаги тараққиёт экология (ёки маънавий) соҳасидан ажратилар экан, ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ҳар қандай гап хомхаёл бўлиб кўринади. Ҳозир ривожланишнинг хавфсизлик масаласи биринчи ўринга чиқиб қолди. Инқилобий зўрлик йўли билан тараққий этишдан кўра, мавжуд цивилизация даражасини сақлаб қолиш ёки уни балансли ривожлантириш тарзида давом эттириш муҳимроқ бўлиб қолди².

БМТнинг Рио де-Жанейро Конференциясида: «Исоният ҳал қилувчи тарихий даврни бошдан кечирмоқда. Цивилизация тараққиётнинг мавжуд характери билан табиат ўртасидаги зиддиятлар сўнгги нуқтасига етди. Тараққиёт яна шу йўл билан давом этса, глобал экологик фалокатларга олиб келади»,— деган хулосада ҳозирги давр тенденцияси ва унинг истикболи ўз ифодасини топ-

¹Ўша жойда.

²Урсул Д.А. Экологическая проблема и агро-ноосферная революция. М., 1994. С. 107.

ган¹.

Ҳозирги вазиятда глобал экологик хавфсизлик ва барқарор тараққиёт муаммосига ёндошувларни қўйидаги йўналишларга ажратиб, халқаро сиёсий муносабатлар характериini белгилаш мумкин:

– **Натуралистик ёндошув** давлат экологик сиёсатини интеграциялаш ва коллектив хавфсизликни таъминлаш заруратини англашдан келиб чиқади. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида миллат ва давлат хавфсизлиги даражаси, уларнинг экологик сиёсат интеграцияси жараёнларида қатнашиш имкониятларига боғлиқдир.

– **Фаолиятли ёндошувда иқтисодий детерминизм** муглақлаштирилиб, халқаро хавфсизликни таъминловчи иқтисодий сиёсат экологик вазият кескинлашуви олдини олиши мумкин, деб тушунилади. Шунга кўра, экологик барқарор ривожланиш концепцияси асосида иқтисодий ўсиш ва атроф муҳит ҳимояси бир-бирини тўлдиради, деган гоя ётади.

– **Интеграцион ёндошувга кўра глобал хавфсизликни таъминлашга мўлжалланган экологик сиёсатнинг интеграциялашуви** давлатлараро ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки ижтимоий, иқтисодий ислохотларсиз сиёсий ўзгаришларни тасаввур қилиб бўлмайди, қўйилган мақсадга бошқа йўналишдаги муаммоларни комплекс ҳал этиш орқали эришиш мумкин².

Интеграцион ёндошув ҳозирги замоннинг ўзаро алоқадор глобал муаммолари тизимини жиддий таҳлил этишдан келиб чиқади. Муайян минтақалардаги экологик вазиятнинг кескинлашуви, ўз навбатида, бир қатор ўзаро алоқадор хавф-хатарлар келиб чиқишига ва глобаллашувига замин яратади. Экологик вазиятнинг сайёра миқёсида беқарорлиги, гео-иқлимий фалокатлар (сув тошқинлари, ёнғинлар, zilзилалар ва ҳоказолар), шаҳарларда аҳолининг ҳаддан зиёд кўлайиши, руҳий-асабий таранглик, оммавий ишсизлик, миграциялар, (аҳолининг ялпи кўчишлари), ижтимоий-маънавий фазилатларининг қадрсизланиши (маънавий инқироз), тикланмайдиган табиий ресурсларнинг камайиб кетиши, атроф муҳитнинг иф-

¹ Атроф муҳит ва ривожланиш бўйича Рио де-Жанейро Декларацияси. <http://www.un.org>.

² Ислон Каримов. Ўрни имлериин нас считали людьми второго сорта: Интервью в «Независимой газете». 2005 г., 14 январь.

лосланиши ва бошқалар уларнинг натижаларидир. Шу сабабли, турли давлатлар сиёсий муносабатларида интеграция янги тушунча бўлиб, у табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсий қараш синтези бўлибгина қолмай, балки ҳозирги замон глобал муаммолари кескинлашуви билан боғлиқ конкрет вазифаларни биргаликда ҳал этишга қаратилгандир.

Халқаро экологик сиёсатнинг интеграциялашуви умуминсоний кадрият сифатида қуйидаги хусусиятларга эга: экологик хавфсизлик манфаати умумжаҳон миқёсида барча соҳаларни ягона тизим сифатида қамраб олади; интеграция натижасида экологик хавф-хатардан холи бўлган айрим давлатлар, минтақалар бутун инсоният барқарор тараққиётга эришиши мумкин; халқаро экологик сиёсат интеграцияси зўрлик билан эмас, балки муроса, сиёсий келишув йўли билан ҳал этишни кўзда тутувчи демократик шарт-шароитни тақозо қилади¹.

Шулардан келиб чиқиб, шартли равишда экологик сиёсат интеграциясини инсоният цивилизациясига, атроф муҳитига зарар келтирмайдиган сиёсий тизимлар универсал фаолияти; бу «жамият-техника» тизимини (тинчлик учун кураш, ижтимоий прогресс, иқтисодий ўсиш, фан-техника тараққиётини) ўз ичига олувчи интерсоциал характердаги ўзаро алоқа; «инсон – жамият» тизимини (таълим, тарбия, маданият, аҳоли жойлашуви, соғлиқни сақлаш, инсон ривожланиши ва унинг келажаги муаммоларини) қамраб олувчи антропологик характердаги ижтимоий ҳодиса; «жамият – табиат» тизими (энергетика, озиқ-овқат ресурслари ва атроф муҳит) муаммоларини ўз ичига олувчи социал-табiiий характердаги ўзаро алоқалар тарзида қараш мумкин².

Бу тизимларда бутун инсониятга хавф келтирувчи таҳдидлар мавжудлигини эътироф этиш ва уларга қарши биргалашиб ҳаракат қилиш дастурига айланиши керак. Чунончи, «жамият-техника» тизимида техника тараққиётидаги ўйланмай қилинган ишлар, турлитуман оммавий қирғин қуролиларнинг яратилиши билан боғлиқ хавф-хатарлар келиб чиққан. Чех эко-психологи М.Черноушек фикрича, «техника тараққиёти тезлашиб, шундай даражага етдики,

¹ Рио-де-Жанейрская Декларация по окружающей среде и развитию. <http://www.un.org/russia/document/ deklaratiodecl.ytm>

² Усмонов Э.М. Социально-философские проблемы интеграции экологической политики государства Центральной Азии в современных условиях. Ташкент: Фан, 2006. С.29-30.

энди у ўз ихтирочисига қарши кўплаб салбий оқибатларни келтирмоқда»¹.

«Инсон – жамият», аниқроғи, «инсон – маданият» тизимидаги хавф-хатарлар миллий маданиятни волонтаристик усулда унификация қилиш, уларнинг ранг-баранглигини чеклаш «маданий қашшоқлашув»га олиб келади. Бунда техносфера маданият унсур сифатида инсоннинг табиатга таъсир механизмини конкретлаштиришнинг ўзига хос усули, воситаси бўлиб, табиатнинг мувозанат қонунларига, жамиятнинг барқарор тараққиёт тамойилларига ҳам бўйсунishi керак. Аини пайтда, экология техносферасида инсоннинг ижтимоий моҳияти яққол кўзга ташланади, экологиялашган техника тараққиёти (маънавий маданият) ривожланиши билан ҳам боғлиқдир.

Табиий муҳитни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, ўзлаштириш оқилона экологик сиёсатни талаб қилади. Шу сабабли, ҳозирги вақтда сиёсий жараёнларда экологик сиёсий муносабатлар муҳим рол ўйнайди. Экологик сиёсатнинг гуманистик моҳияти, унинг «табиат – инсон – жамият» тизимидаги барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаолият йўналишларини экологиялаштиришда, табиатни муҳофаза қилиш манфаатлари доирасида уйғунлаштиришда намоён бўлади ва экологик хавфсизлик тизими-ни вужудга келтиради.

Шундай қилиб, экологик хавфсизлик тизими, барқарор тараққиёт деганимизда, табиий муҳит, биосферанинг физик, жимёвий, биологик компонентларида мувозанатнинг бузилиш хавфи йўқлиги, «жамият – табиат» тизимида техноген ёки антропоген таъсирлар сабабли табиий офатларнинг бартараф этилиши тушунилади. Миллий экологик хавфсизликни татминлаш зарурати табиат ва жамият ўртасида мувозанатни издан чиқарувчи муаммолар мавжудлигидан келиб чиқади. Бу экологик муаммоларнинг кескинлашуви давлатлардан самарали сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Миллий экологик сиёсат нисбатан мустақил тизим сифатида қуйидаги хусусият ва мезонларга эга:

– *реализм* – экологик хавфсизлик тизимида барча мамлакатларнинг «табиат – жамият» муаммоларига объектив қарашлари ифодаланган. Бу қарашлар табиий, социотабиий, техноген жараён-

¹Черноушек М. Психология жизненной среды. М.: Мысль, 1989. С.140.

ларга, инсон амалий фаолият шакллари, тажрибаларига мавжуд халқаро келишувларни кўзда тутган ҳолда вазиятга реал ёндошувни ифодалайди;

– *динамизм* – экологик сиёсат тизимининг бу хусусияти давлатлараро экологик муносабатларда ҳамкорликнинг оддий шаклидан мураккаб шаклларига ўтишни, тадрижий узлуксиз ривожлантиришни билдиради;

– *комплекслилик* – экологик хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда барча давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ўзаро ҳамкорлигини аниқлатади;

– *демократизм* – экология соҳасида ахборотнинг объектив ва ошқоралиги, табиатни муҳофаза қилиш бўйича турли тадбир ва лойиҳаларнинг эркин муҳокамасини, уларнинг бажарилишини таъминлаш учун самарали мониторинг ташкил этишни ўз ичига олади;

– *устуворлик* – мустақил давлатимиз олдида турган «инсон – жамият – табиат» тизимининг барқарор тараққиётга алоқадор вазифаларни ҳал этишда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш ва демократлаштиришни, экологик сиёсатда инертлик ва дискретликни бартараф этиш, аҳолининг иқтисодий манфаатларига нисбатан экологик манфаатларини устувор деб билишдан иборат;

– *гуманизм* – экологик сиёсатнинг инсонпарварлик моҳиятини аниқлаш асосида келгусида инсон зотининг экологик ҳалокатлар сабабли қирилиб кетмаслиги учун ғамхўрлик – олий кадриятлигини, сиёсий муносабатларда асосий мезонлигини эътироф этиб, инсон фақат ўзини, оиласи, мамлакатинигина ўйлаб эмас, балки сайёра келажаги учун ҳам масъулият ҳис этиб фаолият кўрсатишидир.

Шундай қилиб, ҳар бир давлат миллий экологик сиёсатида давлатлараро сиёсий муносабатларда асосий субъект – бутун инсоният эканлигини аниқлаш бутун дунё хавфсизлиги ва тараққиёт барқарорлигининг энг муҳим ижтимоий-сиёсий кафолатидир.

МДҲ давлатларида экологик муносабатларнинг ривожланиши, табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг ташкилий шакллари такомиллашуви, демократлашуви ҳамда бу мамлакатлар миллий экологик сиёсатларининг яқинлашуви халқаро ҳуқуқий меъёр ва тамойилларни асосида амалга

оширилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида миллий ва интернационал манфаатларини узвий равишда уйғунлаштириш, экологик муаммоларни ҳал этишда, тор миллий-утилитар ёндошувлардан воз кечиш зарур. Зеро, интернационализм, миллатлараро тотувлик тамойилларига мувофиқ ҳар бир мамлакат минтақа ва бутун дунёда экологик вазиятни соғломлаштиришга ўз ҳиссасини қўшишини тақозо қилади.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ҳар бир давлат экологик сиёсатини жаҳон миқёсида интеграциялаш жараёнларида моддий-техник заминни вужудга келтиради. Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Алмати Кенгаши (1997 й.) Декларациясида айтилганидек, «бу давлатларнинг бозор иқтисодига ўтишини такомиллаштиришдан, иқтисодий интеграция имкониятларидан уларнинг экологик сиёсатлари интеграциясини янада чуқурлаштиришда фойдаланиш зарур»¹. Бу минтақада фаол экологик-сиёсий муносабатларни ривожлантириш, хусусан, Орол муаммоси ва бошқа экологик муаммоларни ҳал этишда тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдор келишувлар муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги экологик-сиёсий муносабатларда *ўзаро манфаатдорлик тамойили* бу минтақадаги табиий ресурслардан ўзаро келишув асосида фойдаланишда яққол кўзга ташланади. Масалан, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон республикалари ўртасида умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича келишув мавжуд. Орол ҳавзаси муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Кенгаши (1999 йил, апрель) Баёнотида сув ресурсларидан фойдаланишга эко-системали ёндошув, оқилона яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига амал қилинади ва ҳеч бир давлат манфаатига зарар етказилмайди, дейилган².

Халқаро экологик сиёсий муносабатларда *ихтиёрийлик тамойили* давлатларнинг ҳар бири икки томонлама ва кўп томонлама экологик ҳамкорликда, шу жумладан, ўзаро экологик ёрдам масалаларида халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ихтиёрий равишда келишиб оладилар.

¹Алмати Декларацияси // Экологический вестник. 1997, №3. С.67.

²Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Қўшма баёноти. //«Ўзбекистон овози», 1999, 12 апрель.

Шундай қилиб, Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатини интеграциялаш тамойиллари Рио де-Жанейро умумжаҳон Конференциясида қабул қилинган қарор ва қондаларга ҳам мувофиқ қилиши: минтақадаги давлатларнинг экологик сиёсати интеграцияси жараёнларида ҳудудда яшаётган халқларнинг миллий манфаатлари билан умуминсоният манфаатларини уйғунлаштириш заруратидир; минтақадаги экологик фалокатларнинг оқибатлари глобаллашадиган шароитда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ижтимоий сиёсий, иқтисодий соҳаларда ҳам интеграцияни тақозо қилиши; минтақада экологик сиёсат интеграцияси муаммоларига комплекс-тизимли ёндошувнинг тажрибалари ва амалий натижаларнинг умумий манфаатларга мослиги; давлатлараро ва миллатлараро муносабатлар тизимида экологик сиёсатнинг устувор йўналишга айланиши; Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатини интеграциялаш орқали уларнинг бошқа ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги муносабатларини ҳам глобаллаштириш кузатишмоқда.

Марказий Осиё давлатлари экологик манфаатларини уйғунлаштириш йўллари ва асосий йўналишлари

Марказий Осиё давлатлари экологик манфаатларининг ўзаро яқинлашуви жараёни, уларнинг иқтисодий ҳамкорлигида янги шакл ва йўналишларни вужудга келтирмоқда. Бу давлатларда янговчи халқларнинг экологик эҳтиёжлари, иқтисодий ҳамкорлик мўлҳазларини ўзаро манфаатдорликка асосланган умуминсоний тамойиллар, интеграция мотиви ташкил этади. Зеро, «Минтақадаги миллатлар ва давлатлар хавфсизлиги, уларнинг интеграция жараёнларида қанчалик қатнашувига боғлиқдир»¹.

Минтақа халқларининг ўзаро ижтимоий-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда жугрофий ҳудуд умумийлиги, барчаларида экологик вазитнинг ўхшашлиги муҳим аҳамият касб этиб, минтақа давлатлари экологик сиёсатини интеграциялаштириш суратларини тезлаштирувчи омиллардир. Шу билан бирга, экологик сиёсат интеграцияси минтақада ҳар бир мамлакатнинг миллий экологик манфаатларини ҳисобга олишни, бу давлатлар мусатқиллиги, суверенлигини ҳурматлашни талаб қилади.

¹Ислом Қаримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Б.291.

Ҳар бир давлат учун миллий экологик сиёсатнинг алоҳидлиги, бу мамлакатларда сув ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланишда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни ҳал этишда минтақадаги ҳар бир давлатнинг миллий манфаатлари билан минтақа халқлари ва умуминсоният манфаатларини оқилона уйғунлаштириш имкониятларини эътиборга олиш, шунингдек, экологик сиёсат интеграциясида халқаро муносабатлар тарихий ва этник иддиалари умумий бўлган халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўзаро манфаатдорлиги каби оддий ҳуқуқ меъёрларига, ахлоқий нормаларига ҳам, албатта, риоя қилиниши зарур.

Марказий Осиё мамлакатларининг иктисодий ривожланиш даражалари, экологик инфраструктуралари (шу соҳа ташкилотларида) турлича бўлса-да, экологик манфаатларни иктисодий манфаатлар билан уйғунлаштириш ва оқилона иш тутиш муҳим аҳамиятга эга.

Экология муаммоларини бартараф этиш масаласи Марказий Осиё давлат раҳбарларининг диққат марказида турибди. Давлатлараро расмий шартномалар ва келишувларда минтақада вужудга келган экологик зарар ва хавфларни бартараф этиш йўлида ҳамкорликда фаолият юритиш кўзда тутилган.

Минтақада экологик муаммоларни ҳал қилишда Марказий Осиё давлатларининг парламентлараро алоқалари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, Олий Мажлиснинг Табиғати муҳофаза қилиш бўйича қўмитаси халқаро алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Бу борада Қўмита бир қатор хорижий давлатлар делегацияларини қабул қилди. Жумладан, Атроф муҳит ва атом реакторлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича Германия Федератив республикаси федерал вазирлигининг давлат секретари Г.Альтман бошчилигидаги парламент делегацияси, ГФРнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хеккер, Тошкент шаҳридаги ОБСЕ Марказининг экология ва иктисод эксперти Дуглас Туке ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар вакиллари шулар жумласидандир.

Қўмита бирлашган Миллатлар ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, халқаро жамоат ташкилотлари ва бошқа кўплаб бу масала юзасидан шуғулланувчи доиралар билан ўзаро алоқа ўрнатган. Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсати тамойилларини оқилона қўшиб олиб боришда, унинг муҳим омил-

ларидан бири иктисод ва фан-техника соҳасида ўзаро ҳамкорликдан иборатдир. Давлатлараро экологик сиёсат тактикаси ва стратегиясини координациялаш мақсадида минтақавий давлатлар ўртасида экологик фаолиятда кооперациялаш ва ихтисослашув бўйича ўзаро ёрдам принципларини кенг кўламда қўллашни кўзда тутувчи ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Кейинги йилларда давлатлар ўртасида фан-техника ҳамкорлиги соҳасида, хусусан, экологик сиёсатда эътиборга молик ишлар кўзга ташланмоқда. Манфаатдор томонларнинг биргаликда амалга оширадиган илмий ва техникавий тадқиқотларини молиялаштириш соҳасида вужудга келган ҳар хил кийинчиликларни биргаликда бартараф этмоқдалар. Шу билан бирга, ўзаро экологик манфаатдорлик тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, илмий тадқиқот натижаларидан биргаликда фойдаланиш ҳам кўзда тутилган.

Марказий Осиё давлатлари келажақда ўзаро келишувлар ва шартномаларда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, ижодий фаолият интеграциясини амалга оширишда Рио де-Жанейро декларациясида кўрсатилган қоидаларга амал қилишни эътироф қилмоқдалар. Бу қоидаларда давлатлар миллий потенциалини кенгайтириш, фан-техника билимларини, амалий тажрибаларини ўзаро алмашиш, янги экологик технологияларни ривожлантириш ва кенг жорий қилиш устувор йўналиш сифатида эътироф этилган.

1997 йил 28 февралда Алматида Оролни қутқариш Халқаро Фондининг бешинчи йиғилишида қабул қилинган Декларацияда ҳам юқорида кўрсатилган тамойилларга, экологик хавфсизликнинг комплекс программасига асосан Орол денгизи хавзасини мунтазам равишда ривожлантириш бўйича Конвенция лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати кун тартибига қўйилган эди. Алмати декларацияси қарорларига асосан, фан ва техника тадқиқотлари натижалари кенгашда иштирок этувчи томонларга ўзаро тўловларсиз, харажатларсиз тақдим этилади.

Марказий Осиё республикаларида эквивалент ва ўзаро фойдали экологик сиёсатдаги алоқалар давлатлар манфаатдорлиги асосида халқаро мутасадди ташкилотлар билан биргаликда алоҳида иқтисодий, экологик санкцияларни минтақа миқёсида қабул қилиш имконини беради. Ўзаро алоқалар ҳудуддаги экологик муаммоларни бартараф қилиш юзасидан олинган мажбуриятларни халқаро

хукукий талаблар ва нормалар асосида бажаришга имкон яратади. Шунингдек, халқаро шартнома ва келишувларда, давлатларнинг ташқи экологик алоқаларини ривожлантиришдаги хукукий принципларга риоя қилишда ўзаро манфаатдорликни ошириш, экологик халқаро мажбуриятларни истисносиз бажариш ва тадбирларни ташкиллаштириш, бу борада юқори самарадорликка эришиш йўллари, имкониятлари кўриб чиқилган. Асосан, Экологик сиёсат координацияси Марказий Осиё давлатлари доирасида экологик вазиятларни ўрганиш ва бартараф этишга қаратилган. Марказий Осиё давлатлари ўртасида умумий экологик тадбир режаларини бирга ишлаб чиқиш, уларни тўлиқ ўрганиш, «экологик истеъмол»нинг мавжуд потенциалларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради.

Экологик интеграция принципларини яхши тушунмаслик, республикаларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши турлича бўлган шароитларда, уларнинг халқаро экологик сиёсий муносабатлардаги фаолият доираларини, фаоллик даражаларини белгилашда мураккабликлар вужудга келмоқда. Бундан ташқари, экологик сиёсатдаги номувофиклик: бирор республиканинг тор экологик манфаатини, умумминтақа манфаатидан, жорий тактик манфаатларни эса истиқболли ва стратегик манфаатдан юқори қўйишга олиб келиши мумкин.

Экологик муаммолар глобал мақсадда кескинлашаётган шароитда умумий мақсад – экологик вазиятни соғломлаштиришни иқтисодий ривожланиш билан мувофиқлаштиришни таъминлашдан, умуминсоний ва миллий манфаатларни уйғунлаштириш тамойиллари асосида ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Бу мақсад давлатлараро экологик сиёсий муносабатларда барқарорликни таъминлаш борасидаги қилиниши лозим бўлган ишлар мундарижасини белгилаб беради. Бу давлат суверенитети қондаларини, тамойилларини эътироф қилиш асосида барча соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга боғлиқ бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий барқарор тараққиётнинг миллий моделлари – давлатларнинг суверенитети, уларнинг ички ва ташқи сиёсатидаги миллий хусусиятлари, экологик сиёсатларининг бири-биридан мутлақ мустақил ўзича автоном ривожланишини билдирмайди. Аксинча, барқарор тараққиётнинг муқобил миллий моделлари давлатлар ўртасида ҳар томонлама алоқаларни доимий кенгайтириш зарурати, турли мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий,

сиёсий манфаатларини экологик эҳтиёжлар асосида уйғунлаштиришни тақозо қилади.

Бир давлатнинг бошқа давлатга экологик жиҳатдан боғлиқлиги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янада глобаллашувига олиб келади. Ижтимоий тараққиётнинг hozirgi босқичида давлатларнинг ўзаро экологик боғлиқлиги яқин ўтмишдагига нисбатан тубдан ўзгармоқда. Бугунги куннинг оламшумул муаммолари ва уларни ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий ҳал қилиш йўллари экологик халқаро сиёсатнинг икки тенденциясида намоён бўлади.

Биринчидан -- жаҳондаги ижтимоий муносабатларнинг турли йўналишлари ва шакллари экологик халқаро сиёсат соҳасида интеграциялашади.

Иккинчидан – халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатлар системасида ҳар бир давлатнинг экология фаоллиги ва масъулияти кучайиб боради. Бошқача айтганда, экологик муаммоларнинг глобал кўламда кескинлашуви билан давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсати халқаро муносабатларнинг ривожланиш истиқболини белгилайди¹.

Шундай қилиб, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги экологик сиёсий муносабатлар асосини миллий, минтакавий ва умуминсоний, манфаатдорликни уйғунлаштириш тамойиллари ташкил этди. Экологик сиёсат ҳар бир давлатнинг суверенитетини эътироф қилган ҳолда, «социалистик казарма» тамойилларидан тубдан фаркланиб, гуманистик характердаги янги демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши манфаатлари доирасида уйғунлаштиришни тақозо этади.

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро экологик сиёсий муносабатларида миллий мустақиллик ва давлатлар суверенитети принципига тўлиқ амал қилинмоқда. Хусусан, «мустақиллик йилларидаги тажрибалар шуни кўрсатадики умумий экологик соғломлашув Марказий Осиё давлатларида ва бошқа мамлакатларда фақат мавжуд экологик алоқаларни кенгайтириш орқали амалга ошади. Шунга кўра, биз доимо барча мамлакатлар билан самарали ҳамкорлик

¹Қаранг: Мамашакиров С. Экологик фаоллик ва масъулиятнинг шаклланишида ижтимоий-сиёсий факторларнинг роли. Фалсафа фанлари доктори дис. автореферати. Т. 1997. С.35-36.

қилишга тайёрмиз»¹. Дарҳақиқат, давлатлар ўртасидаги экологик функцияларнинг рационал тақсимотини оқилона ташкиллаштириш ва чуқурлаштириш, уларнинг экологик сиёсати интеграциялашувига олиб келади.

Давлатлараро экология ва фан-техника соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, миллий экологик манфаатларни эътиборга олган ҳолда, интеграциялашувнинг умумий принципларини биргаликда ишлаб чиқишни талаб этади. Марказий Осиё давлатлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида халқаро экологик ҳамкорликнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишда етарли тажрибага эга. Бунга Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасидаги келишувни мисол қилиб оلسа бўлади. Бундан ташқари, мамлакатлар ўртасида бошқа соҳалардаги ўзаро алоқаларнинг тамойилларини конкретлаштириш давлатлараро экологик ҳамкорликнинг ташкилий шаклларини янада яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

Умуман, халқаро муносабатларнинг кенгайиши ва давлатлараро экологик сиёсат интеграцияси, улар ўртасида функциялар тақсимотига ва ўзаро келишилган алоқа тамойилларига амал қилишни талаб этади. Бу тамойилларга эътиборсиз қараш минтақада экологик вазиятни янада кескинлаштиради. Шунга кўра, ҳар бир давлат ўз ҳудудида экологик вазиятни соғломлаштириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоғи керак.

Юқоридаги барча айтилган фикрлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Марказий Осиё давлатлари минтақадаги экологик муаммоларни, халқаро ҳамкорлик тамойилларига амал қилиш орқали ўзининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини ва экологик имкониятларни ўрганиш орқали ечимини топишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, реал экологик вазиятни объектив баҳолаш ва уни яхшилаш имкониятларни аниқлаш билан давлатлар ўртасидаги экологик алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда институционал тизимнинг биргаликда келишилган фаолият-ларини конструктив рационал ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш мумкин.

Бу бобдаги масалаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики,

¹Ислом Каримов. Бизнинг мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва замонавийлаштириш // Халқ сўзи. 2005, 29 январь.

Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатларини интеграциялаштиришнинг объектив зарурати, умуман халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг глобаллашув натижаларидан келиб чиқиб, давлатлараро экологик сиёсатни интеграциялаш соҳасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар барқарорлашиб, қуйидаги омиллар таъсирида тобора чуқурлашиб бораётганини кўрамиз:

– Марказий Осиё минтақасида яшовчи халқлар глобал экологик хавф-хатарлар оқибатини англаб етдилар ва келгуси авлод, умуминсоният цивилизацияси олдида масъулиятни ҳис эта бошладилар. Бу эса Марказий Осиё давлатлари сиёсий ташкилотлари фаолиятини интеграциялаштириш жараёнининг омилли бўлиб қолмоқда.

– ҳозирги замон жаҳон экологик сиёсатининг ўзига хос хусусияти, унинг глобал характеридир. Экологик сиёсатнинг интеграциялашуви ва глобаллашуви барча давлатларни иқтисодий ривожланиш даражаси, этно-демографик тузилиши, сиёсий тизими, профессионал тузилиши, географик жойлашуви ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар уларни ўз доирасига тортмоқда.

– халқаро ахборот банки маълумотлари асосида давлатларнинг экологик сиёсий фаолияти мониторингини амалга оширувчи, халқаро сиёсий ва жамоат ташкилотлари тизими шаклланмоқда.

– худудий ва умумжаҳон масштабда экологик сиёсатни интеграциялаштириш мақсадида ўтказилган Стокгольм (1972 йил), Рио-де Жанейро (1992 йил), Йоханнесбург (2002 йил) Конференциялари ва Оролни кутқариш Халқаро Фонди Декларациялари асосида экология сиёсатидаги халқаро ҳамкорлик умумжаҳон миқёсда юз бераётгани эътиборга лойиқдир.

– Марказий Осиёда экологик фожиалар оқибатини ҳис қилиш ва минтақавий муаммолар ечимига комплекс-системали ёндашув ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, ўзаро келишув асосида сиёсий ҳаракатларни мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда.

– миллий экологик манфаатларни мутлақлаштириш, «иқтисодий миллий эгоизм»га асосланган жамият тараққиётининг моделлари Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатини интеграциялашда маълум қийинчилик ва муаммоларни вужудга келтирмоқда.

– Евро Осиё иқтисодий Иттифоқи, ШХТ ва бошқа халқаро

ташкilotлар давлатларнинг экологик сиёсатини интеграциялашда қонуний-ҳуқуқий макон яратиб, экологик фаолият ривожланишидан фақат алоҳида давлатлар манфаатларини эмас, балки минтақа ҳамда умуминсоният миқёсида фаолиятларни бирлаштириш истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда

5-БОБ. МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИК СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Марказий Осиё давлатларининг hozirgi rivojlaniш bosqichidaги энг муҳим муаммолари таркибида экологик сиёсий муносабатларни интеграциялаш муҳим ўрин тутди. Бу жараён самарадорлиги ҳудуддаги барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражасини, уларнинг халқаро майдондаги мавқеини белгилайдиган оламшумул муаммолар ечимини топиш-ларига боғлиқ.

Экологик интеграциянинг принципиал асослари, унинг мақсади, йўли ва воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов асарларида чуқур очиқ берилган¹. Бу асарларда Марказий Осиё давлатларининг экологик сиёсат соҳасида ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва такомиллаштиришнинг яхлит программаси белгилаб берилган. Ўзбекистон ҳукумати бу мамлакатлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашни, уларнинг экологик интеграциясини ривожлантиришни ўз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири деб билади. Бу сиёсат минтақа ҳамда бутун дунё мамлакатлари манфаатларига мос келади.

Мустақиллик йилларида Марказий Осиё давлатларининг экологик ҳамкорлик тажрибаси шуни кўрсатдики, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида бажарилган ишлар ҳали экологик соғломлашув ва барқарор тараққиёт талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли, бу соҳадаги интеграция жараёнларининг умуминсоний концептуал асосларини ёритиш зарурати туғилмоқда.

¹Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка тўхид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Асарлар. Т.4. Т.: Ўзбекистон, 1997.

Экологик сиёсатда интеграция жараёнларининг объектив асослари ва субъектив омиллари

Экологик сиёсат соҳасида интеграция жараёни Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг сифат жиҳатидан янги йўналишидир. Ҳозир бу ҳодисага ижтимоий-иқтисодий ҳаётни демократлаштириш тамойилларини амалга ошириш, барча мамлакатлар ички ва ташқи сиёсатдаги долзарб муаммоларини ечишнинг сифат жиҳатидан янги йўналиши, деб қаралмоқда. Шунинг учун ҳозир юз бераётган интеграцион жараёнларнинг ҳар томонлама таҳлили, унинг объектив асосларини, шунингдек, экологик сиёсий муносабатлар майдонида ижтимоий тенденцияларини кўриб чиқишни тақозо этади. Бу мамлакатлар барқарор тараққиёт механизмларни моҳиятини, халқаро экологик сиёсат интеграцияси мотивларини тушунишга ёрдам беради. Унинг ривожланиши, тарихий босқичлари ва жуғрофий чегараларини кўрсатади.

Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсат интеграцияси асосида экологик манфаатдорликнинг умумийлиги ётади. Таъкидлаш керакки, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида миллий экологик сиёсатни шакллантириш ва уларни халқаро миқёсда интеграциялаштириш зарурати халқаро муносабатнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар глобаллашувининг объектив қонуниятини ифодалайди. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш сиёсатининг глобаллашуви – экологик фаолиятнинг умумий ривожланиш жараёнига алоқадордир. Замонавий глобаллашув жараёни миллий давлат чегарасидан ташқарида ҳам «моддийлашиб» амал қиладиган ягона умуминсоний экологик сиёсатни ишлаб чиқишни тақозо этади ва унинг умумлашув жараёни жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида экологик сиёсатни интеграциялаш зарурати умумий ривожланишнинг ҳақиқий аҳволини ҳар томонлама таҳлил этишни ва барча кучларни шу соҳага йўналтиришни, унинг инфраструктурасини такомиллаштиришни тақозо қилади. Зеро, фан-техника ривожланиши бу фаолият самарадорлигини таъминлайдиган омиллардан биридир. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида интеграция зарурати экологик фаолиятнинг реал имкониятларини ҳар томонлама таҳлил этишни

ва барча мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини шу йўналишда мувофиқлаштиришга боғлиқ. Экологик сиёсат интеграцияси натижасида табиатни асраш соҳасида ахборот-коммуникация структураларининг глобал тармоғи шаклланади, ўз навбатида замонавий электрон ишлаб чиқаришнинг ўсиши кенгайди, шахснинг интеллектуал ижодий салоҳиятини юзага чиқаришга йўналтирилган ахборот ва фан индустрияси, таълим тизимлари ва бошқа соҳалар ривожланади¹. Бу миллий экологик, сиёсатни ривожлантириш ва уни глобаллаштиришнинг муҳим шартидир.

Марказий Осиё давлатлари экологик фаолиятида интеграцион жараёнлар ривожланиши, уларнинг миллий ва халқаро экологик сиёсатида ўз мамлакатлари ва жаҳон ҳамдўстлиги мамлакатлари манфаатларини эътиборга олиши экологик вазиятни холис баҳолаш, аввало маҳаллий, локал, миллий манфаатларни, сўнг эса минтақавий ва жаҳон кўламида экологик манфаатларни эътиборга олишни тақозо қилади. Экологик сиёсат интеграцияси объектив жараён сифатида, ижтимоий тараққиётнинг замонавий босқичига хос глобаллашув тенденцияларидан келиб чиқади. Экологик сиёсатнинг интеграцияси ва глобаллашуви олдинги парокандалик ва миллий алоҳидалик ўрнига ҳудудий ва жаҳон кўламида аввал кузатилмаган ўзгаришларни пайдо қилади.

Экологик сиёсат интеграцияси, бир томондан, табиатни муҳофаза қилиш бўйича умуммиллий ва халқаро муносабатлар натижаси бўлса, иккинчи томондан, инсониятнинг экологик муаммолар кескинлашуви ва глобаллашувини англаб етиши оқибатидир. Экологик вазият кескинлашувининг объектив характери, турли мамлакатлар экологик сиёсат интеграциясини ҳам экологик муаммоларнинг глобаллашувини ҳам белгилаб беради.

Ҳозирги даврда фан-техника прогресси экологик сиёсат интеграциялашиш жараёнларини тезлаштирди. Бу технологиялар соҳасидаги чуқур ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, экологик ишлаб чиқариш жараёнларининг интенсив ривожланиши унинг ташкилий-бошқарув ва бошқа тизимли алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда конкретлаштиришга шароит яратмоқда. Бундай алоқаларнинг халқаро миқёсда мустаҳкамланиши экологик сиёсат соҳасида ҳам янги муносабатларни вужудга келтиради ва чуқурлаштиради. Эко-

¹Қаранг: Алексеев В.П. Природа общество: этапы взаимодействия // Экология и жизнь. 2004, № 4. С.45.

логик алоқаларнинг кенгайиши иқтисодий ишлаб чиқариш, технологик ва бошқа муҳим ўзгаришларга олиб келади. Бу эса кўп жиҳатдан халқаро муносабатларнинг шу ўзгаришларга боғлиқ янги шакллари вужудга келишига ижобий таъсир кўрсатади.

Экологик сиёсат интеграциялашуви ва бошқа ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд бўлиб, улар миллий давлат ҳудудларидан ташқарига чиқиб, халқаро интернационал характер касб этади. Марказий Осиёдаги суверен давлатлар экологик сиёсати интеграциялашувининг ҳозирги босқичини уларнинг халқаро муносабатларининг ҳам дастлабки босқичлари дейиш мумкин. Экологик сиёсатнинг миллий давлат чегараларидан ташқарига чиқиши, бошқа ижтимоий-иқтисодий алоқаларда ҳам муҳим рол ўйнайди. Турли давлатлар ишлаб чиқаришини экологиялаштиришнинг моддий базасини яратиши билан экологик сиёсат интеграциялашувида иштирок этади. Бу жараёни оқилона ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг мувофиқлашуви, унинг самарадорлигини таъминлайди. Атроф муҳит муҳофазасини муайян давлатда тартибга солиб туришнинг миллий дастурларни халқаро миқёсда мувофиқлаштириш, фақат алоҳида давлатлар миқёсида ташкил қилинган тadbирлар билан чегараланмайди, балки турли мамлакатлар ўртасида янги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлардаги уйғунликка олиб келишига йўналтирилади.

Турли давлатлар экологик сиёсати интеграциясининг кенгайиши ва чуқурлашуви, ўз навбатида, халқаро меҳнат тақсимотини мувофиқлаштириш заруратини ҳам кучайтиради. Экологик фаолият доирасида турли давлатлар ихтисослашувининг ривожланиши бошқа ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг кучайишига асос яратади. Айнан турли мамлакатлар суверенитети ва экологик манфаатлари халқаро миқёсда экологик вазиятни соғломлаштириш учун қулай замин яратади. Давлатлар экологик сиёсатининг интеграциялашуви: манфаатлар умумийлигининг чуқурлашуви ва кенгайишида, биргаликда ҳаракат қилишга интилишида, халқаро ташкилотлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг мустахкамланишида намоён бўлади. Экологик фаолият соҳасидаги чуқурлашиб бораётган интеграцион жараёнлар ўзининг натижаларига кўра, халқаро ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантириши билан объектив-қонуний характер касб этади.

Экологик сиёсат интеграциясининг ривожланиши мулкнинг турли формаларини, жамиятда турли социал қатламларнинг ўрни ва ролини тушунишни тақозо этади. Хусусий мулк эгаси мулкдор ишлаб чиқаришини кенгайтириши билан табиатга ўз таъсирини ўтказиши билан. Масалан «агар ерга мулкчилик, ҳуқуқи асосида мулкдорнинг зарар кўриши аниқ бўлса, мулкдор бу ердан у юқори ҳосил олишга ҳаракат қилади ва ернинг экологик аҳволини яхшилаш учун маблағ сарфлайди»¹. Шунинг учун экологик сиёсат ҳар бир давлатда ўзининг индивидуал шакли ва мундарижасига эга. Жамиятнинг ривожланиш хусусияти, унинг миллий моделларда бозор муносабатларига ўтиши табиий ресурсларга мулкчилик муносабати билан боғлиқ.

Экологик сиёсатнинг интеграцион хусусиятлари давлатлараро ижтимоий-иқтисодий алоқалар характери билан белгиланади. Халқаро экологик сиёсат қонуниятлари умумий алоқалар системаси тизимида ишлаб чиқилади. Давлатлар экологик сиёсат интеграцияси натижасида бошқа ижтимоий-иқтисодий жараёнлар «инсон – жамият – табиат» тизимидаги фаолият доирасини ҳам кенгайтиради.

Мустақиллик шароитида экологик сиёсат интеграцияси жараёнининг дастлабки босқичида шу мамлакатларда табиий бойликлар эксплуатациясини кучайтириш орқали иқтисодий муваффақиятга эришиш учун экологик муаммоларга тор миллий ёндашув ҳам кузатилмоқда. Бундай шароитда, «атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш ўртасида қарама-қаршилиқлар келиб чиқади. Чунки турли мамлакатларда табиий бойликларни ҳисобга олишнинг турли системалари қабул қилинган бўлиб, бу тизимлар бир-бирига мос келмайди»².

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида иқтисодий ночор мамлакатларнинг умумий ривожланишида экологик соғломлаштириш жараёнларидаги иштироки жаҳон экологик фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Етакчи индустриал ривожланган йирик давлатлар, унинг бошловчи субъекти сифатида, экологик сиёсатни мувофиқлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Мустабид тузум-

¹К Мейр. Поддержание равновесия между состоянием окружающей среды и экономическим ростом. //www.rpaktat.ru[ti]referats[id. 14276.

²Мамашакиров С. Роль социально-политических факторов в формировании и экологической активности и ответственности: Автореф. дис. д-ра филос. наук. Ташкент, 1997. С.42.

дан қолган кескин экологик муаммоларни хал қилиш муҳим сиёсий ҳаракатларни ва катта техник-иқтисодий ресурсларни талаб этади. Зеро, социалистик тизим мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги хатоликлари, шубҳасиз, экологик муаммоларда намоён бўлган эди.

Баъзи давлатлар табиатни ифлослантириш ҳисобига жуда катта фойда олар эдилар. Масалан, Тожикистонда алюмин ишлаб чиқариш мамлакат ялпи саноат ишлаб чиқариш даромадининг 40 фоиз улушини ташкил этади. Унинг экологик оқибатлари, айниқса, Ўзбекистонга катта зарар етказмоқда. Ўзбекистоннинг экологик вазият ёмонлашуvidан кўрган иқтисодий ва ижтимоий зарарлари ҳозирча аниқланмаган. Лекин Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, фақат «Сурхондарё вилояти Саркосиё туманида Тожикистон алюмин заводи захарли чиқиндилари таъсири натижасида умумий касалликлар катталар ҳамда болаларда икки баравар ва ундан ҳам кўп ўсган. Шунингдек, фторо-флюороз билан боғлиқ ўзига хос захарланишлар ҳам давлатлар ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштиришга олиб келди»¹.

Шундай қилиб, кўшни мамлакатларнинг ҳудудий экологик манфатларини ҳисобга олмаслиги давлатлар, о зиддиятларни кучайтиради. Бунга мисол қилиб, кейинги вақтларда содир бўлган АҚШ ва Канада ўртасидаги «экология уруши» ёки Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги можароларни айтиш ўринлидир.

Экологик сиёсатни интеграциялаштиришнинг ҳозирги жараёнлари ўзига хос қонуниятларга эгадир:

– бу жараёнларнинг таъсир доираси сезиларли даражада ҳудудий кенгаймоқда. Экологик манфаатлар глобаллашуvi мамлакатларнинг географик жойлашиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар, давлатлар Экологик сиёсатида интеграциялашувни талаб қилади. Барча янги давлатларнинг вужудга келиб, демократлашув йўлидан боришлари табиатни асраш борасида ҳамкорлик қилишнинг мавжуд имкониятлари доирасини кенгайтиради.

– экологик сиёсатнинг интеграциялашув даражалари ва миқёслари коммуникациялар, инфраструктуралар ва интеллектуал салоҳиятларнинг кенгайиши ҳисобига ўсиб боради. Фан-техника

¹Национальная программа действий по охране окружающей среды Республики Узбекистан. Ташкент, 1999 С.31.

инқилобининг янги босқичи Жаҳон ҳамжамияти ижтимоий-иктисодий ҳаётига, хусусан, экологик фаолиятига халқаро миқёсда кизиқишни кучайтиради.

– экологик сиёсат халқаро трансмиллий феноменга айланиб бориши билан бу жараёнда алоҳида давлатларнинг роли бениҳоя ортиб боради ва қатор давлатлараро ташкилотларда экологик ҳамкорлик тизимини қайта тузишга олиб келмоқда. Давлатларнинг ташки сиёсатида экологик алоқаларни кучайтириш, атроф муҳит мониторинги ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш имкониятлари кенгайди.

– жаҳон жамоатчилиги ҳаракатлари таъсирида, экологик сиёсатнинг байналмилаллашуви ва бошқа ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда: халқаро экологик алоқаларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда; биргаликдаги ҳамкорлик натижасида мажбурий таъсир ўтказиш иктисодий ва индустриал ривожланган мамлакатларнинг ўзаро ёрдами билан алмашмоқда.

– жаҳон ҳамжамиятида экологик фаолият интеграцияси зарурати эътироф қилинди ва бу соҳа халқаро сиёсатнинг устувор йўналишига айланди. Ҳозирги ижтимоий тараққиётга хос бўлган барча мураккаб қарама-қаршиликларга қарамасдан, экологик сиёсат интеграциялашув жараёнининг объектив ва субъектив омиллари барча халқлар ва давлатлар манфаатларига мос келади.

Давлатлар экологик сиёсатининг интеграциялашуви, уларнинг ишлаб чиқариш кучлари ўсишига таъсир қилади, жамият ҳаётида демократик жараёнларни тезлаштиради, давлатлараро ва миллатлараро алоқалар фаоллашади. Бу жараёнларнинг етуқлиги турли мамлакатларнинг конфонтациядан – умумий экологик ҳаёт тарзига ўтишига руҳий ва моддий замин тайёрлайди. Жаҳон халқларининг ягона куч сифатида соғлом экологик вазият учун бирлашиб ҳаракат қилишига имкон яратади. Зеро, Йоханнесбург конференцияси Декларациясида айтилганидек, халқлар ва цивилизациялар ўртасида миллий, ирқий, тил, маданий ва анъаналар фарқларидан қатъий назар, ҳамкорлик ва диалог тараққиёт учун зарурдир»¹. Бу жараён мамлакатларнинг ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасини кўрсатади ва турли халқлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилишни енгиллаштиради, Энг муҳими, турлича талқинларга қарамай, прогрессив жараён бўлган ва шундай бўлиб

¹<http://www.geokhi.ru/solidst/pagelab.htm> 24/01/2005/

қолиши натижасида бутун жаҳонда экологик вазиятнинг соғломлашуви ва ижтимоий-сиёсий барқарор тараққиётга асос яратилади.

Совет империяси таркибида бўлган Марказий Осиё давлатлари ва уларга хос «байналмилалчилик» экологик вазиятга салбий таъсир кўрсатди. Мустақиллик шароитида бу давлатларнинг экологик сиёсати соҳасида ҳамкорликнинг чуқурлашуви интеграциялашув жараёнига туртки берди. Бошқача айтганда, суверен давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши экологик сиёсат интеграция жараёниларида янги ижтимоий муносабат йўналишларига, уларнинг кўп томонлама ривожланиши учун қулай шароитларни юзага келтирди.

Юқорида кўрсатилган жараёнларнинг янги ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишда:

1. Барча халқлар ва давлатларнинг миллий экологик манфаатларини ҳисобга олиш.

2. Халқаро экологик сиёсат интеграцияси талабларига ва қоидаларига амал қилиш.

3. Экологик сиёсий тадбирларни тенг ҳуқуқлилиқ ва ихтиёрийлик тамойиллари асосида амалга ошириш.

4. Ўзаро манфаатли ҳаракатларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлардан рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик шароитида экологик сиёсатнинг интеграциялашуви прогрессив аҳамият касб этиб, унга мос (адекват) сиёсат шакллари вужудга келтирди. Бу жараённинг объектив характери, биосфера экологик мувозанат қонунларини англаш асосида, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигини истисно қилмайди. Айниқса, келгуси авлод олдида бурч ва масъулиятни ҳис қилиш бу давлатларнинг экологик сиёсати интеграциялашуви учун шароит яратади. Яъни унинг нисбатан интенсивлашуви фан-техника, иқтисодий ва интеллектуал имкониятларни бирлаштиришда ижобий бурилишга олиб келмоқда. Хусусан, Марказий Осиё минтақаси давлатларининг экологик мувозанатни шакллантиришга йўналтирилган сиёсати муҳим ўрин тутади.

Сўнгги йилларда миллий мустақиллик йўлига тушиб ривожланаётган давлатларда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгариш юз бермоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уларнинг экологик ривожланиши учун кенг кўламли қулайликлар яратмоқда. Мамну-

ният билан қайд этиш мумкинки, мустақил ривожланаётган Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлик туфайли, нафақат ўз суверенитетларини мустаҳкамлайдилар, балки минтақада экологик соғлом муҳитни яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин бу мамлакатларнинг ички даромад ҳисобидан экологик муаммоларни бартараф қилиш тадбирларига ялпи сарф-харажатлари ҳозирги талабларга жавоб бермайди.

Марказий Осиё давлатларининг табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун иқтисодий ва фан-техника соҳасида ҳамкорлиги турли йўналишларда олиб борилмоқда. Асосан, Орол денгизи ҳавзасининг экологик вазиятини соғломлаштиришга доир ҳужжатларда бу йўналишларни мувофиқлаштириш ва фаолият доираси қатъий белгилаб қўйилган.

Кооперация, айни вақтда, экологиянинг турли тизимлари бўйича жараёни чуқурлашмоқда, халқаро миқёсда фан-техника ҳамкорлиги жамолари ташкил топиб, давлатлараро экологик муносабатларни тартибга солувчи махсус муассасалар тузилган ва уларнинг сони ортмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ижобий самараларга эришиш учун тизимли экологик ҳамкорлик қилувчи халқаро ташкилотлар, айниқса, халқаро банклар (ХБ) тузиш кўзда тутилган. Марказий Осиё давлатларида ўзаро ёрдам тамойиллари асосида иқтисодий ҳамкорликнинг кенг ривожланиши натижасида таъқиқ иқтисодий алоқалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё минтақасида экологик сиёсат интеграцияси жараёнлари ривожланишини икки босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқичда – экологик миллий (локал) ва умуминсоний (глобал) муаммоларни ҳал қилиш заруратини англаш юзага келади.

Иккинчи босқичда – Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатида босқичма-босқич структуравий элементларни шакллантириш ва уларнинг интеграциялашув жараёни юз беради. Миллий экологик муаммоларни англаш, уларни вужудга келтирган табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий шароитларини аниқлаш орқали кечади. Бунда худудий географик жойлашуви, ҳом-ашё захираси, энергия ресурслари, экологик анъаналари табиий-тарихий жараёнлар, демографик ва этник структуралари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи босқичда миллий экологик манфаатларнинг давлатлараро интеграциялашуви ва глобаллашуви ҳар бир мамлакатда

экологик мухитни соғломлаштириш шартлари сифатида акс этади. Халқаро экологик сиёсатнинг муайян шароитларда структуравий интеграцион характери турли мамлакатлар экологик сиёсатида, экологик ишлаб чиқаришда – технологик-техник ўзаро ҳамкорликнинг шаклланиши ва минтақа учун умумий экологик сиёсатнинг вужудга келиши билан боғлиқдир.

Шу билан бирга, халқаро экологик сиёсат интеграциясики бундай босқичларга бўлиш шартлидир. Чунки турли давлатларнинг экологик сиёсати интеграцияси босқичлари ўртасига қатъий чегара қўйиш мумкин эмас, яъни ҳар бир босқич ўзидан олдинги босқичнинг тарихий давоми бўлиб ўзаро боғлангандир. Бундан ташқари, экологик сиёсатда ҳар қандай шакллар ва босқичларнинг пайде бўлишини, шу жумладан, унинг интеграцион жараёни ҳам кенгрок, аввалги анъанавий мавжудлик ҳолатига нисбатан бойроқ ва мураккаб эканлигини англамоқ зарур.

Экологик сиёсат интеграцияси иккинчи босқичининг биринчисидан муҳим фарқи шундаки, ўз функционал тузилишига кўра, у халқаро экологик муносабатларнинг янги йўналишларини, халқаро ихтисослашувига фаолият кооперацияси асосида ўзаро келишувларга қатта имкониятлар яратади. Зеро, алоҳида давлатларнинг экологик сиёсатлари йўналишлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англаш, уларни интеграциялаштиришнинг зарурий шароитидир.

Ҳозирги даврда экологик сиёсатнинг байналмилаллашув жараёни давлатлар географик жойлашуви, иқтисодий ривожланиш даражаси, этник тизимларидан қатъий назар дунёнинг тобора кўпроқ мамлакатларини қамраб олмоқда. Бирок объектив ва субъектив сабабларга кўра, айрим давлатлар ёки бир гуруҳ давлатлар экологик ривожланишининг турли даражалари (яъни техник-технологик ва интеллектуал қолоқлиги), уларнинг халқаро экологик ҳамкорлигига тўсқинлик қилмоқда.

Турли давлатлар экологик сиёсатидаги интеграциялашувнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини механизмларини бошқа соҳалар интеграция жараёнлари билан боғлиқликда ўрганиш, унинг моҳияти ва қонунятларини чуқурроқ тадқиқ этишга имкон беради.

Шундай қилиб, Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсати интеграциялашуви жараёнининг қуйидаги объектив асосларини кўрсатиш мумкин:

- 1) ҳудудда экологик шароитнинг тарихан шаклланган уму-

мийлиги (Масалан, Амударё, Орол денгизи ва бошқа сув ресурслари Марказий Осиё давлатлари учун умумийдир);

2) минтақада яшаётган аҳоли экологик эҳтиёжлари ва манфаатларининг умумийлигидан давлатлар экологик сиёсатини интеграция қилишдан умумий манфаатдорлик;

3) Ер юзида, хусусан Марказий Осиё минтақасида халқаро экологик сиёсат интеграциясининг умуминсоний манфаатларини, инсонпарвар руҳини тушуниб етиш;

4) минтақадаги сиёсий вазиятнинг хусусиятлари экологик барқарор тараққиётга таъсир кўрсатишини чуқур англаш асосида сиёсий муносабатларни ташкиллаштиришдир.

Экологик сиёсат соҳасида миллатлараро муносабатларни интеграциялаштиришнинг умуминсоний моҳияти

Давлатлараро экологик сиёсатни интеграциялаштиришнинг моҳиятини ёритиш жуда ката амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим назарий вазифадир. Чунки экологик сиёсатни халқаро миқёсда интеграциялаштириш ва байналмилал даражага кўтаришнинг шарт-шароитларини, бу соҳада эришилган марралар ва истикболни равшан тушуниш учун, аввало, бу жараён мазмун-моҳиятини теран англаш зарур.

Давлатлар экологик сиёсатининг интеграциялашуви билан байналмилаллашуви бир нарса эмас, яъни уларнинг ўхшашлиги ҳам, тафовутлари ҳам бор. Бу икки ҳодисанинг энг муҳим фарқлари қуйидагиларда кўринади:

Экологик сиёсатнинг байналмилаллашуви барча миллат манфаатини кўзлаб иш тутиш – экологик фаолиятнинг инсонпарварлик характеридан келиб чиқувчи жамият тараққиётининг объектив қонуниятидир.

Экологик сиёсат интеграцияси – мустақил давлатларнинг ўз экологик фаолиятини бошқа давлатлар экологик фаолияти билан ўзаро мувофиқлаштириш, ҳамкорлик қилиш жараёни бўлиб, ҳар бир давлат халқаро экологик сиёсат интеграциясига ўзига маъқул йўл ва усуллар билан кириб келади.

Экологик сиёсат интеграцияси жараёнида икки тенденция кузатилади: **биринчи тенденция** – мустақил давлатларнинг ҳар бирида амалга оширилаётган экологик сиёсат йўналишларини инте-

грациялаш ва байналмилаллаштириш фаолияти фақат шу давлат учунгина эмас, балки бутун дунёда экологик вазиятни соғломлаштириш учун хизмат қилади. **Иккинчи тенденция** – экологик сиёсат соҳасида халқаро алоқаларнинг ҳозирги босқичида энди ривожланаётган давлатлар ривожланган кучли давлатларга экология соҳасида «қарамлиги ва ярим қарамлигини» вужудга келтирмоқда. Юқорида айтилгандек, саноатнинг, айниқса, зарарли ядро саноати чиқиндиларини Марказий Осиё давлатлари ҳудудида жойлаштириш (кўмиш) бу минтақани радиактив моддалар билан ифлослантириб, хавfli зонага айлантормоқда¹.

Халқаро экологик сиёсатда интеграция жараёни моҳиятини тушунишда икки хил ёндошиш кўзга ташланади. Баъзи олимлар экологик фаолиятда халқаро интеграция алоҳида давлатларнинг сиёсий мавқеи кенгайишида намоён бўлади, деб ҳисоблайдилар. Масалан, А.Арсемирзаев фикрича «теран (миллий) экологик сиёсат (идеология) ишлаб чиқилиши билан, глобал экологик тангликни бартараф этиш шароитлари, имкониятлари туғилади»². Иккинчи позицияга кўра, экологик сиёсий фаолиятда интеграция бошқа соҳалардаги интеграцион жараённинг зарур шарт, тараққиёт индикатори сифатида эътироф қилинади. Бошқача айтганда, экологик муаммоларнинг халқаро тус олиши, глобаллашуви ҳар бир давлат миллий экологик сиёсатида кучли таъсир кўрсатади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш доирасида Халқаро интеграциянинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий мақсадлари жаҳон мамлакатлари иқтисодий интеграциясининг глобаллашуви, унинг қатор сиёсий ва махсус иқтисодий йўналишларини таҳлил қилишни тақозо қилади. Халқаро экологик ташкилотлар маълум маънода иқтисодий бирлашмалар сифатида интеграцияда нафақат иқтисодий-сиёсий мақсадларни, балки бутун жаҳон халқларининг экологик манфаатларини ҳам кўзда тутлади. Мазкур шароитда халқаро шартномалар табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлатлар ўртасида кўпгина келишмовчиликларни бартараф қилувчи ҳуқуқий нормалар сифатида хизмат қилади. Халқаро ҳуқуқ меъёрлари барча давлатларнинг атроф муҳитни муҳофаза

¹Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 116-бет.

²Арсемирзаев А. Глобализация экологических проблем // Природа Online. Общественно-политическая Интернет-газета. 06.06.2003. С.67-71.

килиш соҳасида масъуллигини, хусусан, ривожланаётган давлатлар миллий тараққиётининг экологик оқибатларини бартараф қилиш тадбирлари самарадорлигини ошириши зарур. Шунга кўра, халқаро экологик ташкилотларни иқтисодий бирлашма сифатида сиёсий мақсадлар асосида тузилган, деб ҳисоблаш замонавий интеграция жараёнининг экологик муаммоларини ҳал қилишдаги ролини тушунмаслик оқибатидир.

Бундай ёндашувда халқаро экологик сиёсат интеграцияси ўзаро алоқаларнинг мақбул шакли сифатида ўзининг туб манфаатларидан узоқлашади. **Биринчидан**, давлатларнинг унга муқобил реакцияси сиёсий иттифоқлари жамият тарихининг барча давларида пайдо бўлиб турганлиги эътиборга олинмаган. **Иккинчидан**, давлатларнинг экологик сиёсатини рағбатлантирувчи турли ижтимоий-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришнинг аҳамияти етарли даражада баҳолашмайди. Унинг ногўтри эканлигини ҳаёт кўрсатди. **Учинчидан**, халқаро экологик сиёсат интеграциясини, фақат ижтимоий-сиёсий сабаблар билан тушунтириши ёки фақат давлатларнинг табиатни асраш бўйича бирлашуви деб ўйлаш жаҳонда юз бераётган янги экологик муносабатлар шаклланишини инкор этишдир. **Тўртинчидан**, бундай ёндашув муайян манфаатларга бўйсундирилгани учун жаҳон жамоатчилигига табиатни асраш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш заруратини тушунтиришга хизмат қила олмайди ва жаҳонда экологик сиёсат муросаси (консенсуси)га йўл бермайди.

Умуман, бундай ёндашув масалага иқтисодий ёки сиёсий детерминизм нуқтаи назаридан қараши билан халқаро экологик сиёсат интеграцияси соҳасидаги янги тенденцияларни ёритиб бера олмайди. Шунинг учун бу соҳада янги «эколого-техник» йўналиш пайдо қилинган бўлиб:

– сиёсий детерминистик ёндашувнинг халқаро экологик муносабатлар интеграциясида самарасизлиги кўриниб қолганда;

– «экологик интеграция», «инсон – табиат» муносабатларининг асосий шакли сифатида ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан эътироф этилганида;

– жаҳондаги интеграцион жараён барча халқларнинг ижтимоий, иқтисодий сиёсий ҳамда экологик манфаатларини ифодаланганида;

– экологик сиёсат интеграцион жараёнлар асосида замонавий

ишлаб чиқариш кучларининг барча унсурлари ривож, фан-техника революцияси, экологик инфраструктура кўрсаткичлари ва сифат жиҳатидан юксалиши кўзда тутилганида ўз аҳамиятини намоён қилади.

Экологик сиёсатда интеграцияни бундай тушуниш, унинг объектив ва субъектив асосларини нисбатан мукаммал аниқлашга ёрдам бера-да, лекин экологик сиёсат интеграциясининг мақсади ва моҳиятини тўлиқ ёритиб бера олмайди. Шунга кўра, экологик сиёсат интеграцияси ва халқаро муносабатларнинг глобаллашувини тушуниб етмоқ учун қуйидаги категориялар мазмунини аниқлаш лозим: «экологик халқаро муносабат», «экологик жараёнларнинг интеграциялашуви», «экологик сиёсатнинг жаҳоншумул тизими», «давлатлараро экологик интеграция» ва шу каби бошқа категорияларнинг конкрет мазмунини ижтимоий-иқтисодий шароитлар нуктаи назаридан кўриб чиқиш зарур.

Бундан ташқари, экологик сиёсат интеграцияси, интеграциялашувчи давлатнинг экологик ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши даражаси билан боғлиқ. Бу жараённинг мавжуд поғоналари турли ижтимоий-экологик оқибатларни намоён қилади. Бир томондан, экологик ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ижобий натижалари экологик сиёсат интеграциясида намоён бўлади. Бошқа томондан, давлатларнинг экологик сиёсат интеграцияси экологик муносабат глобаллашуви омили ҳисобланади. Умуман, экологик сиёсат интеграцияси ва глобаллашуви хусусиятлари жамият экологик маданияти ва онгининг ўсиш даражаси билан боғлиқдир. Миллий экологик сиёсат барча халқларнинг экологик эҳтиёжларига мос келиши ва манфаатларини ифодалаши билан бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалар глобаллашуёига йўл очади.

Бошқача айтганда, экологик сиёсат глобаллашуви ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ. Албатта, экологик сиёсатдаги интеграцион жараёнлар, унинг анъаналари ва мотивлари иқтисодий детерминизм нуктаи назаридан караганда, иқтисодий муносабатлар ривожланиш даражаси билан боғлиқ. Аммо унинг асосини, нафақат иқтисодий омиллар, балки экологик эҳтиёж ва масъулиятнинг маънавий жиҳатини англаш билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Миллий давлатларнинг мустақиллиги шароитида халқаро экологик сиёсат интеграцияси табиатни муҳофаза қилиш фаолиятла-

рининг тарқоқлиги сабабли қарама-қаршилиқларга олиб келади. Халқаро экологик сиёсат соҳасидаги бундай зиддиятлар аввал айрим давлатлар, сўнг халқаро кўламда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг барқарор шаклларини топишга мажбур қилади.

Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги мустаҳкамланишида экологик сиёсат интеграциясининг роли

Регионал ва глобал миқёсларда экологик интеграция ривожланишининг ҳозирги босқичида, давлатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳалардаги ҳамкорлик муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, минтақада табиатни муҳофаза қилиш учун иқтисодий потенциал концентрацияси, юқори тараққий этган фан-техника ва интеллектуал базасини яратиш, тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали ҳамкорликнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш, глобаллашувнинг прогрессив тамойилларини қабул қилиш ва уни маҳаллий шароитларга мос ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Биз халқаро экологик сиёсатда интеграцион жараёнларнинг ўзаро алоқадорликда бўлган уч ривожланиш аспектини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз:

1. Ҳар қандай давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган мавжуд тажрибаларидан экологик вазиятни яхшилаш ишларида ҳар томонлама фойдаланиш.

2. Халқаро экологик сиёсат интеграцияси жараёнида маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиш ва тажрибадан ўтган усуллардан фойдаланиш.

3. Халқаро экологик сиёсат глобаллашувининг заруратига фақат бугунги кун эҳтиёжлари нуқтаи назаридан эмас, балки келгусидаги кўзланган мақсадлар, вазифалар доирасида қараш¹.

Марказий Осиё давлатлари экологик ҳамкорлиги асосларини мустаҳкамлаш

Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатидаги интеграция ва глобал миқёсидаги экологик муносабатларнинг тамойили

¹Усмонов Э.М. Социально-философские проблемы интеграции экологической политики государств Центральной Азии в современных условиях. Автореф. дис. канд. филос. наук. Т., 2006. С.23.

жаҳонда содир бўлаётган асосий жараёнлар билан боғлиқдир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланган бу тарихий жараёнлар ҳозир ва келгусида Марказий Осиё давлатлари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлигининг экологик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Марказий Осиё давлатлари мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибига кирганидаёқ, қисқа вақт ичида ўзининг миллий экологик сиёсатида кенг истиқболли режаларини белгилаб олишга ҳаракат бошланган эди. Бу мураккаб масалаларни ҳал қилиш қийин кечмоқда. Чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида Марказий Осиё мамлакатлари экологик муаммолардан аҳамиятлироқ ҳаётний, зарур вазифаларни ҳал қилиш билан банд бўлиб, экологик муаммолар, асосан, иқтисодий муаммолар “соясида” қолган эди. Бошқача айтганда, экологик сиёсат интеграцияси объектив ва субъектив сабабларга кўра, Марказий Осиё давлатларининг диққат марказига ҳозирги замон талаблари асосида қўйилмаган. Марказий Осиё давлатларида социал-иқтисодий ҳаётнинг тарихан умумийлиги, экологик мақсадлар муштараклиги яхлитлиги, фан-техника ва интеллектуал ресурслар мавжудлиги, шунингдек бу давлатларнинг географик, этник жиҳатлардан яқинлиги экологик сиёсат интеграциясини юқори даражага кўтаришни тақозо қилмоқда.

Марказий Осиё давлатлари экологик ривожланишида ўзаро боғлиқликнинг кучайиши, бу омиллар таъсирида экологик ҳамкорликнинг махсус халқаро органлари ташкил қилиш зарурлигини англаб етдилар. Шу тариқа мустақил мамлакатлар позициясини жаҳон экологик сиёсатининг барча йўналишларида ёқловчи ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтирувчи «Оролни қутқариш халқаро фонди» ташкил этилди. Чунки жаҳон экологик муносабатларида мустақил давлатлар ўрни, уларнинг ҳўжаликлари ривожланиши атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик кўламига боғлиқдир. Зеро, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳар томонлама ривожланиши минтақадаги экологик вазиятлар оқибатини англаш ва зарарларини биргаликда бартараф қилишда муҳим йўналишга айланди.

Ҳозирги даврда халқаро экологик ҳамкорликнинг муҳим хусусиятларидан бири, унинг интенсивлашувида намоён бўлмоқда. Бу жараённинг умумжаҳон хусусиятлари миллий экологик сиёсатнинг йўналишларини белгилаб, унинг интеграцияга мойиллиги ва дав-

латлари ҳамкорлиги ривожланишида яққол кўринади.

Экологик сиёсатда халқаро муносабатларнинг кучайиб бориши ўз навбатида, табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган фан, техника тараққиётида, интеллектуал салоҳият ривожланишида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Келгусида, шубҳасиз, ташқи ижтимоий-иқтисодий алоқалар ҳажми ва ўсиш даражасини белгиловчи экологик технологик омиллар роли ошиб боради. Халқаро экологик ҳамкорликда давлат фан-техника ютуқлари, ахборотларни айрибошлаш устувор йўналишга айланади.

Давлатларнинг фан-техника ҳамкорлиги ўсиши билан бир пайтда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида ўзаро фикр алмашинув жараёнлари чуқурлашади, экологик ишлаб чиқаришда технологик ҳамкорликнинг кучайиши сиёсий муносабатлар интеграциясини ҳам чуқурлаштиради. Бу, аввало, давлатларнинг экологик фаолияти интеграциялашуви ва кооперациялашувига олиб келади. Бинобарин, экологик фаолият соҳасида халқаро кооперациялашув куйидагиларда намоён бўлади:

– икки ёки ундан ортиқ давлат халқ хўжалигининг бирор бир тармоқ ресурсларининг бирлашуви, уларнинг экологик программалари бажарилишини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш имкониятини яратади;

– бундай бирлашиш нафақат миллий-техник, интеллектуал, балки ҳамкорликнинг иқтисодий қулайликларини кўзда тутувчи кооперацион ҳамкорликни ривожлантиришни ҳам тақозо этади;

– келгусида экологик инфраструктуранинг ривожланиши билан бу соҳада ҳамкорликнинг прогрессив шакллари вужудга келади. Бу ўз навбатида, экологик кооперациялашнинг кенгайиши ва халқаро ихтисослашувга олиб келади.

– дунёнинг, хусусан, минтақанинг экологик ҳавфсизлиги асослари, уларнинг максимал даражада табиий-хўжалик, экологик соҳаларда ихтисослашуви ва ривожланиш йўналишларига мос келади.

Бизнингча, экология соҳасида халқаро кооперация ва давлат сиёсатининг ихтисослашуви ҳақидаги анъанавий тасаввурлар, уларнинг моҳияти, хоссаларини тўлиқ ёритиб бера олмайди. Чунки ҳар қандай давлатнинг экологик сиёсати *вертикал* ва *горизонтал* йўналишларга эга бўлиб, бир-бирдан нисбатан мустақил структуравий функционал тизим ҳисобланади. Уларни ўрганишнинг му-

раккаблиги, мобиллиги ва динамик ўзгарувчанлигидадир¹. Давлатлар экологик сиёсати соҳасида Питирям Сорокиннинг социал мобиллик назарияси методологик асос, деб қабул қилинса, бу вақтда мобиллик ижтимоий бирликларнинг бир сиёсий позициядан иккинчисига ўтишини ифодамайди².

Экологик сиёсатнинг горизонтал йўналишдаги интеграцияси муҳим шарт – давлатнинг табиатни асраш бўйича расмий юридик мақомдаги органларида экологик функциялар тақсимоли ва уларнинг рационаллигида намоён бўлади. Эҳтимол, яқин келажакда катта мақсадларни кўзловчи экологик дастурларни амалга ошириш учун тармоқлар ўртасида давлатлараро функциялар тақсимотининг янги интеграл шакллари вужудга келади. Шундай қилиб, халқаро экологик сиёсатдаги горизонтал мобиллик уларнинг институтчионал тизими ёхуд социал объектнинг бир босқичдан бошқасига ўтишини ифодамайди.

Марказий Осиё давлатлари экологик ҳамкорлигининг вертикал йўналишида халқ хўжалигини ривожланишида умумэкологик муаммолар ечимини моддий-иқтисодий, интеллектуал ресурслар концентрациясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ресурсларнинг бундай концентрациялашуви минтақа табиий ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ва уларни асраш халқаро келишувларини чуқурлаштириш зарурати билан изоҳланади ҳамда ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат органлари марказлашувини тақозо қилади.

Экологик функцияларнинг давлатлараро тақсимоли муайян йўналишларга ихтисослашуви фан-техника технология соҳаларида кооперациялашуви, инвестицион ресурсларнинг ўсиши, норматив ва ҳуқуқий актларнинг мувофиқлашуви, инфраструктура ривожланиши ва кенгайишига қулайлик яратади. Чунки бу йўналишлардаги мобиллик уларнинг ривожланишида бир-бирини тақозо қилиши билан характерланади. Ўтган йилларда Марказий Осиё давлатлари минтақадаги табиий ресурслардан биргаликда келишилган ҳолда фойдаланиш вужудга келган экологик муаммолар ечимини топиш учун ресурсларни концентрациялаш зарурлигини ҳис этдилар. Бу

¹Қаранг: Мамашокиров С. Роль социально-политических факторов в формировании и экологической активности и ответственности: Автореф. дис. д-ра филос. наук. Ташкент, 1997.

²Қаранг: Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество / Пер-с. авг. М., 1992. С.373

Ўз навбатида, халқаро экологик ҳамкорликнинг муҳим мотиви ва омилига айланади. Айни пайтда, халқ хўжалигининг асосий тармоқларида тарқоқ ресурслардан минтақа экологик вазиятини яхшилаш учун ҳамкорликда фойдаланишни координациялаш эҳтиёжи кенг қамровли вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда экологик хавфсизлик қанча юқори бўлса, бу Ўрта Осиё минтақаси учун ҳам фойдалидир. Бунинг халқаро аҳамиятини англаган ҳукумат ва давлат экологик муҳофазага ва табиий ресурслардан фойдаланиш меъёрига алоҳида диққат-эътиборини қаратмоқда. Табиий ресурсларни авайлаб сақлаш йўналишида қатор қонуний актлар, ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш бўйича миллий тадбирларни бошқа давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиш, табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солишга доир қатор халқаро шартнома ва келишувлар имзоланган.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасига замонавий талаблар асосида капитал қўйилмаларнинг кўпайиши халқаро ҳамкорликнинг муҳим объектига айланмоқда. Чунки экология соҳасида ҳамкорлик функцияларининг тақсимоли ва ишлаб чиқаришни кооперациялашда инвестиция тизимининг ўзгариши ҳажмининг юксалиши боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу омил ролини янада кучайтириш учун экологик сиёсат майдонида халқаро келишувлар, алоқаларнинг зарур қонуний-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш Марказий Осиё давлатлари экологик фаолиятида узлуксиз кооперациялашув орқали социал муаммолар ечимига, фан-техника ривожига, минтақадаги аҳолиянинг экологик соғломлашувига йўл очади. Капитал инвестициялар ҳамкорликда ишлаб чиқилган экологик лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

1995-2004 йилларда Марказий Осиё давлат раҳбарлари учрашувида келажакда ўзаро экологик ҳамкорликка хизмат қиладиган муҳим қарорлар қабул қилинди. Мазкур қарорларга биноан, бу мамлакатларнинг умумий мақсади экологик сиёсатни ўзаро уйғунлаштириб, мустақил давлатлар экологик сиёсатида туб ўзгаришларни содир этишга хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатлараро экологик алоқалар экологик интеграция сиёсати ишлаб чиқилган қарор ва лойиҳалар сони билан ўлчанмайди. Бу мураккаб сиёсий жараён муаммоларга ўта жиддий ва янги ёндошушни тақозо этади. Давлатларнинг бу борада кучларини регио-

нал экологик барқарорлик мақсадида бирлашуви – янги жамият куриш билан боғлиқдир.

Халқаро экологик сиёсат интеграциясининг зарур шarti – давлатларнинг доимо бiр-бирига беғараз ўзаро ёрдамга тайёр туришида намоён бўлади. Бундай ёрдам техника ва технологиялар етказиб бериш, ҳамкорликдаги курилмалар, экологик объектларни куриш ва биргаликда фойдаланиш, иқтисодий ресурслар, моддий-техник ашёлар ва ишчи кучи айрибошлаш, экологик лойиҳалар асосида иккинчи томон иштирокида йирик иншоотлар куриш, экологик тадбирлар учун кредитлар бериш, фан-техника ривожини учун имтиёзли хисса қўшиш, мутахассислар ва малакали кадрлар тайёрлашда ўзаро кўмаклашиш, тажриба алмашиш ва бошқа йўналишларда амалга оширилади.

Марказий Осиё давлатларининг Ашхабад шаҳридаги (1999 йил 8-9 апрел) халқаро анжуманида айтилганидек, давлатлар экологик муаммоларни бартараф этишда ҳамкорлик қилишлари зарур. Турли давлатлар ўз кучларини бирлаштириб экологик муаммоларни ҳал қилиш методларини ишлаб чиқишлари керак. Ўзаро келишувларга биноан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бошқа давлатларга зарар етказмаслик, барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олиш ва дўстона қўшничилик тамойилларига асосланган ўзаро фойдали экосистемали ёндошув талаб қилинади¹.

Табиатни асраш доирасидаги интеграцион жараёнларнинг қийинчиликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Ишлаб чиқариш омиллари (кам чиқит ва чиқитсиз ишлаб чиқариш усули системасига ўтиш қийинчиликлари).

2. Социал-экологик омил (ахборот ва ҳуқуқий асослар, коммуникациялар, экологик инфраструктураларнинг заифлиги).

3. Сиёсий омил (асосан, сиёсий муҳит, сиёсий ислохот суръатларининг турлилиги, сиёсий қарорларнинг декларативлиги, фақат оғизда айтилиши).

4. Маънавий-маданий омиллар (экологик маданият ва экологик онг савияси пастлиги, мавжуд экологияга зид эскича қарашлар) каби сабаблар бу ишда қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шунинг учун Марказий Осиё давлатларида экологик интеграция сиёсатининг структуравий-тизимли таҳлиллари асосида бу

¹Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг қўшма баёноти. Ўзбекистон овози. 1999. 12 апрель.

факторларнинг таъсирини комплекс ва ўзаро алоқадорликда кўриб чиқиш орқали бу муаммоларни ҳал этиш мумкин. Фақатгина шу йўл билан ҳар бир давлат экологик сиёсий интеграцияси муаммоларининг гуманистик моҳиятини англаб етиш билан жаҳон ҳамжамиятида сифат жиҳатидан турлича бўлган интеграцион жараёнларни механистик тушунишдан қутилиш мумкин.

Экологик сиёсий интеграция асосларини мустаҳкамлаш, аввал таъкидланганидек, экологик фаолиятларнинг глобаллашуви билан изоҳланади. Интеграцион жараёнлар тизимида экологик фаолиятнинг глобаллашуви яққол кўринади. Глобаллашув ўзида қийин ва қарама-қарши жараёнларни мужассам этади, у жаҳон бўйича унификацияга эмас, балки турли давлатларнинг янгидан эколого-географик дифференциацияланишига олиб боради. Глобаллашувнинг салбий ва ижобий томонлари, унинг «ёруғлиги» ва «соялари» ер куррасида жуда нотекс тақсимланган. Уларни ўрганиш, бу объектив тенденциянинг қўлгина хусусиятларини, унинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий оқибатларини аниқлашга ёрдам беради.

Индустриал ривожланган мамлакатлардаги интеграцион жараёнларнинг иқтисодий асосини ўрганиш методолик ва праксиологик жиҳатдан аҳамиятлидир. Экологик барқарор ривожланишнинг янги сифат босқичига эришган мамлакатлардаги натижалар, айни бир вақтнинг ўзида, мусбат иқтисодий натижаларга олиб келади ҳамда замонавий фан-техника революцияси учун шарт-шароитларни яратди. Бу давлатларнинг экологик ривожланиш жараёни тажрибасини ўрганиш ва ижодий ривожлантириш экологик ишлаб чиқариш кучларининг замонавий ривожланиши, халқаро экологик алоқаларни интенсивлаш учун шароит яратади. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ривожланган давлатларда ижтимоий-сиёсий муносабатларни экологиялаштириш жараёни, уларнинг социал-иқтисодий ҳаётига ҳам турлича таъсир кўрсатади.

Экологик сиёсат соҳасидаги интеграцион жараёнларнинг иқтисодий асослари, бизнингча, ишлаб чиқариш потенциалининг оптимал ҳажмлари минтақа аҳолисининг иқтисодий эҳтиёжларини ҳам қондира олади. Кўп ҳолларда (гарчи бу давлатларда шарт-шароит, имкониятлар етарли бўлса ҳам) бу вазифалар ресурсларнинг глобал йўлтирлашувини талаб этмайди. Чунки бир гуруҳ хўжалиги юқори даражада ривожланган давлатларда миллий экологик муаммоларини ҳал этиш учун меҳнат ва табиий ресурслар, иш-

лаб чиқариш кучлари, фан-техникавий потенциали етарлидир.

Экологик интеграциянинг иқтисодий асосларини аниқлашда *минтақа сиёсий вазияти омил* таъсирини ҳам эътиборга олиш зарур. Замонавий, етук индустриал ривожланган мамлакатларда экологик барқарор тараққиёт даражаси сиёсий омиллар билан бирга, уларда ишланган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорлар реализациясида иқтисодий миқдор кўрсаткичларига нисбатан экологик жараёнларнинг сифат кўрсаткичлари устувор аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, экологик сиёсат интеграцияси, шубҳасиз, умумий глобаллашув жараёнлари ва экологик фаолиятнинг интенсивлиги билан асосланади. Экологик фаолият жараёнларини тизлаштирувчи объектив асослар ва субъектив омиллар, истисносиз барча давлатларнинг экологик амалиётда умумий ҳамкорлик қилишини тақозо этади. Шу билан бирга, алоҳида давлатлар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шароитлари ва халқаро экологик муносабат имкониятлари ҳам экологик интеграция жараёнига таъсир кўрсатади. Шунингдек, давлатларнинг интеграцион потенциаллари, социал-иқтисодий ривожланиш даражаси ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида интеграцион жараёнларнинг аҳамиятини қандай тушуниши билан ҳам бир-биридан фарқланади.

Экологик интеграция жараёнида турли давлатларнинг миллий манфаатлари умуминсоний манфаатларга мос келса, эркин ҳисобланади. Бошқача айтганда, жараён эркинлиги сиёсий мустақиллик шароитида давлатлараро экологик умумийликнинг формаллашувидаги заифлашувни эмас, аксинча, давлатлар ташқи иқтисодий функцияларининг кучайганини билдиради. Бу интеграцион тадбирларнинг субъектив асосидир. Шунинг учун табиатни асраш борасида тузилган «милий давлатлар устидаги» халқаро органлар интеграцион тадбирларининг асосий субъекти бўлган экологик фаолият юритувчи давлат ташкилотларининг интеграцияси манфаатларини кўлаб иш қиладилар.

Айтиш керакки, аввало, МДХ давлатлари экологик интеграцион сиёсатига келажакда бошқа мамлакатлар ҳам қўшилади, чунки социал-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида интеграцион тенденцияларнинг чуқурлашуви кўп мамлакатларда табиий бойликлардан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш комплекс-ларининг технологик жараёнларини оқилона экологиялаштиришга имконият беради. Қолаверса, ўзаро ёрдам ва ҳамдўстлик тамойилларига кўра, ихтиё-

рий ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида ташкил топган халқаро экологик интеграция дастури қатнашчиларининг тарихий ривожланиш босқичлари турлича бўлса ҳам интеграция жараёнида ўзаро ҳамкор давлатларни яқинлаштириш позициясида турадилар.

Экологик ҳамкорликни тақозо этувчи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари келажақда бутун жаҳонда экологик интеграция жараёни кучайишида сиёсий ва иқтисодий аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Бу эса, ўз навбатида, МДҲ доирасида, шу жумладан, Марказий Осиё давлатларида халқаро экологик ҳамкорлик программасининг ишлаб чиқилиши жаҳон интеграцион жараёнида марказга интилувчи омилларнинг кучайишига, турли давлатларнинг ҳар томонлама иқтисодий ва экологик ҳамкорлиги жараёнида фаол ҳудудларининг кенгайишига олиб келади.

Экологик хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш усулларини такомиллаштириш бўйича Марказий Осиё давлатлари халқаро доирада аҳамиятли ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, дастурда белгиланганидек, минтақамизда табиатни муҳофаза қилиш бўйича интеграцион тадбирларни ишлаб чиқиш мавжуд майдонда янги қулайликларга эришиш имкониятларини ярағади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Марказий Осиё давлатларида барқарор тараққиётнинг экологик асосларни мустаҳкамламасдан бошқа соҳалардаги интеграцияни халқаро кўламда ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун минтақада фан-техника тараққиётини тезлаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг технологик имкониятларини кучайтириш; ҳар бир давлатда табиатдан фойдаланиш тизимини самарали регламентловчи, координацияловчи ҳуқуқий меъёрларни вужудга келтириш; индустриал ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, миллий амалиётда самара берувчи экологик жараёнлардан ижодий фойдаланиш; экологик сиёсат интеграцияси минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга боғлиқ бўлгани сабабли, унга мумкин қадар сиёсий соғлом муҳит яратиш; мавжуд имкониятлар ва воситалар билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақадаги экологик тангликни тугатишга қаратиш зарур.

Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсат интеграцияси ижтимоий-иқтисодий мотивлари ва ҳаркатлантирувчи механизмлари

Турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий муносабатлари интеграцияси, уларнинг экологик халқаро муносабатларининг глобаллашув жараёнларини тезлаштирди. Лекин бу жараён табиий равишда стихияли механистик тарзда кечиши мумкин эмас. У интеграциялашувчи мамлакатларнинг ташқи экологик сиёсий фаолиятини умумий мақсад йўлида мувофиқлаштиришни, уларнинг шу ҳамкорлик мақсадларига хизмат қилувчи механизмларни шакллантиришни тақозо қилади. Бундан ташқари, давлатларнинг интеграцион экологик сиёсати жараёнларини бошқарувчи объектив қонуниятларини тушуниш, халқаро ҳамжамиятда экологик сиёсий муносабат тамойилларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратишга имкон беради.

Экологик вазиятнинг кескинлашуви иқтисодий муносабатларни бошқаришнинг самарали тизимини тақозо қилади. Зеро, экологик сиёсатни амалга оширишда иқтисодий ёки хўжалик механизми тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Экологик сиёсатни бошқаришнинг иқтисодий хўжалик механизми функционаллашуви бозор иқтисодиёти муносабатлари базасида найдо бўлади ва бу механизм амалиётда афзалликларини кўрсатмоқда. Экологик сиёсатда фақат оқилона ташкил қилинган иқтисодий хўжалик механизми ва унинг халқаро интеграцияси юқори самарадор бўлиши мумкин. Шунингдек, уларнинг самарадорлиги халқаро иқтисодий муносабатларнинг характерига боғлиқ бўлади. Чунки самарасиз халқаро экологик сиёсат давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, иқтисодиётни ривожлантиришнинг экологик омили кенг қамровли интеграциянинг таркибий қисми сифатида халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ишончли ва устувор механизми бўлиб ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, илмий амалиётда учрайдиган «халқаро интеграция механизми» тушунчасини, фақат табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ташқи иқтисодий алоқалар билан боғлаш тўғри эмас. Бундай ёндошувда ҳамкор мамлакатларнинг хўжалик алоқаларининг асосий механизми, фақат экологик интеграцияси-

дангина иборат бўлиб қолади¹. Ваҳоланки, экологик интеграциянинг халқаро сиёсий механизми, нафақат иқтисодий муносабатларда ўзини намоён қилади, балки бир вақтнинг ўзида ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа ҳамкорлик йўналишларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Экологик сиёсий фаолиятни ташкил этишнинг иқтисодий ва хўжалик механизми структураларини таҳлил қилиш, унинг ўзаро алоқадорликдаги барча элементларини конкрет тадқиқ этишни талаб қилади. Шулар қаторида мулкдорлик шакли масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир мамлакат ўз ривожланишининг шаклланган ижтимоий, иқтисодий асосларига ва бозор иқтисодига ўтишнинг миллий моделига, ўз йўлига эга. Шунинг учун бу механизмни барча давлатларга ягона андоза тарзида қабул қилиш имкониятларини мутолқлаштиришга ҳеч қандай асос йўқ. Бундан ташқари, мавжуд геоиқтисодий реалликни туркумлаштиришда давлатнинг хўжалик алоқалари ва меҳнат тақсимотини мураккаблаштирувчи омиллар таъсири экологияга зарар келтирса ҳам юқори иқтисодий фойда олишга интилиш жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Турли даражада ривожланган давлатларда экологик ҳамкорлик иқтисодий механизми (бу механизмнинг энг юқори ривожланиш босқичи – интеграцион жараён) халқаро тапкилотлар фаолиятидир. Шунингдек, миллий халқ хўжалиги мажмуасига хизмат қилувчи тапкилотлар – иқтисодий инфраструктураларнинг табиати, муҳофаза қилиш соҳасида халқаро меҳнат тақсимои тизими, деб тушуниш мумкин.

Иқтисодий механизмнинг бу тавсифи, нафақат давлатлараро экологик ҳамкорлик воситалари сифатида, балки уларнинг турли даражадаги ижтимоий-иқтисодий етуқлидиги миллий системанинг ташқи экологик фаолиятни ташкил қилувчи, бошқарувчи фаолиятида намоён бўлади. Халқаро экологик ҳамкорликнинг комплекс-системали таҳлили, унинг иқтисодий механизмларини ривожлантириш шаклларини, фаолият йўналишлари самарадорлигини баҳолашга ҳам имкон беради.

Бу баҳо қандай асосга кўра алоҳида миллий хўжаликлар халқаро экологик сиёсат интеграцияси жараёнига кўшила олади ва қайси кўринишда намоён бўлади, деган саволга жавоб бериши ке-

¹Караг: Басковский Л.Е. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. М.: Инфра, 2002. С.259.

рак. Ҳар қандай шароитда бундай келишув асоси ҳамкорликдаги ҳаракатни ташкил қилиши керак, чунки унинг сифати, ҳамкорликдаги фаолиятда қўлланилаётган усул ва воситалари таъсирчанлиги самарадорлиги даражасига боғлиқдир.

Шунинг учун халқаро экологик сиёсий фаолият иқтисодий механизмларини унинг конкрет ташқи экологик фаолият доирасида қандай амал қилиши аниқланиши зарур. Чунки у турли ривожланиш даражасидаги давлатларда турли имкониятларга эга бўлади; турли йўналиш ва даражадаги халқаро экологик фаолиятни ташкил қилишда миллий халқ хўжалик комплексларининг ўзаро алоқадорлигини мувофиқлаштиришга хизмат қилади; табиатни муҳофаза қилишда давлатлар ҳамкорлигига мутасадди ташкилотларнинг фаолиятларини мақсадга мувофиқ йўналтиради.

Халқаро экологик ҳамкорлик механизмининг муҳим элементи экологик сиёсатлар интеграциясини амалга оширувчи фаолиятдир. Бунга инвестицион сиёсат, турли муддатли ва имтиёзли кредитлар, миллий валютанинг конвертацияси, халқаро ҳисоб-китоб қулайликлари ва бошқалар киради. Интеграцион экологик сиёсатнинг иқтисодий элементлари экологик фаолиятнинг алмашинувиغا хизмат қилади. Шунингдек, улар ўзаро манфаатли ташқи экологик сиёсий қарорлар чиқариш ва уларни амалга ошириш бўйича халқаро тажриба алмашишнинг субъектлари сифатида иштирок этади.

Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлиги механизми тизимида экологик функцияларнинг халқаро тақсимоти, ривожланиши турли даражалари ва халқаро ташкилий-ҳуқуқий институтцион асосларининг қиёфаси (архитектураси, контури) шаклланмоқда, Бироқ улар ҳозирча экологик сиёсат соҳасидаги ижтимоий, иқтисодий, ҳамкорликнинг ташкилий тамойиллари ва экологик ҳамкорликка хизмат қилувчи системаларнинг ҳуқуқий нормаларини тўлиқ ишлаб чиқмаганлар.

Халқаро экологик ҳамкорлик иқтисодий механизмининг ҳар бир элементи мустақил илмий таҳлил объекти бўлиши мумкин. Айни вақтда бу таҳлилнинг методологик тамойили, ҳар бир алоҳида олинган элементнинг ўрнини, аҳамиятини белгиловчи аниқ иқтисодий восита ва мезонлар экологик механизмларнинг умумий тузилмасида ўзаро боғланган бўлиши керак. Бошқача айтганда, бу ерда комплекс-системали, структуравий-функционал концептуал

ёндошув лозим. Жаҳондаги экологик вазиятни соғломлаштириш учун халқаро ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик муаммоларининг назарий методологик ва амалий масалалари ўтган асрда 60 йилларнинг охири 70 йилларнинг бошларида интенсив муҳокама қилина бошлаган эди. (Масалан, «Яшиллар» партияси, «Рим клуби» азолари томонидан).

Лекин аксарият ўртага қўйилган таклифлар, тавсиялар мантикий, назарий асосланган бўлса ҳам, амалга оширишга келганда қийинчиликларга учрамоқда. Бу қийинчиликларнинг асосий сабабларидан бири, халқаро экологик сиёсий ҳамкорликнинг иқтисодий механизмларидаги ожизликлар билан изоҳланади. Иқтисодий ресурслар экологик инқироз ва фожиалар сабабларини ўрганишга эмас, асосан, экологик беғамлик оқибатларини тугатиш учун йўналтирилар эди. Бундан ташқари, жиддий глобал экологик муаммоларни айрим мамлакатларнинг иқтисодий потенциал имкониятлари доирасида, локал миқёсда бартараф этиб бўлмайди. Ҳолбуки, экологияда ҳеч қачон иккинчи даражали масала йўқ, барча йўналиш ва даражадаги муаммолар диалектик алоқадор, ўзаро боғланган. Агар ўз вақтида маҳаллий, миллий экологик муаммоларга эътибор қилинмаса, у эртага энг долзарб ва глобал муаммога айланмаслигига ҳеч ким қафолат бера олмайди.

Экологик фаолиятда иқтисодий механизмни такомиллаштиришга тор миллий доирада ва танлаб ёндошиш кўзланган натижани бермайди. Минтақаларда экологик ҳамкорлик ва алоқаларнинг иқтисодий механизм имкониятлари комплекс-системали ўрганилмаган. Шунинг учун экологик фаолиятда социал-иқтисодий механизмни такомиллаштириш соҳасида, фақат айрим структуравий элементларга эътибор қаратилди, холос. Натижада, бир қанча самарали тажрибалар, катта экспериментал ва ҳисоб-китоб материаллари, методик ишлар экологик ҳамкорликнинг илмий асосларини бойитган бўлса-да, қутилган натижаларни бера олмади. Ҳамкорликнинг халқаро механизми элементлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бири нисбатан мустақил бўлишига қарамадан, умумий бошқаришнинг, хусусан, ташқи экологик сиёсий фаолият бошқаруви ички механизм билан узвий боғланган.

Халқаро экологик сиёсий муносабатларни интеграциялаштирувчи иқтисодий ва социал механизмлар жуда муҳим бўлиб, нисбатан мустақил фаолият кўрсатади. Лекин шунга қарамай, халқаро

экологик ҳамкорликдаги барча элемент ва йўналишларнинг шаклланиши, ривожланишида ички иктисодий механизмнинг ҳал қилувчи устувор аҳамияти кўриниб туради.

Муайян давлат ички экологик сиёсий фаолиятдаги иктисодий механизмларнинг кўп элементлари, айти пайтда, халқаро экологик ҳамкорлик элементлари сифатида ҳам намоён бўлади. Халқаро экологик сиёсат интеграциясининг кўлами ва характери (горизонтал ва вертикал) миллий экологик сиёсат ривожланишига боғлиқ бўлиб, алоҳида давлатлар иштирокини таъминлашга доир ташкилий усул ва методларни мажмуалаштиришни тақозо этади. Бундан ташқари, бир-биридан нисбатан мустақил бўлган халқаро ва миллий экологик ҳамкорлик механизмларининг глобал тизимида иктисодий алоқаларнинг конкрет шакллари, йўналишлари турли ва ўзаро алоқадор элементларини комплекс-системали бошқаришни талаб қилади.

Экологик муаммолар глобаллашувида айрим мамлакатларнинг ички индивидуал иктисодий механизми этакчи рол ўйнамайди, балки умумий иктисодий қонунларга амал қилишнинг хусусий шакллари (масалан, техник воситалар, технологик имкониятлар, иктисодий фаолиятнинг муайян шакллари, халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрларини) акс эттиради.

Экологик сиёсий муносабатлар интеграциясининг халқаро иктисодий ҳамкорлик механизмларига қарамлиги унинг турли шакл ва методлари алоҳида давлатларда ҳам, Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигида ҳам, ривожланишининг турли босқичларида намоён бўлади.

Минтақада экологик вазиятнинг кескинлашуви унинг сабаб ва оқибатларини ҳам ўзаро ҳамкорлик ёрдамида бартараф этиш вазифаларининг қийинлашуви интеграция жараёнига хизмат қилувчи экологик алоқаларнинг аниқ ва таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишни талаб этади. Марказий Осиё давлатларининг бозор иқтисодига ўтиши экологик алоқаларни мустаҳкамлаш ва миллий экологик хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш учун иктисодий қулайликларни яратмоқда. Лекин айрим давлатларнинг миллий экологик фаолиятдаги режалаштириш ва бошқариш тизими андозаларни халқаро экологик сиёсий ҳамкорлик доирасига механик тарзда олиб ўтиш мумкин эмас. Чунки турли давлатларнинг миллий экологик сиёсати системаларида муайян ўхшашлик, уму-

мийлик бўлса ҳам уларни мутлақо бир хил деб бўлмайди.

МДХ давлатлари демократик жамият қурилишининг нисбатан бир хил босқичларида бўлсалар-да, бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос миллий моделларини танлайдилар. Чунки уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражалари, моддий техника база-си ва бошқа жиҳатлари турличадир.

Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги ва ўзаро иқтисодий ёрдами минтақада экологик соғлом муҳитни яратишда муҳим рол ўйнайди. Энг асосийси, Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришиб, демократик жамият қуришга ўтган пайтдан бошлаб, экология соҳасидаги муаммоларни биргаликда ҳал этишга киришдилар. Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатларининг экологик муаммолар борасида ўзаро ҳамкорлик ва ёрдамлари охир-оқибатда умумжаҳон экологик сиёсат интеграциясига катта имконият яратмоқда. Шунга кўра, экологик сиёсат интеграцияси жараёнларини кучайтиришга қаратилган ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик ҳар бир давлатнинг мавжуд ресурслардан умумий мақсадда фойдаланиши халқаро аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамияти тизимида ўз ўрнига эгадир.

Ўзаро иқтисодий, техник, технологик, интеллектуал ёрдам, турли давлатлар билан ҳамкорликда йирик экологик муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Халқаро доирадаги иқтисодий ҳамкорлик асосида, нафақат иқтисодий манфаатлар, шу билан бирга, умумэкологик хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш масалалари ётади. Экологик фаолиятнинг иқтисодий механизмлари, ўз навбатида давлатлар ўртасида экологик сиёсий муносабатларни чуқурлаштириш орқали бошқа йўналишларни ҳам қамраб олади. Шунинг учун ҳам турли давлатлар умумий экологик хавфсизлик муаммоларини автаном ҳал қилиш мумкин эмаслигини англаб етмоқдалар.

Халқаро экологик сиёсий ҳамкорлик тизимининг ҳаракатлантирувчи механизми сифатида, унинг ижтимоий-иқтисодий омиллари билан бир қаторда, истикбол ривожланишида экологик моддий ишлаб чиқариш омилларининг ҳам аҳамияти янада ортади. Зеро, халқаро ҳамкорликда турли мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиши эмас, балки экологик технология талабларига асосланган ишлаб чиқаришнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам муайян давлатда иқтисодий ишлаб чиқаришнинг

Ўсишида халқаро экологик ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳар қандай механизми, унинг интенсивлик даражасига ҳам, кўламига ҳам, бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакатлараро иқтисодий муносабатлар ҳажмининг ўсиши халқаро экологик ҳамкорликнинг турли шакллари ва услубларини автоматик тарзда рўёбга чиқармайди. Янги шароитлардаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик давлатларнинг миллий хўжалиги экологик ривожланиш суръатларини бир-бирига яқинлаштиради. Халқаро иқтисодий муносабатлар давлатларнинг ички экологик сиёсати структурасини ҳам ўзгартиради. Шу жараёнда улар бир-бирга мослашади. Буларнинг барчаси интеграцион тенденцияларнинг глобал миқёсда экологик вазиятни соғломлаштиришда иқтисодий механизмлар эволюциясини ва йўналишларини белгиловчи объектив омил сифатида аҳамиятини кўрсатади.

Марказий Осиё давлатлари иқтисодий интеграциясининг ривожланиши, аввало, унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва миллий мустақиллик афзалликларидан фойдаланган ҳолда халқаро экологик ҳамкорликда фаол иштирок этишга имконият яратади. Ҳуқуқий асосларнинг шаклланиши иқтисодий ҳамкорлик халқаро механизмининг таъсирчанлиги, ҳаётийлиги алоҳида давлатларнинг хўжалик фаолиятини ташкил этишнинг шакл ва усуллари билан алоқадордир.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сўнгги учрашувларида халқаро экологик ҳамкорлик иқтисодий механизмларини истиқболда ҳаётга кенг жорий қилиш учун шарт-шароит ва имконият яратиш масалалари муҳокама қилинди¹. Навбатдаги вазифалар эса бу соҳада ҳамкорликда қилинадиган ишларни режалаштириш, халқаро экологик сиёсат интеграцияси жараёнларини жонлантириш, табиатни муҳофза қилиш институционал тизими ислохотининг иқтисодий механизмини аниқлаш, экологик тадбирларнинг турли шакл ва методларини чуқурлаштириш ҳамда уларнинг ҳақиқий сифати, табиий-амалий самарасини кўтаришни тақозо этади.

Халқаро экологик сиёсий ҳамкорликни ташкил қилиш соҳасидаги давлатлар тажрибаларини ўрганиб, умумлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, илғор давлатларнинг экологик интегра-

¹Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг қўшма баёноти // Правда Востока. 1999, 12 апрел.

ция сиёсати фан, техника ва технологияларни ривожлантириш, экологик ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорлик қилиб, кучларни бирлаштиришни талаб қилувчи объектларни, йўналишларни аниқлашни ҳам кўзда тутати. Бу ерда асосий мақсад ҳамкорликда ишлашнинг турли шакллари, халқаро экологик функциялар тақсимотини ўзаро келишилган ҳолда ривожлантиришни рағбатлантирувчи механизмларини, шунингдек, халқаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўз ичига олувчи иқтисодий механизмларини такомиллаштиришдан иборат. Бунинг учун Марказий Осиё давлатлари томонидан экологик сиёсий интеграция жараёнини мувофиқлаштирадиган, халқаро экологик қонунлардан коллектив равишда фойдаланиш механизмлари, институционал тизимини ривожлантириш зарур.

Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро экологик ҳамкорлик сиёсати, яъни интеграциясини ривожлантириш муаммолари таркибида иқтисодий механизмнинг муҳимлиги шундаки, бу ҳақда ёзилган илмий адабиётларда асосий урғу унинг соф иқтисодий кўрсаткичларига берилади. Ваҳоланки, Марказий Осиё мамлакатлари экологик ҳамкорлигининг ҳозирги янги босқичида кўзланган мақсадларни амалга оширишнинг махсус иқтисодий механизми шаклланмаса, у тўлиқ имконият билан ишлай олмайди.

Экологик сиёсатни интеграциялаштирувчи механизмларнинг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– экологик сиёсий ҳамкорлик ривожланган ва интеграция қўлами кенгайган давлатларда, асосан, ўрта ҳамда узок муддатли тадбирларни ишлаб чиқиш ва барча босқичларда амалга оширишда ўзаро жорий келишувларнинг комплекс ижросини таъминлаш;

– халқаро экологик дастурларни амалга оширишда бозор иқтисодиёти қонунларининг механизмларидан, хусусан, турли соҳалардаги хўжалик ташкилотлари ўртасидаги техник ва технологик алоқаларни кучайтиришни иқтисодий рағбатлантиришдан кенг фойдаланиш;

– халқаро экологик сиёсий ташкилотлар ва жамоатчилик бирлашмалари тизимида миллий институтлар, сиёсий усткурма элементлари фаолиятларини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат (мониторинг) самарадорлигини ошириш;

– халқаро экологик сиёсий ташкилотлари тизими фаолиятини турли даражаларда режалаштиришни интеграциялаштириш учун

уларнинг моддий, техник, технологик ва интеллектуал ресурслари потенциалининг тўлиқ ахборотига эга бўлиш;

– экологик ҳамкорлик инфраструктуралари тизимини, хусусан, ахборотлар базаси коммуникацияси, режалаштириш ташкилотлари, молия-кредит ва ўз ўзини маблағ билан таъминлашда хўжалик ҳисобини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, халқаро экологик сиёсат интеграциясида суверен давлатлар ижтимоий-иқтисодий фаолиятларини мувофиқлаштириш, кооперациялашувини ривожлантириш, шунингдек, ташқи иқтисодий алоқалар интенсивлашуви ва глобаллашуви объектив конуний жараён ҳисобланади. Ҳозирги даврда экологик сиёсат интеграциясига хизмат қилувчи ҳар қандай механизмни мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари доирасидаги ҳамкорликнинг муайян ҳолати деб эмас, балки узоқ вақт давомида шаклланидиган интеграциянинг оптимал механизми сифатида қараш керак.

Марказий Осиё давлатларида интеграцион механизмнинг шаклланиши ва ривожланиши, экологик эҳтиёжлар билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг шакли ва методларини ташкил этиш умумий жараёнларининг бир қисмидир. Шунинг учун Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатлари интеграциясини халқаро алоқаларни ташкил этишнинг алоҳида усуллари деб қараш нотўғридир. Бу ҳолда экологик сиёсат интеграциясига миллий доиралардаги табиатни муҳофаза қилиш соҳасида тадбиркорликнинг намоён бўлиши тарзида қараш мумкин эмас.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсий муносабатларни интеграциялаштирувчи механизмлар тизимида ижтимоий-сиёсий инструментлар элементи ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Бу сиёсий механизмнинг функционал аҳамияти мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро миқёсда ҳам, давлатлараро экологик фаолиятни тартибга солишнинг объектив зарурати билан характерланади.

Глобал экологик муаммоларни бартараф этиш нуктаи назаридан халқаро интеграцион механизмнинг шаклланиши: а) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ва структуравий тuzилишига; б) жамият ривожланиши билан боғлиқ экологик эҳтиёжлар ўзгаришларига; в) фан, техника, технологиянинг экологиялашиш даражасига; г) миллий экологик муаммоларни халқаро ҳамкорлик ёрдамида ҳал этиш имкониятларига боғлиқдир.

Халқаро муносабатларни интеграциялаштирувчи механизмлар

ишлаб чиқаришнинг экологик соҳасидаги муаммоларига бефарқ бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, экологик ҳамкорликнинг йирик лойиҳаларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун иқтисодий механизмнинг кўпгина муҳим инструментларини эксперимент-тажриба сифатида ҳам текшириш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда ишлаб чиқилган кўпгина йирик лойиҳалар нафақат муайян экологик муваффақиятларга олиб келди, балки халқаро экологик дастурнинг истиқболдаги муаммоларини ҳал этиш учун зарур методологик база таёрлаш имкониятларини ҳам вужудга келтирмоқда.

Халқаро экологик сиёсат интеграциясининг объектив асослари мустаҳкамлиги ва самарадорлиги бу жараёнга илмий асосланган раҳбарлик қилишга боғлиқдир. Амалий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиё давлатларининг аҳолиси ва жамоат ташкилотлари, ўз куч ва имкониятларини даставвад, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор иқтисодий ҳамда сиёсий аҳамиятли йўналишларда ҳамкорлик қилишга йўналтирмоқда. Шунингдек, халқаро экологик сиёсат доирасидаги интеграцион жараёнлар муайян давлат ва халқаро миқёсда бир хил интенсивликда бормоқда дейишга асослар етарли эмас.

Марказий Осиё давлатлари халқаро экологик сиёсат интеграция жараёнлари интенсивлигидаги бу фарқлар умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ҳамкорлик кенгайиши билан камайиб боради. Айнан шу шароитларда миллий интеграцион механизм тобора кўпроқ мамлакатларга хизмат қилиб, экологик сиёсатнинг байналмилаллашуви ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда кенгайиб боради.

Мазкур айтилган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: Биринчидан, экологик сиёсат интеграциясининг иқтисодий базиси моҳиятига кўра, тўлиқ маънода табиатни муҳофаза қилишнинг асосий омилларидан биридир. Иккинчидан, экологик сиёсат интеграциясининг институционал асослари, ташкилий-иқтисодий тузилмаси ҳозирча шаклланиш босқичида турибди ва келажакда интеграциялашувчи давлатлардан кўпроқ диққат эътиборни талаб этади. Учинчидан, экологик сиёсат интеграциясини бошқариш самарадорлиги давлатларнинг ривожланиш даражаси ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар имконияти кўрсаткичларидан ҳисобланади. Тўртинчидан, экологик интеграция халқаро монито-

ринги ва жамоатчилик фикри бу жараёни ҳақиқий тартибга солувчи механизмларидир. Бешинчидан, экологик фаолият интеграцияси объектив жараён бўлиб, давлатларнинг ўз-ўзини тартиблашга ва келажақда экологик сиёсат соҳасида интеграцияси кучайиши учун потенциал имкониятларни вужудга келтиради.

Марказий Осиё давлатларида экологик сиёсий муносабатлар истиқболлини моделлаштириш масалалари

Биз юқорида кўриб чиққан экологик сиёсат интеграциясининг муҳим хусусиятлари, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро дастурда кўзда тутилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа механизмлар минтақада экологик фаолиятни моделлаштиришнинг ҳам асоси бўлиб хизмат қилади. Экологик сиёсат интеграциясининг муайян ҳолатини эмас, балки унинг бутун жараёнини ўрганиб чиқиш, бу соҳадаги фаолиятни моделлаштиришга имкон беради. Истиқболли моделлаштириш бўйича энг умумий ҳулосалар Марказий Осиё давлатларининг табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишдаги ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш жараёнида эришилган амалий натижаларга, экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида эришилган ютуқларга асосланади.

Минтақа ва жаҳон давлатлари ўртасида экологик хавфсизлик соҳасида тузилган халқаро битимлар, келишув ҳужжатлари, Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг мунтазам учрашувларида энг муҳим экологик тадбир режаларини амалга ошириш учун зарур ресурс ва маблағлар ажратишни кўпайтириш ҳақида қабул қилинган қарорлари, бу давлатларда экологик сиёсатини такомиллаштиришнинг ҳаракатлантирувчи, муҳим механизмларидир. Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ўзларининг экологик сиёсатида атроф муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича Рио де-Жанейро Декларациясида баён қилинган тамойилларга амал қиладилар: «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Устави ҳамда халқаро ҳуқуқ тамойиллари асосида турли давлатлар суверен ҳақ-ҳуқуқларидан келиб чиқиб, атроф муҳит ва ривожланиш бўйича сиёсатига мувофиқ ўз ресурсларидан фойдаланадилар ҳамда ҳар бир давлат ўз юрисдикциялари ёки назоратчилари доирасида бошқа давлатларнинг ёки ўз миллий юрисдикцияларидан ташқаридаги ҳудудларнинг атроф муҳитига зарар етказмаслик масъулиятини ўз зиммаларига олади-

лар»¹.

Атроф муҳит муҳофазаси соҳасида кенг қулоч ёзаётган интеграция барча давлатлар ўртасида халқаро экологик функцияларнинг тақсимотини чуқурлаштиради. Бундан ташқари, турли давлатларнинг узок муддатли битимларида режалаштирилган экологик тадбирларни амалга ошириш жараёнида муҳим ўзгартиришлар киритилмоқдаки, бу ўзгаришлар алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилмоқда. Бу табиий ва қонунийдир, чунки Марказий Осиё давлатларининг табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалий тажриба ва моддий-техник имкониятлари кўпайган сари бу соҳадаги ўзаро ҳамкорлик ҳам чуқурлашиб бормоқда.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги экологик ҳамкорликни ривожлантириш истикболига доир режалар табиатни муҳофаза қилиш бўйича фақат ички вазифаларни бажариш учунгина муҳим аҳамият касб этиб қолмай, балки умумий минтақавий экологик манфаатларни ҳам яқинлаштиради. Минтақада экологик сиёсат интеграцияси истикболи учун тузиладиган режалар, ҳозирги давр жамиятида экологик фаолиятни моделлаштиришда амалий дастурларни ишлаб чиқиш глобал муаммоларни ҳал этишда алоҳида рол ўйнайди. Шунинг учун табиатни асраш соҳасидаги халқаро келишувнинг тузилиши ва моделлашуви жаҳондаги барча экологик жараёнларни соғломлаштиришга жиддий ёндошувни талаб этади. Бу борада халқаро миқёсда Марказий Осиё ҳамдўстлиги давлатларининг ҳамкорлиги ва уларнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё давлатлари халқаро экологик ҳамкорлиги принципларини амалга ошириш ва моделлаштириш методини ишлаб чиқиш жаҳон интеграцион жараёнида марказга интилувчи тенденцияларни ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-иқтисодий интеграция йўлидан бориши, уларнинг ўзаро ҳамкорлигига ва индустриал ривожланган мамлакатлар билан экологик ҳамкорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё давлатлари интеграцияси минтақада иқтисодий ёпиқ гуруҳлар тузилишини англатмайди. Аксинча, бу минтақа давлатлари интеграцияси жараёнида ўз салоҳияти ва иқтисодий имкониятларини ўстириб бора-

¹Рио де-Жанейрская Декларация по окружающей среде и развитию.
<http://www.un.org/russia/document/ deklarati/riiodecl.ytm>

дилар. Бу билан улар келгусида жаҳонда умумий экологик тангликни бартараф этишда кенг ва кўп томонли халқаро ҳамкорликни, шу жумладан, ривожланган давлатлар билан экологик алоқаларни кенгайтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Келажакда, шу мақсад асосида манфаатдор давлатлар билан барча давлатларнинг экологик эҳтиёжларини қондириш шиори остида ҳамкорлик қилишнинг перспектив-истикболли дастурлари ишлаб чиқилади.

Бир гуруҳ давлатлар ёки минтақадаги барча давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятларини моделлаш асосида, глобал миқёсда экологик интеграция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин. Минтақавий истикболли моделлаш жараёнида фан-техника, ишлаб чиқариш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик қилиш объектлари белгиланиб, Марказий Осиё давлатларининг биргаликдаги экологик фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи интеграцион механизм параметрлари аниқланади.

Марказий Осиё давлатлари экологик муносабатларини моделлаштириш минтақа ва ундаги айрим давлатларда энг йирик ижтимоий-экологик ўзгаришлар қилишга мўлжалланган узоқ муддатли халқаро дастурни амалга оширишнинг биринчи босқичи бўлади. Шу мақсадда, 1999 йили Ўзбекистонда 2010 йилгача халқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегик режаси ишлаб чиқилган. Унда республикада изчил равишда демократик жамият қурилиши моддий-техника базасини вужудга келтириш, кенг миқёсда социал тадбирлар ўтказиб, халқ турмуш даражасини ошириш, халқаро экологик муносабатларни янада такомиллаштириш йўллари, воситалари белгиланган. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истикбол режасида халқаро экологик фаолиятни янада ривожлантириш ва қўламини кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар қўйилган. Бу соҳада ҳозирги халқаро вазият хусусиятлари, суверен давлатлар экологик интеграциясининг янги имкониятлари ва истикболи ҳисобга олинган.

Минтақадаги бошқа давлатларда ҳам шундай истикболли режалар ишлаб чиқилган. Ҳозиргача бу соҳада амалга оширилган тадбирларнинг синовдан ўтган тажрибалари, узоқ муддатли экологик муносабат тенденцияларига асосланиб баъзи натижаларни таҳмин қилиш мумкин. Хусусан, мазкур истикболли режа амалга оширилганда 2010 йили Ўзбекистон ялпи миллий даромади 1998 йилдаги

ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш (ЯИМ) бўйича эришган даражасига нисбатан 2,5 баравар кўпаяди.

Статистика маълумотлари шуни кўрсатадики, республикада ялпи ички маҳсулот 1998 йилда – 4,4 фоизга ўсган бўлса, 2004 йилда – 7,7 фоизга кўпайган, 2010 йилда эса бу кўрсаткичнинг 9-10 фоизга кўпайишини прогноз қилиш мумкин. Шу билан бирга, 2010 йилда асосий капитал маблағ сарфлари 1998 йилдагига деярли тенг бўлса-да, ялпи ички маҳсулот асосан фан-техника ва меҳнат унумдорлиги интенсивлиги ҳисобига ўсади. Асосий капитал ва инвестицияларни сарфлаш нисбатан турғун ҳолда сақланиб қолади.

Келажакда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида экин майдонлари кенгайтирилмасдан, 20 миллион гектарлигича сақланган ҳолда рекултивация қилинган (тупроғи созланган) ерлар 1991-95 йилларга нисбатан 600 фоизга кўпаяди. Фойдаланиладиган сув ресурслари ҳажми ҳам ўзгармайди – йилига 59,2 миллион кубометрлигича қолади. 1998 йилга нисбатан 2006-2010 йилларда ялпи ички маҳсулот 100 фоиз кўпайгани ҳолда, табиий атроф муҳитни яхшилашга оид сарф-харажатлар ўша йилдагидан 7 баравар кўпаяди. (Бу умумий харажатларнинг 0,07 фоизини ташкил этади). Лекин бу сарфлар миқдори ҳозирги талабларга жавоб бермайди, чунки улар экологик мувозанат бузилганлигини компенсация (ўрнини қоплашга) қилишга етмайди. Шу сўра, бизнингча, қуйидаги расмий статистика маълумотларини келтириш ўринлидир. «XX асрда ўтган йилларда Марказий Осиёда суғориладиган ер майдонлари 2,3 марта кўпайиб, 3,4 миллион гектардан 7,9 миллион гектарга етган. Шу жумладан, Ўзбекистонда 1,8 миллион гектардан 4,2 миллион гектарга кўпайган. Демак, Марказий Осиё давлатларида суғориладиган янги ерларни очиш жаҳондаги ўсиш суръатларидан 3,5 марта орқада қолган. АҚШда кейинги 20 йил давомида суғориладиган ер майдонлари 1,5 марта, Канада ер майдонлари 1,7 марта, Бразилияда – 2,8 марта кўпайган.

XX аср давомида жаҳонда суғориладилар ерлар 8 марта кўпайгани ҳолда Оролбўйи ҳавзасидаги мамлакатларда фақат 2,3 марта ошган. Бу жойларнинг аҳолиси эса бир аср давомида 7,7 марта кўпайган»¹.

Бу яхшими, ёмонми, деган савол туғилади. Мазкур муаммога

¹Табиий атроф-муҳитнинг аҳоли ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳақида. Миллий доклад (2002-2004 йиллар). Тошкент, 2005. Б.76.

глобал миқёсда қаралса, бу ижтимоий-иқтисодий ҳаётни экологиялаштиришнинг умуминсоний манфаатларига жавоб беради. Чунки сугориладиган янги ер майдонларидан фойдаланиш жаҳон миқёсида биосферанинг экологик балансини бузувчи омиллардан биридир. Лўнда килиб айтганда, сайёранинг экологик баланси учун чўллар, тоғлар, ботқоқлар ва ўрмонлар барчаси керакли, буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Мамлакат иқтисодий куч-қудрати фақат экологик тадбирларга қанча маблағ ажратиши билангина ўлчанмайди. Экологик ҳамкорлик қилаётган давлатларнинг иқтисодий базасида муҳим сифат ўзгаришлари юз бериши керак. Ҳар бир давлат экологик таъбир учун сарфлаётган иқтисодий куч-қудрати, салоҳиятининг нисбий ва абсолют кўрсаткичи ўсганида, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеи ҳам мустаҳкамланиб боради.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Марказий Осиё мамлакатларида миллий даромад ва ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари экологик тадбирларга ажратилаётган сарф-харажат кўрсаткичларига мувофиқ келмайди. Мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг оддий экстраполяцияси (муқобил қиёсланиши) шуни кўрсатдики, 2004 йилгача Ўзбекистонда ялпи миллий даромад 7,7 марга, саноат маҳсулотлари 9,4 фоизга, халқ истеъмол моллари 13,4 фоизга ошган¹.

Тахминий мўлжалларга кўра, Ўзбекистонда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1990 йилдагига нисбатан 2006-2010 йилларда 25 фоизга ортади. 2010 йилга келиб, Ўзбекистонда иқтисодий база ҳозиргидан 2-2,5 баравар ўсиши кутилмоқда. Умуман, бу соҳадаги барқарор тараққиётга Ўзбекистон миллий хўжалиги экология соҳасидаги халқаро ҳамкорлик фаолиятида меҳнат тақсимотининг оқилона-рационаллиги ва самарадорлиги; ишлаб чиқаришни экологик технологиялар асосида ихтисослаштириш, фан-техника, ахборот соҳаларини кооперациялаш бўйича узок муддатли шартномаларни кўпайтириш; ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида экологик ҳамкорлик қилувчи халқаро ташкилотлар тизими фаолиятини кенгайтириш; минтақадаги умумий экологик вазифаларни тез ва самарали ҳал этиш учун миллий

¹ Ислам Қаримовнинг Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенати қўшма мажлисидаги нуткидан // Халқ сўзи. 2005, 29 январь.

хўжаликнинг халқаро алоқаларини кучайтириш; минтақадаги табиий ва иқтисодий ресурсларни, интеллектуал салоҳиятни интеграциялаштириш орқали эришиш мумкин.

Ишлаб чиқаришни экологиялаштириш фақатгина экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш учунгина зарур эмас, балки биринчи навбатда халқ хўжалигининг муайян соҳаларида фан-техника ва технология тизимларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва бошқаришни кооперациялаш бўйича халқаро алоқалар тез ривожланиб боришига ҳам олиб келади. Шунинг учун яқин келажакда Марказий Осиё минтақасида давлатларaro қўшма корхоналарни куриб ишга тушириш, мақсадли кредитлар бериш, минтақадаги иш кучлари ва моддий ресурслардан биргаликда фойланиш кенг йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг экология соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришда энг муҳим маҳсулот турларини (хом ашёдан тайёр маҳсулотгача) ягона комплекс қилиб стандартлаш ва мониторинглаш, табиатни муҳофаза қилиш инфратузилмаларини мустақкамлаш учун зарур бўлган асбоб-ускуна, жиҳоз, машина системаларини яратиш, уларни туркумлаштириш (типизация) ва унификация қилиш ҳам моделлаштиришнинг муҳим вазифаларидан хисобланади.

Умуман, минтақа давлатларининг экологик сиёсатини эффектив моделлаштириш, уларнинг умумий экологик хавфсизлигини таъминлаш ва ҳар бир мамлакатнинг барқарор ижтимоий тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий иқтисодий, экологик сиёсат интеграцияси жамият тараққиёти қонуниятларидан келиб чиқувчи мураккаб ҳодисадир. У давлат бошқаруви ва мониторингини тақозо қилади. Ижтимоий, иқтисодий муносабатлар глобаллашувининг ҳозирги босқичида экология омили устувор йўналишлардан бўлиб, халқаро экологик сиёсат интеграциясининг умумий тенденцияларини намоён этади. Бу жараёнда турли мамлакатларнинг экологик фаолиятини ривожлантиришни моделлаштириш, истиқболини олдиндан кўриш қуйидаги жиҳатлари билан актуал аҳамиятга эга:

Биринчидан, фан-техника тараққиёти, технологик циклларнинг экологиялашуви ва инсонпарварлашуви, фақат сиёсий устқурма элементларини ташкил этиш натижаси бўлиб қолмай, балки бевосита жамиятнинг базисини ташкил этувчи асослар ва

уларнинг истиқболдаги ривожланиши билан боғлиқдир.

Иккинчидан, турли мамлакатлар экологик сиёсати интеграцияси жараёнини мувофиқлаштирувчи ва регламентловчи механизмлари бу мамлакатларнинг миллий эҳтиёжлари, манфаатлари ва умуминсоний гуманистик тамойилларига жавоб берган тақдирдагина изчил, эзгу мақсадга йўналтирилган сиёсатга айланади.

Учинчидан, индустриал ривожланган мамлакатларнинг атроф муҳит муҳофазасига доир ижобий ютуқлари ва камчиликларини эътиборга олиш интеграциялашаётган давлатларда мўътадил сиёсий иқлимни вужудга келтиради, уларнинг экологик сиёсатини интеграциялаш жараёнларини ва минтақада экологик вазият танглигини бартараф этишни тезлаштиради.

Тўртинчидан, халқаро экологик сиёсатнинг интеграциялашуви даражаси ҳар бир давлат сиёсий тузумининг ривожланганлигини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга, бозор муносабатига ўтиши ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини демократлаштиришга бўлган қобилиятининг ҳам муҳим кўрсаткичидир.

Бешинчидан, экологик сиёсатнинг горизонтал ва вертикал йўналишдаги интеграцияси, нисбатан мустақил йўналишлар сифатида турли мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўз ўзини регуляция қилишининг потенциал имкониятларидан ҳам келиб чиқади. Бу имкониятларни макро ва микро кўламда моделлаштириш мумкин.

Олтинчидан, ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, техника, технология ва бошқа соҳалардаги ўзаро корреляцион алоқалари, диалектик ўзаро алоқадорлиги, уларнинг экологик сиёсатларини минтақа ва бутун дунё миқёсида интеграциялаш манфаатларини истиқболли прогноз қилишга комплекс-системали ёндашувни тақозо қилади.

ХУЛОСА

Китобда тадқиқ этилган масалаларни концептуал нуқтаи назардан фалсафий-социологик таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келиш мумкин:

Ҳозир «Умумий экология» фани табиий атроф муҳит ҳақида статистик маълумотлар, эмпирик материаллар тўплашдан экологик фаолиятни ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш стратегияси ва тактикасини белгилашнинг назарий-методологик асосларини яратиш босқичига кирди. Умумий экологиянинг дифференциаллашиш жараёнида «Ижтимоий-сиёсий экология» вужудга келиб, мустақил фан сифатида унинг предмети ва объекти доирасидаги тушунчалар конструкцияси орқали объектив реаллик «табиат – жамият – инсон» мажмуаси ички боғланиши алоқадорлигини мантикий изчил ифодалаш воситалари, тамойиллари, қонунлари, категориал аппарати, тизими *контурлари* аниқланмоқда. Унинг тадқиқот объекти, предмети ва муаммолари табиатни муҳофаза қилишнинг утилитар, прагматик-позитив эҳтиёжи билан чегараланиб қолмайди. Аксинча, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлари мажмуасини ривожлантириш назарий асоси ҳисобланади.

Хулосаларимизга кўра, экологик барқарорлик жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий тараққиёти билан боғлиқ нисбатан мустақил уч йўналишда намоён бўлади: *биринчи* – тикланмайдиган табиий ресурсларнинг камайиб ва йўқолиб кетиши олдини олишдаги техник-технологик ташкилий соҳада; *иккинчи* – табиий муҳитнинг жаҳон миқёсида ифлосланиб, биосфера экологик мувозанатига таъсир қилувчи антропоген омил ролини кўрсатишда; *учинчи* – экологик фаолликнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазиятлар билан детерминлашиш ҳолатини аниқлаш ва амалий ечимларини топишда.

Экологик барқарор тараққиёт йўналишларини ўрганишнинг уч босқичида бажариладиган вазифаларини бир-бирдан ажратиш ва улар камраб олиши керак бўлган даврларни белгилаш методологик аҳамиятга эга:

Биринчи босқичда, табиатга антропоген таъсир кўрсаткичларининг эмпирик материаллари ва ахборотлари умумлаштирилади. Инсониятнинг экологик фаолияти натижаси бўлган моддий ва маънавий мероси ретроспектив планда ижодий ўрганилади, улардан амалий, назарий, методологик, хусусий кулосалар чиқарилади. Бу босқич XX асргача бўлган даврни ўз ичига олади.

Иккинчи босқичда, инсоннинг табиатга антропоген таъсирини «табиат – жамият – инсон» мажмуаси қонунига асосан, биосфера экологик мувозанатини сақлаб қолишни дастурлаштиришдан, лойихалаштиришдан, турли экологик назорат идоралари тизимини шакллантиришдан, айни пайтда, экологик фаолиятнинг илмий-назарий, методологик асосларини яратишдан иборат бўлиб, бунга, ўтган асрнинг 80-йилларигача бўлган давр киради.

Учинчи босқичда, табиатни муҳофаза қилиш истикбол дастурларини амалга оширишнинг конструктив-рационал услуб ва воситаларини, техник-технологик, интеллектуал асосларини яратиш орқали, амалий фаолиятни кучайтириш кўзда тутилади. Бу босқичдаги ишлар – позитив-прагматик фаолиятнинг янги сифат даражаси бўлиб, экологик назарий қарашлар моддийлашуви, яъни бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланишидир. Бу, ҳозирги кеча-кундузни ўз ичига олади.

БМТнинг Рио де-Жанейрода (1992 йил июнь) бўлиб ўтган табиий муҳитни муҳофаза қилиш Халқаро конференциясида ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида анъанавий бозор иқтисодиёти модели, муқаррар равишда экологик вазиятни кескинлаштиришга олиб келиши қайд қилинган ва бу йўлдан бориш номаъқул йўл, деб таъкидланган эди. Анжуман қатнашчиларининг фикрига кўра, ҳозир ривожланиш йўлига кирган мамлакатларни индустриал тараққиётга мўътадил, босқичма-босқич олиб кириш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви, миллий қадриятларининг тикланиши Ватанимиз табиатини муҳофаза қилиш соҳасидаги барқарор тараққиётни босқичма-босқич, конструктив-рационал ташкил

қилишнинг реал имкониятларини вужудга келтирди. Эндиликда, давлат сиёсатининг таркибий қисмини ташкил қиладиган бу вазифани бажариш учун, бизнинг назаримизда қуйидаги йўналишлардаги амалий ва назарий фаолиятларни кучайтириш лозим. Булар:

– маҳаллий, ҳудудий, регионал, глобал масштабларда экологик вазиятнинг объектив характеристикасига эга бўлиш;

– ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш, лойиҳалаштириш қурилиш экспертизасини экологик манфаатлар асосида умумлаштирадиган ялпит ташкилий тизилмани вужудга келтириш;

– экологик барқарор тараққиётни амалга оширишнинг услублари, воситалари, механизмлари, техник-технологик ҳамда интеллектуал асослари бирлигига эришиш;

– экологик барқарор тараққиётни амалга оширишни давлат ижтимоий-сиёсий фаолияти тасарруфига киритиш ва унинг тарихий-манتيкий изчиллигини таъминлаш кабилардир.

Экологик хавфсизлик масъулиятини англаш даражаси инсоният тарихий тараққиётининг табиатига мос келади. Дарҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг дастлабки босқичларида элементар ижтимоий-экологик нормалар, кишиларнинг муайян табиий яшаш шароитлари билан боғлиқ урф-одатлар, расм-русмлар тарзидаги амалий шаклларда намоён бўлган. Умумлаштириб айтганимизда, экологик барқарор тараққиёт муносабатида ўзаро диалектик муносабатдаги икки тенденция мавжуд: **биринчиси**, экологик масъулият – шу соҳадаги фаолият йўналишини белгилаб, табиатни муҳофаза қилиш фаоллиги билан боғлиқ «моддийлашув» жараёни бўлса, **иккинчиси** – экологик масъулият – эътиқодга, шахс амалий фаолиятининг кундалик заруратига айланганидагина, экологик фаолликнинг мотиви бўла олиши ва бу соҳадаги барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Умумий ижтимоий масъулиятнинг таркибий қисми бўлган экологик масъулият кенг ва тор маъноларда тушунилади. Бинобарин, кенг маънода экологик масъулият – инсоният ижтимоий-тарихий амалиёти жараёнида табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган фаолият мотиви бўлса, тор маънода эса у – кишиларнинг конкрет амалий ва назарий фаолиятларини табиатни муҳофаза қилишга йўналтиришдир.

Моддий ишлаб чиқариш, ўз моҳиятига кўра, ижтимоий фаолиятнинг намоён бўлишидир. Бинобарин, бу борада табиий бойликларни оқилона истеъмол қилиш масъулиятини ривожлантириш жўн ва стихияли ҳаракат эмас, балки омманинг амалий ташаббускорлиги, ғоявий-сиёсий онглилиги, маълумотлилик даражаси билан боғлиқ жараёндир. Бунда экологик таълим-тарбиянинг роли ҳар бир шахснинг табиатга масъулиятли муносабатда бўлишига, қаратилиши лозим.

Умуминсоний экологик ахлоқий нормаларга амалда риоя этилиши – ижтимоий экологик ахлоқий идеалларнинг моддийлашиш жараёнидан иборат. Экологик таълим-тарбиянинг бутун мажмуавий вазибалари, истиқболли шу жараёни тезлаштириш, ёш авлодни ахлоқий тарбиялашга қаратилган бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, экологик таълим-тарбиянинг асосий мазмуни ва йўналишлари кишиларнинг кундалик амалий фаолиятига, ҳуқуқатворидаги ижобий фазилатларига айланишни таъминлашга хизмат қилиши лозим. «Экологик виждон», «Экологик бурч», «Экологик масъулият», «Экологик жиноят» каби ахлоқий, ҳуқуқий категориялар шу амалий фаолиятнинг инъикоси бўлиб, маънавий ривожланишнинг муқаррар қонуниятларидан келиб чиқади.

Ҳар қандай ижтимоий онг шаклининг билиш объекти, воситалари ва усуллари умумийлиги табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида намоён бўлади. Айниқса, ҳозирги экологик вазиятнинг кескинлашиб кетган даврида турли ижтимоий онг шакллари, объектив равишда, экологик мазмун касб этмоқда. Уларнинг бирлашиш, муштараклашиш манфаатлари экологик мақсад чорраҳаларида рўй бермоқда. Яъни бир томондан, билишнинг умумий восита ва усуллари тобора экологиялашиб бориши тарихий заруриятга айлананиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, табиат муҳофазасининг нисбатан мустақил назарий ва амалий фаолиятга айланиши ўзига хос мутайян усуллари, воситалари тақозо қилмоқда.

Ижтимоий онг шакллари иктисодий, сиёсий, маънавий муносабатлар мажмуасини фақат назарий таълимотларда акс эттириб қолмасдан, шу алоқадорликларни амалий жиҳатдан мутаносиблаштириб туришга ҳам хизмат қилади. Шунингдек, экологик онг ҳам ижтимоий онгнинг махсус шакли – «табиат – жамият – инсон» муносабатларининг билиш, ўзгартириш, бошқариш, такомиллаштириш вазибаларини бажаради. Бундан ташқари, шу вазибалар дои-

расида бошқа ижтимоий онг шакллариининг назарий ва амалий фаолиятини мувофиқлаштириб, уларнинг ривожланиш истиқболини белгилаб туради. Бу вазифаларни бажариш самарадорлиги – умуман диннинг реформациялашиш ва модернизациялашиш даражаларига, хусусан, экотеологиянинг ривожланишига боғлиқ ходисадир.

Диний онгнинг экологик фаолиятга таъсиридаги регулятив функцияси, бизнингча, тўрт йўналишда намоён бўлади:

1. Инсон экологик хатти-ҳаракатини баҳолаш орқали ўз хато ва камчиликларини тузатиб, кейинги фаолиятини эътиқоднинг илоҳийлашган, умуминсоний нормалари асосида ташкил қилишга йўналтиради.

2. Инсоннинг шахсий, индивидуал экологик фаоллиги ва масъулиятини шакллантиришни диннинг ижтимоий эҳтиёжларига, манфаатларига мослаштириш, мувофиқлаштириш механизмларини вужудга келтиради.

3. Индивидлар, ижтимоий гуруҳлар экологик фаоллиги ва масъулиятини рағбатлантириб, антиэкологик хатти-ҳаракатини тақиқлаш билан ижтимоий экологик нормалар умумийлигига эришади.

4. Диннинг норасмий қонуи даражасига кўтаришган мустаҳкам, нисбатан турғун қоидалари, экологик барқарор таракқиётни амалга ошириш узлуксизлигини таъминлайди.

Ижтимоий онг шакллари тизими экологик барқарор таракқиётни амалга оширишнинг ўзига хос йўналишларини белгилаб туради. Оила ва мактаб – таълим-тарбия тизими шу йўналишларни мувофиқлаштириб, уни умумий экологик идеаллар манфаатига бўйсундиришга қаратилган. Экологик таълим-тарбиянинг мажмуавий ва универсал характери экологик фаолиятнинг, умуман, ижтимоий муносабатлар тизимида тутган ўрнини, вазифаларини, назарий жиҳатдан, таҳлил қилишда намоён бўлади. Хусусан, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, сиёсий-иқтисодий, педагогик, психологик, тарихий, фалсафий йўналишларда экологик таълим-тарбия олиб бориш, уларнинг умумий педагогик-дидактик тамойилларини аниқлашдан иборат. Бундан ташқари, юқоридаги йўналишлар экологик барқарор таракқиётнинг индивидуал ва ижтимоий даражаларини, уларнинг ўзаро диалектик боғланиш хусусиятларини белгилаб турганлиги учун ҳам муҳим аҳамиятга молик.

Фаол экологик мавқенинг шаклланишида шу йўналишдаги

таълим-тарбиянинг аҳамиятига шубҳа йўқ. Экологик тарбия табиатни муҳофаза қилшнинг назарий билимларини шакллантиришдангина иборат бўлмасдан, балки тегишли йўналишдаги амалий муносабатларни ҳам ривожлантиради. Амалий экологик фаолият кўникмаларининг шаклланиши ва ҳаёт тарзининг мазмунига айланиб бориши ўз-ўзидан стихияли тарзда амалга ошадиган оддий вазифа эмас. Экологик таълим-тарбиянинг энг асосий вазифаларидан бири – ёшларнинг кундалик ҳаёт фаолиятларини табиат ва жамият ўртасидаги зиддиятларни назарий асослаш, уларнинг амалий ечимларини мустақил топишга йўналтиришдан иборат.

Тадқиқотимизнинг умумий тавсиялари шундан иборатки, Марказий Осиё давлатлари экологик муаммоларидаги умумийлик мамлакатлараро конструктив сиёсий муносабатларни кучайтиришни талаб қилмоқда. Бунинг учун:

– ҳар бир республиканинг конкрет экологик вазиятини, табиатга путур етказётган техноген омилларини, экологик имкониятлари коэффицентини, макон чегараларини аниқлаш учун Халқаро экологик муаммоларни ўрганиш марказини ташкил қилиш керак. Бундай тажрибалар жаҳон миқёсида мавжуд бўлиб, «Рим клуби», ЮНЕСКОнинг «Иянсон ва биосфера» дастурларини ижодий ўзлаштириш;

– давлатлараро экологик муносабатларни муқобиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқаришни экологик талаблар асосида лойиҳалаштириш, қуриш ва қувватларни жойлаштириш, «экологик ишлаб чиқариш кучларини», инвестицияни, инфраструктуранинг экспертизадан ўтказиш учун Халқаро экологик инспекциясини ташкил қилиш;

– халқаро экологик иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тадбирларни дастурлаштириш ва амалга жорий қилишдаги келишувларни ўз вақтида сифатли бажаришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, давлатлар экологик масъулият ва мажбуриятларини, маъмурий-ҳуқуқий органлари иштини мувофиқлаштирувчи Халқаро экологик трибунални тузиш;

– давлатлараро дастурларни, глобал экологик муаммоларни иқтисодий-моддий, техник-технологик, интеллектуал жиҳатдан таъминлаш мақсадида марказлашган Халқаро экологик фонд тузиб, дунё миқёсидаги турдош фондлар билан муносабатларни ўрнатиш;

– халқаро экологик маълумотларни марказлаштириш, тартиб-

лаштириш ва таҳлил қилиш, ахборотлар репрезен-тативлигини таъминлаш ҳамда уларни айирбошланишини тезкор бажарувчи Халқаро экологик информациялар банкни ташкил қилиш;

– минтақадаги экологик мониторингни кучайтириш, унинг самарадорлигини ошириш учун замонавий асбоб-ускуналар, ЭҲМ, компьютерлар билан таъминлашдан ташқари, Халқаро экологик космик назорат тизимига киритиш керак бўлади.

Бундай умумбашарий вазифаларни бажариш Ўзбекистоннинг ўз йўли билан бозор иқтисодига ўтиши, ҳуқуқий-адотлатли, демократик жамият қуриш манфаатларини, мақсадларини экологик таъминлашдан ташқари, умуминсоният микёсида, тарихий цивилизацияни сақлаб қолишга қўшадиган ҳиссаси ҳамдир. Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожланиш тамойиллари, Президент Ислам Каримов юритаётган ички ва ташқи сиёсатни халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, уни мамлакатимизда амалга оширилишининг ишончли кафолатидир.

Жаҳон ҳамжамияти XX асрнинг охириги йилларида сайёрамизда фан-техника ва ишлаб чиқариш ривожланиши билан боғлиқ техноген ва атропоген (атропия – бузилишга мойил) омилларнинг Ер юзидаги фауна ва флорага, ҳушлас, биосферага салбий таъсир кўрсатиши оқибатида экологик вазият жиддий хавф остида қолганлигини равшан англаб ета бошлади.

1991 йил 1 сентябрида Мустақилликка эришган Ўзбекистон ҳукумати ва унинг раҳбари – Президент Ислам Каримов яқин ўтмиш сарқити бўлган экологик инқирозни бартараф эгиш учун курашда шошилиш ва жиддий тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишда жонбозлик кўрсатди. Табиий атроф муҳитни, халқ соғлиғи ва фаровонлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинган қатор қонун ва фармонлар экологик тадбирлар ҳуқуқий асосини ташкил этди.

Бу қонун ва фармонларда атроф муҳитни соғломлаштириш фақат Ўзбекистон билан чекланмай, Марказий Осиё минтақаси ва жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар манфаатларини эътиборга олишни талаб қилувчи мураккаб жараён эканлиги эътиборга олинган. Худди шу мураккаблик сабабли, минтақамиз давлатлари ҳамда яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар экологик сиёсатини координация ва интеграция қилиш зарурати туғилган эди.

Рио де-Жанейро Декларациясида (1992) давлатлараро эколо-

гик муносабатлар асосий тамойиллари белгилаб берилган. Декларацияда жаҳоннинг турли минтақаларидаги давлатлар иктисод, сиёсат, экология ва маданият соҳаларида ҳамкорлик қилишлари ҳамда бир-бирларига ўзаро ёрдам беришлари зарурлиги айтилган¹.

Мазкур китобдаги муаммолар таҳлили шунини кўрсатадики, Марказий Осиё мамлакатларида амалга оширилаётган экологик сиёсат интеграцияси тамойиллари Рио де-Жанейро конференциясида қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқ келиб, минтақадаги ва жаҳондаги барча халқлар ҳаётий манфаатларига жавоб беради.

Тадқиқотимиздаги экологик сиёсат интеграцияси умуминсоний кадрият сифатида қуйидаги мазмун ва моҳиятларни акс эттирди:

- экологик сиёсат интеграцияси давлатлараро муносабатларнинг барча соҳаларига тааллуқли кенг қамровли яхлит тизимдир;
- экологик фалокатлар бутун инсониятга таҳдид солаётгани учун умуминсоний, глобал муаммоларни келтириб чиқаради;
- глобал муаммоларни ҳал этиш ҳар бир мамлакатда демократик шарт-шароитлар бўлишини талаб қилади;
- глобал экологик муаммоларни, фақат сиёсий, иктисодий, маънавий воситалар комплекси билан ҳал этиш мумкин;
- экологик сиёсатни тор, миллий, меркантил ва утилитар (ҳар ким вақтинча ўз фойдасини ўйлайдиган тарзда) ривожлантириш мумкин эмас.

Китобда тадқиқ этилган масалаларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили экологик хавфсизликни таъминлаш учун қуйидаги муҳим муаммоларни ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда:

1. Мамлакат ва минтақада экологик вазиятнинг аҳволи ҳақида объектив ахборотларни олиш, статистик-социологик маълумотларни умумлаштириш марказини тузиш учун техникавий имкониятларни вужудга келтириш ва бу соҳада халқаро маълумотлар банкини ташкил қилиш.

2. Бутун дунё ҳамжамияти томонидан экологик фалокатлар олдини олиш зарурлигини чуқур англаб етиш ва шулар учун келгуси авлодлар олдидаги, умуминсоний цивилизация олдидаги масъулиятни ҳис этиш.

3. Умуминсоний маънавият талабларига ва халқаро муноса-

¹Рио-де-Жанейрская Декларация по окружающей среде и развитию. <http://www.un.org/russia/document/ deklarati/riodecl.yun>

батлар тамойилларига мувофиқ экологик идеалларни шакллантириш.

4. Миллий, минтақавий ва халқаро миқёсларда экологик фаолиятни ташкил этиш, бошқариш ва мониторинг (хабардорлик) соҳасида алоқалар ўрнатиш.

5. Минтақада табиий атроф муҳит муҳофазаси бўйича ҳар томонлама, комплекс, мақсадга йўналтирилган халқаро чоратадбирларни амалга ошириш учун сиёсий ва ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш.

Китобда келтирилган фактлардан кўринадики, экологик сиёсатда айрим давлатларнинг утилитар иқтисодий манфаатларини мутлақлаштириши умумминтақа учун жуда катта моддий зарарлар келтиради, шунингдек, табиат ресурслари исрофгарчилиги минтақада сиёсий вазият барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Умуман, Марказий Осиё мамлакатлари экологик сиёсати интеграциялашуви ривожланиш тенденциялари қуйидаги жараёнларда намоён бўлади:

– ҳар бир мамлакатда экологик вазият бузилаётганини англаб етиш, айрим локал экологик манфаатларни аввал бир давлат, сўнг минтақа манфаатлари билан мувофиқлаштиришни тақозо қилади.

– ҳозирги ижтимоий тараққиёт жараёнида экологик сиёсат интеграцияси глобаллашув тенденциясига эгадир.

– экологик сиёсат интеграцияси ва глобаллашуви бутун дунё мамлакатлари манфаатини яқинлаштиришга ҳаётбахш замин тайёрлайди.

Экологик сиёсат интеграциясини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, экологик сиёсатнинг байналмиллашув (интернационаллашув) жараёни объектив қонуният бўлиб, у ҳудудий жиҳатдан кенгайиб боради. Шунингдек, экологик сиёсат байналмиллашуви суръатлари ва миқёслари халқаро коммуникациялар, инфратузилмалар ва интеллектуал салоҳият ривожланиши ҳисобига ўсиб боради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги илмий-назарий ҳулосаларга келиш мумкин. Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсати интеграциясининг *объектив асослари* қуйидагилардир:

- 1) табиий-иклим, жуғрофий шароитларнинг умумийлиги;
- 2) минтақада яшовчи халқлар экологик эҳтиёжлари ва манфаатларининг умумийлиги;

3) минтақа бўйича экологик вазият кескинлашуви;

4) минтақада экологик сиёсат интеграцияси учун етарли ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар мавжудлиги.

Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсати интеграциясининг *субъектив омиллари*, бизнингча, қуйидагилардир:

1) минтақа халқлари тарихий менталитетидаги нисбий яқинлик, ўхшашликлар;

2) минтақа аҳолисининг экологик саводлилиги ва тарбиясидаги мақсадлар умумийлиги;

3) экологик сиёсат интеграциясидан минтақадаги барча халқлар манфаатдорлиги;

4) экологик сиёсат интеграцияси гуманистик-инсонпарварлик руҳини тушуниш.

Бизнингча, Марказий Осиё минтақасида халқаро экологик сиёсат интеграцияси ривожланиш жараёнларини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин. **Биринчи босқич** – глобал миқёсдаги экологик инкироз оқибатларини тушуниб, англаб етиш ва МДХ давлатлари миллий экологик сиёсатларини ўзаро мувофиқлаштириш **иккинчи босқич** – биринчи босқичда эришилган натижалар негизида халқаро экологик муносабатларни шакллантириш, **учинчи босқич** – экологик сиёсат интеграцияси жараёнида минтақа давлатлари ўз миллий манфаатлари ва ҳуқуқларини фақат мавжуд сиёсий институтлар, ташкилотлар билангина эмас, балки шу мамлакатлар истак-иродасини амалга оширувчи янги халқаро жамоалар, нодавлат ташкилотлар орқали ҳам ҳимоя қилиш имконига эга бўлиш босқичларидир.

Шунингдек, яна бир илмий-назарий қонда аниқланадики, бунга кўра, турли давлатларнинг халқаро муносабатлари интеграциясида эко-сиёсат интеграцияси масалаларини ҳал қилиш устувор йўналишга айлангандагина бу соҳада муваффақиятларни қўлга киритиш мумкин. Зеро, тарихий тажрибалар таҳлиллари шуни кўрсатадики, бир томондан, Марказий Осиё минтақасидаги ҳар бир мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришда экологик омиллардан самарали фойдаланиши учун халқаро экологик муносабатларда бозор иқтисоди механизмида умумдемократик тамойилларни чуқурлаштириши ва ҳуқуқий давлатни шакллантириши муҳим аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, эко-сиёсатни интеграциялаш механизми элементлари орасида табиатни асраш соҳасидаги

ахлокий, сиёсий ва ҳуқуқий механизмлар ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Чунки ҳар бир мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида экологик фаолиятни сиёсий ва ҳуқуқий механизмлар (меъёрий ҳужжатлар) ёрдамида фаол регуляция қилиш зарурати мавжуд.

Юқоридаги муаммолар таҳлилидан қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келиш мумкин: **Биринчидан**, эко-сиёсат интеграциясида атроф муҳит муҳофазасининг иқтисодий базиси ҳал қилувчи омиллардан биридир. **Иккинчидан**, эко-сиёсат интеграцияси институционал асослари ташкилий-иқтисодий структураси ҳозирча шаклланиш босқичида бўлиб, интеграцияланувчи мамлакатлар шу масалага катта эътибор беришлари талаб қилинади. **Учинчидан**, эко-сиёсат интеграцияси жараёнини бошқариш Марказий Осиё мамлакатлари давлатчилиги ривожланганлик даражаси ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ислоҳ қилишга қобиллиги, лаёқатининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. **Тўртинчидан**, экологик сиёсат интеграцияси жараёни қандай бораётганлигини аниқлашда миллий ва халқаро мониторинг ҳамда жамоатчилик фикри, уни бошқаришга фаол таъсир қилади. **Бешинчидан**, экологик фаолият интеграцияси объектив жараён сифатида ўз-ўзини регуляция қилиш хусусиятига эга бўлиб, муайян босқичларда уни янада самарадор қилиш имкониятларини вужудга келтиради.

Мазкур монографик тадқиқотимизда эко-сиёсат интеграцияси назарий-методолик муаммолари таҳлилида халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимидаги давлат ва жамоатчилик институтлари экологик фаолиятни интеграцияси мақсади, вазифалари, тенденциялари ва истикболни эътиборга олган ҳолда фаннинг бу соҳасидаги муайян бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилиб, қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Марказий Осиё давлатлари эко-сиёсати интеграцияси, улар халқаро ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ривожланишининг муҳим омилларидан бири бўлиб, минтақада яшаётган халқлар сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳамкорлигини такомиллаштиришни, минтақа халқлари экологик маданиятини бойитишни тақозо қилади.

2. Иқтисодий сиёсат ва экологик инфратузилмаларни интеграциялаш Марказий Осиё давлатлари ҳаётини фаол фаолият шароитларини ўзаро яқинлаштиришга хизмат қилади. Зотан, табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик бу давлатлар умум-

мий ижтимоий тараққийнинг муҳим стратегик йўналишларидан биридир.

3. Табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш сиёсатининг асосий йўналишлари, Марказий Осиё экологик хавфсизлиги умумдемократик тамойилларини ривожлантиришга миллий ва умуминсоний манфаатларини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

4. Марказий Осиё давлатлари «эко-сиёсат» интеграцияси Ер қуррасида тинчлик, осойишталикни таъминлаш, гео-табиий фалокатлар олдини олиш, ижтимоий-маънавий кадриятларни асраш манфаатларига мос келади.

5. Эко-сиёсат интеграцияси Марказий Осиёдаги давлатлараро ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг асосий шакли бўлиб, ҳар бир мамлакат ташкилий-ҳуқуқий меъёрлари асосида икки томонлама ва ҳар томонлама экологик ҳамкорликда ихтиёрийлик тамойилларига асосланади.

Марказий Осиё давлатлари экологик фаолияти интеграциясини оқилона, самарали бошқариш ва таъсирчан назоратини (мониторингини) ташкил этиш бўйича қуйидагича илмий-амалий тавсиялар бериш мумкин:

1. Марказий Осиё давлатларининг табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсий фаолияти ва минтақада экологик вазият ҳақидаги халқаро маълумотлар Банкени ташкил этиш.

2. Халқаро ҳуқуқий шартномалар асосида минтақадаги экологик муаммоларни ҳал этишга комплекс – тизимли ёндашув дастурини ишлаб чиқиш.

3. Давлатлараро ва миллатлараро муносабатлар тизимида экологик сиёсат устуворлигини таъминлаш.

4. Минтақадаги асосий экологик муаммоларни аниқлаш ва бу муаммоларни ҳам этиш учун техник, технологик, иқтисодий ва интеллектуал ресурслар концентрациясини таъминлаш.

5. Минтақада табиатдан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий меъёрларини мустаҳкамлаш ва табиий атроф муҳит муҳофазаси бўйича халқаро Конвенция қонун-қоидаларини фаол жорий қилиш.

6. Марказий Осиё давлатлари эко-сиёсатининг ташкилий-институционал тузилмаларини такомиллаштириш ва экология соҳасида парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш.

7. Эко-сиёсат интеграциясининг илмий-назарий муаммоларини ҳар томонлама ўрганишни яхши йўлга қўйиш.

8. Жамоатчилик фикрини экологик муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилишнинг таъсирчан воситалари ва усулларини ривожлантириш.

Ўзбекистонда қарор топган миллий мустақиллик мафкураси: жамиятимиз ҳаётида ошкоралик ва демократизмни чуқурлаштиришга, дунё халқларининг табиий атроф муҳофазаси манфаатларини, ҳозирги ва келгуси авлодлар эҳтиёжларига мос экологик сиёсатни интеграциялаштиришни янада кенгайтиришга қаратилган янги инсонпарварлик руҳидаги халқаро экологик муносабатларни шакллантириш ва ривожлантиришга мустаҳкам замин тайёрлайди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ	12
1. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида экологик барқарор тараққиётнинг ўрни	12
2. Экологик барқарор тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмунни	24
3. Экологик барқарор тараққиётнинг ижтимоий-тарихий генезиси ҳамда уларни туркумлаштириш тамойиллари	36
2-БОБ. ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ДЕТЕРМИНАНТЛАШТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ҲАМДА МЕХАНИЗМЛАР ТИЗИМИ	52
1. Жамият моддий-техник эҳтиёжлари, манфаатлари мажмуасининг экологик хавфсизликни таъминлашдаги роли	52
2. Экологик барқарор тараққиётнинг моддий-техник воситалари ва интеллектуал асослари	66
3. Экологик фаолиятни конструктив-рационал ташкил қилиш ва истикболлини моделлаштириш хусусиятлари	75
4. Ижтимоий-сиёсий барқарор тараққиёт ва табиатни муҳофаза қилишнинг амалий масалалари	89
3-БОБ. ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АКСИОЛОГИК, ҲУҚУҚИЙ, СИЁСИЙ, МАФКУРАВИЙ ОМИЛЛАРИ ВА ПЕДОГОГИК-ДИДАКТИК УСУЛЛАРИ	105
1. Экологик барқарор тараққиётни таъминлашда ахлоқий қадриятларнинг роли	105
2. Ҳуқуқий онгнинг экологик барқарор тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти	117
3. Экологик сиёсат соҳасидаги барқарорликнинг ўзига хос хусуси- ятлари	127
4. Диний дунёқарашнинг экологик барқарор тараққиётни таъмин- лашдаги ўрни	139
5. Экологик барқарорликни таъминлашнинг педагогик-дидактик усуллари	147

4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ЭКОЛОГИК СИЁСАТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ	163
1. Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсатини интеграциялаштиришнинг тарихий генезиси ва объектив зарурати	165
2. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида жаҳон экологик сиёсати хусусиятлари ва асосий йўналишлари	172
3. Халқаро муносабатлар тизимида миллий экологик сиёсатнинг интеграциялашиш тамойиллари	176
4. Марказий Осиё давлатлари экологик манфаатларини уйғунлаштириш йўллари ва асосий йўналишлари	184
5-БОБ. МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИК СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	192
1. Экологик сиёсатда интеграция жараёнларининг объектив асослари ва субъектив омиллари	193
2. Экологик сиёсат соҳасида миллатлараро муносабатларни интеграциялаштиришнинг умуминсоний моҳияти	202
3. Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги мустаҳкамланишида экологик сиёсат интеграциясининг роли	206
4. Марказий Осиё давлатлари экологик ҳамкорлиги асосларини мустаҳкамлаш	206
5. Марказий Осиё давлатлари экологик сиёсат интеграцияси ижтимоий-иқтисодий мотивлари ва ҳаркатлантирувчи механизмлари	215
6. Марказий Осиё давлатларида экологик сиёсий муносабатлар истиқболлини моделлаштириш масалалари	225
ХУЛОСА	232

С.Мамашокиров, Э.Усмонов

**БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭКОЛОГИК
ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ**

- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: Б.Абдулхайров

Мухаррир: М.Содиқова

Техник муҳаррир:

Нашриёт раками 3-020 Теринга берилди 05.11.2009.
Босишга рухсат этилди. 31.12.2009. Қоғоз бичими 60x84 1/16
Ҳасоб-нашр. т. 14,7. Шартли-босма т. 14,7. Тиражи 500 та.
Буюртма № 4. Келишилган нарҳда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9.

ЎзР ФА Асосий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди:
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси. 13.